

# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал



**Жамоатчилик  
кенгаши:**

Сирожиддин САЙИД  
Наим КАРИМОВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Эркин АЪЗАМОВ  
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ  
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД  
Абдурахим МАННОНОВ  
Шухрат РИЗАЕВ  
Лазиз ТАНГРИЕВ  
Алишер ҚОДИРОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ  
Муҳиддин ОМОН

**МУАССИСЛАР:**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

**Бош муҳаррир**  
Аҳмадҷон  
МЕЛИБОЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Шаҳноза НАЗАРОВА  
Алишер ОТАБОЕВ  
Даврон РАЖАБОВ  
Зилола ЖАЛОЛОВА  
Жамила АСҚАРОВА  
Мафтуна  
МУҲАММАДАМИНОВА

## МУНДАРИЖА

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

А. НАВОИЙ. Унутмоғилки то ҳажр этти... (А.Аъзам шарҳи.).....	3
--	---

### НАСР

Ф. ДОСТОЕВСКИЙ. Ака-ука Карамазовлар. Роман. (Рус тилидан И.Фафуров тарж.).....	7
Х. ДҶУСТМУҲАММАД, WO AI NI. Сохилдаги нашъу намо. Ҳикоялар.....	79
Н. ЛЕДИНСКИЙ. Сарҳадлар туташганда. Қиссадан парчалар. (Рус тилидан С. Усмонов тарж.).....	144
Л. ФЕЙХТВАНГЕР. Доктор Б. кашфиёти. Ҳикоя. (Рус тилидан Ё. Иноғомов тарж.).....	170
К. С. ДУГГАЛ. Ой ва кудук. Ҳикоя. (Рус тилидан Н. Жўраева тарж.).....	177

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

XX аср Миср араб шеъриятдан. (Рус тилидан М. Аъзам тарж.).....	67
Ҳ. ҲАЙНЕ. Шеърлар. (Рус тилидан М. Али тарж.).....	129

### МУҲАРРИР МИНБАРИ

А. МЕЛИБОЕВ. Сўз билан дунё сари.....	73
---------------------------------------	----

### ДРАМА

У. ТЕННЕСИ. “Орзу” трамвайи. (Рус тилидан А. Файзулла тарж.).....	88
---	----

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Г. ГАЧЕВ. Оқ булут ҳақида қисса. (Рус тилидан С. Умиров тарж.).....	135
М. СУЛАЙМОНОВ. Ҳофиз Хоразмий ижодининг Туркияда ўрганилиши.....	182
Ж. АСҚАРОВА. Эртақчилик анъаналари.....	187

### САНЪАТДАГИ СИЙМОЛАР

Н. ҚОСИМОВА. Кинематографияда янги тўлқин.....	194
Жаҳон хандаси. (Тупловчи М. Аҳмедов).....	197
Муковамизда.....	200
Комус.....	203
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.....	206

# NAVOIY SAHOQLARI



**АЛИШЕР НАВОИЙ**

(1441–1501)

**БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИГА ҚАЙТИБ<sup>1</sup>**

Абдулла АЪЗАМ  
шарҳи

## УНУТМОҒИЛКИ ТО ҲАЖР ЭТТИ...

*Унутмоғилки то ҳажр этти бедод,  
Мени бир нома бирла қилмадинг ёд.*

*Кўнгул ёд этмасингдин бўлса гамгин,  
Вале руҳум эрур ёдинг била шод.*

*Бузуғ жисмим уйин йиқти фироқинг,  
Бу уйда кўп бузуғлуг қилди бунёд.*

*Қул ўлди сарв то гулгаит этарга  
Қадинг базми тарабдин кўпти озод.*

*Мени гаҳ дашту гаҳ тоғ узра кўрган  
Тирилмиш согинур Мажнуну Фарҳод.*

*Кўнгулни май била маъмур қилким,  
Хумори давр они қўймас обод.*

*Навоий телба бўлган чоғда кўрди,  
Парий бирла ани согинди ҳамзод.*

**(“Ғаройиб ус-сизар”, 126-ғазал)**

Аруз вазнидаги шеърни ўқиш учун биринчи навбатда ўқувчи арузнинг қайси вазнида битилганини аниқлаш лозим. Бу аруз илми асосларини ўрганишни талаб этади.

<sup>1</sup> Журналимизнинг май ойи сонида “Навоий сабоқлари”рукнида “Унутмоғилки то ҳажр этти бедод” матлаи билан ғазал эълон қилинган эди. Эътиборингизга мазкур ғазалнинг академик Абдулла Аъзам томонидан таклиф қилинган ўзгача бир шарҳини ҳавола қиламиз.

Навоийнинг бу ғазали арузнинг энг кенг тарқалган ва нисбатан осон вазнларидан бири – ҳазаж баҳрининг мусаддаси маҳзуф шохобчасида ёзилган: мафобийлун мафобийлун фаъувлун, схемаси:

V — — — | V — — — | V — —

“Хамса” мажмуалари таркибидаги Фарҳод ва Ширин мавзусидаги достонлар шу вазндадир.

Арузий шеърда тuroк бўлмайди, мисралар рукнлаб ўқилади. Бунда бир рукндан кетидан иккинчи рукнга ўтилганда пауза қилинмайди. Арузнинг бу хусусияти ҳижоларнинг чўзиқ-қисқалиги билан бирга ўзига хос оҳанг ҳосил қилади – у аруз замзамаси деб аталган.

Кўшиқ тўғрисида “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” деганларидек, устоздан аруз замзамасини ўрганмаган киши ё бармоқ вазнига солиб ўқийди – бунинг натижасида ғазал декламацияси умуман шеърга ўхшамай қолади, ёки “ҳар мақомга йўрғалашга” мажбур бўлади – биз бугун радио ва телевидениеда ғазал ўқиганда шунга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Арузий шеър вазнида тuroк бўлмагани сингари мисраларда бўғинлар сони ҳам бир хил бўлиши шарт эмас, ҳижолар сони бир бўлади. Арузни аруз қилувчи (ҳам вазнда, ҳам талаффузда) омил бу – ўта чўзиқ ҳижо тушунчасидир. Вазн ҳисобида бир ўта чўзиқ ҳижо битта чўзиқ ва битта қисқа ҳижога тенг (худди шу тартибда). Бунда қисқа ҳижо атиги бир ундош ҳарфдан иборат бўлади! Талаффузда эса биринчи чўзиқ ҳижоси имкон қадар чўзиб, қисқа ҳижоси эса ниҳоятда қисқа ўқилади. Шундай қилиб ўта чўзиқ ҳижоларни тўғри талаффуз қила олиш аруз замзамасида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Равшанки, вазн парадигмаси ва схемасида ўта чўзиқ ҳижоларнинг ана шу хусусияти акс этмайди. Шундан келиб чиқиб, Навоий (ва бошқа мумтоз шоирлар) шеърларида вазннинг мукамаллигини (идеаллигини деса ҳам тўғри бўлади) кўрсатиш ҳамда ўқишни имкон қадар замзамага яқинлаштириш мақсадида “Аруз” рисоласида махсус белгилар тизими ишлаб чиқилиб, Навоий ва Бобур ғазалларидан намуналарга қўлланган эди<sup>1</sup>. Қуйида мазкур ғазал вазни ана шу тизим асосида келтирилди

*Унутмоғил'ки то ҳаж-р\_эт'ти бедод,  
Мени бир но'ма бирла қил'мадинг ёд.*

*Кў-негул ё-д\_эт'масингдин бўл'са замгин,  
Вале руҳум ' эрур ёдинг 'била шод.*

*Бузуғ жисмим'уйин йиқти'фироқинг,  
Бу уйда кўп' бузуғлуг қил'ди бунёд.*

*Қу-л\_ўлди сār'вто гулгаиш'т\_э-тарга  
Қадинг базми 'тарабдин қўп'ти озод.*

*Мени гаҳ даиш'ту гаҳ тб-э\_уз'ра кўрган  
Тирилмиш со'гинур Мажнў'ну Фарҳод.*

<sup>1</sup> Аруз. А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, ...; Навоий ғазаларида ҳазил-мутойиба. 1-нашри: “Yangiyo'lpoligrafservis”, 2004, тўлдирилган 2-нашри: Ф.Фуллом номидаги НМИУ, 2017.; “Бобур. Девон. Назм маҳорати”, “Тафаккур” нашриёти, 2014.

*Кў-нгулни май'била маъму'р қилким,  
Хумори давр'они қўй'ма-с\_обод.*

*Навоий тел'ба бўлган чоғ'да кўрди,  
Парий бирла 'ани согин'ди ҳамзод.*

## Изоҳлар

қисқа ҳижолар курсив билан ажратилган;  
рукнлар 'белгиси билан ажратилган;  
ўта чўзиқ ҳижонинг чўзиқ қисми қисқа ҳижосидан - (дефис) билан ажратилган;

остки чизик белгиси \_ васла деб аталувчи аруз қоидасини кўрсатади, бунда олдинги ҳижонинг охирида ундош унли билан бошланган кейинги ҳижога қўшиб ўқилади;

устига чизикча қўйилган унлилар анча чўзиб ўқилиши лозим.

Ғазалда кўплаб ўта чўзиқ ҳижоли сўзлар бор. Жумладан қофиядош сўзларнинг барчаси ўта чўзиқ, аммо аруз қоидасига кўра мисра охирида ҳамма ҳижо бир чўзиқ ҳижога тенг.

“Сарв” сўзи ва “маъмур” сўзининг иккинчи бўғини ўта чўзиқ ҳижо бўлгани учун, тегишли мисралар бошқа мисралардан бир бўғинга кам.

Ҳажр, (гул)гашт, дашт сўзлари ҳам ўта чўзиқ ҳижолар, аммо васла ва “-и” қўшимчаси туфайли оддий чўзиқ ҳижога айланган.

Бугун “кўнгул” сўзини кўн-гил тарзида ўқиш одатга айланган. Навоий, Бобур, Огаҳий каби аруз пирларининг шеърларида ҳамиша кў-нгул тарзида келади.

Тоғ сўзи туркий бўлгани учун вазнга қараб оддий чўзиқ ҳижо тарзида ҳам, ўта чўзиқ ҳижо тарзида ҳам ўқилиши мумкин. Бу ерда замзама тақозоси билан иккинчи вариантга тўхтадик. Шунингдек, айрим нашрларда 6-байт

Хумори давр ани қўймас обод,

тарзида берилади, аммо бунда вазнга тушмайди. Бир сўз 6-байтида “они”, 7-байтда эса “ани” деб ёзилиши ва биринчи ўринда — —, иккинчи ўринда V — колипида ўқилиши туркий аруз хусусиятидир.

\* \* \*

Аруз шунчаки вазн тизими эмас, айти пайтда сўз санъати ҳамдир. Токи байтларнинг аксарида камида битта бу санъат унсури бўлмаса, вазни билан қофияси бўлса ҳам шеър эмас, тизма, холос. Айниқса, Навоий ғазаллари сўз санъатига бойлиги билан ажралиб туриши яхши маълум. Чунончи,

1-байт. “Сен бедод этдинг” дейиш ўрнига айбни ҳажрга тўнкалиши — киноя ва ташхис. Мени (мани), нома, қилмадинг сўзларида ма- (ме-) уч марта такрорланиши ҳам санъат (тавзий).



2-байт. Кўнгул – ғамгин, рух – шод жуфтликлариди бир неча сўз санъати мужассам. 1-мисрадаги “ёд” билан байт охиридаги “шод” сўзи сажъ ҳосил қилган.

3-байт. “Бузуғ” ва “уй” сўзларининг ўрин алмашиб келиши – тарду акс санъати, “йикди” билан “қилди бунёд” – тазод санъати, “бузуғлиғ қилди бунёд” – ўзига хос санъатли навоиёна ибора (тазод билан ифодаланган киноя).

4-байт. “Қул” ва “озод” – ҳам тазод, ҳам радду-л-ажуз ала-с-садр санъатининг омухтаси. Бу байтда навоиёна яна бир мураккаб санъат бор: сарв гул сайрини деб қул бўлади – боғда бир жойда ўсади. Сенинг сарвдай қоматинг эса (мағрурликдан) тараб базмини ташлаб кетди.

5-байт. Бу байтни тушуниш учун Мажнун ва Фарҳод кимлигини билиш лозимки, бу талмиҳ санъати дейилади. Биринчи мисрадаги дашт билан тоғ сўзларининг иккинчи мисрадаги Мажнун билан Фарҳодга мос келиши – жамъ санъати.

6-байт. Бу байт маъмур (арабча) ва обод (форсча) синоним сўзлар асосига қурилган. Мазмунан – ҳасби ҳол, шунинг учун талқини мураккаб: Навоий “хумори давр” деганда нимани назарда тутаётгани яширин қолган. П.Шамсиев ва С.Иброҳимов луғатида бу сўзнинг тўртта, Х.Баранов луғатида 13 та, Н.Иброҳимов луғатида 17 та (!) маъноси берилган. Байт мазмунига замон (замона), фалак (чарх) ва тутқанок (“Ан-Наъим” луғатига кўра бирор иллатнинг қаттиқ тутиб қолиши, хуружи) маънолари тушади. Шу билан бирга бошқа маънолари билан ҳам талқин этилиши истисно эмас – Навоий араб тилини Замахшарий даражасида эгаллаган. Хуллас, бу байтга сўз санъатининг гултожи бўлган ийҳом хос. Уни ғазалнинг шохбайти дейиш мумкин.

7-байт. Юмор (мутойиба), киноя ва ташбиҳ санъатлари қоришиқ байт. Унда Навоий каломи – ҳеч ким билан чалкаштириб бўлмайдиган, сўзлар сиқик, маънода эса тубсиз услуб мужассам: халқ ривоятига кўра, парилар телбанинг кўзига кўринади ёки парини кўрган телбаланиб қолади: “Навоий маъшуқасини кўриб, уни парийлар билан зоти бир деб ўйлади, телба бўлмаса, шундай қилармиди?” (Валлоҳу аълам).







## ФЕДОР ДОСТОЕВСКИЙ

(1821–1881)

### АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР

Тўрт қисмли, эпилогли роман

*Рус тилидан  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
таржимаси*

*Анна Григорьевна  
Достоевскаяга бағишланади<sup>1</sup>*

*Рост, рост айтаман сизга:  
магарким бугдой донаси ерга тушиб,  
ўлмаса, бир ўзи қолажак; агар  
ўлса, унда кўп ҳосил беражак.  
(Юҳанно Инжили, XII боб, 24-сатр)*

#### Муаллифдан

Менинг қахрамоним Алексей Федорович Карамазовнинг ҳаёт дафтари очарканман, биров хайрон бўлиб турибман. Яъники, гарчи мен Алексей Федоровични қахрамоним деб айтаётган бўлсам-да, бироқ ўзим биламанки, у онқадар улуғ одам эмас, шунинг учун мана бунга ўхшаган

“Ака-ука Карамазовлар” Ф.М.Достоевскийнинг охириги романи. Уни ҳаётининг сўнги 1878–1880 йилларида ёзган. Роман шу йиллар ичида “Русский вестник” журналида (Катков нашри) кетма-кет босилиб турди. Адиб романда ўз замонаси воқелигини акс эттирди. Ёшлар, болалар тақдирларига алоҳида эътибор қаратди. Роман воқелиги марказига, ўз таъбири билан айтганда, галати, гаройиб, қизиқ ёш йигит Алеша образини олиб чиқди. Аммо қизиқлик фақат Алешага эмас, унинг туғишган огайнилари Дмитрий, Иван ва романнинг бошқа гаройиб характерли ёш қахрамонларига ҳам хос. Адиб булар тимсолида замонасида бутун Россия, умумрус халқини қийнаган, ўйлатган, фикрлатган, тинимсиз оғир, оғриқли баҳслар олиб боришга мажбур этган масалаларни қўйди, уларга асар қахрамонлари билан бирга ечим қидирди: дин, черков, давлат, одамдаги динлар, диндаги одамлар, муҳаббат ва ахлоқ, уйғунлик ва поёнсиз ақлий, ҳиссий, маънавий, миллий характер менталитети ва шаклланиши низолари,

<sup>1</sup> Анна Григорьевна Достоевская (қизлик фамилияси Сниткина – 1846–1918). 1867 йилдан Достоевскийнинг турмуш ўртоғи. Ёзувчи ҳақида хотиралар ёзган (изоҳлар таржимонники).

муқаррар саволлар туғилишини сезяпман: Алексей Федоровични қахрамон қилиб олган бўлсангиз, у нимаси билан ажойиб? Нима ишлар қилиб кимга танилган? Нимани қойил қилган? Мен китобхон сифатида нега энди унинг умри саҳифаларини ўрганишга вақт сарфлашим керак?

Ана шу охири савол ҳаммасидан кўра қийинроқ, зеро унга фақатгина шундай жавоб беришим мумкин: балки, ўзингиз романни ўқигандан кейин кўриб билиб оларсиз! Мабодо романни ўқигач, кўрмасалар-чи, менинг Алексей Федоровичимнинг ажойиблигига ишонгилари келмаса-чи? Буни шундоққина олдиндан кўриб турганлигим учун айтяпман. Менга қолса, у ажойиб, аммо бунга китобхонни ишонтириб улгурармикинман, ана шундан қаттиқ шубҳадаман. Гап шундаки, у ўзи бир арбоб, лекин ҳали суяги қотмаган, шаклланмаган арбоб. Дарвоқе, бизнинг замонамизга ўхшаган вақтда одамлардан равшанликни талаб қилиш ғалати бўлиб кўринади. Афтидан, фақат бир нарса шубҳадан батамом холи: у ғалати, ҳатто қизиқ одам. Аммо ғалатилик ва қизиқликлар диққат-эйтиборни тортиш ўрнига зарар келтириши ҳам ажаб эмас, айниқса, у ҳамма бўлақларни жамлаб, барча бемаъниликлар ичидан қандай бўлмасин, лоақал зиғирча бир умумий маъни топишга уриниб ётган чоғларда, қизиқ одам эса кўпгина ҳолларда махсус ва алоҳида. Шундай эмасми?

Ана шунда, агар сиз ушбу охири фикрга қўшилмасангиз-да, “йўқ, ундаймас” ёки “ҳар доим ҳам шундаймас”, деб жавоб берсангиз, унда мен қахрамоним Алексей Федоровичнинг аҳамияти борасида кўнглимни тўқлаб бироз дадиллашсам ҳам эҳтимол. Зотан, нафақат қизиқ одам “ҳар доим ҳам” махсус ва алоҳида эмас, балки шундай ҳоллар бўладикки, айни худди мана шу одам айрим пайтларда ўзида бутунликнинг ўзагини олиб юради, у яшаган даврнинг бошқа кишилари эса – бари қандайдир шамоллар измида негадир вақтинча ундан узилишиб қолмишлар...

Яна бир чеккаси, мен бундай қизиқарли бўлмаган мубҳам тушунтиришларга кўп берилмай, сўзбошисиз ҳам шундоқ, тўғридан-тўғри бошлайверган бўлардим: ёкса барибир ўқиб кетаверадилар; лекин ишқал шундаки, ҳаёт дафтари менда битта, роман эса иккита. Асосий роман иккинчиси – бу қахрамонимнинг бизнинг давримиз, айнан шу кунлардаги умргузаронлиги. Биринчи роман бундан ўн уч йил муқаддам содир бўлган эди,

*охири кўринмайдиган даҳшатли низолар, зиддиятлар... “Иблислар”, “Телба”, “Жиноят ва жазо”, “Қиморбоз”, “Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар”, “Ўлик уйдан мактублар”, “Қундалиқлар” даги эҳтиросли, ҳаяжонли тортишув, низолар янги қудрат, даҳшат, ваҳшат, телбаворийлик билан охириги романга кўчиб ўтди. Бу ерда дунёқарашлари бир-бирларига тўғри келмайдиган одамлар бир-бирларини бўридай гажшишга тайёр, Россия ички музофотларида ҳар томондан ёвуз ириллаш овозлари кўрқувга солади. Карамазов отанинг ўлдирлиши воқеаси бу романнинг ўзига хос бадий тасвир оҳангини, ритмикасини авж нуқталарга олиб чиқади. “Карамазовчилик” фалсафаси уч ўғил ва отада тамомила шиддатли кескинлик касб этади. Адиб булар ҳаётий, инсоний фалсафасининг ўзига хосликларини юксак заргарона маҳорат ва бадий даҳоси қудрати билан шакллантиради. Достоевский хати мислсиз юксакликка кўтарилади. Россиянинг поёнсиз ўрмонлари ёнаётгандай ва у ёниш ҳеч қачон тўхтамайдигандай таассурот ўқувчини бутун асар давомида бир зум ҳам тарк этмайди.*

*Инсоннинг ўзини топиши, англаши шу қадар мушкул, оғир, оғриқ муаммо экан дунёда.*



уни ҳатто роман деб ҳам атаб бўлмас, у фақат қаҳрамоннинг илк ёшлик чоғларига доир бир ҳолатгина эди. Ушбу биринчи романни сира четлаб ўтолмайман, нега деганда, унда иккинчи романдаги кўп нарсалар тушунарсиз бўлиб қоларди. Лекин шу тахлитда дастлабки қийинчиликларим янада ортиб кетади: модомики мен мусанниф сифатида шундоқ камсукум ва суяги қотмаган қаҳрамон учун ёлғиз биттагина романнинг ўзини ҳам балки ортиқча, дея топарқанман, унда иккитасига бало борми дейишигиз табиий, ана энди мен томонимдан содир этилаётган бу катта зангликни нима деб тушунтириш мумкин?

Шу каби саволларни ечишга ожизман, уларни ҳал-пал қилиб ўтирмай ўтиб кетаверсаммикин дейман. Албатта, зукко китобхон мен бошиданок шунга имо-ишора қилаётганимни дарров англаб етган ва сўзларни бесамар сарфлаётганим ҳамда вақтни зое кетказаётганимдан ғаши келаётгандир. Бунга энди менинг аниқ жавобим тайёр: сўзларни нафсиз сарфлаётганим, қимматли вақтни бекор кеткизаётганим сабаби, биринчидан, одобикром юзасидан, иккинчидан, айёрликдан: ҳар қалай, нима бўлганда ҳам, олдиндан ниманидир огоҳлантириб қўйдим. Дарвоқе, мен ҳатто романним “моҳиятан ягона бир бутун ҳолда” ўз-ўзидан иккита ҳикояга ажралиб кетганига хурсандман: китобхон биринчи ривоят билан танишгач, иккинчисини ўқиш ё ўқимасликни ўзи ҳал қилади. Ҳеч кимни ҳеч нарсага боғлаб қўймаган; биринчи ҳикояни икки варақ ўқиб, китобни четга суриб қўйиш ҳам мумкин, кейин уни очиб ўтирмаса ҳам бўлаверади. Аммо шундай мулозаматли ўқувчилар ҳам борки, холис фикр ҳосил қилишда янглишмаслик учун китобни охиригача ўқиб қўйишни истайдилар; барча рус танқидчиларини шундай дейиш мумкин. Худди мана шундайлар олдида кўнглинг таскин топади: уларнинг саришталиклари ва сидкидилликларига қарамай, уларга романнинг биринчи воқеасидаги илк ҳикояниёқ ўқимай қўя қолишлари учун рўйирост баҳона топиб бераман, валлоҳ. Ниҳоят, мана сизга сўзбоши. Мутлақо қўшиламан, у бутунлай ортиқча, лекин энди ёзилиб бўлди, инчунин майли қолсин.

Энди ишга ўтайлик.

*Асар чиққач, алоҳида нашр бўлгач, орадан уч ой ўтиб адиб ҳаётдан кўз юмди. Бу пайт бутун Россия асарни мук тушиб ўқир, баҳслар сурони ҳаётга кўчарди. Адиб ўз асари Россияда зўр фикр долгаларини кўтараётганини кўрди. Сўнги нафаси шу шиддаткор талотум баҳслар ичида узилди.*

*Адибнинг ушбу фавқулодда бадиий синтез натижаси бўлган асари бутун дунё адабиётига тўла ҳамоҳангдир. Унда барча улуг овозлар, илоҳий битиклар акс-садо берадилар. Ундан кўп ўтмай дунёга Жойс, Кафка, Камю, Фолкнер, Хемингуэй, Нитше, Маркес, Айтматов келгани ва Достоевскийга оҳангсоз бўлгани бежиз эмас.*

*Мислсиз бадиият чўққилари ва тенгсиз таъсирчанлик асрори – ҳозирги замон ўқувчиси бу гўзаллик чўққилари ва инсон асрорларига огушта бўларкан, ўз ички руҳоний дунёларига, орзу-аъмолларига, интилишлари ва туйғуларига диққат билан назар солса, пировард мақсадларини қайта-қайта ўйлаб кўрса, ҳеч қачон фойдадан холи бўлмас эди.*

**Таржимондан**



## БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи китоб

# БИР ОИЛА ТАРИХИ

I

## ФЕДОР ПАВЛОВИЧ КАРАМАЗОВ

Алексей Федорович Карамазов вилоятимиздаги помещчик Федор Павлович Карамазовнинг учинчи ўғли эди, бу зот бундан роса ўн уч йил бурун рўй берган аянчли ва ғалати ўлими туфайли ўз вақтида (дарвоқе, ҳозирда ҳам бизда буни эслаб туришади) овоза бўлиб тилга тушганди, бу ҳақда яна жойи келганда айтиб ўтаман. Ҳозир тирноқ ичидаги бу “помещчик” тўғрисида (бизда уни шундай дейишса ҳам, ҳеч қачон ўз мулкида тузук-қурук муқим турмаганди) фақат шуларни маълум қилмоқчиман, у ғалати, бироқ ҳаётда тез-тез учраб турадиган нусхалардан, бузук, бемаза ва шу билан бирга бефаросат эди – лекин фаҳм-фаросатсиз бўлишига қарамай, ўзининг турли-туман кори бадлари, мол-мулкка дахлдор ишларини кифтини келтириб адо этиб юрар, фақат шуларни дўндирадди. Мисол учун бошида Федор Павловичнинг ҳеч вақоси йўқ эди, бор-йўғи кичкинагина помещчик эди, холос, бировларнинг дастурхонига шерик бўлар, кимсаларникида сиғинди бўлиб юрарди, буни қарангки, вафот этганда унинг ёнидан соф қоғоз пулга чакқанда росмана юз минг рубл чиқди. Шу билан бирга у барибир бизнинг вилоятимиздаги энг калтафаҳм телба-тескари одамлардан бири бўлиб, ундан ўтадигани йўқ эди. Яна бир карра такрорлайман: бу ерда гап аҳмоқликда эмас; мана шундай телба-тескари одамларнинг кўпчилиги ўзига етгунча ақли бало ва айёр, гап бунда баайни фаҳм-фаросатнинг йўқлигида ва боз устига қандайдир алоҳида миллийлигида.

У икки марта уйланган, учта ўғли бор эди: биринчи хотинидан тўнғичи Дмитрий Федорович туғилган, қолган иккиси Иван билан Алексей кейинги хотинидан эди. Федор Павловичнинг биринчи хотини Миусов деган номдор, анча бадавлат дворянлар хонадонига мансуб эди, улар ҳам вилоятимизнинг помещчикларидан бўлишади. Ахир қандай қилиб шундай бисот-бағалли, сепли ва боз устига чиройли, ундан ҳам орттириб айтадиган бўлсак, ақлли, тийрак қиз мана шундай бир арзимас, ҳамма “мияси айниган” деб атайдиган кимсага турмушга чиққанини миридан сиригача тушунтириб ўтиргим йўқ, ахир бундайлар ҳозирги авлодда ҳам, илгариги пайтларда ҳам бот-бот учраб турарди. Мен ўтмиш “масрур” авлодларидан шундай бир қизни ҳам билардим, у йиллар давомида бир жанобни сирли тарзда севиб юрди, унга ҳеч тўсиксиз бемалол турмушга ҳам чиқиши мумкин эди, бироқ охир-оқибат ўзига ўзи бир қанча ўтиб бўлмас тўсиқларни бичиб-тўқиб чиқариб, қилган иши шу бўлдики, алғов-далғов бир кечада ўзини баланд қояли соҳилдан чуқур ва тез оқар дарёга ташлаб ҳалок бўлди, унинг бошини ўз инжикликлари еди, Шекспирнинг Офелиясига ўхшагиси келди, ҳатто шу даражадаки, қиз томонидан кўз остига олиб қўйилган, кўнглини орзиқтирган ушбу қоя бунчалар чиройли бўлмаганда

ва унинг ўрнида бор-йўғи одми текис қирғоқ турганда, эҳтимолки, қиз ҳеч қачон ўз жонига бундай қасд қилмаган бўлар эди. Бу ҳақиқатдан ҳам бўлган воқеа, ўйлайманки, бизнинг рус ҳаётимизда кейинги икки ёки уч авлод давомида шунга баайни ўхшаш воқеалар пайдар-пай рўй бериб турган. Шунга ўхшаш Аделаида Ивановна Миусованинг хатти-ҳаракати ҳам, ҳеч шубҳасиз, қайдандир эсган бегона шабадалару асирангиз ўй-хаёллар зардаларининг акс садоси эди<sup>1</sup>. Эҳтимол, у аёл сифатида ўзининг эркини билдирмоқчи, жамиятдаги шарт-шароитларга қарши турмоқчи, ўз уруғ-куёши, хонадонининг зулмини ёриб ўтмоқчи бўлгандир, унинг майлланиб турган итоаткор хаёли эса, айтайлик, бир зумгагина бўлса-да Федор Павловични сиғинди деб ном қозонганига қарамай, ўша ҳамма нарсаларни яхшиликка бурган ўткинчи замоннинг энг марди майдони ва энг тўқ-шодон одамларидан бири деб ишонтиргандир, холбуки, аслида бу зот бор-йўғи қабих найрангбоз эди, холос. Ажабтовурроқ томони яна шунда эдики, иш қизни ўмариб кетишгача борган ва бу Аделаида Ивановнага жуда хуш ёққанди. Федор Павлович эса ўзининг ижтимоий келиб чиқишига кўра манавиндай хатти-ҳаракатлар учун анча-мунча тайёргарликдан ўтган, ҳар қандай қилиб бўлса-да ўзини ўнглаб олишни ўлардай хоҳларди; обрў-эътиборли қавм-қариндошнинг пинжиги кириб, сеп-бағал эгаси бўлиш уни имлаб турарди. Ҳар икков ўртасидаги севги-муҳаббатга келганда, у умуман, чамаси, йўқ эди, ҳатто Аделаида Ивановна чиройли бўлишига қарамасдан, на келин ва на куёвда севгининг асари кўринарди. Шунинг учун ҳам бу бир умр лаззатпараст бўлган Федор Павловичнинг ҳаётида ўзига яраша бирдан-бир ҳодиса эди, унга қандайлигидан қатъи назар им қоқиб қўйилса бас, ҳар қандайининг кетидан кетиб суйкалавеларди. Ҳолбуки, фақат шу қизгина унинг эҳтиросларини жунбишга келтиролмади, унда ҳеч қандай ҳирсий таассурот уйғотолмади.

Аделаида Ивановна қизлик уйидан олиб кетилганданок кўзи ярк этиб очилиб, эридан нафратланишини сизди, холос. Шу тариқа никоҳнинг оқибатлари фавқулодда шиддат билан кўзга ташлана бошлади. Қиз тараф тез орада бўлар иш бўлди деб тан бериб, қочоқ қизнинг сеп-себаргасини орқасидан жўнатиб юборганига қарамасдан, эр-хотин ўртасида жуда ёмон тартибсизлик ва тўс-тўполон бошланди. Ҳикоя қилишларича, ёш келин бу аросатда Федор Павловичга қараганда ўзини жуда олийжаноб ва ўктам тутган, куёв эса мана энди маълум бўлишича, келиннинг эндигина кўлига кирган йигирма беш мингга яқин пулини бир тийин қолдирмай ўз киссасига урган, ўшандан бери келин бечора бу пулларнинг қорасини ҳам кўрмаган, худди сувга ташлангандай оққан кетган. Қизнинг сепи ҳисобига кирган кичикроқ қишлоқ билан тузуккина шаҳар ҳовлисини куёв ўз номига ўтказиш пайида жонини жабборга бериб ҳаракат қилган, қандайдир қоғозлар тайёрлаб, қўл қўйдириб олмоқчи бўлиб уринган, ялинавериб, ялтоқланавериб, уятсизларча тиқилинч қилавериб хотинининг жонига тегиб кетган, хотинида ўзича шу қилиқлари билан чексиз нафрат ва ғазаб уйғотган, хотин ундан қаттиқ ижирғаниб, аламининг зўридан жуда оғир толиқиш остида бунга рози бўлишига сал қолган. Хайриятки, шу замон қизнинг оиласи бундан хабар топиб, аралашиб, юҳонинг иштаҳасини пасайтирган. Ишонса бўладиган гапларга қараганда, эр-хотин ўртасида тез-

<sup>1</sup> ...асирангиз ўй-хаёллар зардалари – ифода М.Ю.Лермонтовнинг “Ўзинга инонма” шеърдан олинган.

тез уриш-жанжаллар бўлиб турган, лекин айтишларича, Федор Павлович хотинини эмас, хотини Федор Павловични калтаклаган, зеро Аделаида Ивановна қизикқон, мард, қорамағиз, ўт-олов, қобилиятли, куч-қувватга тўлган хоним. Охири у кашшоқликдан ўлар ҳолатга келган бир семинарист ўқитувчи йигит билан тил бириктириб, Федор Павловичникидан уйни ташлаб қочиб кетган, уч яшар ўғилчаси Митяни Федор Павловичга қолдирган. Федор Павлович бир зумда уйни қаланғи-қасанғи хотинлар ҳарамига айлантирган, айш-ишрат, ичкиликбозлик авжига чиққан, ичкиликдан нафас ростлаган пайтларида бутун вилоятни кезиб, дуч келган кишига ўзининг никоҳ ҳаётига доир жуда уят гапларни тап тортмай айтиб, кўнглини бўшатган, ўзини таҳқирланган жабрдийда эр қилиб кўрсатган, бундан жуда роҳатланган; ўзининг хафагарчиликларини ҳаммага кулги бўлиб, бўяб-безаб ҳикоя қилишдан асти чарчамаган, аксинча, бундан у ғоятда хузурланган. “Кўяверсангиз-чи, Федор Павлович, мартабангиз ошди-ку, ўзингиз жуда мамнун кўринасиз, аламангизлар ўтиб кетади”, – деб юпатишарди уни масхарабоз мазахўраклар. Кўплар “у майнавозчиликни қотирадиган бўлибди, ўзини қанчалар кулгили аҳволга тушганлигини билмагандай тутуди ва аҳвол янада кулгилироқ чиқсин деб атай жон койитаётганини қаранг”, дейишарди. Ким билсин яна, булар бари унинг ғирт гўл, соддалигидан бўлиши ҳам мумкин. Охири уриниб-уриниб қочқоқ хотиннинг қаердалигидан хабар топди. Шўрлик хотин ўқитувчи маъшуқи билан Петербургда экан. Бу ерда бош-кеги йўқ тийиқсиз эркинликка берилиб кетибди. Федор Павлович дарҳол югур-югурга тушди-ю Петербургда отланиб қолди – нимага? – буни унинг ўзи ҳам билмасди, албатта. Рост, балки ўшанда у борган ҳам бўларди; лекин шу қарорга келгач, дарҳол ўзини алоҳида бир ҳақ-ҳуқуқ эгасидай сезди-да, йўл олдидан дадилланиш учун яна қайтадан ичкиликбозликка мук кетди. Худди мана шу пайтларга келиб хотинининг хонадоши унинг Петербургда ўлганидан хабар топди. У қандайдир кутилмаганда қайдадир болохонада ўлиб қолибди, бировлар – терлама дейди, бошқалари – очликдан. Федор Павлович хотини ўлганлигини эшитганда, ғирт маст эди; айтишларича, югуриб кўчага чиқибди ва хурсандликдан кўлларини осмонда ўйнатиб қичқиришга тушибди: “Жонини ўзинг олдинг”, дермиш, яна бошқа бир гапларга кўра, худди ёш боладай ўкириб йиғлармиш, шу қадарки, ҳамма ундан нафратланишига қарамай, ачиниб қарашармиш. Ҳеч ажабмас, унис ҳам, буниси ҳам балки тўғридир, яъни қутулганига қувонгандир, халоскоридан айрилганига куйиниб йиғлагандир ва ҳаммаси кўшилиб омухта бўлиб кетгандир. Аксаран ҳолларда одамлар ва ҳатто ёвузлар, умуман, биз тасаввур қилгандан кўра гўлроқ ва соддароқдирлар. Биз ўзимиз ҳам гўр эмасмиз.

## II

### ТЎНҒИЧИНИ УЙДАН ҚУВДИ

Бу янглиғ одам қандоқ мураббий ва ота бўлмоқлигини, албатта, тасаввур қилиш мумкин. Ота сифатида у билан рўй бериши мумкин бўлган нарса рўй берди, яъни у Аделаида Ивановнадан орттирган боласини бу-

тунлай ташлаб кўйди, бунини у боласини ёмон кўргани ёки қандайдир эрлик туйғулари таҳқирланганидан эмас, балки уни шунчаки бутунлай эсидан чиқариб юборгани учун қилди. У бош-кеги йўқ надоматлар билан кўз ёшини тўкиб ҳамманинг жонига тегиб, уйини ҳам тўп-тус бузукхонага айлантириб юрганида бу хонадоннинг мушфиқ хизматкори Григорий уч яшар Митяни ўз тарбияси ва паноҳига олди, агар ўша пайтларда меҳрибонлик қилмаганида, эҳтимол, боланинг энгил-бошини алмаштиришга ҳам кимса топилмасди. Бу ҳам етмагандай дастлабки вақтларда боланинг она томонидан қариндош-уруғлари ҳам уни эсларидан чиқариб кўйдилар. Болакайнинг она томондан бобоси, Аделаида Ивановнанинг отаси Миусов жанобларининг ўзи ҳам ўша кезлардаёқ вафот этиб кетган эди; Митянинг момоси бева қолгач, Москвага кўчган, тинмай касал бўлиб ётар, опа-сингиллар эса турмушга чиқиб кетишган, шу тариқа Митя шўрлик йил бўйи хизматкор Григорийнинг қарамоғида унинг кулбасида яшашга мажбур бўлди. Шуниси ҳам борки, ота тушмагур ўғилча борлиги эсига тушган чоғда ҳам (ахир боласини мутлақо унутиб юбориши ақлга тўғри келмасди-ку), яна тезда уни Григорийнинг кулбасига ҳайдаган бўларди, чунки сабий унинг тараллабеод дўзахий ишларига халақит қилиши мумкин эди. Лекин шундай бир воқеа рўй бериб қолдики, марҳума Аделаида Ивановнанинг тоғаси Петр Александрович Миусов Париждан қайтиб келди, ўшандаёқ ҳали бу ёшгача йигит кўп йиллардан бери хорижда яшаган, Миусовлар хонадошида алоҳида ажралиб турар, ўқиган, пойтахтлар таълим-тарбиясини кўрган, уни ҳатто европалик бўлиб кетган деса ҳам бўлар, охири қирқинчи ва эллингинчи йилларнинг либерали, эркин фикрли кишига айланган эди. У камолга етиб бораркан, Россияда ҳам, чет элларда ҳам ўз даврининг энг либерал ҳурфикрли кишилари билан алоқа ўрнатган, Прудонни, Бакунинни шахсан танир<sup>1</sup>, ўз саргузаштларининг охирига айёмларига келиб, қирқ саккизинчи йилги Париж февраль инқилобининг уч куни ҳақида<sup>2</sup> хотирлашни севар, сал бўлмаса ўзи ҳам баррикадаларда қатнашаёзганига ишора қилиб ўтарди. Булар унинг энг навқирон чоғларидаги гўзал хотиралар эди. Унинг мустақил давлати ўзига етарли эди, илгариги нисбатларда олганда яқин минг жон тасарруфида эди. Унинг кўркам ва обод мулки шундоқ шахарчамиздан чиқаверишда жойлашган ва донг қозонган монастиримизнинг ерларига туташ эди, Петр Александрович ёшлик чоғларидаёқ мерос эгаси бўлгач, аниқ билмайман, дарҳол дарёда қандайдир балиқ овлашми ёки ўрмон кесишми юзасидан ҳақ-ҳуқуқлар учун туганмас суд жараёнини бошлаб юборган, “роҳиблар” билан ҳақ талашиб жараён бошлашни<sup>3</sup> ҳатто ўзининг фуқаролик ва маърифатпарварлик бурчи деб билмиш эди. Бир пайтлар ўзи таниган-билган Аделаида Ивановнанинг тарихини эшитгач ва орада Митя қолганини билгач, ёш қалбида қаҳр-ғазаб ҳамда Федор Павловичга нисбатан нафрат жўш уриб, бу ишга бош қўшди. Худди шу вақтларда Федор Павловичнинг ўзи билан ҳам танишди. Унга болани ўз тарбиямга олсам девдим, деб айтди. У кейин шу нарсани анчагача ҳикоя қилиб юрдики, Федор Павловичнинг сажияси шунақа эканки, гап Митя

<sup>1</sup> Прудон Пьер-Жозеф (1809-1865) – француз социологи ва иқтисодчиси, анархизмнинг кўзга кўринган вакиллари билан. Бакунин Михаил Александрович (1814-1876) – анархизмни ёқловчи рус инқилобчиларидан бири.

<sup>2</sup> 1848 йилда Парижда уч кунлик (22-24 феврал) инқилоб бўлган.

<sup>3</sup> “Клерикаллар” – бу ерда черков кишилари маъносида. Православ руҳонийларига одатда бу тушунча қўлланилмаган.





устида кетганда, у бироз вақт сўз нима ҳақида бораётгани, ундан қандай ўғилчани суриштираётганини ҳам ҳатто англолмай турди, қўлларини ёзиб менинг уйимда қандай ўғилча бўлиши мумкин деб, ўзини ажабланганга солди. Петр Александровичнинг ҳикоясида андак муболаға бўлса-да, ҳар ҳолда барибир ҳақиқатга яқин бир нарса ҳам йўқ эмасди. Аммо ҳақиқатан Федор Павлович бир умр ўйин кўрсатишга ишқибоз эди, бирдан сизнинг олдингизда кутилмаган ролни ўйнаб қоларди, нафсиламрга, бунга денг ҳеч қандай эҳтиёж ҳам бўлмасди, ҳатто, мисол учун, мана ҳозиргидай вазиятда, бу ўзининг зиёнига хизмат қилаётганини фаҳмамасди. Бундай хусусият Федор Павловичгагина эмас, фавқулодда жуда кўп, ҳатто жуда-жуда ақлли одамларга ҳам хос. Петр Александрович ишни ғоятда жонкуярлик билан бошлаб юборди ва ниҳоят (Федор Павлович билан биргалликда) болага васий қилиб белгиланди, чунки онанинг вафотидан кейин ҳар қалай мулк-жой ва қўрғон қолганди. Митя, чиндан ҳам, шу ўзининг тоғасиникидан қўним топди, лекин тоғасининг ўз оиласи йўқ эди, шундай бўлгач, у ўз мулкларидан оладиган даромад пулларини апил-тапил тўғрилади-да, дарҳол яна қайдасан Париж деб шоша-пиша йўлга отланди, болани эса ўзининг Москвада истиқомат қилувчи бой хоним холаларидан бирига қолдирди. Аҳвол шундай бўлиб қолдики, у Парижда мустаҳкам илдиз отиб, натижада болани унутиб юборди, боз устига худди шу пайтлар унинг онг тасаввурига қаттиқ таъсир қилган ўша февраль инқилоби рўй бердики, ана шуни у кейин бир умр сира унутолмади. Масковлик бой ойим ҳам қазо қилди-ю, Митя унинг турмуш қурган қизларидан бирининг қўлида қолди. Афтидан, у сўнг яна тўртинчи маротаба бошпанасини ўзгартирди. Мен бунга бу ерда батафсил баён қилиб ўтирмайман, хулласи, Федор Павловичнинг ушбу тўнғич ўғли ҳақида ҳали олдинда жуда кўп ҳикоя қилишим керак, ҳозир эса у тўғридаги энг муҳим маълумотларни айтиш билан чекланаман, зеро, шуларсиз романни бошлашимнинг асти иложи йўқ.

Авалло шуки, ушбу Дмитрий Федорович отаси Федор Павловичнинг учта ўғлонидан биттаси эди, ҳар қалай ўз-ўзимга тегишли мулки давлатим бор ва вояга етганимдан сўнг унга ўзим эгалик қиламан деган ишонч уни ҳеч қачон тарк этмаганди. Ўсмирлик ва ёшлик чоғлари тартибсиз кечди: гимназияни охиригача ўқиб битирмади, кейин қайсидир ҳарбий мактабга кирди, сўнг Кавказда бўлди, хизмат қилди, дуэлда отишди, жазоланди, яна хизматига тикланди, маишатга муккасидан кетди, анчамунча пулларни совурди. Отаси Федор Павловичдан пулларни фақат балоғатга етгачгина ола бошлади, унганча қулоғигача қарзга ботди. Отаси Федор Павловични вояга етгандан кейингина илк бора кўрди, ўшанда у биз томонларга ўз мулкларини аниқлаштириш учун ота билан кўришгани келди. Афтидан, отаси ўшанда унга ёқмади, отаси ҳузурида кўп турмади, ундан бироз миқдорда пул ундирди, бундан кейин мулкдан келади-ган даромадларни аниқлаб, қанча пул унга ўтиб туришини ота билан аҳдлашиб келишди, лекин бу сафар мулклардан тушадиган даромадлар ва мулкларнинг асл қиммати (бу ажойиб бир далил) хусусида Федор Павловичдан ҳеч нарсани билиб бўлмади, шундан сўнг шошиб-пишиб жўнаб кетди. Федор Павлович ўшанда биринчи кўришганларидаёқ (бунга яхшилаб эслаб қолмоқ лозим) Митя ўзининг мол-мулки хусусида нотўғри ва муболағадор бир тушунчада эканлигини сизди. Федор Павлович ўзининг



алоҳида ҳисоб-китобларига кўра, бундан ғоятда мамнун бўлди. Унинг чиқарган хулосаси фақат шу бўлдики, йигит тушмагур жуда тўполончи, енгилтак, хирси тийилмаган, сабр-тоқатсиз, маишатбоз, вақтинча бўлса-да чангалига бирон нарса кирса бас, бундан бироз муддатга дарҳол тинчланиб қолади. Федор Павлович мана шундан фойдалана бошлади, вақти-вақти билан садақа тариқасида озгина пул жўнатади, хабар олаётгандай кўринади, охири бунинг оқибати шундай бўлдики, Митя бутун сабр-тоқатини йўқотган ҳолда тўрт йилдан сўнг бизнинг шаҳарчамизга отаси билан орани очик қилиш учун яна бир бор кадам ранжида қилганида уни тамомила ҳайратларга солган шу нарса маълум бўлдики, унинг мутлақо ҳеч вақоси қолмаганди. Мулкининг баҳоси чақилган пулини Федор Павловичдан тўла-тўқис олиб бўлган, буни ҳисоблаб охирига етиб бўлмас, ҳатто балки отасидан қарздор ҳам бўлиб қолганди; унинг ўзи хоҳлаб ва талабгор бўлиб тузилган фалону фалон аҳд ва шартлашувлар бўйича эндиликда пул талаб қилишга ҳеч қандай ҳақи йўқ ва ҳоказо ва ҳоказолар. Ёш йигит лол бўлди, бу ноҳақлик, алдов деган шубҳа-гумонга борди, ўзидан кетди, мисоли ақлу хушини йўқотди. Худди ана шу нарса фалокатга олиб келди, унинг баёни бизнинг муқаддима романимизнинг асос ўзагини, яна ҳам аниқроқ айтганда, унинг ташқи қобигини ташкил этади. Лекин ҳали ушбу романни бошлаб юборишдан олдин Федор Павловичнинг бошқа икки ўғли – Митянинг ука-инилари ҳақида ҳам, улар қаердан келиб қолганликларини сўйлаб, тушунтириб ўтишим жоиз кўринади.

### III

#### ИККИНЧИ НИКОҲДАН ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР

Федор Павлович тўрт яшар Митяни кўчага ҳайдагандан сўнг, кўп ўтмай иккинчи маротаба уйланди. Ушбу иккинчи никоҳ саккиз йилча давом этди. Бошқа вилоятда яшовчи ёшгина қиз Софья Ивановнани ўз никоҳига олди. Федор Павлович бу вилоятга қандайдир бир жухуд билан бирга майдароқ бир пудрат ишини битириш учун бориб қолганди. Федор Павлович гарчи маишатбозлик қилар, ичкилик ичар, ғавғо-тўполон чиқарарди-ю, аммо ҳеч қачон ўз сармоясини жойлаштиришни эсидан чиқармас, аммо, албатта, доим қабихроқ бир тарзда бўлса-да ишларини омадли амалга оширарди. Софья Ивановна болалигидан насл-насабсиз “етимча”лардан, аллақайси бетайин дьяконнинг қизи эди, у валинеъмати, мураббияси, азобловчиси – номдор кампир хотин, генерал Вороховнинг беваси кўлида, бадавлат хонадонда кун кечириб катта бўлганди. Икир-чикирини билмадим-у, лекин яна шуларни ҳам эшитганманки, генерал оймнинг ўқувчиси – маъсума, муте ва ювош, мулойим бу қизгинани бир куни қазноқдаги михга тортилган сиртмоқдан чиқариб олишганди. Афтидан, аслида, у қадар ёвуз ва бераҳм ҳам бўлмаган, лекин бекорчиликдан чидаб бўлмайдиган даражада мияси суюлиб аҳмоқлашган кампирнинг дўлдай ёғилиб турадиган зуғумларига дош беролмаган қизгина охири шундай ўзини осишгача борганди. Федор Павлович қизни ўзига хотинликка сўради, унинг номайи аъмолини сўраб-суриштириб билгандан сўнг эшикдан қувиб солишди, у яна шунда худди аввалги уйланишида бўлганидек,

етимча қизгинага қочиб кетишни таклиф қилди. Агарда қизгина у ҳақда олдиндан ўз вақтида кўпроқ нарсаларни билсайди, эҳтимолки, ҳеч қачон, ҳеч қачон унга турмушга чиқишга ўла қолса ҳам рози бўлмасди. Аммо бу гап-сўзлар бошқа бир вилоятда бўлиб ўтмоқдайди; валинеъматникида ортиқ яшашдан кўра ўзини дарёга ташлаб ҳалок қилишдан бошқа нарса кўзига кўринмаётган ўн олти яшар қизалоқнинг тагин нимага ҳам кучи етарди, дейсиз. Шу тариқа шўрлик қизалоқ валинеъмат кампирнинг қўлидан валинеъмат эрнинг қўлига тушди. Федор Павлович бу гал бир чақа ҳам олмади, чунки генерал ойимнинг қаттиқ жаҳли чиқди, ҳеч вако бермади, устига-устак ҳар икковларини қарғади; лекин у бу сафар бирон нима ундиришни умид ҳам қилмаган, фақат маъсум қизчанинг сўлим гўзаллигига ошуфта бўлган, шу вақтгача фақат аёлларнинг пардоз-андозсиз чоғроқ чиройига гирифтор бўлиб юрган бу тавия шахвонийпарастни қизчанинг моҳпора маъсумалиги ҳайратга солди. Кейинчалик у палид ўзича хингираб: “Мени бу бегуноҳ кўзлар юрагимни тигдай тилиб ўтди”, – деб гапириб юрарди. Дарвоқе, шу нарса ҳам ўзи бузук одамнинг фақат шахвоний майлини кўрсатарди, холос. Ҳеч қандай сеп олмагандан сўнг, Федор Павлович қайлиғини менсимай қўйди. Уни ўз олдида “айбдор” эканлиги, қолаверса, “сиртмоқдан бўшатиб олганлиги”ни пеш қилиб, боз устига аёлнинг ақл бовар қилмас мутелиги, ювош ва гўллигидан фойдаланиб, никоҳнинг энг оддий қонун-қоидалари ва расм-русм одобларини оёқости қилиб топтади. Уй бекасининг кўз ўнгида қаланғи-қасанғи бузук аёллар бостириб келишар ва ифлос айшу ишратлар уюштиришарди. Яна бир қизиқ томонини айтай: Федор Павловичнинг хизматкори – тунд, аҳмоқ, қайсар, мутаассиб бир кимса Григорий аввалги бегойим Аделаида Ивановнани жини суймасди, бу сафар эса янги бегойимнинг ёнини олди, уни ҳимоя қилиб, хизматкорга ҳеч тўғри келмайдиган ҳолда хўжаси билан жанжаллашиб тортишарди, кунлардан бир куни ҳатто бостириб келган барча беҳаё хотинларни базмдан уриб-суриб, сўкиб ҳайдаб юборди. Кейинроқ бориб, болалик чоғларидан жуда қаттиқ кўркув остида ўсган бечора хотин аёлларнинг қандайдир асаб касалига йўлиқди, бу касаллик, кўпинча, қишлоқ ожизаларида учрайди, шундай касалга чалинганларни оддий халқ орасида жилли деб юритишади. Касал даҳшатли тарзда қутуриб, тутқаноғи тутиб, баъзан бутунлай ҳушидан кетиб қоларди. Шунга қарамай, у Федор Павловичга иккита ўғил туғиб берди, уларга Иван ва Алексей деб от қўйдилар, биринчисини никоҳларининг дастлабки йили, иккинчисини уч йилдан сўнг туғди. У қазо қилган пайтда ўғилчаси Алексей тўрт яшар бола эди, бу ғалатиноқ туюлса-да, лекин мен биламан, Алексей онасини бутун умрга эслаб қолди, аммо бу эслаш худди тушдагидек эди, албатта. Она ўлгач, ҳар иккала ўғилчанинг бошига баайни тўнғич ўғил Митя бошига тушгандек кунлар тушди: ота уларни бутунлай ташлаб қўйди ва унутди, уларни яна ўша Григорий ўз кулбасида боқиб олди. Уларнинг онасига қизлик чоғлари ҳомийлик ва раҳнамолик қилган зўравон генерал ойим болакайларни худди мана шу Григорийнинг кулбасидан топди. У ҳамон барҳаёт ва мана шу саккиз йил мобайнида уни қандай хафа қилишганини сира унутолмасди. У ўз “Софьяси”нинг туриш-турмуши ҳақида шу саккиз йил давомида орқаворотдан энг аниқ маълумотлар олиб турар, “қизи”нинг қанчалар касал эканлиги ва қандоқ ярамас ишлар қуршовида қолганлигини эшитиб, икки-уч маротаба атро-

фида ўрмалашган тирик товон хотинларга: “Ажаб бўпти, кўрнамаклик қилганининг жазоси”, деб тўнғиллаганди.

Софья Ивановнанинг вафотидан роппа-роса уч ой ўтиб, генерал ойим ўзи шахсан бизнинг шаҳарчамизга қадам ранжида қилиб, тўғри Федор Павловичнинг уйига кириб борди, шаҳарчамизда бор-йўғи ярим соатча бўлса-да, лекин жуда кўп нарсаларга улгурди. Оқшом чоғи эди, у сак-киз йил кўришмай кетган Федор Павлович унинг қошига ширакайфгина бўлиб чиқди. Ровийлар ҳикоя қилишларича, генерал ойим унга кўзи тушгани ҳаманоқ бир зумда ҳеч нарсани тушунтириб ўтирмасдан у юзи-бу юзига икки бора қарсиллатиб тарсаки тортиб юборган ва уч марта тепа сочидан юмдалаб, кейин бир оғиз ҳам сўз қўшмай, тўғри кулбага йўл олиб болакайларни кўрган; бир қарашдаёқ улар ифлос, кир-чир кийим-кечакда эканлигини билгач, қарс этиб Григорийга шапалоқ тортган-да, унга болакайларни олиб кетаман деган, кейин қандай аҳволда бўлсалар, шундоқ иссиқ адёлга ўраб карета аравачага ўтказиб ўз шахрига олиб кетган. Григорий унинг тарсакисини садоқатли кул каби қабул қилиб, сўкиниб қўполлик қилмади, қари генерал ойимни карета аравага узатиб кўяётиб, белини букиб таъзим бажо келтириб, салмоқлиб: “Етимчалар учун худодан қайтади”, – деди. “Вой, сен валакисаланг экансан-ку” – деб кичқирди генерал ойим унга жўнаб кетаркан. Федор Павлович ҳар томонлама чамалаб кўриб, бу ишни маъқул топди ва кейин болакайларнинг генерал ойим кўл остида тарбияланишига розилик билдириб, бирон бир нуқтада тихирлик қилмади. Еган тарсакилари ҳақида ўзи бутун шаҳарчага гапириб юрди. Шу воқеалардан кўп ҳам ўтмай кампирнинг ҳам жони узилди, аммо васиятномасида ҳар иккала болакайнинг ҳар бирига минг рублдан мерос қолдиришини баён қилди: “Бу пуллар уларнинг ўқиши учун сарфлансин, то балоғатга етгунлари қадар пуллар қатъиян фақат уларнинг кам-кўстига харж этилсин, чунки бундайн болалар учун, албатта, улар кифоя қилади, кимда-ким бундан ортигини хоҳласа, бемалол ўз ёнидан чиқараверсин ва ҳоказо ва ҳоказо”. Мен васиятнома-ни ўзим ўқиган эмасман, лекин шунга ўхшаш ғалатироқ иборалар унда қўлланганлигини эшитганман, ҳаддан зиёд ўзгача бир иборалар. Бирок кампирнинг асосий меросхўри ўша вилоят дворянларининг етакчиси – софдил инсон Ефим Петрович Поленов бўлиб чиқди. У Федор Павлович билан дарҳол хат ёзишди ва шу заҳоти ундан болаларининг тарбияси учун пул ундириш амри маҳол эканлигини билди (аммо ота ҳеч қачон тўғридан-тўғри пул бермайман деб айтмасди, фақат доим орқага чўзарди, гоҳо одамнинг раҳмини келтирадиган даражада дийдиёлар ўқир, надоматлар қиларди). Шундан сўнг шахсан ўзи болакайлар тарбияси билан жон-дилдан машғул бўлди, у айникса кенжатоё Алексейга меҳр қўйди, шунинг учун у узоқ вақтлар бу меҳрибон зотнинг даргоҳида униб ўсди. Мен ўқувчилардан буни бошданоқ эслаб қолишларини илтимос қиламан. Агарда ёш йигитчалар ўзлари олган таълим-тарбия учун бир умр кимнинг олдида қарздор дейилса, албатта, айнан мана шу энг одампарвар ва энг олийжаноб инсон Ефим Петровични айтиш жоиз бўларди. Дунёда бундай кишилар камдан-кам топилади. У генерал ойим болакайларга атаган ҳар бирига минг рублдан меросни ишлатмади, шундайича дахлсиз қолдирди, жужуқлар вояга етишганда, улар фоизига ортиб икки мингга кўпайди, болакайларни ўз ҳисобидан ўқитиб тарбиялади ва ҳар бирига



минг-мингдан ортиқ харжлади. Етимларнинг болалиги ҳамда ўсмирлиги ҳақида мен ҳозирча батафсил ҳикоя қилиб ўтирмайман, фақат энг муҳим воқеаларни қайд этиб ўтаман. Уларнинг каттаси Иван тўғрисида шуни айтмоқчиманки, у тунд, қандайдир ўз қобиғига ўзи ўралиб олган бола бўлиб ўсди, уни юраксиз, кўрқоқ деб бўлмасди, аммо ёши ўнларга борганда, ҳар қалай бегона бир хонадонда яшаётганларидан, бегоналарнинг таомини еяётганларидан хабардор бўлди, отасининг аллақандай бошқача одам эканлигини англади, гапиришга ҳам ҳатто киши уялади, шунақа, шунақа, бари шунақа гаплар. Мана шу болақай тез орада, ҳатто гўдаклик чоғлариданок (ҳар ҳолда шундай гап-сўзлар юрарди) билим эгаллашга қандайдир фавқулудда ва порлоқ қобилиятини намоён қила бошлаган



эди. Яна анигини билмадим-у аҳвол шундай бўлиб қолдики, ҳали ёши ўн учга тўлмаёқ у Ефим Петровичнинг хонадонидан кетди, Масковдаги гимназиялардан бирига кирди ҳамда Ефим Петровичнинг болаликдаги дўсти, ўша пайтларда донг қозонган қандайдир жуда тажрибали мураббий қарамоғига ўтди. Кейинчалик Иваннинг ўзи ҳикоя қилишига қараганда, булар ҳаммаси Ефим Петровичнинг “эзгу ишларга камарбасталиги” туфайли рўй берган, у даҳо қобилиятли бола даҳо мураббий қўл остида тарбияланиши даркор деган фикрида қаттиқ турган. Ёш йигит гимназияни тугатиб, университетга кирган маҳалда Ефим Петрович ҳам, даҳо мураббий ҳам боқий дунёга равона бўлдилар. Бу пайтга келиб ўзбилармон генерал ойим васият қилиб қолдирган болаларнинг мерос пули мингдан икки мингга довур кўпайган бўлса-да, Ефим Петрович эътиборсизлик қилгани боис, уларнинг йигитнинг қўлига тегиши турли бўлар-бўлмас расмиятчиликлар туфайли чўзила бошлади. Шунинг учун йигитча университетга киргандан кейин икки йил она сути оғзига келди, ҳам кийим-кечак топши, ҳам еб-ичиш, ҳам ўқишнинг ғам-ташвиши бошига тушди. Айтиш керакки, у ўшанда отасига хат-хабар ёзишни ҳатто хаёлига келтирмади, балки ёшлик ғурури йўл кўймагандир ёки ундан нафратланиши бунга сабаб бўлгандир, ёки барибир отамдан ҳеч қандай тузук-қуруқ ёрдам келишига ишониб бўлмайди, деган совуқ бир ишонч боис бўйни ёр бермагандир. Ҳар нечук, йигит андак бўлсин ўзини йўқотиб қўймади, амаллаб иш топди, аввалига бир танга (йигирма тийин) олиб дарс берди, кейин газеталар таҳририятларига қатнаб кўча-кўй ҳодисалари ҳақида ўн қаторлик хабарлар ёзиб юрди, тагига “Гувоҳ” деб имзо қўйди. Айтишларича, ушбу мақолачалар қизиқарли ва ўтқир ёзилган бўлиб, бозори ҳам чаққон эди. Таҳририятлар билан танишиб олгандан сўнг Иван Федорович улар билан ҳеч қачон алоқасини узмади ва университетда таҳсил олиб юрганининг охириги йилларида турли ижтимоий мавзуларда ёзилган китобларга анча-мунча салоҳиятли таҳлиллари билан бир қатор адабий давраларда кўзга ташлана бошлади. Дарвоқе, кейинги вақтларда ўқувчиларнинг бундан анча-мунча каттароқ доираларида бирдан ўзига алоҳида бир эътибор қаратишларига эришдики, даҳватан кўплар дарҳол унинг номини эсла-рида сақлаб қолишди. Бу анча қизиқ воқеа эди. Университетни эндигина тугатиб, ўзининг икки мингига чет элларни айланиб келишга ҳозирлик кўраётди, Иван Федорович қутилмаганда катта газеталардан бирида бир антиқа мақола эълон қилдики, у ҳатто мутахассис бўлмаган кишиларнинг ҳам диққат-эътиборини тортди, яна муҳим томони шундаки, у ўзига бутунлай нотаниш мавзуга қўл урганди, нега деганда таҳсилни табиёт фанлари бўйича олган эди. Мақола ўша пайтда ҳаммаёқда оғизга тушиб турган черков суди масаласига бағишланганди<sup>1</sup>. Яқин ўртада билдирилиб турган фикрларни таҳлилдан ўтказаркан, ўз шахсий мулоҳазасини ҳам баён қилиб ўтди. Асосий гап мақоланинг оҳангида ва ажойиб қутилмаган хулосада эди. Воқеан, кўпгина черков намояндалари муаллифни бутунлай ўз одамлари деб билдилар. Бирдан ҳатто даҳрийлар ҳам унга олқиш ёғдира кетдилар, охир-оқибат айрим зийрак кишилар шундай қарорга келишдики, бу мақола бошдан-оёқ ялангтўш лўттибозлик ва киноядан бошқа нарса эмас. Ушбу воқеани яна шу боисдан эслаб ўтмоқдаманки, мақола бизнинг шаҳар чеккасидаги машҳур монастиримизга ҳам ўз вақтида етиб келиб,

<sup>1</sup> Черков суди – 1864 йилда суд ислоҳоти муносабати билан Россияда черков судини қайта қуриш масаласи кўтарилган.

бу ерда кўп иштибоҳ уйғотди; маълумингиз бўлғайки, бунда кўтарилган мавзу – черков суди масаласи билан умуман шуғулланиб юришарди. Муаллифнинг исмидан хабардор бўлишгач, у ўзимизнинг шаҳардан эканлигига қизиқиб қолишди, “анов ўша Федор Павловичнинг ўғли эканлигини” билиб олишди. Қаранг, кутилмаганда шу вақтга келиб муаллифнинг ўзи ҳам шахримизга қадам ранжида қилди.

Ўшанда Иван Федорович нега биз томонларга келган эди, эсимда, ўша пайтлардаёқ ўзимга-ўзим қандайдир ташвишланиб бу саволни бергандим. Жуда кўп машъум оқибатларни келтириб чиқарган ушбу ташриф кейин менга узоқ вақт, ҳатто ҳар доим мубҳам, ноаён иш бўлиб қолаверди. Умуман олганда, шундай билимдон ва кўринишдан шундай мағрур ҳамда эҳтиёткор ёш йигитнинг бундоқ бадмаош, бефаришта уйга, умр бўйи уни рад этиб келган, уни танимаган ва батамом унутиб юборган ота ҳузурига келиши жуда ғалати кўринарди, ҳолбуки, ахир мабодо, ўғли пул сўраганда ҳам, албатта, ҳеч қачон бермаган бўларди, лекин, барибир Иван билан Алексей деган ўғиллари ҳам қачон бўлмасин, бир кунмас-бир кун келиб пул сўрашларидан ўлгудай кўрқарди. Мана ўзингиз кўринганда, шундай ўғил шундоқ одамнинг уйига келиб жойлашиб, бир-икки ойлаб у билан бирга туриб, апоқ-чапоқ яшаса-я. Мана шуниси фақат менигина эмас, бошқа яна кўп кишиларни ҳам лолу ҳайрон қилиб қўйди. Мен юқорироқда Федор Павловичга биринчи хотини томонидан узоқ қариндоши бўлган Петр Александрович Миусов тўғрисида сўйлаган эдим, у Парижда истиқомат қилар, аммо мана шу вақтларда яна биз томонларга келиб, шаҳар атрофидаги ўз мулкига қўнган эди. У ўзини жуда ҳам қизиқтириб қўйган ёш йигит билан танишиб, у билан гоҳида ичидан зил кетиб бўлса-да, илм масалаларида найзабозлик қилиб турар ва шуниси эсимдаки, у ҳаммамиздан кўра кўпроқ ҳайратга тушарди. “У мағрур йигит, – дерди у бизга, – пул топишни билади, ҳозир ҳам хорижга чиқиш учун пули бор, бу ерда нима қилиб юрибди? У отасидан пул сўраш учун келмаган, буни ҳамма билади; сўраганда ҳам отаси ўла қолса бермайди. Майхўрлик ва бузқчиликни у ёқтирмайди, қаранг-а, отаси учун аллада азиз, тўрвада майиз бўлиб қолди, ота-бола ораларидан қил ўтмайди!”. Бу рост гап эди, ўғли отасини ўзига оғдириб олганди; отаси кож ва ҳаддан ташқари қайсар бўлишига қарамай гоҳида ўғли унинг гапларига кулоқ осарди, гоҳида ўзини одоб-икром билан тутаётганга ҳам ўхшарди...

Фақат кейинчалик маълум бўлдики, Иван Федорович ўзининг катта акаси Дмитрий Федорович илтимосига кўра, унинг чигал ишлари юзаси бўйича келган экан. Буни қарангки, акасини туғилгандан бери айтарли биринчи бора шу келишида кўришга муяссар бўлади, лекин сал олдинроқ Дмитрий Федоровичга дахлдор жуда муҳим бир иш юзасидан ўзи хали Масковдан келмасдан бурун хат орқали хабарлашиб улгурган эди. Бу иш мазмуни нимадан иборат бўлганлигидан ўқувчи ўз вақтида батафсил воқиф бўлади. Шунга қарамай, ушбу ўзгача ҳол-аҳволдан хабар топганимда ҳам менга Иван Федорович ҳамон жуда сирли, биз томонларда пайдо бўлиши эса барибир тушунтириб бўлмас бир нарса бўлиб туюларди. Шуни ҳам кўшимча қилиб қўяйки, Иван Федорович ўшанда отасига қарши иш қўзғаган ва катта жанжал-тўполонни бошлаб юборган катта акаси Дмитрий Федорович ўртасига тушиб, уларни мурасага чақириш, яраштириш учун жон койитиб юрган эди.



Қайтараман, бу оиланинг барча аъзолари ҳаётларида биринчи марта бирга бир жойга йиғилишганди, буни қарангки, бу оиланинг айрим аъзолари бир-бирларини биринчи марта кўриб туришлари эди. Фақат кенжа Алексей Федорович бундан бир йил чамаси аввалроқ барча акаларидан бурун шаҳарчамизга келиб қолганди. Худди мана шу Алексейни роман сахнасига чиқаришдан олдин у ҳақда ушбу бадиий муқаддимада сўйлаб ўтиш мен учун ҳаммасидан кўра мушкулроқ. Аммо барибир у ҳақда ҳам дебоча ёзишга тўғри келади, нега деганда, жуда бўлмаганда, айниқса ғалати бир нуктани илгаридан тушунтириб ўтмай иложим йўқ; яъники, бўлажак қахрамонимни унинг романининг биринчи саҳифалариданок ўқувчиларга узун энгли, узун этакли жубба кийган роҳиб шогирди тарзида тасвирлашга мажбурият сезаман. Зеро, у бир йилчадан бери бизнинг шаҳарча монастирида яшар, афтидан, бунда у умрининг охиригача узлатда кун кечиришга ҳозирланарди.

## IV

## УЧИНЧИ ЎГИЛ АЛЕША

Ўшанда унинг ёши йигирмада (ўртанча акаси Иван йигирма тўртда, тўнғич акаси Дмитрий эса йигирма саккизда) эди. Олдиндан айтиб қўйай, ушбу Алеша деган йигитча ҳеч қандай бир мутассиб эмасди ва менимча, ҳар қалай ҳеч қандай руҳоний ҳам эмасди. У навраста бир инсонсевар эди, роҳиблар дунёсига қадам ранжида қилганлигининг сабаби фақат шунда эдики, ўша замонда фақат шу нарса унинг юрагини забт этди ва фақат шу ёвуз дунё зулматидан нурафшон ёруғликка зўр бериб интилаётган қалбидаги муҳаббатнинг мислсиз бир инкишофи каби намоён бўлган эди. Ва бу йўл уни яна шу боис ҳайратга солдики, унда назарида, ўшанда фавқулудда бир хилкатга дуч келди – бу бизнинг монастиримизнинг маълум-машхур қарияси Зосима эди, бутунлай ташнаком юрагининг қайноқ биринчи муҳаббати билан унга боғланди. Айтмоқчи, мен тортишиб ўтирмайман, у ўшанда ҳам, ҳатто йўрғақдалиқдаёқ жуда қизиқ бола эди. Ҳа-я, мен онадан тўрт яшар чоғидаёқ етим қолганлигини эслатиб ўтгандим, кейин у онасини бир умрга эслаб қолди, чехраси, эркалашларини асло унутмади, “худди кўз ўнгимда ўлмагандай бўлиб туради”. Бундай хотиралар бундан кўра ҳам ёшроқ, ҳаттоки икки яшарлик чоғлариданок эса сақланиб қолади (бу ҳаммага маълум), лекин бутун умр худди зулмат қўйнидаги ёруғ нукталардай, худди жуда ҳам каттакон суратнинг бир бурчагидан юлиб олингандай кўринади. У худди мана шундай ҳолга тушганди: осуда бир ёз окшоми эсида ўрнашиб қолган, даричалар ланг очик, ботаётган қуёшни қиялаб тушаётган шуълалар (шу қия тушган шуълалар эсида қолган), хона бурчида санам, санам олдида чироқ осуда ёнади, тиз чўкиб шу ерда ҳўнграб-ҳўнграб йиғлаётган аёл, чинқираётган, увлаб уввос тортаётган бу аёл унинг онаси, боласини икки қўллаб маҳкам тутиб, бағрига босади, худога дуо тилаб ёлворади, кучоғидаги сабийни Биби Марямга томон узатади, худди унинг паноҳига гўдагини топширгандай бўладики... шунда бирдан энага югуриб киради, қўрқиб кетган ҳолда болани унинг қўлидан тортиб олади. Ана сизга сурат! Алеша

ўша онда онасининг чехрасини эслаб қолди: у ортиқ жазавага тушган, аммо ғоят гўзал эди, деб айтиб юрарди кейин. Шулар эди-да унинг эсида қолгани. Буларни у ҳар кимга ҳам ишониб гапиравермасди. Болалик ва ўсмирлик чоғларида у шўх-шаддод эмасди, камгап эди, лекин бу одамларга ишонмагани, кўркқани ёхуд одамовилигидан эмас, ҳатто тамомила аксинча эди, бу қандайдир бутунлай бошқа нарса, қандайдир бир ички тараддуддан, қандайдир жуда шахсий, ўзгаларга сира алоқаси бўлмаган, бироқ ўз-ўзига бениҳоя муҳим бир нарса эдики, шу нарса туфайли у худди бошқаларни эрдан чиқаргандай туюларди. Аммо у одамларни севарди, афтидан, у бутун умри давомида одамларга мутлақо ишониб яшарди, шу билан бирга ҳеч ким ва ҳеч қачон уни лақма, гўл, содда одам деб ҳисобламасди. Унда нимадир бор эдики, бу мен одамлар устидан ҳукм чиқармайман, қозилик қилмайман, деб тургандай таассурот қолдирарди (бир умрга), бировни айбламоқчи эмасман ва ҳеч қачон айбламайман, деб тургандай бўлиб кўринарди. Шундай туюлардики, у ҳеч кимни айбламас ва ҳамма нарсани табиий қабул қилар, аммо кейин маънос тортиб қоларди. Бу ҳам оз, айна маънода у шу даражага бориб етдики, энди ҳеч ким уни ҳайратга сололмас ва кўрқитолмасди, у ўсмирлик чоғларидаёқ мана шундай эди. У йигирма ёшга етиб, отасининг қабоҳат маҳшаргоҳига айланган уйига келиб, маъсум ва пок йигит уйдаги жирканч муҳитга тамомила тоқати қолмаган пайтларда ҳеч қандай ижирғанмай, бирон-бир кимсани айбситмай индамай чиқиб кетарди. Отаси эса илгари сиғинди бўлган, сиғиндиликда кўнгли нозиклашган, хафачиликларга ўрганган эмасми, аввалига бу ўғлини қовоқларини уюб қарши олди (“индамайди, ичимдагини топ дейди, ўзича алланима балоларни ўйлагани ўйлаган”), лекин кўп ўтмай туси ўзгариб, ўғлини тез-тез қучиб, бағрига босиб, ўпиб қўя бошлади, орадан икки ҳафталар ўтмай, мастона кўзёшлар оқизиб, ҳиссиётлари ичкилик таъсирида қаттиқ жунбушга келиб, юрагида самимий ва теран меҳр уйғонди. У тоифадагилардан ҳеч кимса ҳеч қачон ҳеч кимни бунчалар севмаган ва алқамандир ёруғ дунёда...

Балки ҳаммалари ушбу йигитчани у қаерда пайдо бўлмасин, яхши кўришарди, болалик чоғлариданоқ шундай эди. Ўзининг валинеъмати ва мураббийси Ефим Петрович Поленовнинг хонадонига тушиб қолиб, ушбу хонадоннинг барча аъзоларини ўзига шунчалар оғдириб олдики, ҳаммалари унга ўз фарзандларидай қарайдиган бўлишди. Буни қарангки, бу уйга қадам босиб кирганда, у сабий ёшида эди, бундай ёшда сабий ҳисоб-китобга берилиб муғомбирлик қилолмайди, шумлик-қувлик, тилёғламаликни билмайди, ўзини яхши кўришлари учун уринмайди. Ўзига муҳаббат уйғотиш унга табиатнинг ўзидан тортиқ қилинганди ва бунда ҳеч қандай хийла-найранг ва оғмачилик йўқ эди. Мактабда ҳам аҳвол шунақа эди, бироқ, қаранг, у авваллари, ўртоқлари ишонмайдиган, кулги, масхара қиладиган, бу ҳам етмагандай, ўзига нафрат уйғотадиган болалар сирасидан эди. Мисол учун у ўй-хаёлга ботиб юрар ва бошқалардан ажралиб турар, болаларга қўшилмасди. Болалик чоғлариданоқ ўзини бурчакка тортиб, китоб ўқишни яхши кўрарди, лекин шуларга қарамасдан ўртоқлари уни шунчалар яхши кўриб қолишдики, мактабда то ўқишлари охирлагунча энг суюкли бола бўлиб қолди. У камдан-кам ҳоллардагина шўхлик, ўйинқароқлик қилар, лекин унга қараган киши дарҳол фаҳмлар эдики, бу ундаги бадқовоқлик, тундликнинг натижаси эмас, аксинча, у

доим вазмин ва осуда эди. Ҳеч қачон тенгдошлари ичида ўзини кўрсатишга уринмасди. У у ҳеч қачон ҳеч кимдан кўрқмасди, буни кўрингки, болалар у ҳечам ўзининг мардлиги билан кеккаймаслигини билиб олдилар, бундай қараб туриб, у ҳатто ўзининг жасур ва кўрқмас бола эканлигини гўё тушунмасди ҳам. У хафа бўлиб ўтирадиган бола эмас эди. Кўп вақт шундай бўлардики, хафа бўлгандан сўнг бир соат ўтмай хафа қилган бола билан апоқ-чапоқ бўлиб гаплашиб кетаверар, ўзини ўрталаридан ҳеч қандай совуқчилик ўтмагандай тутарди. У хафа бўлганини билдирмас ёки атай кечиргандай бўлиб кўринмасдигина эмас, балки умуман бу нарсани хафачилик деб қарамасди, худди мана шу нарса барча болаларни қойил қолдирган, ўзига мафтун қилганди. Фақат унинг бир хислати бор эдики, бу гимназиянинг энг қуйи синфларидан энг юқориларигача, барча ўртоқларида доимий тарзда у билан ҳазил-мазах қилишга қистар, аммо бу қаҳру ғазаб билан масхаралаш эмас, балки болаларча шўхлик-қувноқликнинг натижаси эди. Бу чарс ва асов бир хислат эди, ўта уятчанлик ва бокиралик эди. У хотин-қизлар ҳақида маълум сўзлар ва маълум гапларни эшитишга тоқат қилолмасди. Ушбу “маълум” сўзлар ва ҳангомалар, бахтга қарши, мактабларда тузатиб бўлмас дардга айланиб кетган. Диллари ва қалблари тоза, мусаффо ўғил болалар, ҳали шунчалар маъсум бўла туриб, синфларида ўзаро баралла шундай нарсаларни гаплашадиларки, шундай суратлар ва манзараларни чизадиларки, бунақасини ҳатто аскар йигитлар ҳам оғиз жуфтлаб айтишга журъат этмайдилар, яна шунинг ўзигина эмас, аскар йигитлар бизнинг зиёли ва олий кадр жамиятимизга мансуб наврасталарга аллақачон маълум ва машҳур бўлиб кетган нарсаларнинг кўпини билмайдилар. Эҳтимол, бунда ҳали маънавий бузуқлик, ҳақиқий сурбетлик, беҳаёлик, ички бир тубанлик йўқдир, лекин ташқи бир шармсизлик мавжудки, ана шу нарсани улар кўпинча қалтис, қочиримли “ўғил болаларча”, тақлидга арзийдиган алламбало деб ҳисоблашади. Ушбу мавзуда гап очилганда, “Алешка Карамазов” дарҳол қулоқларини бармоқлари билан беркитиб олишини кўриб, ўртоқлари унинг атрофини атай ўраб олишиб зўрлаб қулоқларини очишар ва яқин бориб ҳар турли бемаза сўзларни баралла кичқириб айтишар, сўқинишар, Алеша эса силталаниб қутулмоқчи бўлар, ерга ётиб олар, кўллари билан бошини чангаллар ва уларга бир оғиз гапирмас, сўқинмас, таҳқирларни индамай кўтарарди. Охири уни ўз ҳолига қўйишар ва боз устига, бу маънода унга ачиниб, афсусланиб қарайдиган ҳам бўлишди. Ҳа айтмоқчи, у синфда доим энг яхши баҳоларга ўқирди, аммо ҳеч қачон унга биринчилик берилмаган эди.

Ефим Петрович қазо қилгандан кейин Алеша яна икки йил вилоят гимназиясида ўқиди. Ефим Петровичнинг ғамга ботган аёли уни ерга қўйгандан кейиноқ бутун оила бўлиб, қизларини олиб узоқ муддатга Италияга жўнади. Алеша эса Ефим Петровичнинг қандайдир узоқроқ қариндошлари бўлмиш қай бир икки хонимнинг уйига бориб қолди, Алеша уларни илгари ҳеч қачон кўрмаган, ахдлашув қандай бўлганини билмас ҳам эди. Алешанинг эътиборли хусусиятларидан яна бири шунда эдики, у ҳеч қачон кимнинг ҳисобига яшаётганини суриштириб ўтирмасди. Бу томондан у ўзининг ўртанча акаси Иван Федоровичнинг бутунлай акси эди. Иван Федорович университетда дастлабки икки йил жуда қийналиб ночорликда кун кечирган, ўз ёғига ўзи қовурилган, валинеъматнинг ту-

зини тотиш қандай бўлишини бошидан кечирганди. Алексейни феъл-атворидаги ушбу ғалати хусусияти учун ортиқча айблаб ҳам бўлмасди чамаси, нега деганда, уни озроқ бўлса-да билган одам шунақа гаплар тилга олинганда, шунга комил ишонч ҳосил қилар эдики, ҳеч шубҳасиз, Алексей ҳалигиндақа телбанамо йигитчаларга ўхшайди, унинг қўлига мабодо катта миқдорда пул тушиб қолса, дейлик, биринчи бўлиб сўраган кимсага ёки қандайдир савоб иш учун дарров бериб юборади ёки бирор чакқон муттаҳам илтимос қилса, қўлига тутқазади. Умуман айтганда, у пулнинг кадр-қимматини мутлақо билмайдиганга ўхшарди, аммо, албатта, аслида унчалар ҳам эмасди. Унга ҳеч қачон ўзи сўрамаса ҳам, чой-чақага деб озроқ пул берсалар, ҳафталарча бу пулни нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб юрар ёки бўлмаса бир зум ҳам қўлида сақлаб туролмас, ҳаш-паш дегунча ғойиб бўларди. Петр Александрович Миусов, пул масаласида буржуача софдилликда жуда эҳтиёткор одам, кейинчалик Алексейни диққат билан кузатиб, у ҳақда шундай бир доно сўзни айтганди: “Бу дунёдаги шундай бир ягона одам бўлса керакки, бир миллион аҳоли яшайдиган нотаниш шаҳар майдонида чўнтагида бир мирисиз ҳолда қолдирсангиз, у очликдан, совуқдан ҳеч қачон ҳалок бўлиб ўлиб кетмайди, нега деганда, уни дарҳол қорнини тўйғазишади, дарҳол бошпана беришади, жойлаштиришмаган ҳолда ҳам ўзи дарров жойлашиб олади, бунда ҳеч зўриқиб, овора бўлиб ҳам ўтирмайди, ялиниб-ёлвормайди, уни жойлаштирган одамга бу ҳеч қачон малол ҳам келмайди, балки, аксинча, бу ишидан жуда мамнун бўлади”.

У гимназияда ўқишни охирига етказмади; ўқиш тугашига ҳали бир йил бор эди, у хонимларга мен отамнинг олдига зарур иш билан бориб келаман, деб айтди, калласига нимадир ўрнашиб қолди. Хонимлар унга жуда ачинишиб, қўйиб юборгилари келмади. Йўл ҳақи унча қиммат эмас экан, у валинеъматининг хонадони чет элга кетмасдан олдин тортиқ қилган қимматбаҳо соатини гаровга топширмоқчи эди, хонимлар бунга йўл қўймадилар, қойилмақом қилиб йўл харажатини ҳозирлаб беришди, ҳатто янги қўйлак, уст-бош тутқизишди. Бироқ у беришган пулнинг ярмини қайтарди, жойи арзонроқ поездда кетаман, деди. Шаҳарчамизга етиб келгач, отасининг: “Нима учун ўқишни тугатмай келдинг?” – деган саволига миқ этмади, айтишларича, қаттиқ ўй-хаёлга ботиб турган. Аммо тез орада маълум бўлдики, у онасининг қабрини қидириб келган экан. У ҳатто буни ўз оғзи билан айтди. Лекин, келишидан мақсад шунинг ўзигина эмасди, чоғи. Тахминимизча, у ўшанда ўзи ҳам муддаосини билмаган ва буни ҳеч қандай сўз билан тушунтириб беролмасди: юрагининг қаъридан бирдан нима бош уриб чиқдийкин ва уни аллақандай янги, нотаниш ҳамда муқаррар бир йўл сари қўярда-қўймай етаклаб кетдийкин. Федор Павлович иккинчи хотинини қаерга кўмганини кўрсатиб беролмади, тобутга тупроқ тортилгандан кейин у бошқа ҳеч қачон хотинининг қабрига келмаган, узоқ замонлар ўтиб мазори қаердалигини ҳам умуман нутиб юборганди...

Федор Павлович борасида икки оғиз сўз. У бундан олдинроқ узоқ вақт бизнинг шаҳарда яшагани йўқ. Иккинчи хотини қазо қилгач, Россиянинг жанубий томонларига кетди ва Одессага бориб қолди-да, у ерда бир неча йил турди. Ўзининг сўзига қараганда, аввал “Кўп жухудлар, жухудчалар, жухудваччалар ва жухудвойлар” билан танишган ва охир-оқибат уни

фақат жухудларгина эмас, “яхудийлар ҳам қабул қилишган”. Чамаси, ўз ҳаётининг худди мана шу даврида у пул топиш ва пул йиғишнинг ҳадисини олган ва бунда қорафта бўлиб кетган. Яна у бизнинг шаҳримизга Алеша келмасидан уч йилча бурун қайтган. Аввалги таниш-билишлар кўзига у жуда қариб қолгандай бўлиб кўринди. Аслида, ҳали у қадар ҳам қари эмасди. У ўзини олийжаноблик у ёқда турсин, янада сурбетларча тутарди. Мисол учун, бетига чарм қоплаб, олдинги масхарабозини олиб келди, бошқаларни ҳам масхарабозликка ўргата бошлади. Ҳамон аввалгидай аёллар билан ишратбозликдан тийилмаган, балки олдингидан бешбаттарроқ бўлиб қолган эди. Орадан кўп ўтмай вилоятда анчайин қовоқхоналарнинг асосчисига айланди. Унинг чамаси юз мингдан кам бўлмаган сармоёси борлиги кўриниб турарди. Вилоят ва шаҳарда кўпгина одамлар дарҳол ундан қарз кўтардилар. Аниқ гаровлар эвазига у пул берди. Охирги пайтларда у ўзига қарамай, вазминлигини йўқотган, ўзини тергамай қўйган, қандайдир енгил-елпи ҳавойиликка берилган, бирор ишни бошласа, у бошқа ишга айланиб кетар ва қандайдир тарвақайлаб борар, бот-бот ичкиликка ружу кўяр, агарда яна ўша-ўша, аммо энди анча-мунча қартайиб қолган хизматкор Григорий бўлмаса, Федор Павлович ҳеч қачон бунақа таралла-ялло кун кўролмасди, Григорий худди тарбиячидай унинг кетидан қараб юрарди. Алешанинг келиши унга қандайдир маънавий томондан таъсир кўрсатди. Ушбу муваққат қариянинг кўнглида аллақачонлар сўниб бўлган нарсаларнинг нимасидир уйғонгандай туюлди: “Биласанми, – дерди у бот-бот Алешага диққат билан тикилиб, – сен онанга ўхшайсан, ўша жиллига ўхшайсан?” У Алешанинг онасини, ўзининг мархума аёлини шундай деб атарди. “Жилли”нинг мазорини Алешага охири хизматкор Григорий кўрсатди. Уни шаҳримизнинг қабристонига бошлаб борди ва узоқроқ бурчақдаги чўяндан ясалган, одмирок, аммо ораста лавҳа ишора қилди, чўян тахтачада мархуманинг исми шарифи, унвони, туғилган ва ўлган йиллари қайд этилганди. Тахтачанинг куйироғида ўрта табақа одамлари қабрларига умумий тарзда қўлланиб ёзиладиган, қадимлардан келаётган тўрт қатор мазор шеърларидан битиб қўйилганди. Ажабланарлиси шундаки, бу лавҳни Григорий қўйдирган эди. Уни шўрлик “жилли”нинг қабрига ўз ҳисобидан ва ўз қўли билан Григорий ўрнатганди. У Федор Павловичга кўп бора эслатганди, жонига ҳам текканди, аммо хўжайин фақат қабргагина эмас, балки барча хотираларга қўл силтаб, ҳайё-ҳайт деб охири Одессага жўнаворган эди. Алеша онасининг қабри тепасида йиғи-сиғи қилиб ўтирмади, фақат ёдгорлик лавҳа қандай қўйилгани ҳақида Григорийнинг зарур ва ўринли сўзларини индамай эшитди, бошини қуйи солганча бироз тик турди, сўнг бир оғиз гапирмай қабристондан чиқиб кетди. Ўшандан буён, балки, йил бўйи қабристонга йўламади. Ушбу кичкина воқеа Федор Павловичга ҳам тегиб кетди, бошқача таъсир қилди. У қутилмаганда минг рублни чўнтагига солди-да, монастирга элтиб топширди, Алешанинг онаси “жилли”га эмас, бош хотинга, ўзини дўппослаб турадиган Аделаида Ивановнанинг руҳини ёд этиб, дуо фотиҳа ўқишларини сўради. Ўша оқшом у ғирт маст бўлиб ичди ва роса Алешага роҳибларни ёмонлаб сўқди. Унинг ўзи у қадар диндор одамлардан эмасди; ҳеч қачон санам тагига беш чақалик шам олиб ёқмаганди. Мана шунақа тасқараларда гоҳида ажабтовур ҳиссиётлар ва ўй-хаёллар жунбушга келиб туради.



Унинг шалвираб қолганини юқорида айтиб ўтдим. Шу вақтга келиб унинг афт-башараси у бошидан кечирган ҳаётнинг мазмун-моҳияти билан хусусиятларини жуда кескин бир тарзда экс эттирарди. Кичкина-кичкина кўзлари тагида юмшоқ халтачалар, кўзлари қаттиқ тош қағир, доим шубҳаланиб ҳиссиз масхаралагандай боқади, ёғ босган чувак юзини юзлаб ажинлар қоплаган, чўзинчоқ ияги остида катта ва чўзиқ гўштдор, худди ҳамёндек кекирдак осилиб турар ва булар бари манфур шахватпараст қиёфа касб этарди. Бунга яна еб тўймас, қулоғига чўзилган катта оғзини қўшинг, пўрсилдоқ лабларини қўшинг, улар остида қорайиб кўринган, синган, чириган тишларини қўшинг. Сўзлаш учун оғзини очганда, атрофга сўлакларни сачрарди. У ўзининг афт-ангоридан ҳазил қилиб ўзи куларди, лекин шундай башара эгаси бўлганидан мамнун эди. Айниқса, унча катта бўлмаган, лекин жуда юпқа, букри ва дўнг бурни билан фахрланарди: “Ҳақиқий румоликларга хос, – дерди у, – кекирдакни ҳам қўшсангиз, тушкунлик замонлардаги қадимги Рим аслзодасининг башараси”. Ҳа, у бундан фахрланарди, чамаси.

Шундай қилиб, она қабрини топгандан кейин Алеша кўп ўтмай отасига ўзининг монастирга кирмоқчи эканлиги, роҳиблар уни шогирд қилиб олишга рози бўлганларини айтди. Бу менинг қатъий фикрим, сиздан ота сифатида розилик беришингизни сўрайман, деди. Монастирнинг овлоқ гўшасида холи ҳаёт кечираётган мўйсафид Зосима ўзининг мулоийм ўғлига қанчалар таъсир кўрсатаётганини Алешанинг отаси аллақачон биларди.

– Рост, бу қария улар ичидаги энг тўғри роҳиблардан, – деди отаси Алешанинг сўзини диққат қилиб ўйчан ҳолда эшитгандан сўнг, унинг сўровига ҳайрон ҳам бўлиб ўтирмай, – ҳимм, сен шу ерни хоҳлаб қолибсан-да, вой мулоийм ўғлим-ей! – У ширакайф эди ва бирдан оғзини кенг очиб мастона кулимсиради, унинг бу табассумида қандайдир бир муғомбирлик ҳам зухурланиб турарди. – Ҳм, бир кўнглимдан ўтган эди-я, сен шунақароқ бир ишга бошгинангни урсанг керак деб, ишонасанми бу гапимга? Худди айтганимдай бўлди, сен шуни танладинг. Хўп, майли, нима ҳам деймиз, икки минг чўнтагингда, сенга бу мисоли бир сеп-да, мен эса фариштам, доим сенга ёрдам бераман, мана ҳозир ҳам агар сўрашса керагича пул ўтказаман. Хўш, агар сўрашмасан, ўзимизча суркалиб нима қиламиз, тўғрими? Ахир, сен пулни худди кичкина қушчага ўхшаб харж қиласан, ҳафтасига бор-йўғи иккитагина дон чўқийсан... Ҳм, биласанми, бир монастирда кичкинагина қишлоқча бор, у ерда фақат “монастир хотинлари” яшашини ҳамма билади, у ерда уларни шундай деб аташади, ўттизга яқин хотин, ўйлашимча... Мен у ерда бўлганман, биласанми, ўзига яраша қизиқ нарса бу, ранг-баранглик маъносида. Чатоқ томони шундаки, ўлардай русий одатлар, француз хонимлар урукқа ҳам йўқ, лекин бўлишлари керак эди, катта пуллар айланади... Эшитиб қолишса, албатта, учиб-қўниб келишади. Хўш, бу ерда эса ҳеч вақо, бу ерда монастир хотинлари йўқ, роҳиблар эса икки юзга яқин. Рўзадорлар. Тан оламан... Ҳм. Шундай қилиб роҳибларни хоҳладингми? Рост, мен сенга жуда ачинаман, Алеша, чинданам, ишонасанми, мен сени яхши кўриб қолдим... Айтгандай, бир жиҳати ёмон эмас, биз гуноҳкорлар учун дуо ўқийсан, бу ерларда ҳаддан ташқари бош-оёқ гуноҳга ботдик. Мен ҳар доим шу ҳақда ўйлаганман. Ким бизнинг гуноҳларимизни сўраб оларкин деб? Дунёда



шундай одам бормикин? Азиз болагинам, мен бунақа масалаларда ёмон аҳмоқман, сен балки ишонмассан? Жуда ёмон, менга қара, қанчалар аҳмоқ бўлмай, ахир мен бу ҳақда ўйлайман, ўйлайвераман, албатта, гоҳи-гоҳида, ахир бутунлай абас эмасдир. Мана, мен ўлганимда, ахир мумкин эмасдир-ку, деб ўйлайман, нахот мени шайтонлар ўз маконларига чангак билан ташиб кетишни унутиб қўйсалар. Ана шуни ўйлайман-да, чангаклар? Уларни қаердан олишган? Нимадан ясалган? Темирданми? Уларни қаерда қуйишади? Нима, ўша ёқларда уларнинг фабрикаси борми? Ахир ўша монастирда роҳиблар дўзахда шифт бор, деб хисобласалар керак, дейман-да. Мана мен дўзах борлигига ишонишим мумкин, фақат шифтли бўлмаса бас; бунинг сипориши бошқача, маърифийроқ, черковбопроқда. Аслини олганда ҳаммаси бир гўр эмасми, шифт билан бўлди нима-ю бўлмади нима? Ахир бу маънода савол шундан иборат-ку! Хўш, агарда шифт бўлмаса, унда чангак ҳам йўқ-да. Агарда чангаклар бўлмаса, унда ҳаммаси нарига гумдон бўлсин, демак, яна ақл бовар қилмайди: унда ким мени чангаклар билан тортиб кетади, агар мени тортиб кетмасалар, унда нима бўлади, қани дунёда ҳақиқат? Il faudrait les inventer<sup>1</sup>, ушбу чангаклар, атай мен учун, бир ўзим учун ясалган, нега десанг, Алеша, агар билганимда эди, мен қандоқ шармандаман!..

– Э, у ёқда чангаклар ўзи йўқ, – отасига тикилиб қараган кўйи секин жиддий оҳангда деди Алеша.

– Шундоқ, шундоқ, фақат чангакларнинг шарпалари. Биламан, биламан. Бу битта французнинг дўзахни тасвирлаганига ўхшайди: “J’ai vu l’ombre d’un cocher, qui avec l’ombre d’une brosse frottait l’ombre d’une carrosse”<sup>2</sup>. Сен, бўталоғим, чангаклар йўқлигини қаердан биласан? Роҳибларнинг илгига тушсанг, мундан баттарини айтасан. Ҳай майлига, бора қол ўша ерга, ҳақиқатнинг тагига ет, кейин келиб менга айтиб бер: ҳар ҳолда нариги дунёга бориш осон бўлади, у ёқда нима борлигини билсанг. Роҳиблар ҳузурида сенга осонроқ бўлади, қизлар билан ўйнайдиган бадмаст чолнинг олдида сенга нима бор... гарчи сен фаришта каби ўзингга ҳеч нарсани юқтирмасанг ҳам. Баҳарҳол, у ёқда ҳам сенга ҳеч нарса юқиб қолмас, шунинг учун ҳам сенга изн беряпман, бунга мен ишонаман. Шайтон сенинг ақлингни еб кетмаган-ку. Лов этиб ёнурсан, сўнг ўчурсан, дардингга малҳам топиб қайтиб келурсан. Мен эса сени кутурман: ахир сен дунёда мени айбламайдиган бирдан-бир инсонсан, мен буни сезаман, менинг азиз болақайим, мен ахир буни ҳис қиламан, ҳис қилмай иложим йўқ-ку!..

У ҳиқиллаб қолди. У ҳиссиётчан эди. У бадхоҳ ва ҳиссиётчан эди.

## V

### БУЗРУКВОРЛАР

Эҳтимол, ўқувчиларим орасида кимлардир менинг навраста қахрамоним оч оғриқ, инжик, феъл-атвори яхши шаклланмаган, рангпар

<sup>1</sup> Унда уни ўйлаб топиш керак эди (франц.). “Худо бўлмасайди, уни ўйлаб топишга тўғри келарди” – француз файласуфи Вольтер сўзи.

<sup>2</sup> Мен аравакашнинг соясини кўрдим, у чўтканинг сояси билан аравакашнинг соясини тозаларди (франц.). Шарль Перро (1628-1703) нинг “Юзини ўзгартирган Энеида” ҳажвиясидан эркин истифода.

хаёлпараст, нимжон ва сўлғин резги бир кимса экан, деган хаёлга боришлари мумкин. Ундай эмас, аксинча, Алеша ўша пайтда келишган, икки бети қизил олмадек, нигоҳи нурли, жуссасидан куч ёғилиб турган соғлом ўн тўққиз яшар йигитча эди. У чоғлар Алеша қадди-қомати кўркама, хушбичим, бўйгинаси ўртача, буғдойранг-сарикдан келган, юзи бироз чўзинчоқроқ, лекин бичим андозаси тўғри, қорамтир-кўк, кўзларининг ораси кенг очиқ юлдуздай чакнаб тургувчи, хийла ўй-хаёлга ботган ва хийла вазмин кўринарди. Балки, эътироз билдиришар: икки юзи қип-қизил бўлгани билан бу на мутаассиблик ва на руҳонийпарастликка тўсиқ бўлолади; менга эса Алеша бошқа ҳар қандай одамдан кўра ҳам амалиётчи бўлгандай кўринади. О, рост, монастирда у мўъжизаларга тўла ишонарди, лекин, менимча, мўъжизалар амалиётчи одамни ҳеч қачон шошириб қўймайди. Динга ишонишга амалиётчини мўъжизалар ундамайди, чинакам амалиётчи, агарда у диндор бўлмаса, мўъжизага ишонмасликка доим ўзида куч ва салоҳият топади, агар мўъжиза унинг қаршисида инкор қилиб бўлмас бир воқелик сифатида пайдо бўлса, у буни воқелик сифатида қабул қилишдан кўра ўз ҳиссиётларига ишонмай қўя қолади. Агар қабул қилиб, тан олса ҳам, буни табиий бир воқелик каби тан олади. Фақат бу нарса менга шу вақтгача маълум бўлмаган экан, дейди. Амалиётчида дин мўъжизадан туғилмайди, мўъжиза диндан туғилади. Агарда амалиётчи бир ишонса, унда айнан ўзининг амалиётчилиги боис, албатта, мўъжизани ҳам қабул қилади, тан олади. Ҳаворий Фома кўзим билан кўрмагунча ишонмайман деган, кўргандан сўнг эса: “Менинг Раҳмоним, менинг худойим!” – деган<sup>1</sup>. Уни ишонишга мўъжиза мажбур қилдимикан? Афтидан, ундай эмас. Ишонганининг бирдан-бир сабаби – ишонишни истагани; ўз хилқатининг хилват бир ошёнида, ҳали ўша: “Кўрмагунча ишонмайман”, деб юрганларида ҳам у балки тўлиқ ишонганди.

Балким, эҳтимол, Алешани эси паст, ғўр, ўқишни ташлаб кетган ва ҳоказо дейишлари мумкиндир. Ўқишни тугатмай ташлаб кетгани рост, лекин уни эси паст, аҳмоқ деб айтиш ғоят адолатсизлик бўлур эди. Юкорида айтган эдим, яна такрорлайман: қалбининг зулматидан нурафшонлик сари зўр бериб талпинган мислсиз инкишофи унинг кўз ўнгида бирдан бирваракай намоён бўлиб, уни тамомила лол қилиб қўйди, шунинг учун у бу йўлга кирди. Бунга унинг охирги пайтлардаги ёшларимизга мансуб эканлигини қўшинг, ўз табиатига кўра софдил, ҳақиқатни талаб қиладиган, уни излайдиган ва унга ишонадиган, унга ишонгандан кейин эса бутун қалбининг қўри, қуввати билан уни дарҳол тасдиқлаб, талаб қиладиган, жасорат кўрсатишни талаб қиладиган, бутун бору йўғини, ҳаттоки бутун ҳаётини мана шу жасорат учун бир зум ҳам кечиктирмай қурбон қилишни истайдиган ёшлар сирасидан эди. Ҳолбуки, бахтга қарши, мана шу ёшлар ҳаётни қурбон қилиш, эҳтимолки, барча қурбонликлар ичида энг осони эканлигини англамайдилар, бунақа воқеалар ниҳоятда кўп, ёшлик завқи қайнаган ўз ҳаётининг беш-олти йилини, мисол учун мушкул, машаққатли ўқиш, илм-фанни эгаллашга қурбон қилиш – ҳа, мана шундай қурбонлик учун уларнинг кўпчилигида куч-қувват етишмайди, ҳолбуки, мана шундай қурбонликкина ўша ҳақиқат ва ўша жасоратга хизмат қилмоқликда уларнинг кучларига куч, балки ўн баробар

<sup>1</sup> Ҳаворий Фома – Исо Масих шогирдларидан бири.

ортиқроқ куч кўшган бўларди. Алеша эса фақат ҳаммага қарама-қарши йўлни танлади, у ҳам жуда тез жасорат кўрсатиш иштиёқида ёнарди. У жуда жиддий фикр юритиб, мангулик ва худо – булар бор нарсалар деган эътиқодга келгач, бундан қаттиқ ҳайратга тушди ва шу заҳоти табиийки, ўзига ўзи: “Мангулик учун яшашни истайман, ярим муросасозликни эса қабул қилмайман”, деди. Худди шунингдек, агарда у мангулик ва худо – йўқ нарсалар деган қарорга келганда эди, ўша ондаёқ у даҳрийлар ва социалистлар тарафига ўтган бўларди (зеро, социализм ишчилар ёки тўртинчи табақа деб аталадиганларнинггина масаласи эмас, балки ортиқ даражада даҳрийлик масаласи, даҳрийликнинг мужассамлашиш масаласи, Бобил минораси масаласи, у айнан худонинг иштирокисиз қурилмоқда ва заминдан кўкларга етиш эмас, балки кўкларни ерга тушириш учун қурилмоқда)<sup>1</sup>. Худди аввалгидек яшаш Алешага ҳатто ғалати ҳамда мумкин эмасдек туюлмоқда эди. Ахир айтилган-ку: “Агар баркамол бўлишни истасанг, ҳамма нарсангни тарқат ва менинг ортимдан юр”. Ана шунда Алеша ўзига ўзи деди: “Шу “ҳамма” деганининг ўрнига мен икки рубль беролмайман, “ортимдан юр” деганининг ўрнига эрталабки ёки тушлик ибодатгагина қатнолмайман. Унинг гўдаклик чоғларидаги хотираларида балки бизнинг шаҳар четигаги монастиримиз элас-элас сақланиб қолгандир, онаси, эҳтимол, уни ибодатга бошлаб боргандир. Балки санам устига қиялаб тушган кечки куёш шуълалари унга таъсир қилгандир, ўшанда шўрлик жилли онаси уни санамга икки кўллаб тутганди. Ўша чоғлар у биз томонларга хаёлларга чўмиб келиб қолди, балки фақат кўргани: ҳаммасими бунда ёки бунда ҳам фақат икки рублми, шунда у монастирда ўша қари валини учратди...

Юқорида тушунтирганимдай, ушбу қари пир вали Зосима эди. Худди мана шу ерга келганда, умуман, бизнинг монастирлардаги “қариялар” кимлар эканлигини айтиб ўтмакликка эҳтиёж сезаман, аммо минг афсуски, ушбу йўлда ўзимни билгич деб билмайман ва тиззам қалтирайди, бироқ начора, икки оғиз сўз билан қисқа баён этишга уриниб кўраман<sup>2</sup>. Аввало, махсус ва билгич кишилар айтадиларки, бизнинг рус монастирларида қариялар ҳамда қариячиликнинг пайдо бўлганига узок вақт бўлгани йўқ, юз йилга етиб-етмайди, ҳолбуки бутун православ Шарқда, айниқса Синай билан Афонда минг йиллардан бери мавжуд<sup>3</sup>. Айтишларича, қариячилик бизнинг Россиямизда ҳам қадим замонлардан бери мавжуд бўлган ёхуд албатта мавжуд бўлиши лозим эди, лекин Россияда юз берган кулфатлар, татар босқини, ғалаёнлар туфайли, Константинопол забт қилингандан сўнг, Шарқ билан борди-келдилар узилиб қолиши натижасида бу ҳаракат унутилди ва қариялар қолмади<sup>4</sup>. Ўтган асрнинг охирларида у бизда буюк фидокорлардан бири (уни бизда шундай таърифлашади) Паисий Величковский<sup>5</sup> ҳамда унинг шогирдлари томонидан қарийб юз йилдан сўнг қайта тикланган, у ҳали унча кўп монастирларда мавжуд эмасди, шу боис Россияда кўз кўриб қулоқ эшитмаган бидъат сифатида қораланган

<sup>1</sup> Бобил минораси – кўхна асотирларда мағрур одамлар худонинг иродасидан ташқари самога буй чўзган минора яратмоқчи бўлганлар. Тиллар ва халқлар бутунлай чалкашиб кетиб, ҳеч ким ҳеч кимни тушунмай, минора чала қолиб кетган.

<sup>2</sup> “Старцы” – “қариялар”, рус черкови валий, авлиёлари, бизда сўфий “оталар”га маъноси айнан тўғри келади.

<sup>3</sup> Синай – Синай яриморали жанубидаги тоғли макон. Афон – Юнонистондаги яриморол.

<sup>4</sup> Константинопол – Истанбул. Султон Маҳмуд II 1453 йилда ишғол қилган.

<sup>5</sup> Паисий Величковский (1722-1794) – рус православ руҳонийси, сайёҳи, таржимони.

ва гоҳида қувғинларга учраган. Рус заминида, айниқса, Козельск Оптинаси деган машҳур узлатгоҳда анча гуллаб яшнаган<sup>1</sup>. Бизнинг шаҳар монастиримизда у қачон пайдо бўлгани ва ким томонидан олиб келинганини айтолмайман, лекин бунда қарияларнинг уч авлоди мавжуд деб ҳисобланади, қария Зосима эса уларнинг энг охирги издоши, аммо у ҳам ожизлик ва касалликлар боис ўлим ёқасига келиб қолган, ўлса ўрнига ким қолади номаълум. Бу бизнинг монастиримиз учун муҳим масала эди, негаки у шу пайтгача бошқа бирон нарсаси билан ном чиқармаганди: унда на азиз авлиёларнинг лошлари, на мўъжизакор санамлар, на бизнинг тарихимиз билан боғлиқ муқаддас ривоятлар, на юрт олдида кўрсатилган жасорат ва қаҳрамонликлар бор эди. У бутун Россияга ёлғиз ушбу авлиё қариялари билан танилиб, машҳур бўлганди, уларни кўриш, панд-насихатларини олиш учун неча минглаб чақиримлар йўл босиб, бутун Россиядан тўда-тўда зиёратчилар келишарди. Хўш, шундай қилиб, қария деганимиз ким ўзи? Қария бу валий, сизнинг жонингиз, сизнинг иродангизни ўз жони ва ўз иродасига оладиган зот. Валий қарияга қўл бериб, сиз ўз иродангиздан воз кечасиз ва уни батамом унинг ихтиёрига топширасиз, ўз-ўзингиздан бутунлай кечиб, унинг шогирди, муридига айланасиз. Бу серсинов, даҳшатли ҳаёт мактабига киши ўз ихтиёри билан ўзини бағишлайди, узоқ оғир синовлар сўнгида ўзини енгиб ўтишни умид қилади ва бу имтиҳонларнинг пировард натижасида, итоат ҳамда риёзат сўнгида мукамал эрк қозонишни истади, бу ўз-ўзлигидан озодликдир ва шу йўл билан у бир умр яшаб ўзлигини тополмаганлар қисматига шерик бўлмасликни кўзлайди. Валий қариялик кашфиёти – у назарий бир нарса бўлмай, Шарқда юзага келган амалиётдир, бизнинг замонамизгача эса неча минг йилликларни босиб ўтди. Валий олдидаги бурчу мажбуриятлар бизнинг рус монастирларида мудом тушунилганидек, фақат “итоат ва риёзат”дангина иборат эмас. Бунда валий қарияга қўл берганлар томонидан мангу дил изҳори ва боғловчи билан боғланувчи ўртасида ҳеч қачон бузилмайдиган мангу восита назарда тутилади. Ҳикоя қилишларича, насронийликнинг қадим замонларида бир шогирд устози зиммасига юклаган вазифани адо этмай, ўша монастирдан қарияни ташлаб бошқа мамлакатга – Шомдан Мисрга кетиб қолибди. У ерларда кўп жасоратлар кўрсатиб, улуғ риёзатлар чекиб, дин йўлида машаққатлар кўриб жонини ниҳоят эгамга топширибди. Черков уни авлиё санаб, жасадини қабрга топшираётганда, диакон руҳоний: “Чорланганлар, чиқингиз!” – деб қичқирганда, жафокаш муборизнинг лоши ётган тобут турган жойидан кулаб, бу воқеа уч маротаба такрорланибди. Ва ушбу азобқунанда жаббор пирнинг айтганини қилмай, аҳдни бузиб кетганидан хабардор бўлишиб, пир унинг гуноҳини кечирмагунча, ҳар қанча дин йўлида қаҳрамонликлар кўрсатган бўлмасин, аҳвол ўзгармаслигини билишибди. Ниҳоят, пирга мурожаат қилиб, пир жафокашни аҳдидан озод қилгандан кейингина уни қабрга қўйиш муяссар бўлибди. Албатта, бу жуда эски ривоят, ундоқ десак, мана яқинда бўлиб ўтган воқеа: бизнинг ҳозирги замон роҳибларидан бири Афонда халос бўлмоқ пайида юраркан, кутилмаганда пири қария унга Афондан чиқиб кетишни буюрибди; у эса Афонни осуда муқаддас жой билиб, юрак-юракдан қаттиқ севиб қолган экан, пир олдин

<sup>1</sup> Козельск Оптинаси – Калудаги машҳур монастир. Достоевский рус файласуфи В.С.Соловьёв билан бирга бу ерни 1878 йилда зиёрат қилган, сўнг охирги романини ёзишга ўтирган эди.

Қуддусга бориб, муқаддас ерларни тавоф қил, кейин шимолга – Россияга бор, сўнг Сибирга ўтиб жойлаш, “Сенинг жойинг бу ер эмас, ўша макон”, дебди. Қайғу-аламдан ўлар даражага етган роҳиб лолу ҳайрон бўлиб Константинополга, бутун дунё патриархи ҳузурига бориб, ўзини аҳддан озод қилишни ёлвориб сўрабди, шунда бутун дунё бузруги мен катта бузрук бўлсам ҳам, буни ҳал қилолмайман, бутун курраи арзда пир юклаган аҳддан халос қила оладиган куч йўқ, буни аҳд юклаган пирнинг ўзидан бошқа ҳеч ким уддалаёлмайди, дебди. Шу тариқа бузруклар маълум маънода чексиз ва ҳайратомуз бир ҳукм қудрати ила тақдир этилгандир. Мана шунинг учун бизнинг кўп монастирларимизда бузрук валилар қарийб қувғин остига олинганлар. Лекин ҳалқ орасида бузрукларнинг ҳурмат-эътибори баланд бўлган. Бизнинг монастирларимизнинг бузруклари зиёратига оддий кишилару, энг машҳур зотлар тўхтамай келиб туришган, улар қошида тиз чўкиб, ўзларини қийнаган шубҳалар, дардлар, гуноҳлари азоб-уқубатларини изҳори дил этишган, ёрдам ва маслаҳат сўрашган. Бузрукларнинг муҳолифлари буларни кўриб, изҳорнинг сир-асрори ўзбошимчалик ва енгилтаклик билан бузиляпти деб қичқиришар, яна бошқа айбларни ҳам тўнкашарди, ҳолбуки, шогирднинг ёки ташқаридан келган кимсанинг бузрук ҳузурига узлуксиз изҳори дили у қадарли сир-асрор сифатида баён этилмайди. Ва ниҳоят, бизда бузруклар ўз мақомларини сақлаб қолдилар ва рус монастирларида ўз ўринларини топдилар. Яна шу нарса ҳам ҳақиқатки, мана шу минг йилларча инсоннинг кулчиликдан эркинликка ўтиши ва маънавий баркамоллик сари интилишида ахлоқий юксалиш учун хизмат қилиб келган, синовдан ўтган бу қуролнинг тиғи икки ёқлама ўткир бўлиб кетиши ҳам ҳеч гапмас, бинобарин, балки айримларни сабр-тоқат ва тугал бардош-ирода касб этмоқликка эмас, аксинча, энг оғир шайтоний такаббурликка, яъники, озодлик сари эмас, кишанлар ҳамда занжирлар сари элтиши ҳам мумкин.

Бузрук Зосима олтмиш бешларга борган, помешчиклардан чиққан, бир пайтлар ёшлик чоғларида ҳарбий хизматда, Кавказда катта зобит бўлган эди. Шак-шубҳасиз, у Алешани қалбининг ўзгача бир хислати билан мафтун қилганди. Алеша бузрукнинг ҳужрасида яшар, бузрук уни жуда ёқтириб қолиб, ҳужрасидан жой берганди. Шуни ҳам айтиш керакки, Алеша ўша пайтда монастирда яшаб, ҳали ҳеч нарсага боғланмаган, эмин-эркин юраверар, кун бўйи хоҳлаган жойига бораверарди. Монастир кийимини ҳам ўз ихтиёри билан кийган, бошқалардан ажралиб тургиси келмаганди. Бир томондан бу унинг ўзига ҳам ёқарди. Балки қарияни қуршаган мана шу шон-шараф ва қудрат Алешанинг навқирон хаёлига шунчалар қаттиқ таъсир қилгандир. Бузрук Зосима ҳақида кўплар шундай гапларни айтишардики, у узоқ йиллар мобайнида ҳузурига юрагини очиш учун келган, ундан ўз дарду дунёсига малҳам ва халоскор сўз эшитишни истаган кишиларнинг шунчалар кўп изҳорлари, фарёду нолалари, сезимларини юрагига қабул қилиб, охирида зеҳни ва фаҳму идроки шу қадар ўткирлашганки, у энди олдига келган нотаниш одамга шундоқ бир қарашдаёқ унинг дарди-дунёсини билиб оларди: нимага келгани, унга нима кераклиги ва ҳатто унинг виждони қандай азоб ичида қийналаётганини айтиб бероларди. У арзи ҳол қилиб келган одам ҳали оғзини очмасданоқ унинг энг нозик сирларидан воқиф эканлиги билан ҳайрат ва саросимага соларди. Шу билан бирга, Алеша доим яна шунга



эйтибор қилардики, жуда кўп одамлар, ҳатто деярли ҳамма бузрук қошига биринчи марта хилват суҳбатга кўрққан ва ташвишланган ҳолда кириб, унинг олдидан доим чехралари ёришган, қувонган алфозда чиқардилар, энг хўмрайган, тумтайган башаралар ҳам бахтиёр чарақлаб кетарди. Қариянинг у қадар жиддий ва талабчан ҳам эмаслиги Алешани янада ҳайратга солар, аксинча, унга доим очиқ чехра билан қувноқ муомала қиларди. Роҳиблар шундай гапларни айтишардики, ким кўпроқ гуноҳкор бўлса, чолнинг кўнгли кўпроқ шунга мойил бўларди, кимда-ким бошқалардан ортиқроқ гуноҳ қилган бўлса, қария уни ҳаммадан кўпроқ ёқтирарди. Қария ҳаётининг охирларида уни ёмон кўрадиганлар, ҳасад қилувчилар роҳиблар орасида ҳам топиларди, лекин улар кўп эмасди, энди оғизларини тийиб юришарди, аммо улар орасида монастирнинг бир қанча таниқли, хийла эйтиборли кишилари ҳам йўқ эмасди, мисол учун энг эски роҳиблардан улуғ индамас ва фавқуллода рўздор шундайлардан бири эди. Лекин ҳартугул, асосий кўпчилик, шубҳасиз, бузрук Зосиманинг тарафини оларди, уларнинг аксарияти ҳатто уни қайноқ қалб билан чин дилдан яхши кўрарди; айримлари ҳатто жонини бағишлашга ҳам тайёр эди. Бу кабилар баралла овоз билан бўлмаса-да, уни авлиё дейишар, бунга энди ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади, деб ишонишарди, унинг ҳаёти охирлаб бораётганига қараб, жуда яқин орада марҳумдан монастир шаъни учун ҳатто мўъжизалару буюк шон-шарафлар рўй беражанини илҳақ, интизор кутишарди. Бузрукнинг мўъжизакор куч-қудратига Алеша ҳам ҳеч шак-шубҳасиз ишонарди, у худди шунингдек, черковдан учиб чиққан тобутга чиппа-чин ишонарди. Кўплар касал болалари ё кекса қариндош-уруғлари билан келиб, қария бетоблар устида дуо талабида бўлиб, пешонасига қўл босишини сўраб ёлворардилар, кейин тез, айримлари эртасигаёқ қайтиб кетишарди, кўзларидан шашқатор ёшлар тизилиб, чол олдида тиз чўкишар, касалларга шифо ато этгани учун миннатдорлик билдиришарди. Аслида, бу касалнинг даво топиши эдими ё беморнинг табиий ўзини яхши сезиши эдими, Алеша буни ўйлаб ўтирмасди, бас, у ўз устозининг руҳоний куч-қудратига энди тўла ишонарди, устознинг шарафини гўё ўз тантанаси каби қабул қиларди. Бузрукни кўриш, унинг дуосини олиш учун бутун Россия пучмоқларидан зиёратчилар келишар ва монастир дарвозаси олдида унинг чиқишини интизор бўлиб кутишар, бузрук ўзига интиқ оломон қошига рўпара бўларкан, Алешанинг юраги бошқача бир ларзага тушар ва бутун қиёфасидан нур ёғилаётганга ўхшарди. Зиёратчилар бузрук қошида тиз чўкишар, йиғлашар, оёқларини, оёқлари турган тупрокни ўпишарди, дод-фиғон қилишар, хотин-халаж унга болаларини тутишар, эс-ҳуши кетган савдойиларини рўпара қилишарди. Бузрук улар билан сўйлашар, улар боши устида қисқача дуо ўқир, яхши тилаклар билдириб сўнг руҳсат берарди. Кейинги пайтларда у касалининг қаттиқ хуружларидан шунчалар ҳам куч-мадорини йўқотардики, ҳужрасидан чиқишга ҳоли келмас, шу туфайли зиёратчилар монастирда уни бир неча кунлаб пойлашарди. Уни нега бунчалар яхши кўришлари, нега тавоф қилиб пешоналарини ерга уришлари, нега унинг сиймосига кўзлари тушган замон йиғлай бошлашлари устида Алеша сира бош қотириб ўтирмасди. О, у шу нарсани аъло даражада тушунар эдики, меҳнат-машаққат, қайғу-ғам юки остида қолган, бунинг устига, ҳам ўзининг, ҳам дунёнинг азал адолатсизлиги, азал гуноҳлари тагида эзилиб

ётган оддий рус кишисининг итоаткор қалби учун тасалли ва таскиндан ортиқ, авлиёни ва муқаддас ерни топишдан, уни тавоф этиш ва таъзим бажо келтиришдан авло таскин ва саодат йўк: “Агарда биз гуноҳкор ҳам таъмагир, ёлғонга ботган бўлсак, барибир ер юзида қайдадир ўша ёқларда авлиё ва олий таоло бор; ҳақиқат ана ўшанда, ана ўша ҳақиқатни билади; бинобарин, ҳақиқат ер юзида ўлмайди, шундай экан, вақти-соати билан бизга ҳам етиб келади ҳамда бутун қурраи заминда адолат ўрнатади, ваъдасининг устидан чиқади”. Халқ мана шундай ҳис қилиши ва ҳатто фикрлашини Алеша биларди, бунини у тушунарди, аммо бузрук баайни ўша авлиё эканлиги, у халқ назарида тангри ҳақиқатининг сақловчиси эканлиги борасида заррача шубҳа-гумон қилмасди ва бу борада мана шу кўзлари ёш тўла эркалар, болаларини қарияга узатган касал хотин-халаж билан бирга эди. Қария қазосидан сўнг монастиргга фавқуллода шон-шуҳрат келтиради, деган ишонч Алеша қалбида наинки ҳукмрон, балки бошқа ҳаммадан кўра ҳам унда кучлироқ эди. Умуман олганда эса, кейинги вақтларда қандайдир жуда теран, алангали қувонч борган сари юрагида кучлироқ аланга ола бошлаганди. Бузрук унинг рўпарасида ёп-ёлғиз эканлиги уни асло чўчитмасди: “У барибир авлиё, ҳамма учун янгилашиш сири унинг қалбида мужассам, ниҳоят, ер юзида ҳақиқат ўрнатадиган қудрат бор, инчунин барча унингдек валий бўлмай ва ҳамма бир-бирини севгай ва сўнг ҳеч қачон на камбағаллик бўлмай ва на бойлик, на юксалгувчи бўлмай ва на тубанлашгувчи, ҳамма парвардигорнинг сабийларига айланмай ва чинакам Масиҳонинг шоҳлик даври келгай”. Алешанинг ўй-хаёлидан мана шулар ўтарди.

Ҳар иккала акаси келганлиги, чамаси, Алешада жуда катта таассурот қолдирди, ахир у ўз туғилган акаларини шу пайтгача танимас ва билмасди-да. У ўзининг бир курсокдан тушган акаси Иван Федоровичга нисбатан, гарчи кейинроқ келган бўлса ҳам, тўнғич акаси Дмитрий Федорович билан жуда тез яқинлашиб апок-чапок бўлиб кетди. У акаси Иванни билишга жуда каттиқ қизиқарди, аммо Иван мана икки ойдан буён шу ерда турган бўлса-да, бир-бирларини тез-тез кўриб туришганига қарамай, ҳали тузук-қуруқ гаплашмаган эдилар. Алешанинг ўзи ҳам индамас, худди алланиманидир кутаётганга, худди алланимадандир андиша қилаётганга ўхшарди, акаси Иван эса, гарчи Алеша бошида унинг ўзига узок тикилиб, қизиқиб қараётганини фаҳмлаган бўлса-да, орадан кўп ўтмай, афтидан, укасини бутунлай унутиб юборгандай кўринарди. Алеша бундан бироз қисингандай бўлди. Акасининг бепарволигини Алеша ёшлари орасидаги фарқдан ва айниқса, маълумотлари ҳам турлича эканлигидан деб билди. Аммо Алеша бошқа нарсани ҳам ўйларди: Иваннинг унга бунчалар эътиборсизлиги ва меҳрсизлиги Алеша билмайдиган бутунлай бошқа бир нарсдан туғилган бўлиши ҳам мумкин. Унга доим шундай туюлардики, Иван ҳамини нима биландир, қандайдир ички муҳим бир нарса билан банд эди, у аллақандай жуда мушкул бир мақсад сари интилаётгандай, шунинг учун укаси билан иши бўлмас ва худди мана шу нарса унинг Алешага ҳафсаласиз ва паришон қарашининг ягона сабаби бўлса, эҳтимол. Алеша яна бошқа бир нарса ҳақида ҳам ўйланарди: бу даҳрий олимнинг тентакнамо черков шогирдига алланечук ижирғаниб қарашини натижаси эмасмикин. Алеша акасининг худосиз эканлигини тўла-тўқис биларди. Агар бу ҳақиқатда нафратланишга ўхшаш бир нарса бўлса,

унда Алеша бундан хафа бўлиб ўтирмасди, бироқ барибир қачон акам билан яқинроқдан гаплашаркинмиз деб, қандайдир тушуниксиз ташвиш-хавотир ичида кутарди. Акаси Дмитрий қандайдир ўзгача ҳурмат-эътибор билан акаси Иван ҳақида сўйлар, уни чин дилдан эъозларди. Кейинги вақтларда ҳар иккала акасини бир-бирларига маҳкам боғлаб қўйган ўша муҳим ишнинг барча тафсилотларини Алеша катта акаси Дмитрийдан билди. Акаси Дмитрийнинг Иван ҳақида оғзидан бол томгандай гапириши Алешанинг назарида яна шуниси билан диққатга сазовор эдики, акаси Дмитрийни Иванга қиёсан олганда, маълумоти ҳам у қадарли юқори эмас, агар ҳар икковлари ёнма-ён қўйилса, шахсият томонидан ҳам, феъл-хўй томонидан ҳам бир-бирларидан кескин ва ёрқин фарқланар, гўё оламда бир-бирига бунчалар ўхшамаган одамни топиш амри маҳолдек эди.

Худди мана шу даврда ушбу номавзун, ноахил оилага мансуб барча аъзоларнинг бузрук хужрасида жамулжам йиғилиши, бошқача айтганда, оила йиғини бўлиб ўтди, бу Алешага фавқулодда жуда қаттиқ таъсир этди. Йиғиннинг сабаби, чинини айтганда, сохта, ясамарок эди. Худди мана шу кезларда Дмитрий Федоровичнинг мерос ҳамда мулк борасидаги отаси Федор Павлович билан низолари, чамаси, ўзининг ақл бовар қилмас нуқтасига етганди. Муносабатлар кескин тус олиб, чидаб бўлмас ҳолатга келган эди. Федор Павлович, чамаси, биринчи бўлиб ва менимча, ҳазил-хузул тариқасида келинлар, ҳаммамиз бузрук Зосима хужрасида йиғилайлик, деган фикрни ўртага қўйди, уни тўғридан-тўғри воситачи қилмасак-да, ҳар ҳолда унинг хузурида қандайдир муросага келиш одоб юзасидан ҳам ўринли бўлади, пурвиқор ва катта обрў-эътиборга эга бузрук ҳомийлигида ярашиш ишонч ва салмоққа эга. Бузрукни аввал кўрмаган, олдига бормаган Дмитрий Федорович, албатта, мени чолни ўртага солиб кўрқитишмоқчи деб ўйлади, лекин охириги вақтларда отаси билан тортишувларда анча-мунча оғир одобсизликларга йўл қўйдим деб, ўзини ичдан яниб юрган Дмитрий Федорович, ниҳоят, ушбу воситачиликка рози бўлди. Айтмоқчи, у Иван Федоровичдан фарқли ўлароқ, отасиникида турмасди, шаҳарнинг бошқа бир чеккасида алоҳида яшарди. Шу аснода яна шундай аҳвол бўлиб қолдики, айнаи вақтларда Петр Александрович Миусов шахримизда истиқомат қилмоқда эди, у Федор Павловичнинг таклифини маҳкам ушлаб олди. Қирқинчи ва эллигинчи йилларда эркин фикрли, даҳрий ҳамда либерал бу зот балки зерикиб қолганидан ё енгил-елпи бир эрмак важданми, ана шу ҳангамада фавқулодда тарзда иштирок этди. Кутилмаганда, бирдан унинг монастир ва “авлиё”ни кўргиси келиб қолди. Шуниси ҳам борки, монастир ерлари билан ўз мулки ўртасидаги чегаралар, ўрмон кесиш ҳуқуқи бўйича қандайдир можаролар, дарёда балиқ овлаш келишмовчиликлари ва ҳоказолар юзасидан узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган ўзаро тортишувлар боис у ҳозирги фурсатни қулай билиб, падар игумен билан келишиб олмоқчи бўлди: қандай қилиб бўлмасин, бу тортишувлар ва даъволарни яхшиликча ҳал қилишнинг иложи йўқмикан? Албатта, бундайин эзгу ниятли кишини монастирда диққат-эътибор ила қабул қилишлари ва даъволарини эътибор ила тинглашлари мумкин, ахир булар шунчаки бекорчи гаплар эмас-ку. Шу каби мулоҳазаларнинг барини ҳисобга олганда, монастирда бемор бузург қарияга қандайдир ички таъсир кўрсатилса, ажаб эмасди, зеро, сўнгги вақтларда ҳурматли зот умуман хужрасидан чикмай қўйган,

касаллиги боис ҳожатманд зиёратчиларни ҳам қабул қилмасди. Ниҳоят, бузрук қариянинг кўришувга розилиги олинди ва учрашиладиган кун белгиланди. “Ким мени уларни ажрим қилишга қўйди?” – деди у фақат Алешага табассум қилиб.

Учрашувдан хабардор бўлгач, Алеша жуда эсанкираб қолди. Ушбу йиғинда тортишув ва даъволарга ким жиддийроқ қараган экан десангиз, шубҳасиз, фақат биродар Дмитрийни кўрсатиш тўғри бўлар; қолганлар эса енгил-елпи ҳавойи мақсадлар билан келишади, бу эса қарияни ҳақорат қилиш билан баробар – Алеша масалани шундай тушунарди. Биродар Иван билан Миусов нима бўларкин, деб бетамизларча қизиқиб келишади, отам эса майнабозчилик ва лўттибозликни мўлжаллайди, деб ўйлайди Алеша. О, Алеша, жим қараб турганда ҳам, ўз отасини хийлагина чуқур ва етарлича биларди. Такрор айтаман, бу йиғитча, ҳамма уни соддафаҳм лақма деб ҳисобласа-да, аслида, асло ундоқ эмасди. У оғир хаёлларга ботиб белгиланган кун келишини кутарди. Ҳеч шубҳасизки, у ўзича, ўз кўнглида қандай бўлмасин, мана шу барча оилавий машмашалар барҳам топишини истар ва шунинг ғамини ерди. Шунга қарамай унинг турган-битган ташвиши қарияда эди: унинг шаъни, шарафи учун жон куйдирарди, уни ҳақорат қилиб қўймасмикинлар деб қўрқиб қалтирарди, айниқса, Миусовнинг нозик қочиримлари, одобли киноялари, баландпарвоз аллома биродар Иваннинг очиқ гапирмай чимирилишлари қарияга ёмон таъсир қилиши мумкин, деб тасаввур қиларди Алеша. У қарияни булардан огоҳлантириб қўйсаммикин, келиши кутилаётган шахслар ҳақида билганларимни таваккал қилиб айтсаммикин, деган хаёлга ҳам борди, аммо ўйлаб кўргач, бундан воз кечди. Фақат белгиланган кун арафасида бир таниши орқали акаси Дмитрийга сизни жуда яхши кўраман, ваъдангизда турасиз дея ишонаман, деган мазмунда гапини айтиб юборди. Дмитрий ўйланиб қолди, чунки укасига нимани ваъда қилганини сира эслолмади, фақат икки оғиз хат ёзиб шуни маълум қилдики, “пасткашлик қошида” ўзимни тутишга бор кучим билан ҳаракат қиламан, гарчи бузрук қария билан биродарим Иванни қаттиқ ҳурмат қилсам-да, аммо ишончим комилки, бунда қандайдир тузоқ ёхуд ярашмаган лўттибозлик борга ўхшаб турибди. “Шунга қарамай, сен жуда қаттиқ ҳурмат қиладиган табаррук қариянинг обрў-эътиборини сақлайман, ортиқча гап айтишдан тилимни тияман”, – деб хатини тугатганди Дмитрий. Бу хатдан Алешанинг димоғи хўп чоғ бўлди.

Иккинчи китоб

## ЎРИНСИЗ ЙИҒИН

I

### МОНАСТИРГА КЕЛИШДИ

Илик, тиник, гўзал кун эди. Август ойи охирлаётганди. Бузрук қария билан кўришишга иккинчи ибодатдан сўнг, соат ўн бир яримларга келишилганди. Монастиримиз меҳмонлари бироқ ибодатга киришмади,

улар фақат ўз ишларини ҳал қилиш пайида эдилар. Улар иккита катта экипаж аравада етиб келишди; иккита асл зотдор от қўшилган безакдор олифта коляска аравада Петр Александрович Миусов ўзининг ёшгина узок қариндоши йигирмаларга чикқан Петр Фомич Калганов билан ҳамроҳ бўлиб келди. Ушбу йигитча университетга ўқишга кириш учун тайёрланмоқда эди; у нимагадир hozир Миусовникида турар, Миусов эса уни хорижга бориш, Цюрих ёки Иенада университетга кириб ихтисос орттиришга кўндирмоқчи бўлиб юрарди. Йигитча ҳали бир қарорга келмаганди. У қандайдир хаёлга ботган ва паришон эди. Юзи ёқимтой, ўзи бақувват, бўйдор эди; кўп вақт нигоҳи бир нуқтага тикилиб қоларди; барча паришонхотир кишилар каби гоҳида сизга узок тикилиб турар, ҳолбуки, бу пайтда у бутунлай сизни кўрмасди. У камгап ва бесўнақайроқ эди, аммо айрим вақтларда – аллаким билан бир ўзи ёлғиз қолганларида – бир дам жуда ҳам гапдон бўлиб жўшиб кетар, бир гапириб ўн кулар, нимага бунчалар кулаётганини ўзи ҳам билмасди. Аммо жўшқинлиги кўпга бормай, қандай тез ловуллаб ёнган бўлса, шунча тез пис этиб ўчиб ҳам қоларди. Ҳар доим дид билан чиройли кийиниб юрарди: ўзига қарашли бир мунча етарли дов-давлати бор эди ва ҳали бундан ҳам каттароғи қўлига киришини кутарди. У Алеша билан оғайни эди.

Бир мунча эскироқ, шалдираган, аммо кўп киши сиғадиган, Миусов аравасидан орқароқда келаётган қари қўш қизғиш бўз от қўшилган извошда Федор Павлович ўртанча ўғли Иван Федорович билан бирга келди. Дмитрий Федоровичга илгарироқ учрашиш вақти ва соати хабар қилинган, аммо у кечикмоқда эди. Улар араваларини кўноқхона олдидаги панжара тўсиқ ёнида қолдириб, монастир дарвозасидан пиёдалаб кириб боришди. Федор Павловичдан бошқа ҳар учовлари илгари ҳеч қандай монастирни кўрмагандилар, Миусов эса яқин ўттиз йил ичида черковга қадам қўймаганди. Миусов ўзига қандайдир бетакаллуф тус бериб, атрофига аланг-жалаң қизиксиниб алангларди. Лекин унинг кузатувчан ақл-идроки монастир ичидаги бир мунча одми ва кўримсиз черков хўжалик биноларидан бошқа ҳеч нарсани илғамасди. Охирги ибодатчилар черковдан ўтиб боришар, шапкаларини қўлларига олиб чўқинишарди. Оддий халқ орасида узокдан келган олий табақа вакиллари, икки-учта кибор хонимлар, битта жуда кексайиб қолган генерал ҳам кўринарди, улар ҳаммалари кўноқхонада туришарди. Биз томондан келувчиларни дарҳол тиланчилар ўраб олишди, лекин ҳеч ким уларга садақа бермади. Фақат Петруша Калганов ҳамёнини қўлга олиб ярим танга чиқарди-да, худо биледи нима учун, шошиб-пишиб хижолатга тушиб, тезгина бир хотиннинг қўлига тутқизди-да: “Бўлишиб олинглар”, деди. Унинг ҳамроҳлари бунга ҳеч нима дейишмади, алалхусус, хижолат бўлиб ўтирадиган жойи ҳам йўқ эди, аммо буни пайқаб қолиб у баттар эсанкиради.

Бироқ ахвол ғалатироқ эди, келувчиларни ҳақиқий маънода, ҳатто маълум маънода ҳурмат-эҳтиром билан қарши олишлари керак эди: ахир буларнинг бирови яқинда минг рубль иона қилган, иккинчиси ҳаддан ошиқ бой-бадавлат помешчик ва нима десак экан, замонасининг ғоятда билимдон маълумотли кишиси, унга бу ердагилар бир жиҳатдан дарёда балиқ овлаш, иш қай йўсинда ҳал бўлиши борасида маълум маънода қарам эдилар. Аммо мана кўрингим, расмий кишилардан ҳеч ким уларни кутиб олмади. Миусов черков ёнидаги қабр тошларига фаромуш назар



соларкан, бундай “муқаддас жой” да кўмиш ҳуқуқига эга бўлиш, афтидан, қабр эгаларига анча қимматга тушган бўлса керак, деган сўзни айтишга оғиз жуфтлади-ю, яна жим қолди: орқайин одамнинг юрагида куртак отаётган оддий истехзо деярлик бир ғазабга айлана бормоқда эди.

– Ах, шайтон! Бу ит эгасини танимайдиган жойда кимдан сўрасак бўларкин... Буни билганимиз яхши, вақт кетяпти, – деб қўйди у бирдан ўзига ўзи гапиргандай.

Кутилмаганда кенг ёзги чопон кийган ёши ўтканроқ, тепакалроқ, кўзлари ширин боққан бир жаноб уларга яқинлашиб келди. Бошидаги шляпасини кўтариб қўйиб, у асал ялаётгандек тамшаниб, ҳаммага ўзини Тула помешчиги Максимов деб таништирди. У дарҳол сойилларимизнинг ташвишларини енгиллатишга киришди.

– Бузрук Зосима хилватда, ҳеч қаёққа чиқмай чиллахонасида яшайди, монастирдан тўрт юз кадам нарироқда, дарахтзордан ўтиб борилади, дарахтзордан...

– Дарахтзордан ўтиб борилишини мен ҳам биламан, – унга жавоб берди Федор Павлович, – қандай борилишини билолмай турибмиз, анча бўлди келганимизга.

– Э мана, манави дарвоза, кейин тўғри дарахтзордан... дарахтзордан ўтиб. Юринглар... Майлигами... мен ўзим... мен... Мана бу ёққа, бу ёққа...

Улар дарвозадан ўтиб, дарахтзорга кирдилар. Олтмиш ёшларга кирган помешчик Максимов ёнларида чопқиллаб борарди ва ҳаммаларига бирма-бир жуда қизиқсиниб олазарак кўз югуртирарди. Баъзан кўзлари шоҳқосасидан чиқиб кетгудек бўларди.

– Биласизми, биз қариянинг ҳузурига зарур бир иш билан боряпмиз, – жиддий оҳангда деди Миусов, – биз “ул зот”нинг қабулига ижозат олганмиз, шунинг учун сизга йўл кўрсатганингизга раҳмат айтамыз, аммо унинг олдида сиз билан бирга кирмаймиз.

– Мен кириб чиқдим, кириб чиқдим... Un chevalier parfait!<sup>1</sup> – помешчик бармоқларини кўтариб шақирлатди.

– Ким у chevalier?<sup>2</sup> – сўради Миусов.

– Бузрук, ажойиб бузрук, қария... Монастирнинг шон-шарафи. Зосима. Шунақанги қарияки...

Унинг палапартиш гапларини сойилларнинг ортидан етиб келган, бошига кулоҳ кийган, паст бўйли, ранги бўздай оқарган, жуда хорғин бир роҳиб бўлди. Федор Павлович билан Миусов тўхташди. Роҳиб икки букилиб таъзим қилиб, ўта назокатли оҳангда деди:

– Хилватгоҳда бўлганларингиздан сўнг, жаноблар, падар игумен ҳаммаларингизни дастурхонга таклиф этади. Соат роппа-роса бирда, кечикмай. Инчунин, сизни ҳам, – деди у Максимовга қарата.

– Бошим осмонда адо этаман! – бу таклифдан ўзида йўқ хурсанд бўлиб қичқирди Федор Павлович, – албатта. Биласизми, биз ҳаммамиз бу ерда ўзимизни одоб-икром доирасида тутмоқчимиз... Сиз-чи, сиз, Петр Александрович, сиз ҳам борасизми?

– Борганда қандок! Уларнинг барча урф-одатларини кўрмасам, бу ерда нима қилиб юрибман ахир. Фақат мени қийнаб турган бир нарса баайни сиз билан бирга эканлигим, Федор Павлович...

– Бунинг устига Дмитрий Федорович ҳам ҳали етиб келгани йўқ.

<sup>1</sup> Валломат! (франц.).

<sup>2</sup> Валломат? (франц.).

– Агар у бу ишдан воз кечса, соз бўларди, кимга керак сизларнинг бу мағзаваларинг, ким сизга тоқат қилади? Майли, падар игуменга ташаккуримизни етказинг, зиёфатларига бажонидил борамиз, – деб мурожаат қилди у роҳибга.

– Йўк, мен сизларни қария ҳузурига олиб боришим керак, – жавоб берди роҳиб.

– Агар ундок бўлса, мен падар игумен қошига бораёй, бу замон тўғри падар олдида бора қоламан, – бидирлаб қолди помещчик Максимов.

– Падар игумен шу тобда банд, аммо яна ўзингиз биласиз... – журъатсизлик билан ботинмай деди роҳиб.

– Хира пашшадан баттар экан-ку, – деди овозини чиқариб Миусов помещчик Максимов монастир томонга югургилаганча қайтиб кетгандан сўнг.

– Фон Зонга ўхшайди, – деди кутилмаганда Федор Павлович<sup>1</sup>.

– Сиз фақат шуни биласиз... Унинг нимаси фон Зонга ўхшаркан? Сиз ўзингиз кўрганмисиз фон Зонни?

– Суратини кўрганман. Юзи ўхшамаса ҳам, тушунтириб бўлмайдиган бир томонлари ўхшаш. Фон Зоннинг соф иккинчи нусхаси. Мен доим буни башарасига бир қараганда айтиб бераман.

– Балки шундайдир, сиз балосиз. Фақат яхшилаб эшитиб олинг, Федор Павлович, сиз ҳозиргина ўз оғзингиз билан айтдингизки, биз ўзимиз одоб-икром чегарасидан чиқмаймиз, эсингиздами. Яна қайтариб айтаман, ўзингизни тутинг. Агар майнабозчиликка тушиб кетсангиз, мени сиз билан барабар қўйишларини асло истамайман... Кўринг-да бу одамни, – роҳибга қарата деди у, – мен у билан ҳурматли одамларнинг олдида киришдан ор қиламан.

Роҳибнинг туссиз, қони қочган лабларида нозик тилсиз гунг бир табассум ўйнади, унда муғамбирона маъно ҳам йўқ эмасди, лекин у жавоб бермади, чамаси, буни ўзининг шаънига номуносиб деб билди. Миусовнинг яна баттар тажанглиги тутди.

“О, ҳаммасини жин чалиб кетсин, булар асрларча ўз қиёфаларини сайқаллаганлар, аслида, лўттибозлик ва бемаъни нарсалар!” – хаёлидан ўтказди у.

– Мана, чиллахона, келдик! – деб кичқирди Федор Павлович, – панжара ва дарвоза берк.

Шундан сўнг у дарвоза устига ва ёнига тасвирланган авлиёларга чўқиниш ҳаракатларини адо эта бошлади.

– Бировнинг монастирига ўз низомини кўтариб бормадилар, – деди у. – Бу хилватхонада йигирма бешта авлиё худойимнинг ибодатига машғул, бир-бирларига термулишиб, карам тановул қилишади. Битта ҳам аёл бу дарвозадан ичкарига қадам босолмайди, энг ҳайрон қоладигани шу. Ахир бу чинданам шундай. Яна қулоғимга чалинган эдики, қария аёлларни қабул қиладими? – бирдан сўраб қолди у кичкина роҳибдан.

– Оддий халққа мансуб аёллар ҳозир бу ерда, ҳов ана, айвонда ётишибди, кутишяпти. Олий табақали хонимларга эса панжара ташқарисида, айвонга фақат иккита уй солинган, ҳов анави деразалар, авлиёнинг саломатликлари яхши бўлиб турса, улар ҳузурига ички йўлакдан чиқадилар, ҳар ҳолда панжаранинг нариги ёғига-да. Шу кунларда Харьковдан келган помещчик оийм Хохлакова хонимлари ўзининг пажмурда толиққан кизи билан

<sup>1</sup> 1869 йил фоҳишахонада ўлдирилган амалдор фон Зон жиноий ишига ишора қилинмоқда.

кутишяпти. Чамаси, уларга валий қария чиқаман деб ваъда қилган, аммо охирги пайтларда шунчалар ҳам ҳорғинки, одамларга кўринишга ҳам тинка-мадори йўқ.

– Алалхусус, хилватхонадан хоним ойимлар томонга хуфя йўл йўқ эмас. Падар ҳазратим, мени бир нарса деяпти деб ўйламанг, шунчаки омади гап. Билмадим, сиз эшитганмисиз, йўқми, Афонда хотинларни ичкарига кўйишмайди, умуман, мода жинсига мансубларни қадам бостиришмайди, чунончи денг, товуклар, ғулғули товуклар, ғунажинлар.

– Федор Павлович, мен қайтиб кетаман, бу ерда ўзингиз қоласиз, кетганимдан кейин сизни ҳам қўлингиздан ушлаб ташқарига чиқариб кўйишади, мени айтди дерсиз.

– Мен сизга халақит беряпманми, Петр Александрович. Қаранглар-а, – деб қичқириб юборди у хилватхона панжарасидан ичкарига ўтиб, – қаранглар-а, қандай гуллар водийсида яшар эканлар булар!

Чиндан ҳам, гарчи ҳозир атир гуллар бўлмаса-да, аммо ранг-баранг гўзал кузги гуллар ҳар ёқда чиройли очилган эди. Уларни, чамаси, моҳир гулчи парваришлаган. Черков, бутхона ва мақбаралар атрофларида ҳам гулхоналар чаман бўлиб ётарди. Қариянинг ҳужраси жойлашган тахта-ёғочдан қурилган бир қаватли уйнинг кириш қисми ҳам айвончали бўлиб, теграсига гуллар экилганди.

– Аввалги Варсонофий ҳазрат пайтида ҳам булар бормиди? Уни безак-мезонларни жини суймас экан, дейдилар, сакраб чиқиб, ҳакалак отиб ҳатто хонимларни ҳам савалай кетаркан, – деб кўйди Федор Павлович эшик остонасидан кўтариларкан.

– Қария Варсонофий ҳақиқатан ҳам гоҳида телбанамо бўлиб кўринарди, аммо кўп бемаъни гапларни ҳам сўйлаб юришади. Лекин ҳеч қачон ҳеч кимни калтакламаган, – деб жавоб берди кичкина роҳиб. – Энди эса, жаноблар, бир зум сабр этгайсиз, мен кириб келганингизни хабарчилай.

– Федор Павлович, охирги марта айтаман, шартимиз шарт. Эшитяпсизми? Ўзингизни яхши тутинг. Бўлмаса мендан хафа бўлманг, – деб яна бир қарра писанда қилишга улгурди Миусов.

– Сиз намуноча ҳаяжонланяпсиз, ҳеч тушунолмапман, – истехзо билан жилмайиб деди Федор Павлович, – ёки гуноҳларингиздан кўрқяпсизми? Ахир айтишларича, ким нима учун келганини у кўзларидан билармиш. Наҳот уларнинг фикри сизга шунчалар қимматли бўлса, сиздек Париж таълимини кўрган илғор бир тақсиримизга-я, мени жуда ҳайрон қилиб кўйдингиз, очигини айтсам!

Аммо Миусов унинг бу истехзосига жавоб бериб улгурмади, уларни ичкарига таклиф қилишди. У эшикдан бироз қуфри кўзиб кириб борди.

“Эҳ, бўлар иш бўлди, жаҳлим чиқяпти, тортишиб қоламан... қизишиб кетаман – ўзимни ҳам, эътиқодимни ҳам расво қиламан”, – деган фикр ўтди унинг калласидан.

## II

### ҚАРИ МАСХАРАБОЗ

Улар уй ичига қария билан қарийб бир вақтда кириб келишди, улар кўринишлари биланоқ қария хобгоҳидан пешвоз чиқди. Бу ерда улардан



илгарироқ келган монастирнинг иккита иеромонах ходими – бири кутубхоначи махдум, иккинчиси Паисий махдум ҳам қарияни кутиб туришарди. Паисий махдум унчалик қари бўлмаса-да, касалманд, одамларнинг айтишларича, жуда билимдон, олим одам экан. Булардан ташқари, кўринишдан йигирма икки ёшлардаги, эгнига кишилиқ камзул кийган семинария талабаси ва бўлажак илоҳиётшунос бир йигитча бурчакроқда тик турган ҳолда (кейин ҳам доим тик оёқда тураверди) кутарди. Монастир ва биродарлар нима сабабдандир унга ҳомийлик қилишарди. У бўйдоргина, юзи тиниқ ва соғлом, ёноклари кенг ва туртиб чиққан, қийикроқ қора кўзлари ақлли ва диққат билан боқувчи йигитча эди. Юзидан катталарга камоли ҳурмат-эҳтиром ёғилиб турар, аммо бу одоб-икром доирасида ва ялтоқланишдан холи эди. У муассасага тегишли ва унга қарам бўлгани, ўзини кириб келгувчиларга тенг кўрмаганлиги учун улар билан саломлашиб таъзим бажо келтириб ўтирмади.

Бузрук Зосима бир шогирди ва Алеша ҳамроҳлигида чиқди. Иеромонах ходимлар уни ўринларидан туриб, бармоқларини ерга тегизиб бел букиб қуллуқ қилиб қаршиладилар, кейин дуолар ўкиб, улуғлаб қўлларини ўпдилар. Бузрук уларни дуолар билан қаршилаб, кафтларини ерга босиб худди ўшандай бошини ҳамда белини букиб таъзим бажо келтирди ва ҳар биридан ўзини дуо қилишларини сўради. Ушбу расм-русум одатдаги одми бир таомил эмас, балки жуда ҳам жиддий тарзда адо этилди, унда ҳатто ҳиссиётлар ҳам жўш ургани кўзга ташланди. Миусовга улар атрофдагиларда таассурот қолдириш учун атайлаб шундай қилишаётгандек туюлди. У ўзи билан бирга келганларнинг ҳаммасидан олдинроқда турмоқда эди. Ҳеч қандай ғоя-пояга қарамай, ёлғиз кишилиқ одоб-икромии юзасидан (чунки бу ерда шундай одатларга риоя қилинарди) қарияга пешвоз чиқиб унинг иззатини жойига қўйиш, мабодо қўлини ўпмаган тақдирда ҳам дуосини олиш лозим эди, у кеча бу ҳақда ўйлаб қўйганди. Бироқ мана ҳозир руҳонийларнинг таъзимлари ва пойбўсларини кўриб, у бир сония ичида фикрини ўзгартирди: савлат тўкиб викор билан одатий чуқур таъзим қилди-да бир чеккага – курси олдига ўтди. Федор Павлович ҳам айнан шундай қилди, бу сафар у худди маймундай Миусовга тақлид қилди. Иван Федорович жиддий ва тавозе билан қўлларини икки ёнида тутганча эгилиб таъзим қилди. Калганов эса шу қадар саросимага тушдики, ҳатто таъзим ҳам қилмади. Бузрук қария дуо учун кўтараётган қўлини туширди ва яна бир карра қуллуқ адо этиб, ҳаммани ўтиришга чорлади. Алешанинг икки юзига қон тепди, у хижолатдан ўлаёзди. Кўнглидан ўтказган нохуш хаёллар юзага чиқмоқда эди.

Қария жуда қадимдан қолган қизил оғочдан чарм қоплаб ясалган диванчага ўтирди, икки черков ходимидан бошқа меҳмонларнинг тўртовларини қаршидаги девор ёқалаб қизил оғочдан қора чарм қопланган, аммо чарми сийқаланиб кетган стулга ёнма-ён ўтқизди. Черков ходимлари бирови эшик олдида, иккинчиси дераза тагида чўкди. Семинария талабаси, Алеша ва шогирд тик оёқда қолишди. Бу уйнинг ичи унча катта эмасди, қандайдир кўримсиз, туссиз эди. Нарсалар ва жиҳозлар қўпол, дағал, одми ва фақат хизматга яроқли бўлгани учун қўйилганди. Дераза раҳига икки тувак гул ўрнатилган, бурчакда эса анча-мунча санамлар – улардан жуда каттакон бировида модар худо тасвирланган. У ҳали черков

ажралиб кетмасдан анча олдин ишланган бўлса, эҳтимол<sup>1</sup>. Унинг олдида милтиллаб чироқ ёнарди. Ёнида яна иккита нақшлари яраклаган бошқа санам, ундан сўнг улар қаторида ясалган фаришталар, чинни тухумлар, фил суягидан қилинган католиклар хочи, хочни Mater dolorosa<sup>2</sup> кучоқлаб олган ва яна ўтмишда яшаган улуг италян рассомларининг бир қанча хорижий гравюралари. Мана шу нафис ҳамда қимматбаҳо гравюралар ёнида бир қанча авлиёлар, жабрдийдалар, такводорлар ва бошқалар тасвирланган бозору ярмаркаларда арзонга сотиладиган бир қанча энг оддий халқона рус литография варақлари кўзга ташланарди. Замоनावий ва кўхна рус архиерейлари сиймолари акс эттирилган бир қанча литографик суратлар ҳам бўлиб, булар бошқа деворларга осилганди. Миусов бу “қурук расмиятчилик”ка бир қур кўз югуртирди-да, кейин диққат билан қарияга тикилди. У ўз нигоҳини эъозларди, шунақа бир одат касб этганди, бунинг учун уни кечириш мумкин, ахир унинг ёши элликка қираётган эди, бу ёшда кибор, ақлли ва давлатманд одам доим ўзига ҳурмат билан қарайди, баъзан бу беихтиёр тарзда рўй беради.

Қария унга бир қарашдаёқ ёкмади. Ҳақиқатан, қариянинг қиёфасида шундай бир нима зоҳир эдики, бу фақат Миусовга эмас, бошқа кўпчиликка ҳам ёқмаслиги мумкин эди. Бу бўйи унча баланд бўлмаган, елкаси букчайган, оёқлари заиф, бор-йўғи олтмиш бешларга борган бир зот бўлиб, касалманд бўлгани учун ёши анча каттарок, деярли ўн ёшга каттарок кўринарди. Қурукшаган бутун юзини майда-майда ажинлар қоплаган, айниқса, икки кўзи атрофида чизиклар жуда кўп эди. Кўзлари кичкина, худди икки ялтироқ нуктага ўхшар, тез-тез ўйнаб, йилтираб турарди. Сочлар оқариб, фақат чаккаларида сақланиб қолган, чўққи соқоли мўъжаз ва сийрак, доим табассумга мойил лаблари худди чизимча каби жуда ингичка эди. Бурнини узун деб бўлмаса ҳам, аммо мисоли қушлар тумшугидек ўткиргина эди.

“Жуда баджаҳл, майда такаббур одамга ўхшаб кетади”, – деган фикр ўтди Миусовнинг бошидан. Умуман, Миусов шу тобда ўзидан жуда норози эди.

Соат занг уриб суҳбатга йўл очди. Арзонрок, унча катта бўлмаган кафгирлари осилиб турган девор соати тез-тез занг чалиб, вақт роса ўн икки бўлганини кўрсатди.

– Росмана вақт бўлди, – деб қичқирди Федор Павлович, – ўғлим Дмитрий Федоровичдан эса ҳалиям дарак йўқ. Унинг учун узр-маъзур сўрайман, табаррук ота! (Алеша бу “табаррук ота”ни эшитиб титраб кетди.) Мен ўзим вақтга доим аниқ риоя қиламан, бир дақиқа кечикмайман, аниқлик қироллар одобига тенг<sup>3</sup> деган гап доим ёдимда туради...

– Лекин сиз, ҳар қалай, қирол эмассиз-ку, – деб ўзини тутолмай тўнғиллади Миусов.

– Ҳа, шундай, қирол эмас. Тасаввур қилинг, Петр Александрович, буни мен ўзим ҳам билардим, худо ҳақи! Муни қаранг, доим билмасдан ўринсиз гапириб юбораман-да! Таксирим, ҳазратлари! – деб хитоб қилди у бир зумда жўшиб. – Сизнинг олдингизда масхарабоз, ҳақиқий

<sup>1</sup> Яъни XVII аср ўрталарига қадар.

<sup>2</sup> Мусибатли модар худо (*лот.*). Бу ўринда буюк италян рассомларининг Инжил сюжети асосида яратган “Мадонна”, шунингдек, Достоевский яхши кўрган “Сикстин мадоннаси” суратлари ҳақида гап кетмоқда.

<sup>3</sup> ...аниқлик қироллар одоби – француз қироли Людовик XVIII сўзи.



масхарабоз турибди! Ўзимни шундоқ таништираман. Бу менинг эски одатим, афсус! Баъзан томдан тараша тушгандай ёлғон гапираман, лекин буни атай шундай қиламан, атай одамлар кулсин дейман, хузур қилишсин. Одамларни хушнуд қилиш яхши, а, тўғрими? Бундан етти йилча бурун бир шаҳарга бориб қолдим, иш-пиш дегандай, мен бир қанча бозиргонлар билан келишиб иш очмоқчи эдим. Полиция бошлиғининг олдига бордик, чунки ундан илтимосимиз бор эди, зиёфат қилиб чақирмоқчи эдик. Бошлиқ чикди, дароз, семиз, оқпар ва бадқовоқ кимса экан, бунақа пайтларда энг хавфли бир нусха, вой уларнинг жигаргинаси, вой жигари. Мен унга парвойимни ҳам келтирмай, сендан нима камим бор деб, очиғини айтдим-қўйдим: “Жаноб бошлиқ, дедим, бизга шу қилинг йўлдошлиқ, дедим”. – “У қанақа йўлдошлиқ экан?” Ярим сония ўтмай мен шундан билдимки, иш пишмади, жиддий бақрайиб менга қараб турибди, авзойи бузук: “Мен, дедим, ҳазиллашиб, бир кулишиб олайлик. Жаноб Йўлдошлиқ маълум-машхур рус капельмейстери бўлгани боис, бизга ишимизни юритиш учун мутаносиблик юзасидан худди капельмейстерга ўхшаш одам кераклиги боис...”<sup>1</sup> Яхши тушунтириб айтдим, мисол ҳам келтирдим, тўғри қилибманми? “Маъзур тутасиз, – дейди, – мен бошлиқман ва менинг амалим устидан ҳазил-мазах қилишга йўл қўймайман”. Шундай деб шартга орқасига бурилиб жўнай бошлади. Мен орқасидан қичкириб қолдим: “Ҳа, сиз бошлиқсиз, Йўлдошлиқ эмассиз!” – “Йўқ, дейди, айтилдим, тамом-вассалом, мен йўлдошлиқман”. Буни кўрсангиз энди, ишнинг шу билан пачаваси чикди! Доим ўзи шунақаман, доим-доим шунақаман. Албатта, илтифот қиламан деб ўзимга зарар келтираман! Бир гал, бунга энди кўп йиллар бўлди, ҳатто бир обрўли одамга: “Сизнинг хотинингизнинг қитиғи зўр”, – дедим маънавий сифатлари, ор-номусини назарда тутиб, у эса менга нима дейди денг: “А сиз уни қитиқлаганмисиз?” Ўзимни тутолмадим, кел, бир шакарғуфторлик қилай, ўрни келиб қолди дедим: “Ҳа, дедим, қитиқлаганман” – ана энди у менга қитиқлаш қандай бўлишини кўрсатиб қўйди... Фақат бунга талай вақтлар бўлди, энди уяти йўқ, бемалол айтиш мумкин, доим-доим мен ўзимга ўзим зарар келтириб юраман!

– Сиз мана ҳозир ҳам шундай қиялпсиз, – ижирғаниб тўнғиллади Миусов.

Қария индамай уларни кузатиб ўтирарди.

– Баайни шундай! Тасаввур қилинг, Петр Александрович, ахир мен буни ҳам билардим, биласизми, нима қилаётганимни олдиндан билардим, сиз буни юзимга солишингизни ҳам билардим. Шу сонияларда кўриб турибман, ҳазилим яхши чиқмаяпти, тақсири ҳазратим, шунинг учун икки лунжим пастки жағимга ёпишиб қоляпти, худди акашак тутгандай; болалигимдан шундай бўлиб қолганман, дворянларнинг сиғиндиси бўлиб юрганман, сиғиндичиликда бир тишлам нонимни топганман. Мен шундай масхарабоз бўлиб туғилганман, олий ҳазратим, шу валакисалангман; балки менинг ичимга шайтон кириб олгандир, ўлчами балки унча катта эмасдир, яхши бўларди-куя ўзига бошқа макон топса, фақат сизнинг маконингизни эмас, Петр Александрович, сизнинг ўзингиз унча дуруст макон эмассиз. Аммо барибир мен ишонаман, худога ишонаман. Мен фақат кейинги вақтларда иштибоҳга бордим, аммо мана энди бу ерда

<sup>1</sup> Э.Ф.Направкин (1839-1916) – Петербург операси дирижер ва композитори кинояга олинмоқда.

ўтириб улуғвор каломларни илҳақ кутяпман. Мен, олий ҳазратим, худди файласуф Дидеротга ўхшайман<sup>1</sup>. Сиз, муқаддас отамиз, файласуф Дидерот императриса Екатерина замонида митрополит Платон хузурига борганини эшитганмисиз? Кириб борибди-ю гапни чўрт кесибди: “Худо йўқ”, – дебди. Бунга буюк такводор кўлини юкорига кўтариб, шундай дебди: “Телбанинг кўнгли худони йўқ дейдур!” Шунда анов ўзини таппа оёғи тагига ташлабди: “Ишондим, – деб кичкирибди, – хочга ҳам чўкинаман”. Уни шу ернинг ўзидаёқ дарҳол чўқинтиришибди. Княгиня Дашкова хоним вараса эди, Потемкин эса чўқинтирган ота...<sup>2</sup>

– Федор Павлович, бу бемаънилиқ! Сиз билиб туриб ёлғон гапиряпсиз, бу аҳмоқона хангамангиз ҳам ғирт ёлғон, нега мунча майнабозчилик қиласиз? – деди титраб-қақшаган овоз билан энди ўзини асти тутолмаган Миусов.

– Бир умр олдиндан билардим ёлғонлигини! – жўшиб-тошиб хитоб қилди Федор Павлович. – Айни чоғда, жаноблар, бор ҳақиқатни айтаман: файзиёб қария! Маъзур тутинг, кейинги гапим – Дидеротни чўқинтиришни мен ҳозир шу ерда тўқидим, худди мана шу сония ҳикоя қила туриб ўйлаб топдим, илгари ҳеч қачон калламга келмаган. Қизиқ чиқсин деб, тўқиб юбордим. Қийшанглаётган бўлсам, Петр Александрович, суоқлироқ кўринай деяпман-да. Бироқ баъзан ўзим ҳам нималигини билмайман. Дидеротга келсак, мен бу “телбасаро”ни бу ерлик помешчиклардан йигирма маротабалаб эшитгандирман, навқирон чоғларимда улар даргоҳида кун кўриб юрган пайтларим, сизнинг марҳума холангиз Мавра Фоминишнадан ҳам, дарвоқе, эшитган эдим, Петр Александрович. Улар ҳаммалари худосиз Дидерот митрополит Платоннинг олдида худо тўғрисида баҳслашгани келган деб, комил ишонч билан сўйлашарди...

Миусов худди эс-хушини йўқотгандай, тоқати тоқ бўлиб ўрнидан турди. У кутуриб кетгандай эди. Бундан кулгили кўринишини ўзи ҳам биларди. Ҳақиқатан, хужрада ақл бовар қилмас бир аҳвол юз бермоқда эди. Ушбу хужрада қирқ, балким эллик йилдан бери, ҳали илгариги бузруклар замонларида зиёратчилар жам бўлишар ва бунда доим иззат-икром, хурмат-эътиборга риоя қилинарди. Барча ижозат этилганлар хужрага кириб келишаркан, ўзларига улуғ эъзоз, икром кўрсатилаётганини ҳис қилиб турардилар. Кўплари тиз чўкиб ўтиришар ва то қабул тугамагунча тиззаларидан турмасдилар. Кўпгина “олий” табақага мансуб кимсалар, ҳатто алломалар, ҳаттоки эркин фикрли айрим шахсларни айтмайсизми, бу ерга кизиққанлари туфайли ёхуд бошқа бир сабаблар боис, оддий зиёратчилар қаторида ёки ўзлари алоҳида бўлиб қабул хузурини топишаркан, истисносиз барчалари энг зўр иззат-икрому ҳамда одоб ифода этмоқликни зарур вазифа ҳамда бурчлари деб англашарди. Боз устига бу ерда ўртага пул аралаштирилмас, фақат бир томондан муҳаббат ва раҳм-шафқат, бошқа томондан эса – тавба-тазарру ва кўнгил наволарининг ҳаётий чигалликлари, ечиш мушкул муаммоларига ечим топиш интилишларида бўлинарди. Шунинг учун Федор Павлович томонидан содир этилмиш масхарабозлик бу табаррук масканга нисбатан хурматсизлик саналиб, унга гувоҳ бўлганларнинг айримларида ҳайроналиқ ва иштибоҳ уйғотди. Черков ходимларининг

<sup>1</sup> Донишманд Дидерот – Дени Дидро (1713-1784) – француз ёзувчиси.

<sup>2</sup> Княгиня Дашкова – Дашкова Екатерина Романовна (1743-1810) – императрица Екатерина II нинг яқин ёрдамчиси – Россия академиясининг президенти бўлган.

чеҳраларида ҳеч қандай ўзгариш юз бермади, улар қария нима деркин деб ғоят диққат билан кузатишар, шу билан бирга, худди Миусовга ўхшаб ўрниларидан кўзғалмоқчи бўлиб тадорик қилишарди. Алеша йиғламоқдан бери бўлиб турар, боши ғамбода қуйи эгилганди. У отамга ўз таъсирини кўрсата олади дея ишонган бирдан-бир кимса – Иван Федорович отасини тўхтатиш ўрнига ўз курсисиди кўзларини ерга тикиб кимирамай ўтирар, афтидан, булар бари нима билан тугаркин охир-оқибат деб, ғоятда интиқ бўлаётганга ҳам ўхшарди, гўё бу барча ишларга ҳеч қандай алоқаси йўқ бегона одамдай. Алеша ўзининг яқин ва яхши таниши Ракитинга ҳам (семинария талабаси) кўзини кўтариб қарай олмасди, гарчи унинг бутун фикру зикридан вокиф бўлса ҳам (бутун монастирда фақат Алешагина бундан хабардор эди).

– Мени маъзур тутинг... – деб бошлади Миусов қарияга қарата, – бу номуносиб масхарабозликка мен ҳам шерик бўлиб қолгандайман, балки назарингизда... Мен хато қилибман, Федор Павлович бундоқ табаррук масканга келиб, табаррук инсон билан учрашмоқчи бўлганда ўз зиммасидаги вазифаларни яхши англайди, деб ўйлабман... У билан бирга бу ерга қадам ранжида қилиб, кейин кечирим сўрашга тўғри келишини хаёлимга ҳам келтирмабман...

Петр Александрович гапини охиригача етказолмади ва қаттиқ хижолат чекиб, ўрнидан туриб чиқиб кетмоқчи бўлди.

– Ташвиш чекманг, сиздан илтимос қиламан, – бирдан заиф оёқларини босиб ўрнидан кўзғалди қария ва Петр Александровичнинг икки кўлидан тутиб, уни яна ўриндиққа ўтқизди. – Ўзингизни тутинг, илтимос. Сиздан менинг атовли меҳмоним бўлишингизни сўрайман, – қария таъзим бажо келтириб, ўгирилиб яна диванига ўтирди.

– Файзиёб қария, ўзингиз айтинг, наҳот мен ўз самимиятим ила сизни таҳқирлаётган бўлсам? – қичқириб юборди бирдан Федор Павлович икки кўли билан ўриндиқ суянчиғини қаттиқ қисиб, худди ҳозир жавобни эшитгач, шартта жойидан отилиб туриб кетадигандай.

– Сиздан ҳам жуда қаттиқ илтимос қиламан, тинчланинг ва ташвиш чекманг, – вазмин иддао қилди унга қария... – Ҳеч қисинманг, ўз уйингизда ўтиргандай ҳис қилинг ўзингизни. Асосийси, бунчалар ўз-ўзингиздан уялманг, зеро, ҳаммаси фақат мана шундан бошланади.

– Ўз уйимизда-я? Табиий бир тарзда-я? О, бу кўп, жудаям кўп, аммо жон деб қабул қиламан! Биласизми, тақводор ҳазратим, сиз мени табиий бўлишга чақирмасангиз тузук, таваккал қилманг... табиийликка ўзим ҳам етолмайман. Сизни сақлаш учун мен буни огоҳлантириб айтяпман. Хў-ўш, бошқа ҳаммаси номаълумлик зулматига чўмиб ётибди, гарчи айримлар мени тавия-тасқара қилиб кўрсатишни жуда хоҳлаб турсалар ҳам. Мен буни айнан сизга қарата айтмоқчиман, Петр Александрович, сизга эса, эй, табаррук хилқат, сизга, мана, ҳайратларимни баён айлайман! – у ўрнидан кўзғалди ва кўлларини юқори кўтариб хитоб этди: – Сени кўтармиш она курсоғига салламно, сени эмизган эмчакка алоҳида салламно, эмчак бу алоҳида! Сиз мени ҳозир айни шу: “Ўзингиздан уялманг, зеро, ҳаммаси фақат мана шундан бошланади”, деган сўзларингиз, танбеҳингиз билан гўё юрагимни ёриб очдингиз ва ичимдагини ўқидингиз, мен одамларнинг ичига қираётганимда, менга баайни шунай бўлиб туюлади, мен ҳаммадан кўра тубанроқ кўринаман ва одамлар мени масхарабоз деб билишади, ана шунинг учун “кел, майли, чини билан масхарабоз бўлиб кўрина қолай,

сизнинг нима дейишингиздан кўркмайман дейман, чунки сиз ҳаммангиз битта қолмай мендан кўра юз чандон тубанрокдирсиз!” Мана шунинг учун ҳам мен масхарабозман, номусимдан масхарабозман, табаррук ота, номусимдан. Ич-ичимдан зил кетиб ғавғо-тўполон чиқараман. Ахир мен кириб келаётган чоғимда ҳамма мени – ана энг азиз ва оқил инсон келаётир, деб қабул қилсалар эди, о худойим! Мен унда қандок яхши инсон бўлурдим! Падар! – у бирдан тиз чўкди, – мангу ҳаётга эришмоқ учун мен нима қилай? – У ҳазиллашяптими ёки чиндан ҳам шундай ялтоқланиб суюлиб кетдими, буни шу тобда аниқ билиб бўлмасди.

Падар унга кўзини кўтариб қаради ва мутабассум бўлиб деди:

– Нима қилишни ўзингиз анчадан бери биласиз, ақлингиз ҳаммасига етади: ичкиликбозликка берилманг ва сўзбозлик қилманг, лаззатпарастликдан тийилинг ва айниқса, тангага мук кетманг, яна ёпик қовоқхоналарингизни, ҳаммасини қилолмасангиз, икки-учтасини ёпинг. Асосийси, энг асосийси, ёлғон гапирманг.

– Яъни бу Дидерот масаласидами?

– Йўқ, Дидеротгина эмас. Аввали, ўзингизни ўзингиз алдаманг. Ўзини алдаётган ва ўз ёлғонларини ўзи тинглаётган одам шунгача бориб етадики, энди на ўзининг ва на бошқаларнинг ҳақиқатини англаб етади, демак, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ҳурмат қилмай кўяди. Ҳеч кимни ҳурмат қилмагач, севолмайди, севгисини йўқотгач, ўзини машғул қилиш ҳамда эрмак топиш учун хирсга ва баднафс шаҳватга берилади ва охири хайвондан фарқи қолмайди, булар ҳаммаси ўз-ўзига ҳам ўзгаларга тинмай ёлғон гапиришнинг оқибати. Ўз-ўзини алдайдиган кимса ҳаммадан олдин хафа бўлади. Ахир хафа бўлиш гоҳида шунчалар ёқади, тўғрими? Ахир кимса билади, ҳеч ким уни хафа қилгани йўқ, ҳолбуки, у ўзи учун ўзи хафачиликни тўқиб чиқарди ва кизикчиликка ёлғонлади, муболаға билан тўқима ясади, сўзга ёпишиб олди ҳамда чумчукдан фил бино қилди, ўзи буларни яхши билади, барибир ҳаммадан илгари ўзи хафа бўлади, хафа бўлганидан маза қилади, ҳаддан ортиқ роҳат олади ва шу билан бирга чинакам душманлик орттиради... Э, туринг ўрнингиздан, ўтиринг, сиздан жуда ўтинаман, ахир булар бари яна ёлғондакам қилиқлар...

– Авлиё инсон! Кўлингизни беринг, бир ўпай, – Федор Павлович сакраб туриб қариянинг шалвираган ориқ кўлларини ўпди, – баайни, баайни хафа бўлиш жуда ёқади. Сиз буни жуда соз айтдингиз, мен илгари ҳеч эшитмагандим. Айнан, айнан, мен бир умр жуда ёқимли хафа бўлиб келганман, гўзал завқ олганман, зеро фақат ёқимлигина эмас, гоҳида хафа бўлиш жуда ҳам чиройли; сиз фақат шуни унутдингиз, улуғ падар, ха, чиройли! Буни мен дафтарга ҳам ёзиб кўяман! Мен эса, бутун ҳаётим давомида ёлғонлаганман, ҳар куни, ҳар соат ёлғонлаганман. Ҳақиқатан, ёлғонлаш – бу ёлғоннинг отаси! Дарвоқе, чамаси, ёлғоннинг отаси эмас, мен гоҳо матнлар, сухуфларда адашиб кетаман, майли, лоақал ёлғоннинг ўғли бўла қолсин, шунинг ўзи ҳам кифоядир. Фақат... Эй, сиз менинг фариштам... баъзан Дидерот ҳақида майли! Дидеротнинг зарари йўқ, лекин айрим сўзлар зиёнкор. Эй, бузруквор қария, бир нарса эсимдан чиқибди, уч йилдан бери бу ерга келсам сўрайман дейман, ҳа, баайни шу ерга келиб, албатта, сўрамоқчийдим, айтинг, Петр Александрович сўзимни бўлмай турсин. Сўрайдиган нарсам шу: эй, бузруквор ота, мен Четьи-Минеи китобида қаеридадир бир хикояни ўқигандим, унда мўъжизакор бир валий зот ҳақида ёзилганди, уни дини учун азобу

кийноқларга солишади, охирида бошини кесишади, шунда у ўрнидан туриб ўзининг кесилган калласини кўлига кўтаради-да, “навозиш билан ўпиб кўяди”, узоқ йўл босади ва доим “навозиш билан ўпади”<sup>1</sup>. Мана шу нарса ҳақиқатми, эй азиз тақводор оталар!

– Йўқ, ҳақиқат эмас, – деди қария.

– Ҳеч бир Четъи-Минеиларда бунақа гап йўқ. Сиз қайси авлиё ҳақида ёзилган деб айтяпсиз? – сўради кутубхоначи роҳиб.

– Буни ўзим ҳам билмайман. Билмайман, хабарим йўқ. Менга гапиришган, лақиллатишган. Эшитганман, биласизми, ким ҳикоя қилиб берган? Мана шу Петр Александрович Миусовнинг ҳозиргина Дидерот учун жаҳли чиқиб тургани, ана шу одам айтган.

– Ҳеч қачон мен буни сизга айтиб бермаганман, мен сиз билан ҳеч қачон гаплашмаганман.

– Рост, сиз менинг ўзимга айтмагансиз, сиз бир тўда одамлар ичида айтгансиз, у ерда мен ҳам бор эдим, бунга тўрт йил бўлди. Мен буни шунинг учун эсладимки, сиз бу кулгили хангомангиз билан менинг имон-ишончимни ларзага солдингиз, Петр Александрович. Сиз буни билганингиз йўқ, бундан беҳабарсиз, мен эса уйга ларзага келган диёнатим билан қайтиб бордим ва ҳали-ҳанузгача ларзадан кутулолмайман. Шундай, Петр Александрович, сиз буюк бир тубанликнинг сабабкорисиз! Бу энди сизга Дидерот эмас!

Федор Павлович ёмон жўшиб, қизишиб кетди, аммо яна ҳаммага унинг боз ўйин кўрсатаётгани аён бўлди. Аммо Миусов қаттиқ тилини тишлаб қолди.

– Бемаънилик, ҳаммаси бемаънилик, – деб тўнғилларди у. – Мен балки чинданам қачонлардир айтгандирман... фақат сизга эмас. Менинг ўзимга ҳам буни айтишган. Мен буни Парижда бир фарангдан эшитгандим, гўё бизда буни Четъи-Минейдан ибодат пайтида ўқиб беришармиш... У жуда ақлли одам эди, олим, узоқ вақт Россия статистикасини ўрганган... Россияда узоқ вақт яшаган... Мен ўзим Четъи-Минейсини ўқимаганман... умуман ўқимамайман ҳам... Тушлик устида нималар деб валдирашмайди?... Биз ўшанда тушлик қилаётгандик...

– Ҳа, сиз ўшанда тушлик қилаётгандингиз, мен эса диёнатимни йўқотдим! – унинг китик патига тегарди Федор Павлович.

– Э, сизнинг диёнатингиз билан менинг нима ишим бор! – қичқириб юборди Миусов, лекин бирдан ўзини тутиб олди-да, ижирғаниб деди: – Сиз нимага тегманг, ҳаммасини булғаб расвосини чиқарасиз.

Қария бирдан ўрнидан турди:

– Мени маъзур кўргайсиз, жаноблар, сизни бир неча дақиқага холи қолдираман, – деди у барча зиёратчиларга қарата, – лекин мени сиздан олдинроқ келганлар кутишмоқда. Сиз эса барибир ёлғон гапирманг, – деб кўшимча қилиб қўйди қувноқлик билан Федор Павловичга қараб.

У хужрадан чиқиб кета бошлади, Алеша билан шогирд уни зинадан туририб қўйиш учун югуришди. Алеша диққинафас бўлиб кетгани, хужрадан чиқиб кетаётганига хурсандэди, у қария ранжимагани, кўриниши қувноқ эканлиги учун ҳам мамнун эди. Қария уни кутаётганларни дуо қилиш учун тим томон юрди. Аммо Федор Павлович уни барибир хужра эшигида тўхтатди.

<sup>1</sup> Четъи-Миней – ҳар бир ойнинг кунлари бўйича азиз-авлиёлар ҳаёти ва ҳикматли сўзлари келтирилган саналар китоблари.



– Эй, азиз тақводор зот! – хислари жўшиб шавқ билан қичқирди у, – менга қўлингизни яна бир карра ўпишга рухсат беринг! Йўқ, сиз билан ҳали сўйлашиш мумкин, яшаш мумкин! Сиз ўйлайсизки, мен доим шундай ёлғончи, шундай масхарабоз эканманми? Билиб қўйинг, мен буларни атай шундай қиялпман, бу сизни синамоқлик учун, холос, ўйин қиялпман-да. Сиз билан яшаш мумкинмикин деб, атрофингизда айланиб-ўргилилпман? Сизнинг ғурурингиз атрофида менинг тамкинлигимга ўрин бормикин деяпман? Сизга мактов қоғози тортиқ этаман: Сиз билан яшаш мумкин! Ана энди жим бўламан, оғзимни юмаман, бошқа миқ этмайман, ўриндигимга ўтираману оғиз очмайман. Энди сиз, Петр Александрович, сўйлайсиз, энди сиз бу ерда энг асосий одамсиз... ўн дақиқага.

### III

## ХУДОЖЎЙ АЁЛЛАР

Пастда тўсикнинг ташқи деворига туташган ёғоч айвонда бу сафар барча аёллар, улар йигирмага яқин эди, тўдалашиб туришарди. Уларга қария кўргани чиқади деб маълум қилишган, шунинг учун кутишарди. Қарияга мунтазир бўлиб айвонга Хохлакова бегойимлар чиқишган, аммо улар сал наридаги олиймақом меҳмонларга мўлжалланган айвонда жойлашгандилар. Улар икки киши: онаси ва қизи. Хохлакова ойим бой-бадавлат, доим фаросат билан ораста кийинган, ҳали анчагина ёш ва истараси ғоят иссиқ, юзи оқаринқираб турадиган, қоп-қора кўзлари чакноқ жувон эди. Ёши ҳали ўттиз учдан ошмаган, қарийб беш йилдан буён бева эди. Ўн тўрт яшар қизининг оёғи шолга чалинганди. Бечорагина киз ярим йилчадан бери юролмас, уни ғилдираклар ўрнатилган узунчоқ креслода олиб юришарди. Унинг ой кулчасидек юзи жуда чиройли, касаллигига қарамай шўх-кувноқ эди. Киприклари камон ўқидек узун, шахло кўзларидан ўйинқароқ учқунлар чакнарди. Онаси баҳор чиқиши билан уни хорижга олиб кетмоқчи эди, аммо мулклари билан боғлиқ ишлар чўзилиб кечикишди. Улар яқин бир ҳафтадан бери бизнинг шаҳримизда истикомат қилишар, зиёратдан кўра кўпроқ ўз ишлари билан шуғулланишар, аммо бундан уч кун бурун бир марта қария хузурига келишганди. Гарчи қария умуман ҳеч кимни қабул қилолмаётганидан хабардор бўлсалар ҳам, мана энди яна келишган ва эланиб, ёлвориб, “буюк табиби ҳозикни яна бир карра кўриш бахтидан” қайтармасликни илтижо қилишарди.

Онаси қариянинг чиқишига мунтазир бўлиб қизининг креслоси ёнида, курсида ўтирарди, ундан икки кадам нарида қари бир роҳиб кутарди, у узоқ шимолдаги номи ҳам қулоққа чалинмаган ибодатгоҳдан келганди, бу ерлик эмасди. У ҳам қариядан дуо олиш талабида эди. Бироқ тим остида пайдо бўлган бузрук ота аввалига тўғри авом томонга йўл олди. Авом тўдаси пастаккина айвончани тахта пол билан боғлаган уч поғонали шийпонча томонга қараб оғди. Бузрук ота юқори поғонада турди. Эпитрахилни илди ва унга интилаётган хотин-халажни дуо қила бошлади<sup>1</sup>. Унга бир жиллини икки қўлидан тутиб яқин келтиришди. У бузрук отани

<sup>1</sup> Эпитрахиль – насроний руҳонийлар либосининг бир бўлаги.

кўриши ҳамон қандайдир нобоп чийиллаб, ҳиқичоғи тута бошлади ва худди хушдан кетадигандек, дағ-дағ қалтирашга тушди. Унинг бошига эпитрахилнинг бир учини ташлаб, бузрук ота қисқа дуо ўқиди, жилли шу заҳоти тинчланиб, жим бўлиб қолди. Ҳозир қандай экан билмайману, лекин болалик чоғларимда қишлоқлар ва монастирларда мана шундай савдойиларни кўп кўрганман. Уларни ибодат пайтида келтиришар, бутун черковни бошларига кўтариб итга ўхшаб ақиллашар, увиллашар, бироқ нон ва майдан иборат ҳадя-атойиларни олиб чиқишиб, уларни ҳадяларга яқин олиб келишганда, “жазавалари” дарров тўхтар ва беморлар доим бир қанча вақт тинчланиб, жимиб қолишарди; бола бўлишимга қарамай, мен бундан қаттиқ таъсирланиб, ҳайратланардим. Лекин ўша пайтларда баъзи помешчиклар ва айниқса, шаҳардаги муаллимларимдан берган саволларимга шундай жавобларни эшитардимки, булар ҳаммаси ишламаслик учун ўзини жинниликка солиш экан ва буни қаттиқ талабчанлик билан тузатса бўларкан, улар бу сўзларни исботлаш учун ҳар турли хангамалар айтиб, мисоллар келтирардилар. Лекин кейинчалик мутахассис тиббиёт ходимларидан шу нарсани эшитиб, ҳайрон қолдимки, бунда ҳеч қандай қувлик-шумлик йўқ бўлиб, бу аёлларнинг мудҳиш касаллиги экан ва афтидан, кўпроқ бизнинг Россиямизда тарқалган, у қишлоқ аёлларининг жуда аянчли қисматидан дарак бераркан, кўпроқ ҳеч қандай тиббий ёрдам кўрсатмай оғир аҳволда кўзи ёригандан кейиноқ, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай тинкани қуритадиган қийин, машаққатли ишларга уриниш оқибатида пайдо бўларкан, бунинг устига бош-кети йўқ чексиз алам-уқубат, ваҳшиёна қалтақланишлар ва ҳоказоларни аксар аёллар кўтаролмайдилар. Титраб-қақшаб, жазавага тушиб чинқираётган шўрлик аёлнинг ҳадя-атиқа олдига олиб келишлари ҳаманоқ бирдан шифо топгандай тинчиб қолиши ажабтовур бир ҳодиса, буни менга касални атай соғайгандай қилиб кўрсатиш учун “диндорлар” томонидан уюштирилади, деб тушунтиришганди, лекин аслида, бу табиийроқ бир тарзда рўй бераркан, касални ҳадя-атиқаларга рўпара қилаётган хотин-халаж ҳам, касалнинг ўзи ҳам бир нарсага қаттиқ ишонишар эканки, беморни ҳадя-атиқаларга келтириб, бошини унинг устига эгсалар, хаста аёлни ўзига бўйсундириб, тамомила уни эгаллаб олган нопок жинлар буни кўтаролмай, қўрқиб қочишаркан. Шунинг учун ҳам асаблари батамом қақшаган, руҳий касал аёл ҳадя-атиқани тавоф қилганда, бутун аъзои бадани ларзага тушади, албатта, шифо топаман деган мўъжизага ишониб, бутун вужуди билан бунга тайёрланади ва буни кутади. Ҳақиқатан, бу мўъжиза бир дақиқага бўлса-да, рўй беради. Мана ҳозир ҳам бузрук ота бемор аёлни эпитрахиль енгча билан ёпгани замон шундай мўъжиза рўй берди-қўйди.

Мана шу дамнинг файзу шукуҳидан мутаассир бўлган хотин-қизлар кўз-ёшларини дарёдай оқизиб, қария томон беихтиёр янада яқинроқ сурилишди; баъзилари унинг этақларини кўзларига суртиб ўпишди, айримлари тинмай вирди забон қилишарди. Қария барчаларини дуо қилар, баъзилари билан сўйлашарди. У жиллини танир, уни монастирдан узоқ бўлмаган олти чақиримча наридаги қишлоқдан олиб келишганди, илгари ҳам бир неча марта келтиришганди.

– Э, мана узоқдан келган! – деб кўрсатди у жуда озғин, силласи қуриган, афт-ангори худди куйгандай сўхта бўлиб кетган, унчалар ҳам

қари бўлмаган аёлни. У тиз чўкиб турар ва қариядан кўзини узмасди. Кўзларида қутуришга ўхшаш бир ифода зуҳурланарди.

– Хув узокдан, отагинам, хув узокдан, бу ердан уч юз чақирим. Узокдан, хув, узокдан, отагинам, – нолиш қилгандай деди аёл бошини бир маромда у ёқдан-бу ёққа ликиллатаркан, кафти билан юзини тираб. У қандайдир йиғламсираганча саннаб сўйларди. Халқ ичида бир ифода қилинмаган, сабр косаси лиммо-лим тўлган дард бор. У ўз ичига чўкиб ётади ва садо бермайди. Аммо бир шикаста ғам-ғусса ҳам бор: у кўз ёшлар билан бир юзага чиқади, сўнг туганмас инграш ва саннашга ўтади. Айниқса, аёлларда шундай. Аммо у садосиз, гунг дарддан осон эмас. Аммо айтиб, саннаб йиғлаш юракни баттарроқ эзади, батгарин адо қилади, дард шу билан ўзини қондиради. Бундай ғам-алам таскин истамайди, унинг ташналиги ҳеч қачон қонмайди. Саннаб йиғлаш ўз жароҳатини тинмай тирнашни истайди.

– Шаҳарликмисиз, ойм? – сўради унга қизиқсиниб қараган қария.

– Биз шаҳарликмиз, отагинам, шаҳарликмиз, деҳқонларданмиз, шаҳарда турамыз. Сизни тавоф қилай деб келдим. Отагинам, сизни кўп эшитганмиз, эшитганмиз. Сабий ўғилчамни тупроққа бериб қўйдим, худога ёлвориб йўлга тушдим. Учта монастирда бўлдим, кейин менга бу ерни кўрсатишди: “Настасьюшка, шу ёққаям бор дейишди, сизни айтишди, азизим, сизни айтишди”. Кеча келган эдим, кўноқда қолдим, бугун қошингизга келдим.

– Дардингни айт.

– Ўғилчамга ачинаман, отагинам, уч йилгина умр кўрди, уч ойи кам уч йил, кўзимга ҳеч нарса кўринмайди, отагинам, қани ўғилчам дейман<sup>1</sup>. Буниси охиргиси эди, эрим Никитушка иккимиз тўрт ўғил кўрдик, болаларимиз турмайди бизни, турмайди, отагинам, турмайди. Олдинги учтасини ерга қўйдим, уларга бунчалик ёниб куймовдим, бу охиргисини тупроққа топширдиму ҳеч эсимдан чиқаролмаяпман. Шундоқ кўз ўнгимда туради, кетмайди. Юрагимни қуритди. Унинг кийимларига, кўйлакчасига ёки этикчасига қарайману дод дейман. Нарсалари, ўйинчоқларини олдимга йиғиб оламан-да уввос солиб йиғлайвераман. Эрим Никитушкага кўп айтаман: хўжайин, менга рухсат бер, азиз-авлиёларнинг қадамжоларига бораман. Эрим извошчи, ўзимизга тўқмиз, отагинам, тўқмиз, ўз-ўзимизни боқамиз, от-арава – ҳаммаси бор, ҳаммасига қараймиз. Энди нима қиламиз буларни? Никитушкам менсиз ичкиликка берилиб қолди, бу шунақа энди, ундан ҳам ёмони, сал бошқа нарсага чалғиб қолсам, кўзим шамғалат бўлса, дарров унинг силласи қурийди. Энди уни ҳам ўйламай қўйдим. Уч ой бўлди уйдан чиқиб кетганимга. Ҳаммасини унутдим, унутдим сира эслагим келмайди, мен энди уни нима қиламан? Унга барҳам бердим, тамом, ҳаммасини тугатдим. Ўша уйни, ўша мол-дунёни кўргани кўзим йўқ, қанийди ҳеч нарсани кўрмаган бўлсам, қанийди!

– Гап бундоқ, онагинам, – деди қария, – қадимги бир авлиё ота, улуғ зот бир куни ибодатгоҳда худди сенга ўхшаб бўзлаб турганини кўриб қолибди, унинг ҳам ёлғиз гўдаги қазо қилган, худо ўз даргоҳига чақирган экан. “Сен, ожиза, билмайсанми ахир, – дебди унга авлиё ота, – сабий гўдақлар худойимнинг арши олдида журъатлидурлар? Арши аёло қошида

<sup>1</sup> Ўғилчамга ачинаман, отагинам, уч йилгина умр кўрди... – Алеша – Достоевскийнинг Алеша исми ўғилчаси бўлган. Уч яшарлигида, 1878 йилда қазо қилган. Шу йили Достоевский “Ака-ука Карамазовлар”ни ёзишга ўтирган.

улардан кўра журъатлироқ ҳеч зот йўқ: худойим, сен бизга ҳаёт ато этдинг, дейдурлар улар худойимга, биз энди уни кўрганимизда, сен биздан уни қайтариб олдинг. Улар шу қадар дадил, журъат билан илтимос қилиб сўрайдиларки, худойим эгам дарҳол уларни фаришталар мақомига олиб чиқади. Мана шунинг учун ҳам, – дейди авлиё, – сен ҳам шодмон бўл ва йиғлама, эй ожиза. Эндиликда сенинг ўғилчанг эгам қошида фаришталар мақомида юрадир”. Авлиё кўз ёшларини шашқатор тизаётган аёлга қадим замонларда мана шуларни айтган. У улуғ авлиё эди, ожизага нотўғри сўз демасди. Инчунин, сен ҳам, эй она, сенинг гўдагинг энди балки эгамнинг арши аълосида тургандир, шод-хуррам ўйнаётгандир ва эгам хузурида сенинг ҳақингга дуо ўқиётгандир. Инчунин, майлига, йиғла, аммо шодмон бўл.

Аёл юзини қўлига тираб, кўзларини қуйи тикиб уни тингларди. У чуқур ичикиб хўрсинди.

– Никитушкам ҳам менга шундай деб таскин берарди, худди шундай сўзларни айтарди: “Ақли қисқа, нега йиғлайсан, ўғилчамиз энди худойимнинг олдида фаришталар билан куй куйлаб юргандир”. Менга шундай тасалли беради-ю, ўзи йиғлайди, кўриб турибманки, менга ўхшаб йиғлайди. “Биламан, дейман, Никитушка, у эгамнинг олдида бўлмай қаерда бўлсин, фақат энди биз билан бирга эмас. У қошимизда йўқ, Никитушка, мана бу ердаги унинг ўрни бўш!” Қанийди, унга лоақал бир марта, бир мартагина қарасам, бир мартагина кўрсам, ёнига бормасдим, оғзимни очмасдим, бурчакда яшириниб турардим, бир зумгина уни кўрсам, эшитсам, ҳовлида ўйнаб юрганини кўрсам, кейин келиб одатдагидай: “Ойижон, қанисиз?” – деб чақирганини эшитсам. Фақат уй ичида чопқиллаб юрганини бир мартагина кўрсам, фақат бир марта оёқчалари билан дук-дук чопганини фақат бир марта эшитсам, тез-тез олдимга чопқиллаб келарди, қичқириб чақирарди, қикирлаб куларди, қани эди оёқлари товушини эшитсам, дарров танирдим оёқчалари товушини, танирдим! Йўқ энди у, отахоним, йўқ ва бошқа ҳеч қачон кўрмайман уни! Мана унинг белбоғчаси, ўзи эса йўқ, энди ҳеч қачон кўрмайман уни, овозчасини ҳам эшитмайман ҳеч қачон!..

У қўйнидан ўғилчасининг зар жиякли белбоғчасини чиқарди ва уни кўрган захоти ўкраб йиғлаб юборди, елкалари силкинди, қўли билан кўзларини тўсди, бармоқлари орасидан кўз ёшлар отилиб чиқди, жилғадай окди.

– Бу, – деди бузрук қария, – бу жуда қадимги гап: “Роҳила болаларига кўз ёшларини тўқади, тасалли топмайди, чунки тасалли йўқ”, сиз оналарга мана шундай қисмат ёзилган. Тасалли олма, керакмас сенга тасалли, тасалли олма ва йиғлайвер, фақат кўзёшлар тўкканингда ҳар сафар шуни ёдингда тутгилки, сенинг ўғилчанг – худойимнинг фаришталаридан биттаси – ўша ёқдан сенга қараб туради ва сени кўради ва кўз ёшларингдан қувонади ва уларни яратган эгамга кўрсатади. Сен ҳали узок йиғлайсан, охирида бу улуғ йиғинг охири осуда бир роҳатга айланур ва сенинг аччиқ кўз ёшларинг раҳм-шафқат, меҳру сабоҳатга эврилур ва журму гуноҳлардан халос этур. Мен ўғилчангни дуо қилиб фотиҳа ўқурман, исми нима эди?

– Алексей эди, отагинам.

– Яхши исм. Алексей худонинг бандаси-да?

– Худонинг бандаси, отагинам, худонинг бандаси. Алексей худо бандаси!

– Қандай авлиё-я! Дуода ёд қилгайман, эй онаизор, ёд айлагайман сенинг ғам-андухингни, дуо қилгайман, завжингни ҳам сиҳат-саломатлиги учун дуо қилгайман. Фақат уни ташлаб қўймоғинг гуноҳ. Эринг олдига қайт ва уни эҳтиёт қил. Ўғилчанг худо даргоҳида унинг отасини ташлаб кетганингни кўриб фарёд чекади, нега сен унинг роҳат-фароғатини бузасан? Ахир у тирик-ку, тирик, зеро жон мангу тирик; у уйда йўқ эсада, ўзи кўринмаса ҳам, доим ёнингизда. Ўз уйим – гўшамни кўргани кўзим йўқ дейсан, шунда қандай қилиб у уйга келсин? Ота-онасини бирга топмаса, у кимнинг олдига келсин? Мана у тушларингга киради, сен азоб чекасан, ана унда у сенга ширин тушлар йўллайди. Эй онаизор, эринг ёнига қайт, ҳаялламай бугуноқ қайт.

– Қайтаман, садағанг кетай, қайтаман. Юрагимни ўртаб юбординг. Никитушка, ўзимнинг Никитушкам, мени кутиб сарғайиб қолдингми, гиргиттон, мени кутяпсанми! – аёл шу тариқа саннай бошлаган эди, аммо бузрук ота зиёратчилардек эмас, шаҳарчасига кийинган қари бир кампирнинг қошига борди. Кўзининг қарашларидан қандайдир иши борга, нималарнидир маълум қилишга келганга ўхшарди. У бир унтер-офицернинг беваси экан, узоқдан эмас, ўзимизнинг шаҳардан келибди. Унинг ўғли Васенька қайсидир комиссариатда хизмат қиларкан, кейин Сибирга, Иркутскка кетибди. У ердан икки марта хат ёзибди, мана энди бир йилдан бери хат келмас экан. Ўғлини сўраб-суриштирибди, нафсиларга қаердан аниқ суриштиришни ҳам билмас экан.

– Менга яқинда бой савдогар хотин Степанида Ильинишна Бедрягина шундай маслаҳат берди: сен Прохоровна, яхшиси, бундай қил, ўғилчангни фотиҳасини ўқитиш учун ёздириб қўй, черковга олиб бор-да фотиҳасини ўқит. Ўғлингнинг дилига тушади, сенга кейин соғиниб хат ёзади. Энг яхшиси шу, – дейди Степанида Ильинишна, – жуда кўп синовдан ўтган, тез етиб боради. Қайдам, билмасам, ишонгим келмайди... Эй, файзи худо, ўзинг айт, шу нарса тўғрими-йўқми, шундай қилса яхши бўлами?

– Буни ўйлаб ҳам ўтирма. Сўраб ўтириш ҳам уят. Ахир қандай қилиб ҳали тирик жонни яна ўз тукқан онаси ўлдига чиқариб фотиҳасини ўқийди! Бу гуноҳи кабира, фолбинликка ўхшайди, фақат билмаганинг учун кечириб мумкин. Сен осмон маликасидан тила, у бизнинг ҳимоячимиз, мадақоримиз, ўғлингга сиҳат-саломатлик ато этсин, сени ҳам адашаётганинг учун кечирсин. Сенга бир гапни айтай, Прохоровна, ўғлинг тез орада ё ўзи ёнингга кириб келади, ё хат ёзиб жўнатади. Шуни яхши билиб қўй. Энди бор, кўнглингни эмин тут. Сенга айтаман: ўғлинг ўлмаган, тирик.

– Жоним садаға, худо ажрингни берсин, сен валинеъматимизсан, ҳаммамизнинг дуоғўйимизсан, журму гуноҳларимизга шафоатчи...

Бу орада бузрук ота тўда орасида ўзига ўқдай қадалган, ўтдай ёнаётган, озиб-тўзиган, сўлғин ёшгина деҳқон жувоннинг нигоҳини пайқади. У жимгина қараб турар, кўзлари ненидир илтижо қилар, аммо яқинлаб келишга ботинмасди.

– Нима дардинг бор, оппоғим?

– Чигилимни ҳал қилиб бер, отагинам, – оҳиста-секин шошилмай деди аёл тиз чўкиб, пойга эгилиб таъзим бажо этаркан.

– Гуноҳ қилиб қўйдим, отагинам, гуноҳимдан кўрқаман.



Бузрук ота қуйи зинага ўтирди, аёл тиззалаганча унга сурилиб яқинлашди.

– Учинчи йили эрдан қолдим, – деб гапини бошлади шивирлаб қалт-қалт титроққа тушиб. – Эрим билан турмушимиз оғир кечди, қари эди, мени ёмон урарди. У касал ётувди; қани, бир кўрай-чи дедим, яна соғайиб кетса, оёққа турса, унда нима бўлади? – деб ўйладим. Ўшанда хаёлимга шу фикр келди...

– Тўхта, – деди қария ва қулоғини тўғри аёлнинг оғзига тўғрилади. Аёл унинг қулоғига жуда секин шивирлаб гапирди, ҳеч нарса эшитиб бўлмади.

Аёл тезда гапини тугатди.

– Уч йил бўлдими? – сўради қария.

– Уч йил. Олдин ўйламовдим, энди тобим қочаяпти, ғам ёпишиб олди.

– Узоқдан келдингми?

– Бу ердан беш юз чақирим.

– Гуноҳларингга тавба изҳор қилдингми?

– Изҳор қилдим, икки марта.

– Покланишга ижозат беришдими?

– Ижозат беришди. Қўрқяпман. Ўлишдан қўрқяпман.

– Ҳеч нарсадан қўрқма, ҳеч қачон қўрқма, ғамга ботиб ўтирма. Фақат тавба-тазарруни бўшаштирма – худо ҳаммасини кечиради. Бутун ер юзида худо кечирмайдиган ҳеч бир гуноҳ йўқдир. Фақат чин дилдан тавба қилинса, бас. Гуноҳ қанчалар азим бўлмасин, у худонинг чексиз меҳру муҳаббатини қуришиб, тугатиб қўёлмайди. Худонинг муҳаббатидан устунроқ чиқа оладиган гуноҳ дунёда бормикин? Тинмай тавба қил, қўрқувларингдан халос бўл. Худо сени севади, сен буни хаёлингга ҳам келтиролмайсан. Худо сени гуноҳларинг билан сенинг гуноҳкорлигингга севади. Ўнта тақводордан кўра битта тавба-тазарру қилаётгандан кўкларда хуррамлик ортгай. Бу кўҳна гап. Энди йўлингга бор, қўрқма. Одамлардан хафа бўлма, хафа қилсалар, аччиқланма. Марҳум учун дилингга ҳаммасини кечир, сени қандай таҳқирлаган бўлмасин, унинг гуноҳидан ҳаққи рост ўт. Тавба қилсанг, севадан. Севсанг, унда худо қошида... Муҳаббат ила сотқун олинур, халос бўлур. Магарким, худди сен каби бир гуноҳкор банда сенга ачиниб, раҳм қилаётган эканман, ана энди тасаввур қил худойим қандоқ экан. Муҳаббат шундай бебаҳо хазинаки, унга бутун дунёни сотқун олишинг мумкин, фақат ўзингнинг эмас, ўзгаларнинг гуноҳларини ҳам сотиб олишинг мумкин. Энди бор, ҳеч қўрқма.

Қария аёлни уч бора чўқинтирди, ўз бўйнидан кичкина бир санамни ечиб олиб, унга осиб қўйди. Аёл ергача эгилиб таъзим қилди. Қария ўрнидан турди ва қўлида гўдагини кўтариб турган лобар бир жувонга қувноқ нигоҳ ташлади.

– Биз Вишегоръеданмиз, бобожон.

– Бу ердан олти чақирим, боланг билан тоза эзилибсан-да. Нима бўлди?

– Сизни кўргани келдим. Мен олдингизга келгандим, эсингиздан чиқдимми? Эсингиз қисқа экан-да, мени унутган бўлсангиз. Бизда айтишганди сизни оғриқ деб, бориб ўзим кўриб кела қоламан деб ўйладим, мана, сизни кўриб турибман, ҳеч оғриққа ўхшамайсиз. Худо умр берса,

яна йигирма йил яшайсиз, худо ярлақагур! Сизни дуо қилувчилар сон-саноксиз, нега энди касал бўлар экансиз?

– Соғ-саломат бўлгин, азизам.

– Жиндаккина сиздан ўтинчим бор, мана бу ерда олтмиш танга йиғганман, уни, отахоним, мендан кўра йўқсилроқ бир кимсага беринг. Мен бу ёққа йўлга тушганимда, шуни ўйладим, яхшиси, сизнинг кўлингизга берай, у ёғини сиз яхши биласиз кимга беришни.

– Раҳмат, оппоғим, раҳмат, азизам. Сени яхши кўраман. Албатта бажараман. Кўлингиздаги қиз болами?

– Қизча, отагинам, оти Лизавета.

– Худойим ҳар иккингишни ёрлақасин, сени ҳам, жужук Лизаветани ҳам. Юрагимга мадор бердинг, онагинам. Хайрингиз, азизларим, хайрингиз, суюкли, ширинларим.

У ҳаммани дуо қилди, ҳаммага бош эгиб, таъзим бажо келтирди.

#### IV

### ИМОНИ СУСТ ХОНИМ

Зиёратга келган помешчик бегойим бузрук отанинг оддий одамлар билан суҳбатлари, уларни дуо қилишларига мўлдир-мўлдир кўзёшларини тўкар ва уларни рўмолчаси билан артарди. Бу ғоятда серҳаяжон кибор хоним бўлиб, барча майлу хоҳишлари ниҳоятда самимий эди. Бузрук ота охири унинг қошига келганда, хурсанд бўлиб кутиб олди:

– Мана шу мафтункор суҳбатларингизни кўриб, қувонганимдан ичимга сиғмай ўтирибман... – у ҳаяжонланиб, тўлиқиб кетди. – О, биламан, сизни одамлар яхши кўришади, мен ўзим ҳам одамларни севаман, яхши кўргим келади, қандай қилиб яхши кўрмаслик мумкин бизнинг гўзал, ўз улуғворлигида содда рус халқимизни!

– Қизчангизнинг соғлиғи яхшими? Сиз яна мен билан суҳбатлашгани келдингизми?

– О, мен қаттиқ ўтиниб сўрадим, ялиндим, ёлвордим, мен тиз чўкиб туришга тайёр эдим уч кун десалар ҳам сизнинг дарчангиз тагида, токи мени қабул қилмагунингизча тиз чўкиб тураверардим. Эй, улуғ табибим, юрагимиздаги битмас-туганмас миннатдорчилигимизни сизга етказиш учун хузурингизга келдим. Сиз ахир фарзандим Лизага бутунлай шифо бахш этдингиз, бутунлай, қандай шифо дейсизми, пайшанба куни унга атаб дуо ўкидингиз, бошгинасига кўлингизни қўйдингиз. Биз бу шифобахш қўлларни ўпмак, бўсаларга кўмиб ташламоқ учун жадал етиб келдик, меҳримиз, ҳаяжонларимизни шарҳу баён этсак деймиз!

– Қани шифолаганим? Ахир у ҳалиям ўз аравачасида ётибди-ку?

– Аммо тунги иситмалар бутунлай йўқолди, пайшанбадан бери мана икки кун бўлди, – асабий тушунтира кетди хоним. – Бунинг устига унинг оёқларига қувват кирди. Бугун эрталаб ўрнидан соппа-соғ турди, тун бўйи мириқиб ухлади, кўринг, икки юзи қип-қизил бўлиб қолди, кўзларининг чарақлашига қаранг, аввал тинмай йиғлагани-йиғлаган эди, энди дам кулади, дам қувонади, ўзида йўқ хурсанд. Бугун ўз оёғимда тураман деб, ҳаммамизни қўймади. Кейин ҳеч қандай ёрдамсиз ўзи бир дақиқа тик

оёқда турди. Икки ҳафтадан сўнг кўрасиз, кадрили рақсига тушаман, деб мен билан бас бойлади. Мен бу ердаги доктор Герценштубени чакирдим; у елкасини қисиб, ҳайратдаман, ақлим бовар қилмаяпти, дейди. Шундок бўлиб турган маҳалда биз бу ерга қанот қоқиб учиб келмайликми, сизни кўрмайликми, сизга чексиз ташаққурларимизни айтмайликми, буни ҳеч иложи борми? Lise, раҳмат де, раҳмат!

Lisening юлдуздай истараси иссиқ юзи бирдан жиддийлашгандай бўлди, у бир амаллаб ўрнидан ярим кўзғалди, қарияга қараб унинг олдида қўлчаларини таъзимга чўзди, лекин охири чидамай пикиллаб кулиб юборди...

– Мен ановга, ановга кулдим! – деб у Алешани кўрсатди, ўзини тўхтатолмай кулиб юборганига болаларча ғаши келиб. Ким қариянинг орқасида, бир одим нарида турган Алешани кўрса эди, унинг икки бети бир зумда дув қизариб кетганини пайқарди. Унинг кўзлари ўтдай чакнади ва ерга тикилди.

– Унинг сизга, Алексей Федорович, илтимоси бор... Соғлиқларингиз яхшими? – қизчанинг онаси кутилмаганда Алешага мурожаат қилди ва унга чиройли қўлқопчадаги қўлларини узатди. Қария орқасига ўгирилди ва бирдан Алешага диққат солиб қаради. Алеша Лизага яқин бориб, қандайдир ғалати ва ўнғайсиз илжайиб, унга қўлини чўзди. Lise чехрасига жуда жиддий тус берди.

– Катерина Ивановна мenden сизга манавини бериб юборди, – деб унга кичкинагина хатни узатди. – Унинг олдида киришингизни жуда, жуда сўради, тезроқ, тезроқ борар экансиз, алдамас экансиз, албатта келсин, деди.

– У мени келсин дедими? Унга менинг... Нимага экан? – ғоятда ҳайратга тушиб пичирлади Алеша. Унинг башарасига бирдан ташвиш шарпаси кўнди.

– О, ҳаммаси Дмитрий Федорович масаласида... Кейинги бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида, – қисқа тушунтирди қизчанинг онаси. – Катерина Ивановна бир қарорга келибди... Лекин бунинг учун сизни албатта кўриши зарур экан... нега? Буни мен билмайман, аммо сизни зудлик билан келсин деди. Сиз йўқ демайсиз, ишончим комил, йўқ демайсиз, бу имон амри.

– Мен у кишини фақат бир мартагина кўрганман, – деди ҳамон ўша ажабланиш билан Алеша.

– О, у жуда ўзгача, ҳайратомуз хилқат!.. Кўрган-кечирган азобларининг ўзиёқ... Бир хаёлингизга келтиринг, у нималарни бошидан кечирмади, яна нималар бошидан кечмаяпти, хаёлингизга келтиринг, уни нималар кутмаяпти... ҳаммаси жуда чатоқ, жуда чатоқ!..

– Майли, мен бораман, – деб бир фикрга келди Алеша ва қисқагина ажабтовур хатчага тезгина кўз югуртирди, унда тезроқ келинг, деган қаттиқ ўтинчдан бошқа сўз ёзилмаганди.

– Ох, қанчалар яхши, ажойиб иш қилган бўласиз, – деди бирдан жонланиб, завқ-шавққа тўлиб Lise. – Ахир мен ойимга: у ўлақолса ҳам бормади, у ўзини халос қияпти, деб айтувдим. Вой, вой, мунча яхши экансиз! Ахир мен сизни доим жуда яхши йигит деб юраман, сизга буни айтганимдан жуда хурсандман!

– Lise! – пўписа қилгандай деди ойиси, аммо дарҳол яна табассум қилди.

– Сиз бизни ҳам эсингиздан чиқариб юбордингиз, Алексей Федорович, ҳеч бизни кига боргингиз келмайди, Lise эса менга икки марта айтди, сиз келсангиз, у жуда қувонади. – Алеша кўзларини ердан узди ва яна бирдан қизариб кетди, ва негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда илжайиб қўйди. Аммо қариянинг у билан иши бўлмади қолди. Қария Lisening аравачаси олдида уни кутиб турган роҳиб билан гаплаша бошлади, чамаси. У эътиқоди кўтаҳ, аммо мустаҳкам, энг одми лавозимдаги оддий роҳиблардан бўлиб, ўз азмойишида заррача ортга қайтмайдиган, чекинмайдиган қайсарлардан эди. У қаердан узоқ шимол, Обдорскдан, авлиё Сильвестрдан қадам ранжида қилганлигини маълум қилди, унинг монастири бағоят ночор бўлиб, бор-йўғи тўққиз роҳиб истиқомат қилар экан. Қария уни дуо қилди ва хоҳлаган пайтда ҳужрасининг эшиги унга очиклигини айтди.

– Бундай ишларга қандай жасорат қиласиз? – бирдан сўраб қолди роҳиб эътимод билан тантанавор тарзда Lisени кўрсатиб. У қизчанинг “шифо” топганига ишора қилмоқда эди.

– Бу ҳақда гапиришга ҳали эрта, албатта. Енгил тортгани ҳам тўла тузалди дегани эмас, тузалиши бошқа бир сабабларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Лекин нимадир рўй берган бўлса, бу худойимнинг марҳаматидан бошқа нарса эмас. Бари худодан. Қошимга киргайсиз, отагинам, – қўшимча қилиб қўйди у яна роҳибга, – зеро, ҳар вақт ҳам қурбим келавермайди, мазам йўқ, кунларим санокли қолди.

– О, йўқ, йўқ, худойим кўп кўрмас сизни бизга, сиз ҳали узоқ, узоқ яшайсиз, – қичқириб юборди қизчанинг ойиси. – Нега касал бўларкансиз? Сиз шундай соғлом, шундай қувноқ, бахтиёр кўринасиз.

– Мен бугун ўзимни жуда яхши, енгил сезяпман, аммо биламанки, бу вақтинча, бир сонияга, холос. Мен ўзимнинг касалимни энди жуда яхши билиб олганман. Агар кўзингизга шундоқ қувноқ кўринаётган бўлсам, бу сўзингиз мени ҳар нарсадан, ҳар қачонгидан ортиқроқ хурсанд қилади. Зеро, одамлар бахт учун яратилганлар, кимда-ким ўзини бахтли деб биларкан, ўз-ўзига шу сўзларни айтмоққа сазовор: “Мен ер юзида худойимнинг амрини адо этолдим”. Барча тақводорлар, барча азиз авлиёлар, барча азобқунанда валийлар – ҳаммалари бахтиёр бўлмишлар.

– О, сизнинг бу сўзларингиз қандоқ жасоратли, қандоқ олий сўзлар, – дея қичқирди қизчанинг онаси. – Юракка ханжардек ботади. Эй-вой, бахт, бахт – ўзи қаерда? Ким ўзини бахтли деб айтолади? О, сиз бизга шунчалар меҳрибонлик қилиб, яна бир бора сизни кўриш имконини бердингиз, энди мен сизга ўтган сафар айтиб улгурмаган, айтишга журъат этмаган барча сўзларимга энди қулоқ тутинг, бутун азобларим, юрак қийноқларимни тингланг, тингланг, шунчалар узоқ замонлар, узоқ замонлардан бери жоним азобда! Дилим сиёҳ, мени кечиринг, дилим сиёҳ, азоб ичида ёнаман... – Аёл аллақандай ўтли туйғулар ичида туғёнга келиб, қария қошида қўлларини қовуштирди.

– Дардингиз нима ўзи?

– Азобдаман... ишончим суст...

– Худога ишонмайсизми?

– О йўқ, йўқ, мен буни хаёлимга ҳам келтирмайман, аммо нариги ҳаёт – шунчалар ҳам сирлики! Ахир ҳеч ким ҳам, ҳеч ким унга жавоб беролмайди! Қулоқ солинг, сиз ҳозир табибсиз, сиз инсон юрагини биласиз, мен сизга охиригача менга ишонишингизни талаб қилолмайман, лекин энг қутлуғ

сўз билан сизни ишонтириб айтаманки, мен ҳозир энгилтак бир кайфият билан сўзлаётганим йўқ, мени нариги охират дунёсидаги ҳаёт қандай бўлиши қийноққа солади, жуда кўрқаман... даҳшатга тушаман... Кимга бу дардимни айтишни билмайман, бир умр бунга журъатим етмаган... Эндиликда сизга мурожаат этишга ботинаман... О худойим, энди мени ким ўрнида кўрасиз, ким деб биласиз! – У қўлларини бир-бирига қарсиллатиб урди.

– Мени нима деркин деб ташвиш чекманг, – жавоб берди қария. – Мен сизнинг азобингиз самимийлигига тўла ишонаман.

– О, сиздан қанчалар миннатдорман! Биласизми, мен шундай кўзимни юаману ўйлаб кетаман, ҳамма худога ишонса, унда бу қаердан келди? Буни аввал табиатнинг даҳшатли ҳодисаларидан кўркишдан келиб чиққан, аслида бунинг ўзи йўқ деб тушунтирмоқчи бўлишади. Нима ўзи, мен бир умр ишониб келганман, ўлсам, ҳеч нарса йўқ, фақат “қабр узра алаф ўсади”, мен буни бир ёзувчининг асарида ўқиган эдим<sup>1</sup>. Бу даҳшат! Нима, нима билан имонни қайтарса бўлади? Шуниси ҳам борки, мен ёш бола пайтимда ишонганман, кўр-кўрона, ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай... Буни нима билан исботлаш мумкин, сизнинг олдингизда тиз чўкиш учун келдим, сиздан шуни сўрагани келдим. Ахир мен ҳозир бу имкониятни бой берсам – унда кейин бир умр ҳеч ким жавоб беролмайди. Нима билан исботланади, қандай ишонч ҳосил қилинади? О, шўрпешонам! Мен шундоқ кўриб турибман, атрофда ҳаммага барибир, деярли барига, ҳеч ким бунинг қайғусини қилмайди, мен эса ёлғиз ўзим буни кўтаролмайман. Ох, нақадар оғир, оғир!

– Шубҳасиз, жуда оғир. Лекин бунда ҳеч нимани исботлаб бўлмайди, аммо ишонса бўлади.

– Қандай? Нима билан?

– Фаол муҳаббат тажрибаси билан. Ўзингизнинг яқинларингизни фаол ва ҳар доим тинмай севгайсиз. Севгингизда қанча кўп натижага эришсангиз, худойимнинг борлигига ҳам кўпроқ ишонасиз, жоннинг ўлмаслигига амин бўласиз. Агар яқинларингизни тўла фидокорона севишга эришсангиз, унда ҳеч шубҳасиз худога ишонасиз ва ҳеч қандай иштибоҳ, шубҳа қалбингизга кириб боролмайди. Бу аниқ, бу синовдан ўтган.

– Фаол муҳаббатми? Мана яна бир масала, яна шундай масалаки, шундай масалаки! Биласизми, мен имкониятни шу қадар севаманки, ишонасизми, гоҳида ҳаммаси, ҳамма-ҳаммасини ташлаб, Ёсени ўз ҳолига қўйиб, шафқат ҳамшираси бўлиб кетгим келади, шуни орзу қиламан. Мен кўзларимни чирт юмиб ўй ўйлайман, хаёл қиламан, шундай ўзимда энгилмас бир куч пайдо бўлганини сезаман. Ҳеч қандай яра-жароҳатлар, ҳеч қандай йиринг маразлар мени шаҳдимдан қайтаролмасди. Мен ўз қўлим билан жароҳатларни ювиб, яна боғлаб қўяверардим, азоб-укубат чекаётганларга қараб, боқиб ўтирган, уларнинг патос яраларини ўпган бўлардим...

– Ақлингиз бошқа нарсаларни эмас, айнан мана шуларни ўйлаб фикрлаётганининг ўзи катта нарса ва жудаям яхши. Бора-бора балки ҳеч қутилмаган жойда бирон-бир хайрли ишга қўл урсангиз, ажабмас.

– Ҳа, мен бундай ҳаётни узоқ вақт кўтара олармиканман? – худди жазаваси тутгандай бўлиб, ҳаяжонланиб қичқирди хоним. – Бу энг муҳим

<sup>1</sup> ...“қабр узра алаф ўсади”, мен буни бир ёзувчининг асарида ўқиган эдим – И.С.Тургеневнинг “Оталар ва болалар” романидан иқтибос.



масала! Бу мени қийнаган энг мушкул саволлардан бири. Кўзларимни чирт юмиб ўз-ўзимдан сўрайман: бу йўлда мен қанча вақт чидаркинман? Ва агарда сен ярасини ювиб қўяётган бемор ўша пайтдаёқ сендан миннатдор бўлмаса-чи, аксинча, сенинг инсонпарварлик хизматингни қадрига етмай, инжиқлик, кожлик қилиб қийнаса, башаранга қараб қичқирса, кўрслик, кўполлик билан талаблар қўйса, ҳатто бирон бошлиқларга устингдан шикоят қилса (азоб-укубат чекаётганлар кўпинча шундай қилишади), ана унда нима бўлади? Муҳаббатинг сақланадими, йўқми? Мана шу – ўзингиз кўринг, мен бир ларзага тушдим-да, шундай фикрга келдим, менинг инсониятга бўлган “фаол” муҳаббатимни ўша заҳоти совутишга қодир бирон-бир нарса бор бўлса, у ҳам ёлғиз кўрнамакликдир. Гапнинг қисқаси, мен ишимга ҳақ талаб қиламан, мен дарҳол ҳақимни сўрайман, яъники, мени мақташлари ва муҳаббатга муҳаббат билан жавоб қайтаришларини талаб қиламан. Акс ҳолда мен ҳеч кимни севолмайман!

У ўз-ўзидан ўкинч жазавасига тушди, гапини тугатиб, қарияга писанда билан қаради.

– Бир доктор бундан анча илгари худди мана шундай гапларни айтган эди, – деди қария. – Ёши улуғ, ақлли-хушли одам. У ҳам сизга ўхшаб очиқ, аммо ҳазилга олиб, аламли ҳазилга олиб гапирганди. Мен, – дейди, – инсониятни севаман, бироқ ўзимга ўзим ҳайрон қоламан: мен инсониятни умуман қанча кўп яхши кўрсам, одамларни хусусан шунча кам севаман, яъни алоҳида-алоҳида одамларни, якка-якка шахсларни айтаман. Хаёлларимда инсониятга эҳтирос билан хизматлар кўрсатишни жон-жон деб орзу қиламан ва агар ногаҳон мендан талаб қилиб қолинса, зарурат туғилса, эҳтимол, хочга михланишдан ҳам асло қайтмасдим, шундай бўлса ҳам, ҳеч кимса билан лоақал икки кун бир хонада бирга туролмайман, буни кўп тажрибадан ўтказганман. У менга салгина яқин турса, шу ондаёқ унинг шахсияти устимга бостириб кела бошлайди ва эркимни бўғади. Мен бир кун ичида энг яхши одамни ҳам жуда ёмон кўриб қолишим мумкин: бирини овқатни жуда узоқ ўтириб еркан дейман, бошқасини тумов бўлгани, тинимсиз акса ургани, бурнини коққани учун иким суймайди. Мен, – дейди ўша киши, – менга салгина тегиниб кетишса, дарров одамларнинг душманига айланаман. Бовужуд, доим шундай ҳол рўй берадики, мен хусусан одамларни қанчалик ёмон кўрсам, инсониятга умуман бўлган муҳаббатим шунчалик алангали бўлиб борарди.

– Аммо нима қилса бўлади? Бундай ҳолларда нима қилиш мумкин? Ўйлаб ўйингга етолмайсан, лабингни тишлаб қоласан?

– Ундаймас, ўз юрагингизни тиглаётганингизнинг ўзи етарли. Қўлингиздан келганча уриниб кўринг, ажрини кўрасиз. Амалингиз ҳозирдаёқ озмунча эмас, зеро сиз ўзингизни шунчалар теран ва самимий англаб олгансиз! Сиз мен билан шунчалар чин дилдан гаплашдингиз, бунда агар ҳаққоний очиқ фикрларингиз учун мендан фақат мақтов кутган бўлсангиз, унда аминманки, фаол муҳаббат йўлида ҳеч қандай жасорат кўрсатолмайсиз, албатта. Ҳаммаси хаёлий орзулардагина қолади ва бутун хаёт худди соядай лип-лип ўтади-кетди. Шунда, равшанки, нариги дунё хаётини ҳам эсдан чиқарасиз ва ахируламр, ўз-ўзингиздан тиниб-тинчиб қоласиз.

– Сиз мени пачоқлаб ташладингиз! Сизга кўрнамаклик, ношукурликни кўтаролмайман дедим, мен ҳақиқатан, чин дилдан самимий айтган

сўзларим учун сиздан фақат мақтов кутгандим, мен буни ҳозиргина фақат шу зумда сизнинг гапларингиздан кейин англаб етдим. Сиз мени менга танитдингиз, мени нозик илғаб олдингиз ва мени менинг ўзимга тушунтириб бердингиз!

– Чиндан айтияпсизми? Мана энди, ўзингиз росмана тан олганингиздан кейин мен самимиятингизга, қалбингиз тозалигига амин бўлдим. Агар сиз ўз бахтингизга эришсангиз, унда доимо ёдингизда тутингки, сиз яхши йўлдасиз ва ҳеч қачон бу йўлдан тоймагайсиз. Асосан, ёлғондан қочинг, ҳар қандай ёлғондан ва айниқса, ўз-ўзингизга ёлғондан. Ўз ёлғонингизга разм солинг, уни ҳар соат, ҳар дамда эътибордан қочирманг. Ўзингиздан ҳам, бошқалардан ҳам ранжиш, ҳазар қилишдан сақланинг: ичингизда нимадир сизга ножўя кўринса, сиз шунинг фарқига борганингизнинг ўзи катта гап ва кўнгил шу билан тозаланади. Кўркувдан ҳам қочинг, кўркувнинг ўзи ҳам ҳар турли ёлғонларнинг натижаси. Муҳаббатда самарага эришмоқликда ирода сустлиги юзага чиқиши мумкин, бундан кўркманг, бунда сиз томондан нобоп хатти-ҳаракатлар содир бўлса ажаб эмас, бу ҳам сизни чўчитмасин. Сизга булардан кўра қувончлироқ нарсаларни айтмаётганимдан афсусланаман, зеро, фаол муҳаббат хаёлий муҳаббатга қараганда шафқатсиз ва кўрқинчлидир. Хаёлий муҳаббат ўзини тез қондиргиси, тез жасорат қозонгиси келади, ҳаммани лол қилишни истайди. Бунда ҳақиқатан, шунгача бориб етадики, ҳатто ҳаётни ҳам қурбон қилишади, ишқилиб, бу узоқ давом этмаса бас ва худди саҳнада ўйнаётгандек ҳаммаси тез ва жадал юз бера қолса ва ҳамма фақат шунга қараса ва шуни мақтаса кифоя. Фаол муҳаббат эса, бу – иш ва матонат, ҳатто бошқа баъзи кимсалар учун, чамаси, бутун бошли бир илм-фан. Аммо мендан сизга башорат бўлсинки, сиз қанча кўп куч сарф қилган бўлманг, мақсадга етиш ё яқинлашиш у ёқда турсин, аксинча, ҳатто ундан узоқлашиб кетган бўлсангиз ва бунга кўркув ҳамда харосонлик ичида қараб турганингиз бир дамда – шундай бир дамда, сизга башорат бўлсин мендан – кутилмаганда, бирдан сиз мақсадингизга етасиз ва ўз устингизда яратган эгамнинг мўъжизакор қудратини аён кўрасиз, эгам барча мана шу вақт мобайнида сизни севган ва сизни ўз асрори билан йўллаганди, маъзур тутгайсиз, сиз билан узоқ қололмайман, мени кутиб қолишди. Кўришгунча, хайр.

Хоним кўзёшларини тўқарди.

– Lise, Lise, уни дуо қилинг, дуо қилинг! – бирдан потирлаб қолди хоним.

– У севгига лойиқми. Доим шўхлик қилгани-қилган, – ҳазиллашди қария. – Нега сиз Алексейнинг устидан доим куласиз?

Lise эса доим ўзи шундай қизиқчилик қиларди. Бунга анча бўлди, қизча ўтган сафардан бери Алеша уни кўрса қисиниши, унга қарамасликка ҳаракат қилишини сезиб қолди, бу қизчага ғоятда қизиқ кўринди. У диққат билан унинг кўзи кўзига тушишини кутарди: Алеша ўзига қаттиқ тикилиб турган қизнинг нигоҳига дош беролмай, бирдан беихтиёр қандайдир енгиб бўлмайдиган куч таъсирида қизга қарар, нигоҳлар тўқнашар ва шунда қиз тик қараб ғолибона бир тарзда куларди. Алеша яна бешбаттар хижолат чекар ва ўзидан-ўзи қисинарди. Охири у бутунлай ўгирилиб олди ва ўзини қариянинг панасига тортди. Бир неча дақиқалардан сўнг, у яна ўша енгиб бўлмас куч таъсирида ўзига қарашяптими-йўқми, деб

ўгирилиб боқди-ю Лисе ўз ўриндигидан пастга осилиб, унга ён томондан тикилаётгани, қўймай пайт пойлаётганини кўрди; яна кўз кўзга тушди ва қизча хандон ташлаб кулиб юборди. Ҳатто қария ҳам бунга эътибор қилди:

– Вой, қийиқ қиз-ей, сиз нега уни уялтирасиз?

Лисе бирдан, кутилмаганда дув қизариб кетди, кўзларидан учкунлар сачради, юзи жуда жиддий тусга кирди, қайноқ, қахрли оҳангда бидирлаб, асабий шиква қила кетди:

– Ўзини кўринг, нега дарров эсидан чиқаради? Мени кичкиналигимда қўлида кўтариб юрарди, биз бирга ўйнардик. Ахир у мени ўқишга ўргатарди, сиз буни биласизми? У икки йил бурун хайрлашиб кетди, ҳеч қачон унутмайман, абадий дўст бўлиб қоламиз деди, тоабад, тоабад! Энди қаранг, мендан кўрқиб қочади, нима, мен уни еб қўяманми? Нега ёнимга келмайди, нега гаплашмайди? Нега бизникига бормайди? Нима, сиз уни юбормайсизми? Ахир биз биламиз-ку, у ҳамма ёққа боради. Мен хижолат чекаман уни биринчи бўлиб чақиргани, унутмаган бўлса ўзи олдин эслатсин эди. У эса халос бўлаётганмиш! Сиз нега унга бу этаги узун жандани кийдириб қўйдингиз... Қочиб кетадиган бўлса, қоқилиб йиқилиб тушади...

Шунда қизча бирдан ўзини тутолмай юзини қўллари билан беркитди-да, хаприқиб, энтикиб-энтикиб, елкалари силкиниб-силкиниб, асабий тарзда узоқ овоз чиқармай кулди. Қария унинг сўзларини табассум қилароқ эшитди-да, мулойимлик билан дуо қилди; қизча қариянинг қўлларидан тутиб ўпа бошлади-ю, бирдан бузрук қўлларини кўзларига суртди-да, йиғлаб юборди:

– Сиз мендан хафа бўлманг, мен жинниман, ҳеч нарсага арзимайман... Балки Алеша тўғри қилар, тўғри, нима қилади бунақа кулонғичнинг олдига бориб.

– Албатта олдингизга жўнатаман, – ваъда қилди қария.

## V

### БЎЛСИН, БЎЛСИН!

Бузрук ўз хужрасида йигирма беш дақиқалар чамаси бўлмади. Соат ўн икки яримлар эди, ҳамма Дмитрий Федоровични деб йиғилган эсаларда, унинг ўзи ҳамон кўринмасди. Лекин у ҳамманинг эсидан чиққандай эди, бузрук яна хужрага кириб келганида, барча меҳмонлар ғовур-ғувур суҳбатлашаётганлари устидан чиқди. Гап, айниқса, икки роҳиб билан Иван Федорович ўртасида авжида эди. Орага жўшиб-ёниб Миусов ҳам ора-сира кўшилар, аммо унга негадир эътибор беришмасди, афтидан, у четга сурилиб қолган, унга ҳатто жавоб бериб ҳам ўтиришмасди, мана шундан унинг тажанглиги баттар ортарди. Гап шундаки, у авваллари ҳам Иван Федорович билан билимдонлик юзасидан найзабозлик қилган, унинг ўзига беписанд қарашини ҳеч танасига ҳазм қилолмасди: “Шу пайтгача Европада қандай илғор нарсалар бўлса, ҳар ҳолда мен ҳам шулар юксаклигида турдим. Лекин манови янги насллар бизни бутунлай чийриқдан соқит қилиб қўйишди”, – деб ўйларди ичида. Федор Павлович эса курсига ўтирар экан, бошқа гапирмайман, деб аҳд қилган,

хақиқатан, бир қанча вақт оғиз очмай жим ўтирди, аммо у қўшниси Петр Александрович устидан мийиғида кулар, чамаси, унинг тажанглиги қўзиганидан хурсанд эди. У баъзи бир ўтган ишлар учун анчадан бери ундан ўчини олмоқчи бўлиб юрар, мана энди вақтни бой бермаслик пайида эди. Ниҳоят сабри чидамай, қўшнисининг қулоғига энгашди-да, овозини унча кўтармай яна бир карра унинг қитиқ пастига тегди:

– Нега бояги “ачомлашиб, ўпишиб”дан кейин жўнавормадингиз ва манавиндақа беандишалар билан валаклашиб ўтирибсиз? Чунки ўзингизни хўрланган ва ҳақоратланган ҳис қилдингиз ва сенларга хали ақлимни кўрсатиб қўяман деб, қасд қилиб қолдингиз. Мана энди сиз то ақлингизни кўрсатмагунча ҳеч қаёққа кетмайсиз.

– Яна бошладингизми? Аксинча, ҳозироқ кетаман.

– Кейин, кейин, ҳаммадан кейин кетасиз! – яна бир карра бигиз санчди Федор Павлович. Худди мана шу пайт хонага бузрук кириб келди.

Сухбат бир зумга бўлинди, аммо бузрук ўз ўрнидан жой олиб, гапларингни бемалол давом эттира берингиз дегандай, ҳаммага бир-бир салимона назар ташлади. Унинг юз ифодаларини яхши уқадиган Алеша қариянинг ғоятда ҳолдан тойгани ва тишини-тишига босиб чидаётганини фаҳмлади. Касалликнинг охириги пайтларида қаттиқ ҳолдан тойгани боис баъзан ҳушидан кетиб қоларди. Ҳозир ҳам ҳушдан кетиш олдидан рўй берадиган ранг оқариши бутун башарасини қоплаган, лаблари қумдай оқарганди. Аммо, афтидан, у йиғинга нуқта қўйишни истамасди, бунда ўзининг қандайдир мақсади борга ўхшарди – аммо қандай? Алеша уни шоён диққат қилиб кузатарди.

– Бу кишимнинг жуда қизиқ мақоласи ҳақида гаплашаётгандик, – деди кутубхоначи роҳиб бузрукка қарата ва Иван Федорович томон имо қилиб. – Кўп янги гаплари бор, лекин чамаси, фикрнинг икки учи зоҳир. Черков жамоатчилик суди ва унинг ҳукукининг кенглиги юзасидан журналда мақола ёзиб, бир руҳоний уламога жавоб қайтарибдилар, уламо шу масала борасинда бутун бир китоб дарж қилмиш эрканлар...

– Таассуфки, мақолангизни ўқимаганман, аммо эшитганман, – жавоб берди бузрук Иван Федоровичга зийраклик билан разм соларкан.

– У кишим қизиқ бир ақидада қоим эрканлар, – давом этди кутубхоначи роҳиб. – Чамаси, черков-жамоат суди масаласида черковнинг давлатдан ажратилишини бутунисича инкор этиб чиқмишлар.

– Бу ғалати-ку, лекин қайси маънода? – сўради қария Иван Федоровичдан.

Иван ниҳоят жавоб берди, лекин димоқ-фироқ қилгани йўқ, Алеша яқинда худди мана шундан ҳадиксираганди, балки камтаринлик ва вазминлик билан одоб-икром кўрсатди, заррача қилвирлик қилмади.

– Мен шуни назарда тутаманки, бу икки бошқа-бошқа нарсани, яъни алоҳида-алоҳида олинган ҳолда черков ҳамда давлат моҳиятини аралаштириб юбориш – бу ҳамиша, абадул-абад шундай бўлади, ҳолбуки бунинг сира иложи йўқ ва уни ҳеч қачон рисоладаги ҳолга келтириб бўлмас, ҳамма рози бўларлик бир мунча ҳолга ҳам келмайди, негаки, бунинг асос ўзагида ёлғон ётибди. Суд сингари масалаларда давлат билан черков ўртасида битишувчиликнинг, менимча, соф ва тугал моҳиятига кўра, бўлиши мумкин эмас. Мен эътироз билдирган руҳоний уламо черков давлатда аниқ ва муайян ўринни ишғол қилади, деб даъво қилади. Мен унга

эътироз билдириб дедимки, аксинча, черковнинг ўзи бутун давлатни қамраб олмоғи жойиз, у давлат ичида битта бурчакни эгаллаш билан чекланмасин, ҳозирда нима сабабдандир бунинг иложи бўлмаса, моҳият-эътиборига кўра, насронийлик жамиятининг бундан кейинги бутун таракқиётида тўғридан-тўғри ва энг асосий мақсад сифатида кўйилмоғи шубҳасиздир.

– Тўла адолатли талаб! – қатъият ва асабият билан деди Паисий ота, камгап ва уламо роҳиб.

– Фирт ултрамонтанлик!<sup>1</sup>– қичқириб юборди Миусов, бетоқат бўлиб оёғини оёғига чалиштираркан.

– Э, бизда тоғлар ҳам йўқ-ку! – хитоб қилди Иосиф ота ва бузрукка қарата мурожаат қилиб давом этди: – Алалхусус, у кишим ўз муҳолифлари бўлмиш руҳоний зотнинг, бунга ҳам бир эътибор бериб кўйинг, қуйидаги “энг асосий ва муҳим” ўринларига жавоб бериб ўтадилар. Биринчидан шуки, “биронта ҳам ижтимоий уюшма ўзи учун ҳокимиятни ўзлаштириб олмаслиги керак, бу мумкин эмас – ўз аъзоларининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари устидан ҳукм юритишга ҳақлари йўқ”. Иккинчидан шуки, “жиноий ва суд-фуқаролик ҳокимияти черковга тегишли бўлолмайди, бу унинг табиати ва илоҳий низомларига диний мақсадлар йўлида бирлашган инсонларнинг уюшмаси сифатида тўғри келмайди”, ниҳоят, учинчидан “черков бу дунёнинг шоҳлиги эмас”...

– Руҳоний зот учун номуносиб сўз ўйинлари! – тоқатсизланиб яна сўзни бўлди Паисий ота. – Сиз эътироз билдирган ул китобни мен ҳам ўқиганман, – Иван Федоровичга қарата деди у, – ва руҳоний зотнинг “черков бу дунёнинг шоҳлиги эмас” деган сўзларига хайрон бўлдим. Агарки, у бу дунёдан бўлмаса, унда ер юзида унинг умуман бўлиши мумкин эмас. Муқаддас Инжилда “бу дунёдан эмас” деган сўзлар бошқа маънода қўлланган. Бундай сўзлар билан ўйнашиш жойиз эмас. Бизнинг жанобимиз Исо Масих черковни баайни ер юзида жорий қилиш учун келмишдир. Осмон шоҳлиги, шубҳасиз, бу дунёдан эмасдир, кўкдадир, аммо унга ер юзида асос солиниши ва ўрнатилиши черков орқалигина кирилади. Шунинг учун ҳам дунёвий сўз ўйинлари, шу маънода ўринсиз ҳамда номуносибдир. Черков чин маънода шоҳликдир, шоҳликка буюрилган ва алал-оқибатда, шубҳасиз, бутун ер юзида шоҳлик каби барқарор бўлур, зеро бунинг учун бизга Аҳд туширилмиш...

У ўзини жиловлагандай гапдан тўхтади. Иван Федорович уни эҳтиром ва диққат билан тинглаб, фавқулодда вазминлик билан худди аввалгидек бажонидил ва соддачасига бузрукка қарата сўйлади:

– Менинг рисоламнинг бутун фикри шундан иборатки, қадим замонларда, насронийликнинг илк уч асрида насронийлик ер юзида фақат черков бўлган, ёлғиз черков. Румо мажусий давлати насронийлик йўлини тутиш хоҳишини билдирганда, бу шаксиз, шу оқибатга олиб келдики, у насронийликни қабул қилиб, ўзига фақат черковни кўшди, бироқ ўзи худди олдингидек мажусий давлат бўлиб қолаверди, ўзининг фавқулодда жуда кўп кўринишларида шундай бўлиб қолди. Моҳият эътиборига кўра, ўзи шундай бўлиши керак эди. Аммо давлат сифатида Румода мажусий маданият, тамаддун ва донишмандликдан ҳаддан зиёд кўп нарсалар қолди, ҳатто, мисол учун, давлатнинг мақсадлари ва асослари қолди. Масихнинг

<sup>1</sup> Ултрамонтанлик (*ултра монтис* тоғлар ортида маъносида). XV асрда католик черковида вужудга келган оқим. Унинг тарафдорлари черковни бошдан-оёқ папага бўйсундиришга уринганлар, унинг давлатнинг дунёвий ишларига ҳар томонлама аралашуви тарафдори бўлганлар.



черкови эса давлат ичига кириб, шубҳасизки, унга ўз ўзагидан, ўзи турган қоядан ҳеч нарса ажратолмасди, фақат ўз мақсадларинигина кўзлаб ҳаракат қиларди, буларни эса худонинг ўзи унинг олдига қатъий вазифа қилиб қўйган ва кўрсатганди, яъни бутун дунё ва демак, бутун қадим мажусий давлатни черковга айлантириш тақозо қилинарди. Шундай қилиб (яъни келажак мақсадларида), черков “ҳар қандай ижтимоий уюшма” ёки “Диний мақсадлардаги одамлар уюшмаси” (мен эътироз билдирган муаллифнинг черков ҳақидаги иборалари) сифатида давлатдан муайян бир жой қидирмаслиги зарур, аксинча, ҳар қандай дунёвий давлат вақт ўтиши билан маълум даражада черковга мурожаат этмоғи, черковга айланмоғи лозим ва черковдан холи мақсадларидан юз ўгириб, уларни рад этиши керак. Буларнинг бари уни ҳеч қандай камситмайди, улуғ давлат сифатида на номуси ва на шарафидан мосуво қилади, на ҳукмдорларини шон-шуҳратдан айиради, фақатгина уни сохта, мажусий, хато йўлдан тўғри, ҳақиқий мангу мақсадларга элтувчи ягона чин йўлга олиб чиқади. Мана шунинг учун ҳам, “Черков-жамоатчилик суди асослари” китоби муаллифи ушбу асосларни қидириб топиб тавсия этаркан, уларга бизнинг гуноҳкор, ҳали етилмаган, кемтик замонамизнинг муваққат зарурати ва муросасозлиги деб қараса ҳамда бундан ортиғига даъво қилмаса, тўғри хулоса чиқарган бўларди. Аммо асосларни тўқиб чиқараётган қаламкаш ушбу асосларни, уларнинг бир қисмини ҳозир Иосиф ота ҳам қайд қилиб ўтди, пойдор, инсон иродасига бўйсунмайдиган ва азал-абад асослар деб аташга журъат қилса, у ҳолда тўппа-тўғри черков ҳамда авлиёга, уларнинг азал-абад вазифа-аъмолига қарши борган бўлади. Менинг мақоламнинг мазмуни ва тўла баёни мана шу.

– Яъни агар икки оғиз сўз билан айтсак, – деди, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб айтаркан, Паисий ота, – бизнинг ўн тўққизинчи асримизда мутлақо аён бўлиб қолган баъзи назарияларга қараганда, черков давлат ичида қайта туғилиши керак, бамисоли қуйи турдан юқори турга ўтиши керак, кейин у бунда фанга, давр руҳига ва тамаддунга айланиб, йўқолиб кетиши керак. Агар буни хоҳламаса-ю қаршилиқ кўрсатса, унда бунинг эвазига унга бир озроқ бурчак жой ажратилади – бу ҳам яна назорат остида бўлади – ҳозир барча Европа заминларида ялписига бизнинг замонамизда мана шундоқ. Рус тушунчаси ва орзу-аъмоли бўйича эса, черков давлатга айланмасин, қуйи турдан олий турга дўнмасин, аксинча, давлат фақат черковга ўхшасин ва ўзини черковда тугатсин, ана шундан бошқаси абас. Ҳа, ана шу бўлсин, бўлсин!

– Вой-бўй, сал бўлса ҳам жонимга ора кирдингиз-да, – иршайди Миусов яна оёғини чалкаштириб. – Менинг тушунишим бўйича, бу қандайдир бир идеални юзага чиқариш экан-да, албатта, у мислсиз узоқ, балки иккинчи бор воқе бўлиш. Нима фарқи бор. Урушлар, дипломатлар, банклар ва бошқаларнинг йўқолиб кетиши ҳақидаги гўзал, хаёлий орзу. Қандайдир социализмга ўхшаган бир нарса. Ўйлабманки, булар бари жиддий, мисол учун энди черков жинойтчиларни суд қилади, сургунларга жўнатади, дарра урдиради, балким ўлим жазосига ҳам ҳукм қилар.

– Ҳа, агарда ҳозирнинг ўзида ҳам фақат черков-жамоат суди бўлсайди, шунда ҳам черков сургунга жўнатмас, ўлим жазоси буюрмасди. У ҳолда жинойт ва унга қараш аста-секин ўзгара борарди, шубҳасиз, албатта, ҳозир эмас ва бирданига эмас, аммо тез орада... – вазмин деди Иван Федорович кўзини учирмай.

– Жиддий айтяпсизми? – унга диққат билан қаради Миусов.

– Агар ҳаммаси черковга айланса, ана унда черков бошларни танадан жудо қилмай, жинойтчи ва муртадни ўзидан ҳайдаган, қувғин қилган бўларди, – давом этди сўзида Иван Федорович. – Мен сиздан сўрай, ҳайдалган киши қаерга боради? Ахир ўшанда у ҳозиргидай фақат одамлардан четланиб қолмай, шу билан бирга Исо Масихдан ҳам узилиши керак бўларди. Ахир у ўз жинойти билан одамларгагина ғулув кўтармай, Исо Масих черковига ҳам қарши борган ҳисобланарди. Бу ҳозир ҳам, албатта, энг жиддий маънода ҳали маълум эмас, шунинг учун ҳозирги жинойтчининг виждони аксар, аксар ҳолларда ўз-ўзи билан битишади: “Ўғирлаган бўлсам нима қипти, черковга қарши бормаяпман-ку, Масихнинг душмани эмасман-ку” – ҳозирги жинойтчи ҳамма вақт мана шундай дейди, черков давлат ўрнини эгаллаганда эса, унинг бундай дейиши қийин бўларди, мабодо бутун ер юзида черковни бутунлай инкор этмаса агар: “Ҳамма хато қилар эмиш, ҳамма бўйин товлар эмиш, ҳаммаси ёлғондака черков, фақат мен қотил ва ўғри, – насроний черкови эса адолатли”. Буни ахир одам ўзига айтиши жуда қийин, улкан шарт-шароитлар, камдан-кам учровчи ҳолатларни талаб қилади. Энди бошқа бир томондан, черковнинг ўзининг жинойтга қарашини олинг: ахир у ваҳшийликка ўхшаб кетадиган ҳозиргисига қарши ўлароқ ўзгариши керак эмасми? Ҳозиргидай жамиятни муҳофаза қилишлик учун зарарланган аъзони шартга кесиб қўя берадими? У қайта ўзгариши керак эмасми ва энди ёлғон аралашмаган ҳолда яна инсоннинг қайта тирилиши ғоясига, унинг тикланиши ва халос бўлиши ғоясига айланиши керакмасми...

– Яъни, бу нима гап ўзи? Мен яна тушунмай қолдим, – сўзни бўлди Миусов, – яна қандайдир хаёл. Қандайдир умуртқаси йўқ нарса, ҳеч ҳам тушуниб бўлмайди. Ҳайдалиш нима дегани, нима ўзи у ҳайдалиш? Фаҳмимча, сиз ҳазил-мазах қияпсиз, Иван Федорович.

– Ахир чинини олганда ҳозир ҳам ўзи шундай-ку, – бирдан тилга кирди бузрук ва ҳамма баравар унга қаради, – ахир агар ҳозир Исо Масих черкови бўлмасайди, жинойтчини жинойтдан ҳеч нарса тўхтатиб қололмасди ва кейин ҳақиқий жазо ҳам, ҳозиргина айтилгандай, шунчаки жазо бўлмасди, кўп ҳолларда булар фақат юракни ўртайди, холос, ҳақиқий, чин жазо, бирдан-бир қўрқинчга соладиган, тинчлантирадиган, ўз виждонини англаб етишдан келиб чиқадирган жазо лозим бўлади.

– Бу қанақасига, билсак бўладими? – питрак қизиксиниб сўради Миусов.

– Гап бундоқ, – сўз бошлади бузрук. – Сургунлар, меҳнат азоби, калтаклашлар ҳеч кимни тузатмаган, асосийси, жинойтчилардан ҳеч ким булардан қўрқмайди, жинойтлар сони ҳам ҳеч камаймайди, ҳатто борган сари ортиб боради. Сиз ахир буни инкор этмасангиз керак. Бундан чиқди, жамият ҳам ҳеч бир муҳофаза қилинмаган, зеро, зарарланган аъзо шунчаки бир тарзда кесиб ташланади, кўзни хира қилмасин деб, узоққа сургун қилинади, аммо унинг ўрнини бошқа жинойтчи эгаллайди, биттамас, энди иккита бўлади, ҳатто бизнинг замонамизда жамиятни нимадир сақлар экан ва ҳатто жинойтчининг ўзини ҳам тузатиб, бошқа бир одамга айлантлар экан, бу фақат Масих қоидаларининг шарофати, улар ўз виждонини англашга олиб боради. Масих жамоасининг ва демак, черковининг фарзанди сифатида ўз айбини англаса, у жамият олдида ҳам айбига иқроп бўлади, яъники, яна черков олдида демоқчиман. Шундай

қилиб, шу замондаги жиноятчи фақат давлат олдида эмас, ёлғиз черков қошидагина ўз айбини англаб етишга қодирдир. Агарда суд черков сифатидаги жамиятга тегишли бўлганда, ана ўшанда бу жамият кимни қувғиндан қайтариб, яна ўз бағрига олишни биларди. Ҳозирда эса черков ҳеч қандай фаолиятдаги судга эга эмас, у фақат маънавий-ахлоқий ҳукм чиқаришга қодир, шунинг учун жиноятчига фаол жазо тайинлашдан жуда узок. У жиноятчини ўзидан қувғин қилмайди, унга падарона панду насихат билан кифояланади. Яна шунинг ўзи билангина чекланиб қолмайди, балки жиноятчи билан насроний черковининг муомаласини сақлашга интилади: уни черков хизматларига жалб этади, муқаддас ҳадяларга ошна қилади, унга садақа-иона беради ва у билан айбдор каби эмас, кўпроқ банди тариқида сўйлашади<sup>1</sup>. Жиноятчининг аҳволи не кечарди, о худо! Агарда насроний жамияти, яъни черков ҳам уни худди фуқаролик қонуни рад қилгани ва кесиб ташлаганидек рад қилса, кесиб ташласа, нима бўларди? Агарда черков ҳам давлат қонунчилиги жазога тортгандан сўнг, ўша ондаёқ дарҳол уни қувғин қилиб жазолашга тушса, бунинг оқибати нима бўларди ахир? Лоақал ўзи рус бўлган жиноятчи учун бундан ортиқ уқубатни тасаввур қилиш мумкинми, ахир рус жиноятчилари ҳали худога ишонадилар. Дарвоқе, яна ким билади, балки у ҳолда даҳшатли бир нарса рўй берармиди – умидсиз жиноятчининг абгор қалби худога ишончини батамом йўқотармиди, унда нима бўларди? Аммо черков меҳрибон ва мушфиқ она каби фаол жазога тортишдан ўзини тияди, нега деганда, айбдор давлат суди томонидан шундоқ ҳам оғир жазога гирифтор, ахир кимдир унга раҳм қилиши ҳам жоиздир-ку. Черковнинг жазодан ўзини тийишининг сабаби, унинг суди бирдан-бир ҳақиқатни ўзида жамлаган суд ва бошқа ҳеч қандай суд билан моҳиятан руҳоний томондан қўшилиб, бирлашиб кетолмайди, ҳатто вақтинча бўлса ҳам муросага боролмайди, биргаликда бош қўшолмайди. Айтишларича, хорижда жиноятчилар камдан-кам тавба қилишади, зотан, ҳатто энг замонавий таълимотлар ҳам унинг жинояти жиноят эмаслигини айтиб, буни онгига қуяди, жиноятни эзувчиларнинг адолатсизлигига қарши исён деб тушунтирадилар. Жамиятнинг кучи жиноятчи устидан шундоқ тантана қилади ва ўзининг жиноятчини рад этишини нафрат билан омухта қилиб юборади (Европада ўзлари шундай нақл қилишади) – шу билан улар кейин ўз биродарларининг тақдири нима бўлганига бутунлай қизиқмайдилар, уни унутадилар. Черковлари ҳеч қандай таассуф, ачиниш билдирмайди, зеро, жуда кўп ҳолларда у томонларда черковнинг ўзи қолмаган, фақатгина черков намояндалари ва улуғвор черков биноларигина қолган, у ёқларда черковларнинг ўзи аллақачонлардан бери черков сифатида қуйи турдан давлат тарзидаги олий турга ўтишга ва давлат қиёфасида мутлақо йўқ бўлиб кетишга интиладилар. Нар и борганда, лютер ақидаси тарқалган ерларда мана шундай. Румода эса минг йилдан буён черков ўрнини давлат босади. Шунинг учун жиноятчи ўзини черковнинг аъзоси деб билмайди, черковдан ҳайдалган ҳолда ноумид яшайди. У агарда жамиятга қайтган тақдирда ҳам, шундай нафрати кўзийдики, натижада, жамиятнинг ўзи уни четга суриб ташлайди. Бунинг нима билан тугагини ўзингиз фикр қилинг. Жуда кўп ҳолларда, чамаси, бизда ҳам аҳвол шундай; аммо ҳамма гап

<sup>1</sup> Муқаддас ҳадялар – нон ва май Исо Масих вужуди ва қони тимсоли. Руҳонийларга бағишлов олдидан берилади.

шундаки, қарор топган судлардан ташқари, бизда яна черков ҳам мавжуд, у ҳеч қачон жинойтчи билан ўзининг қимматли ва азиз фарзанди сифатида муомалани йўқотмайди, бундан ҳам ортиқроқ, хаёлан ва тақрибан черков суди ҳам сақланиб келади, у ҳозир амалда бўлмаса-да, лекин келажак учун яшайди, майли гарчи орзуларда бўлсин, бу жинойтчининг ўзи томонидан ҳам ғайришуурий тарзда тан олиб келинади. Ҳозиргина бу ерда айтилмиш гап ҳам тўғри, яъни ўзининг бутун кучи баробарида ҳақиқатан черков суди амалга ошса, яъни бутун жамият фақат ёлғиз черковга айланса, унда черков суди жинойтчининг тузалишига ҳозирга қараганда кўпроқ таъсир кўрсатарди, ана ўшанда чиндан ҳам, жинойтларнинг ўзи балки ақл бовар қилмас даражада камайган бўларди. Шубҳасизки, шунда черков ҳам келажак жинойтчи ва келажак жинойтни кўп ҳолларда ҳозиргидан фарқли равишда тушунар ҳамда бадарға қилинганни қайтариш, ёвуз ниятдан огоҳлантириш, тубанликдан чиқаришга эришган бўларди. Ҳаққиростки, – кулимсиради бузрук, – ҳозир насроний жамияти бунга ўзи тайёр эмас ва ҳамон етти такводор даражасида истиқоматда; тақво кучи озаймагани боис, ҳамон барқарор турмоқда ва ўзининг тўла қайта туғилишини кутмоқда, ҳали қарийб маъжусият даражасидаги уюшмадан дунё бўйича ягона, мутлақ ҳоким черковга айланишини кутмоқда.

Мана шу бўлсин, бўлсин! Майли, асрлар сўнгида бўлса бўлсин, фақат қисматда ёзилмиш! Замонлар ва муддатларни ўйлаб ҳижолат чекишга ўрин йўқ, зеро, замонлар ва қарну акронларнинг сиру асрори ягона аҳқомини яратганда, унинг башорати ва муҳаббатида. Одамзотнинг ҳисоб-китобига кўра, эҳтимол, бу жуда узоқ кўринар, лекин мубашшир худойимнинг ёзмишига биноан, балки пайдо бўлмоқлиги арафасида, эшик очиб остонада тургандир. Майлига, шу сўнггиси бўлсин.

– Бўлсин! Бўлсин! – тамкинлик ва жиддият билан тасдиқлади Паисий ота.

– Ғалат, ҳаддан ташқари ғалат! – кўпирди қандайдир жўшқинлик ва хаттоки нечукдир гизли адоват билан Миусов.

– Сизга нимаси ғалат бўлиб туюляпти? – эҳтиёткорона ўсмоқчилади Иосиф ота.

– Э, ўзи бу нима бало? – бирдан портлагандай деди Миусов, – ер юзида давлат йўқотиладими, черков давлат мақомига кўтариладими? Бу хатто ултрамонтанлик эмас, бу архиултрамонтанлик! Бу папа Григорий Еттининг тушига ҳам кирмаган!

– Мутлақо тесқари тушунибсиз! – жиддият билан эътироз билдирди Паисий ота, – черков давлатга айланаётгани йўқ, тушунинг ахир. У Румо ва унинг орзуси. У шайтоннинг учинчи васвасаси! Аксинча, давлат черковга айланяпти, черков даражасига кўтариляпти ва бутун ер юзида черковга эвриляпти, бу эса ултрамонтанликка ҳам, Румога ҳам, сизнинг талқинингизга ҳам қарама-қарши. Ер юзида фақат православиенинг улуғ қисматигина бор. Бу юлдуз машриқдан балқияжак.

Миусов виқор билан жавоб бермади. Бутун вужудида қандайдир фавқулудда ғурур ифодаланарди. Унинг лабларида такаббуруна, менсимаган илжайиш ўйнади. Алеша буларнинг барини юраги гурсиллаб уриб кузатарди. Бўлаётган гап-сўзларнинг бари уни қаттиқ ҳаяжонга солди. У беҳос Ракитинга қаради, у ҳалиям эшик олдида кимирламай тик оёқда турар, кўзларини ерга тикканча жуда диққат билан тинглар ва сарасоф соларди. Алеша унинг икки бети кип-қизариб кетганидан

хаяжони ўзиникидан кам эмаслигини билди, Алеша унинг хаяжони боисини англарди.

– Ижозат беринг, жаноблар, мен сизга кичкина бир латифа айтиб берай, – қандайдир салобат билан савлатини кўтариб деди бирдан Миусов. – Бу Парижда, бир неча йил илгари, декабрь ойидаги тўнтаришдан кўп ўтмай бўлган эди<sup>1</sup>, бир куни менга жуда эътиборли амалдорлардан бирининг уйига таниш-билишчилик йўли билан боришимга тўғри келди, у ерда жуда ажойиб мансабдор билан учрашдим. Бу нусха айғоқчи бўлишдан ташқари, бир тўда сиёсий айғоқчиларнинг бошлиғи ҳам экан – ўзига яраша катта мансаб. Вазиятдан фойдаланиб, қизиқиб у билан гаплашиб қолдим. Бу ерга у таниш бўлгани учун эмас, маълум маънода маълумот бергани уй эгасининг қўл остидаги ходим сифатида келган экан, бошлиғи томонидан мен қандай қабул қилинганимни кўргач, менга бирмунча очик муомала қила бошлади, албатта, бу фақат маълум маънода, холос, очиклиги одоб-икром доирасида эди, французлар мана шундай одоб-икром кўрсатишга жуда уста бўлишади, бунинг устига менинг бошқа мамлакат одами эканлигимни кўриб турарди. Бироқ мен уни яхши тушундим. Гап ўша пайтдаги социалист-революционерлар устида бораётган бўлиб, улар таъқиб остида эди. Бўлган гапнинг асосий қисмини айтиб ўтирмай қўя қоламан-да, ўша афандининг оғзидан чиқиб кетган битта сўзни келтирай: “Биз – деди у, – ушбу барча социалистлар – анархистлару даҳрийлару инқилобчилардан унчалик кўркмаймиз, уларни кузатиб турамыз, уларнинг қиладиган ишлари бизга маълум. Аммо улар орасида бир қанча ўзгача кишилар мавжуд: булар худога ишонувчи насронийлар ва шу билан бирга социалистлар. Мана шулардан биз ҳаммадан кўпроқ кўрқамиз, булар даҳшатли одамлар! Насроний социалист даҳрий социалистдан кўра кўрқинчлироқ”. Бу сўзлар мени ўша чоғларда ҳам ҳайратга солганди, аммо, жаноблар, бу ерда улар бирдан эсимга тушиб кетди...

– Сиз уларни бизга менгзаяпсизми ва бизни социалистлар деб ўйлаяпсизми? – гапни айлантириб ўтирмай очикчасига сўради Паисий ота. Аммо Петр Александрович ҳали жавоб бериб улгурмай, эшик очилди-да, ичкарига кечиккан Дмитрий Федорович кириб келди. Уни чинданам энди кутмай кўйишганди, илло унинг кутилмаганда пайдо бўлиши дастлабки сонияларда ҳаммани ҳайрон қилиб қўйди.

*(Давоми келгуси сонда)*

<sup>1</sup> Декабрь тўнтариши – 1851 йил 2 декабрда бўлиб ўтган Луи-Наполеон Бонапарт тўнтариши.





## XX АСР МИСР АРАБ ШЕЪРИЯТИДАН

Рус тилидан  
Миразиз АЪЗАМ  
таржимаси

### АҲМАД ШАВҚИЙ

(1868–1932)

#### ЭСИМДА...

Эсимда: биз, бир талай ёшлар,  
Сенга бордик, кимдир йўл бошлаб.

Сўнг енгимдан тутганча алҳол:  
“Хафа бўлма, – дединг, – қулоқ сол,

Илоҳий дер ҳуснингни ҳамма,  
Ўз сўзига ишонмас аммо!

Тийиқсизлик сиз, шоирларга  
Бир одатми, шошасиз нега?

Маълум эди, эҳ, феълинг менга:  
Ёлгон мадҳлар ёқарди сенга.

Жиддий оиладан чиққан қиз  
Бокираликни асрайди ҳаргиз.

Рухим тушиди, қолмай сабрдан,  
Сенга меҳрим совуди бирдан.

Аммо майга тўла жоммиз биз  
Ишққа тўла маъсумлигимиз!”

Эсимда: кел, дегандим илк бор,  
Сени кутган эдим интизор.

Ўтиб кетди у жўшқин маҳал,  
О, сен сўзга қилмадинг амал!

Бошланганди дийдор гул билан,  
Илиқ сўзлар, табассум билан.

Гар дучлашсак энди бир ерда  
Киприкларинг қадалар ерга.

Аммо ранж-ла мени гашладинг,  
Ўз ишқингни тия бошладинг.

Индамасдан ўтиб кетасан  
Бир бепарво, совуқ, беписанд.

Сирли кучга тобе кўзларинг  
Менга шодлик берарди сарин.

Атрофингда мухлисларки, зўр,  
Бўлиб қопсан, чоғи, мангу кўр.



## МАҒРУР ОДИМ ОТСАНГ САФАРДА

*Кўчамиздан сен мағрурона  
Одим ташлаб ўтсанг – табиат  
Ҳавас қилар сенинг кўркиннга,  
Кун эғниннга қараб рашк қилар,  
Чунки тўсар унинг нуруни.*

*Кўчамиздан сен мағрурона  
Одим ташлаб ўтсанг – ҳавасдан  
Ёнар ҳамма чиройли қизлар,  
Кўриб сенинг хушбичим гавданг,  
Кулганингда, барроқ тишларинг  
Ёнса кунда дурдай ярқираб.*

*Кўзларингни, юзингни кўриб  
Тўлқинланиб ҳар ким дейдики:  
“Кўз ўнгимда йилт этди малак...”  
Йўқ янглишиди! Ол ёноқлари  
Жаҳаннам ўтидан юз бора хавфли.*

## МУҲАММАД ҲОФИЗ ИБН ИБРОҲИМ

(1871–1932)

### БИЗ – АРАБЛАРМИЗ

*Мисрда, Сурия ё бошқа жойда –  
Барибир эмасми туғилдинг қайда?  
Сен туғилган ватан, мен туғилган ватан  
Битта оила-ку, бир жон ва бир тан!  
Ёшлигимиз ўтган булогимиз бир...*

### АРАБ ШЕЪРИЯТИ

*Мен араб шеъриман, қалб донолиги  
Ҳамда серҳашам куй оралигида,  
Жоҳил қалб, мубҳам ўй оралигида  
Шаитимни йўқотиб, охир адашдим.  
Доим уйқу босган нозимлар билан,  
Қуруқ, сийқа сўзли назмлар билан  
Ялқов, мудратгувчи хитоблар аро  
Адашдим чанг босган китоблар аро..  
Шарқдаги жуда кўп шоирлар бугун  
Шеър ёзар қанотсиз, хаёлсиз бутун.  
Мени сафга олмоқ учун эстетлар*

Бўлмағур гаплардан шеър ёздирдилар.  
Улар золимларга битар қасида,  
Улар ёзган шеърда фикрлар майда.  
Чучмал нотабий ҳазинлик ила  
Шалоқ ярим телба ҳисларга тўла.  
Безбет ёлгонлардан топишар маъни,  
Шеърни настга уриб, мақтаб шивани.  
Ёлғизликка маҳкум жиноятчидай  
Шу боис мазлум халқ мени унутгай  
Чунки мен унутдим шеърят бурчин  
Бўлмағур мавзулар аро адашдим.  
Оғир йўлга чиққан о, зўр одамлар,  
Олиб ташланг мендан тумишқбоғим, бас,  
Чунки у эслатар қолоқ дамларни  
Тоза ҳаволардан олдилинг нафас.

### МИФ ГАМР ҚИШЛОҒИДА ЁНҒИН<sup>1</sup>

Уй кетидан уйлар ёнганин қандай  
Хоҳ кундан, хоҳ тундан сўранглар бирдай;  
Бола онасини йўқотган қандай,  
Ўт иситган эмас, кўйдирган бирдай...  
Она ўлигию бола ўлиги,  
Бир ёнда том босган чоллар ўлиги.

Ё Оллоҳ, тушунтир, айбсизлар бу кун  
Гуноҳсиз инсонлар кул бўлди нечун?  
Қисматнинг қўлини тўхтат, э Тангрим,  
Ҳамма гуноҳлардан ўт, айла раҳм!  
Тирик қолганларни – кампир-чолларни  
Ўсмирларни кечир, кечир болларни!

Лутф айла тупроқни гуллатиш учун,  
Қишлоққа бир жала ато эт бу тун:  
Баҳайбат чўғ каби йилтиллар кеча,  
Худди қонли тонгдай ловуллар бунча!  
Қонли учқунларга тўлди кўк бу чоқ,  
Қутурган арслондай турипти қишлоқ.

Йиртқич оташ ютди уйларни буткул,  
Шунча ёқтирарми қонхўрликни ул –  
Одамларга зарра раҳм йўқ унда,  
Тирик ҳар жонзотни битказди тунда.  
Қўрқувин босолмай қочди кўплари,  
Шундай бир қўрқувки, жонсарак бари.

<sup>1</sup> Мир Гамр қишлоғида юз берган ёнғиндан кейин бутун Миср бўйлаб офатдан зарар кўрганларга иона тўплаш ўтказилганди.



Эй, сиз кўрмасликка олманг одамлар,  
Эй, бойлар, уларни қўлланг бу дамлар.  
Ҳа, мулкингиз чексиз, ҳозирча бироқ,  
Тиланган сасларга солингиз қулоқ:  
Кўк тоқи остида яланғоч, нонсиз  
Қолганин айтмоқда бир қисим донсиз.

Юз берган офатдан уялар қашишқ,  
Сизга қўл чўзишидан тортинар бироқ.

## ДЎСТЛАРИМГА

Меҳр-муҳаббатда ўзгарди маъно,  
Сиздан сал нарига ўрнашиб қолдим.  
Ергача етмаган нур каби гўё  
Эски дўстлик ити ҳавода қолди.

Аччиқ энди дўстлик алоқалари,  
Ўртамизда энди жарлик бор қаро.  
Кўлмакда ёмғирнинг пуфакчалари  
Сингари қолмади дўстликда вафо.

Сизларни чалғитди катта мерослар...  
Нима ҳам дер эдик... ҳа, бойидинглар...  
Аммо эски дўстни унутган каслар  
Ҳеч қандай дўстликка арзимайдилар.

## МАЪМУН АШ-ШИНАВИ

(1920–1990)

### УЙҒОН, СЕВГИЛИМ...

Уйгон, севгилим, уйгон,  
Кун берма уйқуларга,  
Уйгон, кўзларингни оч,  
Қара янги кунларга!

Қара, қизарди уфқ,  
Келаётир тонготар.  
Ҳаёт учар мисли ўқ,  
Бир зумда ўтар-кетар.

Уйгон, севгилим, уйгон,  
Юракдан уйқуни қув  
Қара, туп-тиниқ осмон,  
Товланиб турипти у.

Азизим, сенинг севгинг  
Қуёшининг нури каби –  
Ҳам илиқ, ҳам меҳрибон  
Баҳорнинг қўри каби.

Уйгон, севгилим, уйгон,  
Анвор шарқнинг ҳар ёғи.  
Елларда эркаланар  
Анвор гуллар япроғи.

Хушбўй ҳид таратар боғ,  
Ювган тонголди шабнам.  
Оқиб киргандир ифор  
Менинг юрагимга ҳам.

Уйгон, қачон турасан,  
Жоним тўла сен билан.  
Кўзларимнинг нурисан,  
Сенга қараб тўймайман.

Билмасдан олдин отинг,  
Сени севмасдан бурун  
Аччиқ эди ҳаётим,  
Маъносиз эди, маҳзун.

Кундуз қувади тунни,  
Кунни ёритар қуёш.  
Қуёш қувар туманни,  
Кулгингдан тинар кўёш.

Севгинг мисоли машғал  
Ҳаётни этди ёруғ.  
Энди яшамоқ гўзал,  
Ҳар қандай гамдан форуғ.

Ғамдан қолмайди асар  
Тарқайди арқин-арқин  
Қалбга тўлар шодликлар  
Денгиздай тўлқин-тўлқин.

## КЎЗЛАРИМНИ БЕРАМАН, СЎРАСАНГ АГАР

Кўзларимни бераман, сўрасанг агар,  
Юрагимни бераман қўшимча қилиб!  
Бугун севги севинчи бизга берилар,  
Қара, йиглаётирман қувончдан кулиб!

Уйгонмас уйқулардан мени уйготдинг,  
Сақлаб қолдинг аянчли адашувлардан.  
Юрагимга оғриқлар қурган эди ин,  
Шифо бўлиб қутқардинг ана шулардан.

Хатар, алам, кўзёши денгизларидан  
Қуруқликка соғ-омон қайтишим учун  
Мушибатли йўллардан келтирганим ўт  
Даркормиди умримни ёритиш учун?

Қийна, синамоқ учун мени бемалол,  
Севаман аччиқланган ўтли онларинг.  
Ишқ нелигин сўз билан англатиш маҳол  
Фақат сен-ла билдим ишқ ҳаяжонларин...



Кўзларимни бераман, сўрасанг агар,  
Оташин тунларимни қиламан инъом.  
Мен ишқда алдамайман, сотмайман магар,  
Фақат менинг тунларим қисқарди, инон!

Мен сени олиб юрдим қалбда машғалдай,  
Энг хатарли тушим деб билардим сени.  
Бироқ ўтди қўрқинчли тушилар маҳали,  
Кераксиз синовларга йўллама мени!

Фақат синамоқ учун қўрқмасдан қийна,  
Мен арзийман севинчлар, изтиробларга  
Фақат сен билан билдим муҳаббат нима,  
Унинг таърифни йўқдир зўр китобларда.

Кўзларимни бераман, сўрасанг агар,  
Биз доим ошиқларни жароҳатлаймиз.  
Мен ишқда алдамайман, сотмайман магар,  
Мен бахтли бўлгум азоб есам-да ҳаргиз!

Мени синамоқ учун тайёрла азоб  
Сени севиб билдим не, ишқий изтироб!

## МЕН СЕНИ МАЛАК ДЕБ ЎЙЛАГАН ЭДИМ

Сени фаришта деб ўйлагандим мен!  
Гулдаста қучоқлаб келган эдинг сен!  
Кулгингни марварид деб ўйлагандим  
Тип-тиниқ, жарангли, нозли, мулойим!

Аслида сен шайтон экансан ёмон,  
Азоблар ёғдирдинг менга беомон...  
Кулгинг ҳам сохтакор, қалбаки экан,  
Айирди у мени овунчоғимдан...

Булоқ деб ўйладим дудоқларингни,  
Босдим унга қақроқ дудоқларимни!  
Қарашларинг юлдуз деб ўйлагандим  
Менга йўлчи юлдуз бўлар дегандим!

Аммо дудоқларинг сақич экан-ку,  
Ёпишиб, куйдирди дунёмни буткул  
Қарашларинг илон экан қоматга,  
Жонимни келтирди ўлар ҳолатга...

Мен эса фаришта билибман сени!..

## СЎЗ БИЛАН ДУНЁ САРИ

Бадиий адабиёт зиммасига ҳаёт ҳақиқатини, инсоннинг ички дунёси, рухий оламини бутун борлигича, бўёқ билан безамай рўй-рост кўрсатиш, одамлар характери ва жамият ҳаётида юзага келаётган, келиши мумкин бўлган бедаво иллатларнинг олдини олиш, урчишига йўл қўймаслик вазифаси юкланган. Фақат шу эмас, тили, дини, турмуш тарзи, тараққиёт даражаси ва ва онг-тафаккури турлича миллат ва элатларни бир-бирига яқинлаштириш, эзгу фазилатларини бир-бирларига ўрناк қилиб кўрсатиш, ёш авлодни ўтмиш аجدодларнинг маънавий-ахлоқий сабоқларидан баҳраманд қилиш ҳам зарур. Бу вазифа инсоният тарихининг буюк ихтироси, ақл-идрокнинг ёзма ҳосиласи бўлмиш адабиёт орқали амалга ошади.

Собиқ тузум шароитида “синфийлик ва партиявийлик” ҳақидаги мафкуравий талаб боис, адабиёт ҳаётда учраб турадиган салбий ҳодисалар, нуқсонларни четлаб ўтди ёки уларни ўқувчига хаспўшлаб, пардозлаб кўрсатди, мадҳиябозлик билан шуғулланди. Тафаккурни чеклаш, уни маълум мафкуравий қолипларга солиш ёки мослаштириш, ақидапарастлик, шахсга қуллуқ қилиш талаблари эндиликда ортда қолди. Бугун биз эркин тафаккур, янги озод адабиёт, янги қаҳрамонлар, янги талқинлар даврида яшамоқдамиз. Бугунги қаҳрамонлар фақат ижобий ёки фақат салбий эмас, улар ҳаётда бор, ютуқ-камчиликлари, орзу-ўйлари, фаол ёки танбалликлари, фидойи ёки худбинликлари ҳаётнинг ўзига ўхшаш, жамиятда кечаётган жараёнларга муносабати турлича бўлган кишилардир. Китобхон бугунги адабиётни шу жиҳати учун ҳам кадрлайди. Чунки янги қаҳрамонлар унга деярли бегона эмас, кўпларини ҳаётда, кўчада, жамоада кўрган, ёнма-ён ўтирган, мулоқот қилган, баъзиларига ҳаваси келса, баъзиларидан ҳафсаласи пир бўлган. Тоғ чўққилари бир хил баландликда бўлмагани, ҳаёт фақат қувончу ёруғликдан иборат эмаслиги каби, одамлар ҳам виждон, иймон, ҳалоллик, инсоф-диёнат, меҳнатсеварлик, қатъият, журъат борасида ҳар хилдирлар. Ҳаёт ҳақиқатига мос адабиётнинг таъсирчанлиги шунда. Зеро, тепалик устида туриб, осмон бағрига туташиб кетган чўққининг улуғворлигини ҳис этамиз, ёмонликларни кўриб, ўзимизни нималардандир тиямиз. Зулмат борлиги учун ёруғликни, ўғрилиқ борлиги учун ҳалолликни кадрлаймиз.

XX аср адабиётининг буюк вакили Чингиз Айтматов асарларида айни шу манзара ва ҳолатларга, турфа хил тақдирларга дуч келамиз, улар айни шу икки қарама-қарши жиҳатнинг ёнма-ёнлигига асослангани учун ҳам эътиборни тортади. Уларда “қаҳр ва муҳаббат, висол ва ҳижрон, соғинч ва ўкинч туйғулари бир-бири билан мураккаб бир тарзда, тасдиқ ва инкор, эътироф ва эътироз шаклларида қўшилади ва фарқланади. Адибнинг услубида тасвирланаётган воқеаларнинг табиати ва шаштига қараб майллик

---

ва жўшқинлик сезилиб туради, баъзан оддий, жўн нарсалар талқинидан ҳам катта фалсафа ва ҳикмат унади. У чизиклари, ҳажм, вазн, сиғим, қабат, қатлам ва томонлари аниқ кўриниб турган жонли, жонсиз предметларнигина эмас, балки тамомий абстракт тушунчалар, ҳис-туйғулар, ранг-бўёқлар, маънолар, мусиқа, боқишлар, юз-кўз ифодалари, булутлар, ҳаво, сув, буғ, туман, булут ҳатто кишилар ва ҳайвонларнинг номларини ҳам ажиб бир тарзда турлайди, тасвирлайди” (Ғ.Саломов).

Не бахтки, бугун миллий адабиётимиз ўз нигоҳини айна шу жиҳатларга қаратмоқда. Беихтиёр Чингиз Айтматовнинг бундан кўп йиллар аввал айтган қуйидаги сўзлари ёдга тушади: “Ёшлар, шуни билингларики, жамият ва адабиёт сизнинг олдингизга қўяётган бугунги вазибалар адабиётимизнинг катта авлоди олдида бир вақтлар турган вазибалардан кескин фарқ қилади. Биз бугун тарихнинг шу чоққа қадар юрилмаган йўлларида ҳам юрмоқдамиз. Жамият, ижтимоий ҳаёт, адабиёт ўсиб, ривожланиб бормоқда. Шундай экан, сизларга катта устозларингиз босиб ўтган ижод йўлидан кўра мураккаброқ йўллари босиб ўтишга тўғри келади. Шунинг ўзи сизларга, ҳаммамизга дахлдор масъулият. Бундан кейинги ишларимиз шу масъулиятдан келиб чиқишини англаб етмоғимиз зарур... Асар ёзиш учун қўлига қалам олган ижодкор гапни узундан узоқ чўзмаслиги, бўлар-бўлмас воқеаларни қуруқ баён қилиш билан ўқувчининг бошини қотирмаслиги керак, деб ўйлайман. Бунинг ўрнига бугунги кун одамнинг руҳий олами, ички дунёсини очиб берувчи, фалсафий ўй-фикрлар билан суғорилган, чинакам адабиёт талабларига жавоб бера оладиган, одамларнинг қоғоздаги нусхасини эмас, ҳаётдаги реал образини кўрсатадиган бақувват асарлар яратишга бел боғланглари. Бундай асарлар юксак граждандик пафоси акс этган поэма, балким, трагедия, маиший мавзудаги драма ёки новелла бўлиши мумкин. Гап жанрда эмас. Ҳар қандай асар истеъдод билан ёзилган, ўқувчини тўлқинлантира оладиган бўлиши зарур”.

Миллий адабиётимизга улуғ устознинг шу муҳим ўғитлари назаридан кўз ташласак, ҳаётимизнинг бугунги нафаси уфуриб турадиган, янги замоннинг янги одамлари қиёфаси, ички дунёси, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ёхуд турмуш изтироблари акс этган кўплаб янгича талқинларни кўрамиз. Эркин Аъзамов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Исажон Султон, Ҳалима Аҳмедова, Гўзал Бегим, Эшқобил Шукур, Ҳаким Сатторий, Фахриёр, Икром Отамурод, Турсун Али, Абдуқаюм Йўлдошев, Луқмон Бўрихон, Носиржон Жўраев ва бошқа кўплаб ижодкорлар қаламига мансуб асарларда бунинг яққол кўриши мумкин. Албатта, ҳар бир асарда новаторликка, янгича шакл ва ифодага эришиш мушкул иш, аммо бугун наср, назм, драматургия ва бадиий публицистикада содир бўлаётган фикрий ва талқиний ўзгаришларни, миллий тараққиётнинг олдинги сафларида бўлиш истагини сезмаслик мумкин эмас. Бундай асарларда, устоз Айтматов укдирганидек, гап асло чўзилмаган, мавзунинг долзарблиги қайта-қайта укдирилмаган, аксинча, ўқувчи асар моҳиятини, муаллифнинг фикрини дастлабки саҳифаларданок билиб олади. Янада муҳими, янгича талқиндаги асарлар муаллифларнинг дунё адабиётида кечаётган мураккаб жараёнлар, янги оқимлар, янгича шакл-шамоиллардан яхши хабардорлиги белгисидир.

Бадиий адабиёт, китобхонлик маданияти ҳамма замонларда ҳам миллий тараққиётнинг, айна чоғда жамиятнинг маънавий-маърифий дара-

---

жасини, демакки, унинг келажагини белгилаб келган. Қадим ўтмишда узоқ-яқин мамлакатларда бўлиб қайтган сайёҳлар ўз таассуротларида қадамлари етган мамлакатларда қироатхоналарнинг оз ёки кўплигига, китоб расталарида қандай китоблар сотилаётганига эътибор берганлар, бу хусусда тўлиб-тошиб гапирганлар. Бу бежиз эмас, албатта. Китоб, оғзаки ва ёзма адабиёт Шарқ тафаккурини улуғ мақомга эриштиргани, инсоният тарихида ўчмас саҳифа бўлиб келаётган буюк уйғониш – Ренессанс даврига доялик қилгани инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шарқ адабиёти неча минг йилликлардан бери таълим-тарбия билан бирга, буюк нажоткорлик вазифасини ҳам ўтаб келган.

Файласуф Конфуций ёшлигидан ёғоч, шойи, бамбук парчаларига ёзилган китобларни қайта-қайта ўқиб чиқади, уларда баён этилган маъноларнинг мағзини чақишга ҳаракат қилади. Йигирма икки ёшида донишмандлик даражасига етади, мўътабар муаллим, улуғ устоз мақомига эришади. Олимнинг фикрича, инсон, энг аввало, яхши хулқи, одоб-ахлоқи, илм-тафаккури, одамларга тегаётган нафи, эзгу инсоний фазилатлари билан инсон. Бу фазилатларга у китоб мутолааси туфайли эришади.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатда китобхонликни ривожлантириш тўғрисидаги қарори, бу муҳим ҳужжатда қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан белгиланган ва амалга оширилаётган ишлар, шубҳасиз, китоб ва китобхонлик йўллари кенгайтириб юборди. Дастлабки натижаларни кўриб турибмиз: бугун жамиятимизда китобга, китобхонлик маданиятига қайтиш жараёни бораётир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ижод аҳлига кўрсатаётган эътибори, пойтахтимиз марказида бунёд этилган адибларнинг фусункор хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг мухташам биноси, адабий-бадиий нашрларнинг самарали фаолияти учун яратилаётган имкониятлар қалам аҳлига маънавий куч бағишламоқда. Бундай пайтда илҳом билан ижод қилмасликнинг, юртимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида, одамларнинг онг-тафаккурида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида ёзмалик мумкин эмас. Жамият ҳаётида, одамларнинг фикр-ўйида, орзу-ниятида янги уйғониш фасли, шу фараҳли кунларга етказгани учун шукроналик туйғуси шуълаланмоқда десак, муболаға бўлмайди. Дунё бугун ҳазрат Алишер Навоийни, Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, Машраб, Чўлпон, Абдулла Қодирийни, уларнинг муносиб издошларини завқ билан ўқиётган экан, адабиётимизнинг мавқеини янада кўтариш, энг сара асарларни жаҳон халқлари тилларига ўгириш, хорижий мамлакатларда ўзбек адабиёти тарғиботини кучайтириш, адабий-маданий алоқаларни янги сифат босқичига олиб чиқиш биз учун ғоят муҳим вазифадир.

Шу маънода 7-8 август кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва республика Фанлар Академияси ҳамкорлигида пойтахтимизда биринчи марта ўтказилган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро анжуман адабиёт ихлосмандлари учун муҳим воқеа бўлди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган ижодкорлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Давлатимиз раҳбарининг “Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Биз миллий тикланишдан — миллий



---

юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйдик. Бу улуғ мақсадга эса жаҳон аҳли билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшаш, очиқ демократик жамият куриш, ҳаётимизда миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини янада кенг қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлигини биз яхши англаймиз”, деган сўзлари анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Озарбойжонлик таниқли адиб Анор мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан мамнунлигини изҳор қилар экан, “Озар ва ўзбек адабиётининг улуғ устозлари, тили, дили ва илдизлари бир. Ҳар бир давлат ўзининг миллий чегараларига эга, ижодкорлар ўз асарлари билан уларни янада кенгайтиради. Ҳар бир давлат муаммоларини ички имкониятларидан келиб чиқиб ҳал қилади, ижодкорлар эса ҳар қандай муаммони сўзнинг улкан куч-қудратига суяниб ҳал қиладилар”, деди.

Дарҳақиқат, ҳозирги таҳликали ва нотинч замонда инсоният ҳаётида юзага келаётган янги-янги муаммолар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва экологик таназулларни ҳал этиш, ер юзида тинчлик-тотувликни, умуман, инсон ҳаётини, тирикликни сақлаб қолиш, бу борадаги ният ва ҳаракатларни бирлаштириш, мақсад-муддаоларни уйғунлаштириш, жаҳон аҳолисининг учдан бирини ташкил этадиган ёш авлод тарбиясини тўғри йўлга қўйишда бадиий адабиёт, сўз санъати ва маънавий тарғибот имкониятларидан самарали фойдаланиш ғоят муҳим. Иккинчидан, ҳар бир миллий адабиётда миллатнинг маънавий кийёфаси, эзгу инсоний фазилатлари, онг-тафаккури, олийжаноб мақсадлари ўз аксини топади. Шундай экан, бугун адабиётимиз уфқларини янада кенгайтириш, энг сара асарларни жаҳон халқлари тилларига таржима қилиш диққат-эътиборимизда бўлмоғи керак.

Дунё мамлакатларида яхши асарларни тарғиб қилиш, бошқа тилларга ўгириш, шунингдек, моҳир таржимонларни тайёрлаш, улар билан ишлаш борасида ноёб тажриба тўпланган. Ўз навбатида, Ўзбекистонда ҳам жаҳон халқлари тилларида яратилган буюк асарларни ўзбек тилига таржима қилишда ўзига хос маҳорат мактаблари яратилган десак, муболаға бўлмайди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Кибриё Қаҳҳорова, Мирзиёд Мирзоидов, Қодир Мирмуҳамедов, Лола Тожиева, Эркин Миробидов каби забардаст адибларимиз бошлаган хайрли ишларни бугун истеъдодли ёшлар давом эттирмоқдалар. Қувонарлиси шуки, эндиликда жаҳон адабиётининг дурдона намуналари ўзбек тилига бевосита оригинал тилидан ўгирилмоқда. Кейинги йигирма йил ичида биргина “Жаҳон адабиёти” журнали саҳифаларида жаҳон адабиётининг 300 дан ортиқ дурдона асарлари ўзбек тилига ўгирилиб, журналхонларга тортиқ қилинди. Жеймс Жойс, У.Фолкнер, Х.Хессе, Г.Маркес, Я.Кавабата, Франц Кафка, С.Цвейг, А.Камю, Ф.Достоевский, А.Чехов, Б.Пастернак, И.Бродский каби номдор ёзувчи ва шоирларнинг асарлари ўзбек ўқувчилари дунёқарашини бойитди, тафаккурини чархлади, дея баралла айта оламиз.

Анжуман иштирокчилари турли шубҳаларга бўлиниб, ҳар икки тажрибани уйғунлаштирган ҳолда халқаро адабий-маданий алоқаларни янги сифат босқичига кўтариш, бадиий таржимачилик борасидаги илмий-назарий қарашларни ўрганиш, ютуқ-камчиликларни таҳлилга тортиш, таржимада асар ғояси, муаллиф фикри ва услубини сақлаш, бадиий ифода-



---

да миллий ва диний ўзига хосликларни назардан қочирмаслик, хорижий мамлакатларда ўзбек тили ва адабиётини тарғиб қилаётган ижодкорлар билан мустаҳкам алоқада бўлиш масалаларини қизғин муҳокама этдилар.

Афғонистонлик таниқли олим Абдулҳаким Жузжоний дунё мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётган тарихимиз, адабиёт ва санъатимизга тааллуқли қимматли қўлёзмаларни ўрганиш зарурлиги хусусида фикр юритди. Франциялик Элен Мэла хонимнинг фикрича, таржимон бир халқ маданияти ва тарихини бошқа бир халққа етказувчи тинчлик элчиси, бинобарин, у бадиий таржима билан шуғулланар экан, зиммасидаги бу масъулиятни унутмаслиги керак. Литвалик Сергей Гетман анжуман иштирокчилари эътиборини адабиёт жуғрофий жиҳатдан бир-бирига узоқ бўлган кишиларни ўзаро дўст-қадрдонга айлантирувчи куч, маънавий восита эканлигига қаратди. Узоқ йиллардан бери бадиий таржима масалалари билан шуғулланиб келаётган ижодкор ва олимлар Саодат Комилова, Хуррам Раҳимов, Хайрулла Ҳамидов, Раъно Азимова, Бобохон Шарипов, Антонина Иплина ва бошқалар таржимачилиқда мақсадга тўла эришиш, асосан асл нусха билан ишлаш, муаллиф ва ношир ҳуқуқини ҳурмат қилиш борасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларига тўхталиб ўтдилар. Қирғизистонлик таниқли адабиётшунос олим, академик Абдуллажон Ақматалиев Ўзбекистонда ижодкор зиёлиларга кўрсатилаётган эътибор, мамлакат раҳбарининг қарорига биноан буюк ёзувчи Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш бўйича амалга оширилаётган кўламли тайёргарлик ишлари, ёзувчи асарлари ўзбек тилида муттасил чоп этилаётгани, театрлар сахналарида спектакллар намойиш этилаётгани, Ўзбекистон Миллий университетида Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий тадқиқот маркази фаолият юритаётганидан мамнунлигини изҳор қилди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида анжуманда иштирок этаётган олимлар билан ҳамкорликда ўзбек адабиётининг хорижий дўстлари кенгашини тузиш, унинг фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш тўғрисидаги таклифи эса барчанинг дилидаги гап бўлди.

“Иностранная литература” журнали бош муҳаррири Александр Ливергантнинг фикрича, жаҳон адабиёти дунё халқлари ёзма маданиятининг энг сара намуналаридан ташкил топади. Ён атрофларимизда, олис-олисларда турли тилларда яратилаётган пишиқ-пухта асарлардан хабардор бўлиш, умум адабиёт ривожига ҳисса бўлиб қўшиладиган ижод намуналарини таржима қилиш зарур. Шу маънода “Иностранная литература” ва “Жаҳон адабиёти” журнали ўртасида ижодий ҳамкорлик меморандумини имзолаганимиз самара беришидан умидворман”, деди у.

Туркиялик ношир Имдод Авшар кейинги йилларда мамлакат нашрларида ўзбек адабиётига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлаб ўтди. Тадқиқотчи Барно Орипова Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг немис тилига ўгирилиши мисолида бадиий таржима масъулияти ҳақида сўз юритди. Таржимон Хуррам Раҳимов Олмониядаги “Олмон-Ўзбек илмий жамияти” архивларида узоқ йиллар давомида ўзбек тилидан немис тилига таржима қилинган турли жанрлардаги асарлар ҳақида маълумотлар мавжудлигини таъкидлади. Ўзбек-олмон таржимашунослигида узоқ йиллар давомида жуда катта илмий-ижодий тажриба тўпланган. Бу иш билан дастлаб Ҳерман Вамбери, Мартин Ҳартманн, У. Брайденбах,


---

Йоханн Аветараниан, кейинчалик А. Фон Габайн, Нёта Тун, Йоханн Бенцинг, Дориц Шульц, Ингеборг Балдауф, Якоб Таубе, Карл Райхл, Барбара Хайнкеле, Барно Орипова, Ўзбекистонда эса Йўлдош Нурмуродов, Шариф Рўзиев, Раёно Файзуллаева, Шавкат Каримов, Отабой Жуманиёзов, Ровияжон Абдуллаева, Акмалхон Абдуллажонов, Шухратхон Имяминова, Зоҳид Жуманиёзов, Мусоҳон Тожихўжаев, Зоҳиджон Турсунов ва бошқалар давом эттиришган. Бугун эса бу сафга ҳар икки томонда ҳам янги-янги номлар қўшилмоқда. Бу — яхши албатта. Аммо гап сафда эмас, сифатда. Анжуманда айтиб ўтилганидек, Расул Гамзатов, Қайсин Кулиев, Давид Қуғултинов каби сўз санъаткорларининг дунё адабий майдонга чиқиши, ном қозониши, шубҳасиз, таржимонларнинг маҳорати билан боғлиқ. Ўзбек адабиётининг энг пешқадам вакилларига эса бундай омад кулиб боқмади, буни ҳеч ким инкор этмайди. Шундай экан, бугун бадиий таржима тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмоқ, тегишли ташкилотчилик ишларини амалга оширмоқ зарур бўлади.

Бугун Ўзбекистон кўп жиҳатдан дунё эътиборида турибди. Кейинги икки йил ичида ҳаётимизда юз берган шиддатли ўзгаришлар, давлатимиз раҳбарининг янги халқпарвар сиёсати, “Раҳбарларнинг бош ва асосий вазифаси халқнинг турмуш шароитини яхшилаш” деган сўзлари, эл-юрт манфаатлари кўзланган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий дастурлар, сўз ва амал уйғунлигига эришиш борасидаги ислохотлар жаҳон ҳамжамиятида жиддий қизиқиш уйғотди. Халқаро анжуман иштирокчилари билан суҳбатларда дунёнинг АҚШ, Германия, Франция, Канада, Италия, Япония, Корея, Ҳиндистон каби мамлакатларида ўзбек тили ва адабиётини ўрганишга бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бораётгани ҳам маълум бўлди. Чунончи, Ҳиндистондаги йирик миллий университетлардан бирида ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ташкил этилган бўлиб, у ерда доктор Шоҳид Таслем ҳар йили ўттиздан ортиқ талабага сабоқ беради. Ушбу олий ўқув юрти ҳамда Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мутахассислари (М.Абдурахмонова, А.Орипова, Ш.Нурматова) томонидан тайёрланган ўзбек тилини ўрганиш бўйича ўқув дарсликлари кўзни қувонтиради. Хорижий мамлакатларда тилимиз, адабиётимиз ва маданиятимизни тарғиб қилаётган, бу муҳим ишни амалий натижалар билан мустаҳкамлаётган фидойи инсонлар оз эмас.

Адабиёт – катта боғ, унда узоқ йиллардан бери муттасил ҳосил бераётган салобатли дарахтлар билан бирга, энди-энди гуллаётган, қаддини ростлаётган ниҳоллар ҳам бўлади. Яхши боғбон уларни меҳр билан парваришлайди, ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туради. Чунки, ҳаётда бўлганидек, боғда ҳам табиий алмашинув ҳодисаси юз беради. Ушбу анжуман адабиётимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаш, нуфузини кўтаришга ҳисса қўшаётган фидойи олимлар, тажрибали ва ёш таржимонларга эътиборни кучайтириш, заҳматли меҳнатларини қадрлаш, хорижий нашриётлар билан алоқаларни йўлга қўйиш зарурлигини кўрсатди.

*Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ*



## ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД

Ҳикоялар

### WO AI NI

*Бехрузга*

Бек девордаги соатга кўз қирини ташлади – 3 дақиқаси кам 21. Ишига берилди. Одатдагидек бу пайтда хўрандаларнинг оқими суслаша бошлайди, онда-сонда аллақайтларда санқиб оч қолган тўдалар гангур-гунгур, шовқин-суронлар билан ёпирилиб келмаса, яккам-дуккам мижозлар киради холос, ошхонага. Уззукун тик оёқда турган ошхона хизматчилари шифокорларнинг оқшом соат 18, кечи билан соат 19 дан кейин оғир таомланишларни ман этишларига доир тавсиялари айрим хўрандаларга қор қилмаётганига ҳайрон бўлишади. Ундай қимматли эслатмаларни манави суллоҳлар ўқимаган, шекилли?.. Бундай деса, Бекка ёки унга ҳамроҳ пазандаларга нима? Қайтага хўранда қанча кўпайса, шунча яхши эмасми?! Ҳар битта хўранда ортидан қўшимча қирим-фойда келади, ахир. Бирок ҳолдан тойган дамларда ҳеч қандай фойда ҳам, қирим ҳам кўринмайди кўзга.

Эрталабки нонушта вақтидан бошланади бари – хўрандалар оқими дам зўраяди, дам сусаяди, навбатнинг “думи” кўчага чувалиб чиққан дамларда-ку, асти қўяверасиз – қўл қўлга тегмайди, пешонангдан оқиб тушаётган терни артишга улгурмайсан. Беш нафар пазандаю қўл-оёғи чаққон икки хизматчининг аҳволини кўрган одамнинг, очиғи, юраги эзилиб кетади.

Бир ойдан ошиб боряпти, аҳвол шу – сонмингта hamburger, cheeseburger тайёрлайсан, хўрандани hello дея ёлғон табассум ила кутиб оласан, сўраган таомини қоғоз ликопчага жойлаб ёки сарғиш юмшоқ қоғозга ўраб-чирмаб узатасан, пулини оласан, таомга тўланадиган олди-берди алоҳида дарчада. Қоврилаётган мол, товук гўштининг, помидору сомидорларнинг ҳиди димоғингни, димоғингга кўшиб иштахангни ғиппа бўғади – оч қолсанг қоласану қани энди томоқдан бир тишлам нон ўтса! Шу аҳволда ўй ўйлаш, хаёл суриш, э, ҳа-а-а, саломат бўлғайлар афандим, ақл-идрок, шуурдаги барча катта-кичик мурувватлар эрта тонгданок чирк-чирк қилиб ўчирилган бўлса ўй қаёнда, хаёл қаёнда?!

У ўғринча соатга кўз қирини ташлади – икки дақиқа қолибди. “Балки келмас” деган тахмин лип этиб ўтди Бекнинг шууридан. Бек ўзида юз бераётган ғалати ўзгаришларни оғиз очиб бировга айтгани йўқ. Эрталаб-

дан то қора тунгача тик оёқда туриб бир хил ҳаракат қилавергач, одамда тушунуксиз, ҳатто ғалати одатлар, кўникмалар пайдо бўларкан: ана шу издиҳомда, ана шу талотўпда одам ўзи учун қандайдир ҳордиқ онларини “ясаб” олиш ҳаракатига тушаркан! Майли-да, бир зумга бўлсин, лип этиб ўша ўзинг бунёд этган ҳордиқ лаҳзасига кириб оласан-да, нафас ростлайсан, бир зумгина бўлсин, ўз ҳолингга қоласан ва яна зип этасану “ҳордиқ лаҳзаси”ни тарк этиб, ҳеч нарса кўрмаган-билмаган одамдек “ташқари”га чиқиб оласан!

Бек ўн кунлаб кўчама-кўча, дўконма-дўкон, ошхонама-ошхона изғиб иш қидирганида инсон мана шундай ҳолатларга тушиши мумкинлигини ўйламаган, хаёлига ҳам келтирмаганди. Қайси эшикка бош сукса, ёқимтой табассум билан “Йўқ!” деган жавобни эшитавергач, юраги орқасига тортиб кетди – яна бирон ҳафта иш топилмаса борми, ётар ижарахонасидан айрилади, кунига неча қайталаб санаб-чамалаб қўяётган зорманда “кўки”нинг ҳам ранги ўчиб бормоқда – қаёққа боради, кимга йўлиқади, кимдан нажот кутади?

Толедан қисмасин экан ҳеч бир бандани. Нажот, туз-насиба уни Burger Kingда кутиб турган экан йўлларига кўз тикиб! Бир томони очик метро, уч томони кета-кетганча катта-кичик дўкон, дўкон – савдо шохобчалари, майда-йирик таомхоналар, сартарошхона, интернетхона, тиббийхона, дорихона, банк – хуллас, одам дегани, йўловчи дегани бамисоли кумурсқа!

– Оёқ-кўлинг бутунми? Ақлинг жойидами?

Бек ишбоши ҳинди йигит ҳазиллашяпти деб ўйлади, қаёқда, бош кашлашга вақт йўқ жойда ҳазил-мутойибага бало борми, зотан, “Бутун” деди у дадил ва муқаррар табассум билан, сўнг илова қилди: “Жойида!”

– Кийимингни ўзгартир, ишни бошла! Бўёғи – соатбай!

Бош-лан-ди: Hello! Bye! Bye! Hello! Excuse me!.. I’m sorry!.. Эртадан кечга, кечдан тонгга довур, тушидаям, ҳушидаям – шу.

Бек соатга қаради – эҳтимол, бугун келмас. Нега, нима учун келмайди? Ахир Бекнинг “ҳордиқ лаҳзаси”га кириши, нафас ростлаши айни ўша хўрандага боғлиқ! Бунинг учун эса у, ҳа, ўша арзанда хўранда келиши керак ошхонага. Наҳотки, бошқа юмуши чиққан бўлса?! Қорни очмадимикан? Бўлиши мумкин. Бугунча кечки таомдан воз кечгандир ҳойнаҳой? Ёхуд пули қолмадимикан? Ақчаси етмаса келмайди-да. Бу ерда тартибқоида темирга чўкичлангандек – бир мири етмаса ҳам мижозга шафқат кўрсатилмайди, ҳиммат кўчасига йўламайди ҳеч ким.

Не-не турфа тоифа одамлар кирмайди дейсиз ошхонага! Эркаклар, аёллар, кексалар, ёшлар. Оқлар, сариклар, коралар, бошқалар. Гала-гала бола-чақасини эргаштирган, ҳар сафар ошхонани тўйхонага айлантириб юборадиган оилалар. Мункиллаган чол-кампирилар, саёқ тиланчилар, чеккан-чекмаган нашалари гуркираб ис таратаётган кўкнорихўрлар. Лекин афтидан ёши бир жойга бориб қолган, ясси юзли, қисик кўзли, бурни япалоқ, ғоятда сипо кийинган, мош-гурунч сочи силлиқ қилиб орқага таралган хўранданинг ҳар куни роппа-роса соат 21да кириб келиши Бекнинг диққатини тортди, Бек истар-истамас унга эътибор қила бошлади. Бир кун, икки кун, уч... беш... Гўё нотаниш хўранда қадам ранжида қилиши билан унинг кундалик ҳаётига мазмун кирадигандек, ҳатто аллақандай муаммоси ҳал бўладигандек ва шуларнинг натижасида ҳаётида фавқулудда ўзгариш юз берадигандек. Ваҳоланки, кун бўйи

бунга ўхшаш хўрандадан юзлаб, ҳатто минглаб киради ошхонага. Юзлаб, минглаб чиқади ошхонадан. Бек овқат тайёрлайди, хўрандаларга улашади, кези келганда, хўрандалар кетидан столни йиғиб-йиғиштиришга кўмаклашади ҳам. Юмуш танлаш йўқ бу ошиёнда, бу менинг ишим эмас деган гапга ўрин қолдирилмайди. Хўранда учун барча шароит муҳайё этилиши олий мақомдаги шарт. Бунинг учун эса ҳар бир ходим елиб-югуриб хизмат қилиши, ким эканлигидан қатъи назар хўрандага жилмайиб, ёқимтой табассум ҳада этиши, бу билан уларнинг иштаҳасини очиши, кўнглини овлаши ва пировардида эсон-омон кузатиб қўйиши лозим. Токи эртага ҳам, индин ҳам кирсин у. Зинҳор-базинҳор Burger Kingдан кўнгли қолмасин! Чойчақасини бошқа таомхоналарга раво кўрмасин, тамом вассалом.

Бек эса... мана, ўн кундан ошиб боряптики, ясси юзли, қисик кўзли, сочи силлик таралган – негадир қалин ва дағал матодан тикилган қўйлагининг ўнг ёқасига жимжилокча сарғиш мато парчаси танғилган кишини кўз остига олган: у ҳар куни соат 21да, хўрандалар оқими сийраклаша бошлаганда кириб келади, бориб қўлини чаяди, битта hamburger битта қахва буюради, буюрганларини олади-да, анча-мунча жойлар бўш эканлигига қарамай залнинг ўнг бурчаги ойна-девор ёнидаги энг чекка столга – ҳар куни, ҳар сафар битта курсига бориб жойлашади. Мижознинг қиёфаси ҳам бирдек – заррача ўзгариш, турланиш сезилмайди – ўйчан, маҳзун, хаёлчан ўтиради у. Сира шошилмайди, қорни тўқ одамдай истар-истамас овқатланади. Ноқулай бўлса-да, Бек кузатди, қани, шу одамда қандай ўзгариш юз бераркин деб узоқдан туриб, зимдан кузатди – мижознинг шошилмай қавшаниши, қахвани дам-бадам бир-бир хўплаши замирида қандайдир ҳикмат топмоқчидек қизикди. “Сариқ ёқа-ей!” деб қўйди ичида ҳаяжонланиб. Ён-веридидаги одамларга, гангур-гунгурларга, ғалағовурларга, қаҳ-қаҳаларга эътибор бермас, гўё ошхонада ундан бошқа ҳеч зот йўқдай, ҳеч нимани эшитмаётгандай ўтиради. Гунг-соқовмасмикан, деган хаёлга ҳам борди Бек. Дарвоқе, “Сариқ ёқа” овқат буюраётганида гапирётгандир? Нимадир деяётгандир? Таомнинг ҳақини тўлаш чоғида садо чиқаётгандир оғзидан?

Бунга ҳам эътибор қилди Бек. “Сариқ ёқа” деярли гапирмас, деярли овози эшитилмас, “бир дона” деган маънода кўрсаткич бармоғини кўрсатар – холос, овқат ҳақини танга-чақасигача қайтимсиз тайёрлаб келар, уни кассага сўзсиз-несиз тўлар экан.

Ошхона жойлашган рўйи масканда хитойлик мухожирлар кўпчиликни ташкил этар, бинобарин, Бекнинг эътиборини оҳанрабодек тортган хўранда ҳам хитойлик экани муқаррар эди. У ҳолда нима сабабдан у бу қадар ёлғиз? Нечун маъюс? Гўё қандайдир оғир фалокат юз бергану бу одам бор яқинларидан жудо бўлгандек, энди унинг учун бу ёруғ дунёда ҳеч бир ҳою ҳавасга ўрин қолмагандек, ўзи эса маъно-мазмундан узилган маъвода соядек, шарпадек, рўёдек ғимирсилаб юришга маҳкумликини зиммасига олган одамни эслатарди. Бироқ буларнинг бари Бекнинг таҳминлари, хаёлидан кечган фаразлари, холос.

Бек хаёлига қаторлашиб келган саволли ўйлардан кулиб юборди: ўзи билан хўранданинг ўрнини “алмаштирди”. Уни ҳам кимдир четдан туриб кузатармикан? Бу йигитча нималарни ўйлайди, қандай орзу-ҳаваслар етаклаб келди уни олис юртлардан, она ватанидан? Ўша дилига туккан



орзу-хавасларига етишмоқдами? Юртини, ота-онаси ва бошқа яқинларини соғинаётгандир?.. Тўғриси, Бек шу сингари саволлар атрофида бош қотиришга чўчир, ҳатто жавобларини лоақал дилида бир ипга тизиб чиқишни истамас, эҳтимол бунга юраги бетламас, балки айни шу сингари саволлари билан бошқаларни... ана, кунда-шунда хитойлик хўрандани зимдан кузатиш орқали жавоблар топгиси келаётганди. Баъзан кундалик одатига айланиб бораётган кузатишлари меъдасига тегар, бугундан бошлаб у одамга эътибор қилмайман, қайрилиб қарамайман – ўзимнинг ташвишим озми, нима қиламан бошимни қотириб деган қарорга келар, ўзича қанча аҳд қилмасин, баъзи-баъзида ҳориб-чарчаб ёстикқа бош кўйганида ҳам уйкусираган кўз ўнгида “Сариқ ёқа”нинг нурсиз ва маҳзун қиёфаси пайдо бўларди.

Неча қайта бу каби қарорларини жаҳл аралаш итқитиб ташламади у! Даставвалига соат миллари “21”га яқинлашгани сайин ҳаяжонланса, кейин ҳаяжонлари ўрнини асабийлашиш эгаллар, гўё ким биландир ваъдалашгану ўша ваъдалашган одами келишилган вақтида келмай қолаётгандек, буткул ҳаялласа, осмон узилиб ерган тушадигандек аянчли-абгор аҳволда қоларди.

Бекни қийнаётган ҳолат мана шу эди. Дарҳақиқат, ёши тахминан олтимишлардан ошган, ясси юзли, қисик кўзли, бурни япалоқ, ғоятда сипо кийинган, мош-гурунч сочи силлиқ қилиб орқага таралган, хитой миллатига мансуб, “Сариқ ёқа”... бўлди, бас, бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ: оилалими, бола-чақаси борми, қаердан келиб қолган, чиндан ҳам made in Chinaми, касби нима, касал-пасал эмасми, тамадди мақсадида бошқа ошхоналарга ҳам кирадимми ёки фақат шу ердаги hamburger, cheeseburger билан қаноатланадими – бу сингари қатор-қатор саволларга жавоб йўқ эди.

Бир дақиқа қолди, келмаса келмас! Балки, бир кун келмай қолса Бек учун янаям яхши – уни унутишга баҳона топилади, беихтиёр беўхшов одат тусига кириб қолаётган даҳмаза машғулотдан кутуларди. Бир кунгина-я! Келишни қанда қилса... келмаса... Йўғ-е, нега келмайди?! Қаёққа боради? Наҳотки, бу ердаги таомлар кўнглига урган бўлса?! Ёки биздан кўнгли қолдимми? Бирортаси ранжитдимми?

“Сариқ ёқа”нинг келмай қолиши катта йўқотиш бўладигандек, у келмаса Бек учун катта айрилиқ юз берадигандек... Бас! У ўзини чалғитишга чоғланди. Бир ҳисобда унинг келмай қолишига руҳан ҳозирлик кўриб қўймоғи даркор. Ана – Бек ишдан бир зум тўхтаб, девордаги катта соатга разм солди – соат миллари кўз ўнгида чаплашиб кетди, диққат қилди – соатнинг тўнғич мили “12” рақамидаги “2”нинг думига етганини аниқ-тиниқ кўрди.

Бек шунда бир нарсани ўйлаб қолди: шунча кундан бери у кишининг исми-шарифини сўрамади-я! Овқатланиб ўтирганида қандайдир баҳона ўйлаб ёнига бориши, уни гапга солиши мумкин эди-ку. Гарчи ошхонада хўрандалар билан ортиқча суҳбатлашишга ижозат берилмайди, салом-алиқдан нарига ўтиш қатъиян таъқиқланган. Шунга қарамай, шунга қарамай... Бек ўзига ўзи билмаган ҳолда дам бераётган, уни мароқли ўйлар суришга ундаётган инсон билан танишгиси, айниқса унинг кўнглига қўл солгиси, ёлғизликдан сиқилаётган, кўнглини ёзишга ҳамроз тополмаётган бўлса ҳамдардлик кўрсатиши мумкин эди-ку! Нега шунга изн берил-

майди бу Burger Kingларда? Нахотки одамларга хизмат кўрсатишу уларнинг пулини қуртдек санаб олишдан бошқа мақсад-муддао бўлмаса бу ёруғ дунёда, инсон?!

Мексикалик Хозе’дан сўради бир куни, ҳов анави кишига қара, хар куни бир вақтда келади, бир хил овқат олади ва бир жойда узок хаёлга чўмиб ўтиради деб оғиз очди, мексикалик қилт этмади, киприк ҳам қокмади, ишингни қил, “юзбак”, деди-қўйди. Мексикалик айтмоқчи юзбак – Бек эса билганидан қолмади, у мексикалик бўлолмади – “Бунақалар кўп бу ерда Вески” деди унинг гапини эшитиб қолган хиндистонлик Чак гапни қисқа қилиб. Исмини билмайсизларми, деб суриштиришда давом этди Бек. Шу пайт хўжайин пайдо бўлди – барчалари айб иш устида қўлга тушган одамлардай зипиллаганча ўз юмуши – хизмат жойига тарқалди.

“Хайрият!” деб юборди Бек ичида, бирдан енгил тортиб – девордаги соатнинг катта мили “12” рақамидаги “2”нинг думидан узилмаган ҳам эдики, у орзикиб кутган хўранданинг кўлагаси кўринди! Келди! “Сариқ ёқа” келди!

У ўша-ўша одми ва униққан енгил-бош кийган, сочи силлиқ таралган, одатдагидек ошиқмай, бир-бир одим ташлаб кирди.

Бекнинг аъзойи баданидаги қон жўшиб кетди – ўйлаган муроди ҳосил бўлгандай, узок кутган азиз инсонини кўргандай қадами илдамлашди, қўли чаққонлашди. Шу пайт салгина дил амрига бўшанглик қилса, ўзи hamburgerни қоғоз ликопчага қўйиб, битта қахва билан энг чеккадаги столга олиб бориб қўйишдан, ўзбекча айтганда, дастурхон тузашдан, шу билан меҳмонини зўр илтифот билан қарши олиб уни кечки таомга таклиф этишдан ҳам тоймайдигандек эди. Афсус, бундай мулозамат кўрсатишнинг иложи йўқлигини у яхши билар, мабодо шу тахлит кўнгил бўшлигига йўл қўйса, ҳамкасб пазандалару хўрандалар орасида кулгига қолишини ҳам яхши тушунарди.

Бек ўзини қўлга олди. Ахир у боягиндан – арзанда хўрандадан хавотир олаётгандагидан кўра кайфияти анча кўтарилган, кун бўйи тиним билмай захмат чекишлари оқибатида толган қўл-оёғи дам олгандек, руҳи енгиллашгандек, шуури тиниқлашгандек. Бунинг учун у “Сариқ ёқа” олдида ўзини қарздордек ҳис қилаётганди.

Ҳаш-паш дегунча соат 21 у 30дан оша бошлади. Бек ораликда ўтирган хўрандалар боши оша залнинг энг охирида, энг чеккада ойна-девор ёнидаги столда қўлини қоғоз сочиққа артаётган “хўрандаси”дан кўз узмади. Ҳозир туради, келиб бармоғининг учларини чайди, индамай ташқарига йўл олади. Бекнинг юраги хувиллаб қолади. То ишлар тўхтатилиб, ҳаммаёқ йиғиштирилиб уйга йўл олгунича, ижарахонасига етиб боргач, бошини ёстикқа қўйгунича ҳаётнинг маъно-мазмунини кимдир юлқиб олиб қўйгандек туюлади Бекнинг назарида.

Ана, “Сариқ ёқа” ўрнидан кўзғалди, бу ёғига воқеа қай тарзда давом этди, Бекнинг ўзи ҳам англамади. У таом пишириладиган ясси қозон тепасида турган жойидан унга томон отилди. Бориб унинг идишларини йиғиб олишга ошиқди. Бироқ у етиб келгунича хўранда қўлларини чайдию, жойига қайтмай, кўча эшик томон йўналди. Бўшаган идишларни йиғиштириб олаётган Бекнинг кўзи стол чеккасида қолган қора чарм кармончага тушди. Қаради-ю... хўранда кўчага чиққанини кўриб, унинг изидан отилди. Йўлда кетатуриб кармонга қаради, унга зарҳал рангда туши-

рилган “WO Ai NI” деган ёзувни ўқишга улгурди. Ёмби топиб олгандек севиниб кетди. “Исмими билиб олдим!” деб юборди ичида қувонганидан қарийб овоз чиқариб баралла. Ошхонадан етти-саккиз одим узоқлашган хўрандининг изидан етиб олди-да, унга юзма-юз туриб тўхтади. Хурмат бажо келтирди, икки қўллаб кармончани хўрандага узатди ва:

– WO Ai NI!..<sup>1</sup>

Шундай деди у ниҳоятда мулойим товушда. Хаяжоннинг зўридан овози титраб, қалтираб чиқди. Бек нотаниш хўрандининг исмини билиб олдим деган кашфиётидан боши осмонда эди.

“Сарик ёқа” бошини кўтарди, кўзларини янаям қисиб Бекка разм солди, бир зум, ҳа, бир зумгина унинг нигоҳида табассум, йўқ, табассум эмас, табассумга ўхшаган қандайдир миннатдорликни, мамнунликни эслатадиган нимадир йилт этди. Афсуски, у лоақал бир оғиз сўз ҳам демади. Миннатдорлиги ҳам, мамнунлигию тасанноси ҳам ана шу – кўзида милт этган табассумда мужассам эди...

## СОҲИЛДАГИ НАШЪУ НАМО

Куёш ётоғидан бош кўтарди. Унинг заррин толаларидан таркаган ҳарорат ҳали соҳил бўйлаб кета-кетгунча ястаниб ётган оппоқ қумни қиздириб улгурмасидан пляж чўмилиувчилар томонидан бирин-сирин ишғол этила бошланган, пича эртароқ бўлгани учунми, аксари мункиллаган чол-кампираб имирсилаб-сурғалиб келиб соябонли кўналғалар паноҳига жойлашар, йиғма каравотларга узала тушганча баданини тоблаётганлар бор, китоб мутолааси ёки уяли телефон бандилари қанча, норғул йигит-қизлар, болакайлар дуч келган жойга сочиқларини тўшаб-тўшамай, устки кийимларини улоқтирганча қувалаша-қувалаша тиззаларига доғур сувга кириб боришар, сувсепар ўйини авжига чиқар, сувнинг совуқлигидан қийқиришар, диркиллаб-сиркиллаб қалтираганча соҳилга қайтиб, момик сочиқларига ўралишар, қисқа ёз туни ором олган, тонг саҳардан сокин жимирай-жимирай кунни қарши олаётган бепоён уммон эса дастлабки шинавандаларининг эркалик ва шўхликларига монанд мавжланаётган, бу кунда-шунда мижоз-меҳмонларга уммон сувининг пешвоз чиқиши – мезбоннавозлигидай туюларди.

Ёруғ дунёнинг жамики ранг-баранглигию хилма-хиллиги пляж дея аталгувчи чўмилиувчилар гузарига сочилган: ёшлар ранг-баранг, жинслар ранг-баранг, семиз-ориқлар, дароз-паканалару қиёфалар хилма-хиллигини кўяверинг, ирқ-миллат ранг-баранг, тил-забон ранг-баранг... шоду-хуррамлик ранг-баранг! Эркаларники майли-я, аёл-қизларнинг чўмилиш либослари кенг мўллиги-ихчамлиги, ранго-ранглиги, бичимию гуллари-нинг алламбалолиги, э, ҳа-а-а-а, бир бошдан тасвирлайман десанг... илло томошахона эмас бу ер, шу-ундай чўмилиш либослари борки, номи бору ўзи йўқдай, зеро бу гузар-издихомда ярим яланғоч юриш одобдан, бесаноқ издихом кўз ўнгида бир-бировининг пинжиги “шўнғиш” одобдан, бепулдан-бепул томошаларга суқ бўлиб қараш эса ўтакетган беодоблик саналади курраи арзнинг бу томонларида.

Лекин...

<sup>1</sup> Во ай ни – хитой тилида “Мен сени севаман” дегани.

Сувдан чиқиб издиҳом оралаб соҳилга қайтаётган барваста қора танли йигит эътиборни тортмаслиги мумкин эди. Бирдан унинг ортидан югуриб келган хипчагина аёлча олмахондек лип этиб сакрадию қўл-оёқлари билан йигитнинг бўйни ва белига чиппа ёпишиб кучоқлаб олди. Қомати чинордай барваста йигит ҳеч нарса бўлмагандай йўлида давом этди. От калла, елкалари кенг, кифти-яғрини кенг-мўл, елка-қўл-билак мушаклари қайнаб-тошиб чиққан, катта-катта кўзларининг сокқаси бўртиб кўринар, оқ-қораси яққол кўзга ташланар, қуюқ жингала сочи, бўй-басти, қаддини фоз тутиши киройи ҳавас қилса арзигулик эди.

Аёлча қандай чаптастлик билан унга тармашган бўлса, шундай енгиллик билан унинг ёнида пайдо бўлди. Аёлча йигитнинг елкасидан келар, ихчамгина, қадди шамшоддек тик-текис, тим-қора чўмилиш либоси садафдек оппоқ баданига киройи ярашган, сийнабандининг чеккаларидан мусича боласининг тўшидек туртиб чиққан бўлиқ сийналари симобдек оппоқ, бир тутам сочи орқасига йиғиб боғланган, қисик кўзларидан меҳр, шўхлик, эркалик майли уфуриб турарди.

Йигит кечагина харид қилингандай яп-янги соябон ёнида тўхтади, турган жойида кўйлак, пойафзал, ул-бул кийимларнинг бетартиб уюмига бир қур назар ташлади. Афтидан йигит билан аёлча чўмилувчилар гузарига келишгану соябонни тиклар-тиклмас қувалашганича уммон сари югуришган.

Йигит қумга узала тушди. Аёлча соябон паноҳига кирмай, ўзини кўз-кўз қилмоқчидек қуёшга юз тутиб кўлларини боши узра баланд кўтарди. Қуёшнинг шойи ипакдек заррин нурлари аёлнинг оппоқ ва силлиқ баданига бутун меҳри-сеҳрини тўкиб унга янаям кўзни оладиган гўзаллик бахш этган, аёлнинг оппоқ ва шамшоддек тик қадди-қомати – қўл-оёқларининг, елка ва билақларининг, қолаверса, бели, сон ва болдирларининг мутаносиблигини янаям бўрттириб намоён қилар, устига-устак, ҳозиргина сувдан чиққан эмасми, баданини тарк этишни истамаётган сув томчилари офтоб нурларида жилваланиб дур-гавҳар доналари янглиғ кўзни оларди.

Қуёш пича қад ростлади, ҳавода жазирама нафаси сезилди, қум оёқни куйдирмаса-да, ётган одамнинг бадани роҳат қиладиган даражада илий бошлади.

Йигит қовуштирган кўлларини ёстиқ қилганича унга манглайини кўйиб узала тушди. Аёлча унинг ёнгинасида осмонга қараб чалқанча чўзилди. Осмон кўм-кўк, тиниқ, сокинликни унда-мунда чағалайларнинг “чағ-чағ”и бузади, холос. Қиз кўзини юмди. Гузар лаҳза сайин тиғизлашмоқда. Сув хийла илиди чоғи, уммон гурра-гурра чўмилувчиларни бағрига чорлади. Назоратчи вертолёт пастлаб учиб ўтди, ниначининг ўзгинаси.

Аёлча кўзғалди, чордона қуриб ўтирди. Шу ҳолатда иккала билагини жуфтлаб, қумга маҳкам ўрнаштиради-да, бошини билагига кўйди, аввал бир, сўнг иккинчи оёғини авайла-аб тепага кўтарди. Иккала оёғини жуфтлаганича қоматини бир муддат тек тутди. Уммон томондан эсан шабадада қизнинг елкаси, бели ва оппоқ сонига ёпишган қум зарралари дувиллаб тўкилди. Аёлчанинг пахтадай оппоқ ва силлиқ баданида сув зарралари қолмаган, энди унинг бутун баданидан қайтаётган офтоб нури кўзни қамаштира бошлаганди.

Йигит бошини кўтармади.



Аёлча йигитни чўчитиб юбормаслик учун ниҳоятда оҳисталик билан оёқларини туширди, энди чордона қуриб эмас, чўри чамбар ўйнаётган қизалоқлар сингари оёқларини ёйиб, қаддини ғоз тутиб ўтирди. Чуқу-ур нафас олди. Аввал чап, сўнг икки оёғининг ўртаси, сўнг ўнг оёғининг учига қадар энгашиб-қад ростлаш машқини адо этишга киришди. У ҳар бир машқини бажараётди заррача ошиқмас, ғоятда вазминлик билан, улкан синов-имтиҳондан ўтаётгандек бутун вужуди билан ҳаракат қиларди. Қўлининг учини оёғининг учига теккизганича дарҳол аввалги ҳолатига қайтмас, ичида санаяпти чоғи, тўрт-беш лаҳзагача шу ҳолатини сақлар ва шундан кейингина қад ростлар, яна ва яна машқини давом эттирарди.

Куёш қиздира бошлади, соҳил шинавандалари кўпайгандан-кўпайди, халоскор ниначининг дам-бадам шовқин солиб ўтиши билан ҳеч кимнинг иши йўқ, бу ёқда бетини қўлларига қўйиб ётган йигит ҳамон қимир этмасди.

Аёлча икки қўлига таяниб, жуфтланган оёқларини тикка қилди. Худди оёқда ўтириб-туриш машқини бажараётгандек қўлларида “ўтириб-тура” бошлади. Бир, икки, уч, тўрт... саккиз... ўн... Самбит гулидек нозик бадан, нозик қўл, нозик оёқлар самовий мусиқага рақсга тушаётгандек бир маромда ҳаракатланар, одамлар унга эътибор қилмас, осмонда офтобнинг кўзлари катта-катта очилган, бу кўзлар бор куч-қуввати билан нур сочар – бунга сайин аёлчанинг оппоқ биллурий бадани мўъжиза кўрсатишда давом этар, йигит эса бош кўтарай демасди.

Аёлча навбатдаги машққа ўтди. Тик турган ҳолатда гавдасини орқага ташлаб “кўприк” ясади. Тим-қора сийнабанди, аёллик жилвасини паналаган ихчамгина либоси силлиқ баданининг кўркига кўрк қўшиб юборди.

Жонли “кўприк” икки томон таянчи – қўл ва оёқларини ёндамасига силжитиб юра бошлади, икки-уч “одим”да узала тушиб ётган йигит “кўприк” остида қолди. “Кўприк” йигитнинг устидан, унга тегар-тегмас илгарилади, шу чоқ... шу чоқ бирдан сезилди, сезилмади, йўқ, фош бўлди! – аёлчанинг қарийб ўғил болаларникидай калта қирқилган сочининг учлари йигитнинг аввал елкасини, сўнг бели, сўнг қип-қизил чўмилиш кийимини худди қитиқламоқчидек, силаб-сийпалаб ўтди. Ва бирдан гўё холдан тойгандек, гўё қўл ва оёқлари мажолсизлангандек аёлча “кўприк”ни бузди-да, оҳистагина ва авайлабгина йигитнинг белига чўкди. Бор бўйича йигитнинг устига чалқанчасига узала тушди. Қўл-оёқларини чўзиб нафас ростлади, тин олди ва ортиқ ҳаялламай икки қўлига азот таянди, қўлларини букиб-ростлагани, букиб-ростлагани сайин унинг сийнабоғига танғилган бир жуфт қип-қизил боғич йигитнинг кифтига тегиб-тегмай, ҳилпиллаб турди. Аёлча икки қўлида тик тургани ҳолида йигитнинг елкасидан қўлюриш қилишга ўтди: елкаси, кураклари, бели, сони, болдири... қўлюриш йигитнинг тўпиғига етганда тўхтади. Нафас ростлаган аёлча яна икки қўллаб изига қайтди: йигитнинг тўпиғидан болдири, болдиридан сони, думбаси, бели, кураклари, елкаси ва ниҳоят бошига етдию ғоят чаптастлик билан моҳир чавандоздек йигитнинг белига миниб олди, бағрини йигитнинг кифтига берганича иккала қўли билан йигитнинг бошини уқалашга тутинди. Жингала сочлар чангалзор янглиг куюқ, қизнинг нозик ва нимжон бармоқлари алламаҳалгача бу чангалзор оралаб кўздан ғойиб бўлиб кетар, олисдан қараган одамга гўё аёлча нималардир деб тавалло қилмоқдаю йигит унга беҳис-беътибор-бераҳм парвои палакдек эди.



Ниҳоят...


Соҳилбўйи гузари дам олувчилар, чўмилувчиларга тўлди. Этаклари кўкка туташ уммон сатҳида пайдар-пай қувалашиб келаётган тўлқин мавжлари ҳарчанд-ҳарчанд соҳилга чиқишга интилар, мастона-мастона чарх ураётган оқчорлоқлар йигит билан аёлчадан ўрناق олмоқчидек уларнинг тепаларидан узоқлашгиси келмас, тепада ўқтин-ўқтин айланишаётган халоскор игначи ҳам энди бир нуқтадан жилмай туриб қолаётганди.

Ва ниҳоят...

Йигитга жон кирди – у астагина кўзғалиб қад ростлади – басавлат, барваста эди, от калласи, кифти ва билакларида мушаклари тошиб чиққудек бўртиб турарди, оёқлари узун-узун, кўзларининг оқи оқ, қораси қора бўлиб ажралиб кўринар... ҳайҳотдай, янгигина пойафзалини наридан-бери оёғига илди, ёнида турган челакни, каттагина соябонни наридан бери тахлаб қўлтиғига сукди, оппоқ, силлиқ баданига қип-қизил, этаги калта кўйлакчасини кийиб олган аёлчани эргаштирганича соҳилни тарк эта бошлади. Йигитнинг одимлари катта-катта эди, аёлча нозик оёқларини пилдиратиб қадам ташлаб унга етиб олди, йигит узун ва куч-қувват ёғилиб турган қўлида даст кўтариб уни бағрига босди. Икковлон шундоққина соҳил бўйида жойлашган йигирма саккиз қаватли уйга кириб кетишди.

Қуёш роса тиккага келган эди...

*Нью-Йорк – Флорида.*





# DRAMA

## УИЛЬЯМС ТЕННЕССИ

(1911–1983)

### “ОРЗУ” ТРАМВАЙИ<sup>1</sup>

Рус тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси

#### БЕШИНЧИ МАНЗАРА

*Хобгоҳда хурмо япроғи билан елпиниб ва ҳозиргина ёзган хатини қайта ўқиб, Блани ўтирибди. Стелла кийиниб бўлади. Блани хандон отиб кулади.*

СТЕЛЛА. Нимага кулаяпсиз, опажон?

БЛАНШ. Ўзимдан, ўзимнинг устимдан кулаяпман – ёлғонни ҳам қотираман-да! Шепга хат. (*Хатни олади.*) “Азизим Шеп. Мен ёзни парвоз қилиб ўтказаяпман, фақат аҳён-аҳёнда гоҳ уникида, гоҳ буникида кўнаман, холос – бир нафаслик меҳмон! Ким билсин, бирдан миямга Далласга шўнғиш хаёли келиб қолар, бунга сиз нима дейсиз?” Ваҳ-ҳа-ҳа! (*Кўнгироқдай жарангдор ва фусункор қулишини босиш учун кўлини томоғига олиб боради ва Шеп билан гаплашаётгандай*) “Айтишади-ку, кўрқитгин-да, кўлига қурол бер деб”... Қалай, яхши чиқибдими?

СТЕЛЛА. Чикқанда қандок...

БЛАНШ (*давом этади, асабийлашади*). Синглимнинг деярли барча дўстлар ёзда шимолга кетишади, бир хилларининг Қўлтиқ қирғоғида вакиллари бор, ҳозир бу ерда тутун буруқсийди – чойлар, коктейллар, ленчлар...”

*(Тепада дупур-дупур, қий-чув бошланади.)*

СТЕЛЛА (*эшикка яқин келиб*). Афтидан Юнис Стив билан орани очик қиляпти.

*Юниснинг газабли чийиллаши эшитилади.*

ЮНИСНИНГ ОВОЗИ. Анови малласоч билан ораларингдаги гапларни эшитдим!

СТИВНИНГ ОВОЗИ. Ғирт ёлғон!

ЮНИСНИНГ ОВОЗИ. Кимни алдамоқчисан? Тупурдим сенга, йўқол ўша “Тўртта иккилик”ингга, ўша ерда билган номаъкулчилигини қил, аммо сен қачон қарамай, манжалақиларга илакишасан.

СТИВНИНГ ОВОЗИ. Ким кўрибди?

ЮНИСНИНГ ОВОЗИ. Мен! Ўзим кўрдим.. Унинг орқасидан айвонда югуриб кетаётганингни кўрдим... Мен полиция чақираман.

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

СТИВНИНГ ОВОЗИ. Ундан каттасини чақир!..

ЮНИСНИНГ ОВОЗИ. Чақирмасам, отимни бошқа кўяман. Мана, кўрасан!

*Қандайдир алюмин идишининг деворга урилгани, жавобига эркакнинг бўкиргани, мебелнинг ағдарилгани, ниманингдир синган овози келади ва сукунат чўқади.*

БЛАНШ (қувноқ). Хотинини ўлдирдимми?

*Зинада сочлари тўззиган, эгни-боши бир ҳол Юнис пайдо бўлади.*

СТЕЛЛА. Қаёқда, ана у.

ЮНИС. Полиция! Кетдик полицияга! (*Шамолдай елиб, уй муюлишида гойиб бўлади.*)

СТЕЛЛА (*эшик олдидан қайтиб келиб*). Синглингизнинг дугоналаридан баъзилари ёзни шаҳарда ўтказаяпти.

*Иккаласи шодон кулади. Муюлишида яшил-қизил кегли ўйинининг шойи либосида Стэнли кўринади. Зинадан югуриб чиқади ва кириб келади. У пайдо бўлиши билан Блани асабий титрайди.*

СТЭНЛИ. Юнисга нима бўлди?

СТЕЛЛА. Стив билан чиқишолмай қолди. Полиция чақираяптими?

СТЭНЛИ. Йўқ, барда ичиб ўтирибди.

СТЕЛЛА. Тўғри қилади.

СТИВ (*зинадан тушади, манглайидаги гуррани силаб кўяди, эшикдан мўралайди*). Анови сизларникидами?

СТЭНЛИ. Йўқ, йўқ. “Тўртга иккилик”да.

СТИВ. Оббо манжалақи-ей! (*Ҳадик билан муюлишига қараб кўяди ва билганингни қил, сендан кўрқадиган аҳмоқ йўқ дегандай хотини орқасидан чопади.*)

БЛАНШ. Йўқ, буни ёзиш керак! Ваҳ-ҳа-ҳа! Мен дафтар тутаяпман, сизларникида айтиладиган энг ширали сўзларни махсус тўплайпман.

СТЭНЛИ. Бундан биронта янги нарса топишингизга кўзим етмайди.

БЛАНШ. Кафолат бера оласизми?

СТЭНЛИ. Беш юз фоизга.

БЛАНШ. О, бу жиддий гап. (*Стэнли кийим жавони галадонини шарақлатиб тортади ва қайта шарақлатиб суриб кўяди, ботинкаларини бурчакка итқитади. Ҳар бир товушдан сесканиб-сесканиб тушади. Охири чидолмайди*). Мучалингиз қанақа?

СТЭНЛИ. (*кийинаётиб*). Буржлардами?

БЛАНШ. Ҳа-да. Ўлай агар, қўй йилида туғилгансиз. Қўй мучаллилар кучли ва шиддаткор бўлишади. Уларга ем берманг, тўполок қилгани кўйиб беринг. Йўлида учраган нарсанинг абжағини чиқаришни яхши кўришади. Армияда, тўғри, хоҳлаганча тўқликка-шўхлик қилгансизлар, захирага ўтгач, энди жонсиз буюмлардан аламингизни оласиз!

СТЕЛЛА (*мана шу барча томошалар асносида кийим ишкафига шўнгиб, бошини кўтаради*). Стэнли рожденстводан роса беш дақиқа кейин туғилган.

БЛАНШ. Capri corn – Така шоҳи!

СТЭНЛИ. Ўзингиз-чи?

БЛАНШ. Менинг туғилган куним бир ой кейин экан, ўн бешинчи сентябрь – демак, Virgo бўлиши керак.

СТЭНЛИ. Virgo деганингиз нима?

БЛАНШ. Бокира қиз.

СТЭНЛИ (*нафратомуз*). Ҳ-ха! (*Галстугини тақар экан, унга тирғалади.*) Айтинг-чи, Шоу исми шарифли биронта одамни танитай-сизми?

БЛАНШ (*унинг юзи уча бошлайди. Атирга қўл чўзади, шошмасдан рўмолчасини ҳўллайди. Сергакланади.*) Ҳа энди... Шоу исми шарифли эр-каклардан кўпи бор эканми?

СТЭНЛИ. Ҳа, аммо мана шу Шоу исми шарифли кимдир Лорелда сизни билишидан мактаниб юрарди... Дарвоқе, у ниманидир чалкаштирган ва сизни бошқа аёл деб ўйлаган, чунки ўша хонимча билан у “Фламинго”да танишган экан.

БЛАНШ (*кулади, аммо унга ҳаво етишмайди. Чаккаларига рўмолча босади.*) У мени “ўша хонимча” билан ростдан чалкаштирамасайди деб кўрқаман – “Фламинго” отели мен кўринадиган жойлардан эмас-да!

СТЭНЛИ. Аммо у жойни сиз жуда яхши биласиз...

БЛАНШ. Ҳа, ташқи томондан, ҳидидан.

СТЭНЛИ. Яқин жой бўлса керак-да, ўтган-кетганингизда хиди димоғингизга уради.

БЛАНШ. Арзон атирни узокдан сезгандим.

СТЭНЛИ. Сиздаги-чи. Қимматми?

БЛАНШ. Унцияси йигирма беш доллар. Қўлма-қўл бўлиб кетган. Бировга туғилган кунига деб совға қилмоқчи бўлсангиз, айна муддао. (*Кувноқ гапиреди, аммо овозида ҳадик сезилади.*)

СТЭНЛИ. Ҳа, Шоу чалкаштирган бўлса керак. Лекин у Лорелда ҳар доим бўлади, шунинг учун текшириш ва хатони тўғрилаш оппа-осон (*Бурилади-да, портьер олдига боради.*)

*Ҳудди ҳушдан кетаёзгандек Бланининг мадори қуриб, кўзларини юмади. Рўмолчани яна манглайига босади, қўллари қалтирайди. Уй муюлишида Стив ва Юнис пайдо бўлади. Стив уни елкасидан қучади, хотини пиқ-пиқ қилади, Стив қандайдир шиқий кўшиқни зўнгиллаб хиргойи қилади. Маҳкам қучоқлашиб, зинадан кўтарилишади. Олисдан момақалди роқнинг биринчи гумбури эшитилади. Стеллага) “Тўртта иккилик”да кутаман.*

СТЕЛЛА. Ия! Ўпишга арзима қолдимми?

СТЭНЛИ. Опангнинг олдида уят бўлади! (*Кетади.*)

БЛАНШ (*курсидан туради, оёқда базўр туради. Атрофга олазarak қарайди*). Стелла, мен ҳақимда нималарни эшитдинг?

СТЕЛЛА. А?

БЛАНШ. Менинг устимдан қанақа ғийбатлар қилишди?

СТЕЛЛА. Ғийбат қилишди?

БЛАНШ. Мен ҳақимда ҳеч нарса эшитмадинг... ҳеч қанақа ғийбат-пийбат бўлгани йўқ, шундайми?

СТЕЛЛА. Ҳе йўқ, опагон, нега ундай дейсиз?

БЛАНШ. Азизам, Лорелда ҳар хил гап-сўзлар юрганмиш.

СТЕЛЛА. Сиз тўғрингиздами, опа?

БЛАНШ. Менга шу икки йил давомида мени дориломон яшади, деб бўлмасди... “Орзу” қўлдан чиққан пайтдан буён.

СТЕЛЛА. Э, кимнинг бошига нималар тушмайди.

БЛАНШ. Менга ҳеч қаттиқ туришмаган, айтарли ўз ҳолимга ҳам қўйишмаган. Кучсизлар эса кучлиларнинг кўмагига муҳтож бўлади.

СТЕЛЛА. Уларнинг иши – ўзига тортиш, жалб қилиш ва уларга қапа-лакнинг қанотидаги чангдай нафис ранглар керак, у маҳлиё этиши керак, агар маҳлиё этадиган бошқа ҳеч нарса бўлмаса... бир тунлик бошпанага. Менинг ўзим ҳам кейинги вақтларда жуда ноинсоф бўлиб кетгандим-да. Мен бошпана қидирардим, Стелла. Гоҳ сир сақлаш қўлидан келмайдиган бир том остида гоҳ – бошқаси остида... Бўрон қутурадди, қачон карама, бузуқ об-ҳаво, бу қуюн ичида чир айланар эдим. Ҳеч ким буни ҳисобга олмасдиям... Эркакларми?.. Мени севиб қолгунларича уларнинг ҳеч балодан хабарлари бўлмаса, ким сенга қарайман деб турибди. Заифларнинг қисмати шу – милт-милт қилиш ва йилтиллаш... Кейин қоғоз фонуси, электр лампочкасига қалпоқ қиласан. Мен кўрқиб кетаяпман, қаттиқ кўрқаяпман! Нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Бу саргардонликлар билан мен қанчага ҳам борардим... Энди биргина ночорлик билан тирикчилик қилиб бўлмайди: ночорлик ҳам ўз йўлига, гўзаллик ҳам ўз йўлига. Мен энди у эмасман. *(Қош қорая бошлайди. Стелла хобгоҳга чиқади, қоғоз қалпоқ тагидаги лампани ёқади. Унинг қўлида бир шиша салқин ичимлик.)* Сен тингламадингми?

СТЕЛЛА. Эшитаман бу ғиди-бидиларни.

*(Бланининг олдига боради.)*

БЛАНШ *(бирдан қувнаб кетади)*. Лимонад менгами?

СТЕЛЛА. Кимга бўларди яна!

БЛАНШ. Қандай ажойибсан! Оддий лимонадми?

СТЕЛЛА *(ҳозиржавоблик билан)*. Сизга қолса виски кўшилса зўр бўларди, а?

БЛАНШ. Ҳа, азизам, виски зарар қилмасди. Бу ёққа ол, ўзим. Энди менга чўрилик қилишинг қолувди.

СТЕЛЛА. Менга эса ёқади. Худди уйдагидай. *(Ўчоқбошига боради, стакан олади ва виски қуяди.)*

БЛАНШ. Ўлай агар, менга хизмат қилишса, жоним киради... *(Бирдан ирғиб туради-да, хобгоҳга, сингисининг олдига чопади. Қўлида стакан билан Стелла юриб келади. Блани Стелланинг бўш қўлидан ушлайди, энтикиб лабларини босади. Стелла ҳайрон. Ҳаяжонланиб)* Сен.... сен мени еру кўкка ишонмайсан! Мен бўлсам...

СТЕЛЛА. Опажон!

БЛАНШ. Бўпти, бўпти, бас қиламан. Бу кўнгилчанлигим сенга ёқмаслигини биламан, биламан. Аммо ишонгинки, мен сендан жуда миннатдорман, ўзим ўйлагандан ҳам ортиқ даражада миннатдорман. Мен сизларникида узоқ қолмайман. Ҳа, узоқ қолмайман, чин сўзим.

СТЕЛЛА. Опажон!

БЛАНШ *(жазавага тушиб)*. Қолмайман, ваъда бераман, кетаман мен! Тезда кетаман! Ўзинг кўрасан, кетаман. Бўйниларингга осилиб олмайман. Эринг ҳайдаб солишини кутиб ўтирмайман!

СТЕЛЛА. Қўйсангиз-чи, бу бемаъни гапларни!

БЛАНШ. Яхши, жоним... Қара қуйишингни. Чеккасидан кўпиги тошиб кетаяпти! *(Узуқ-юлуқ кулади ва стаканни қўлига олади, аммо қўли шундай қалтирайдикки, стаканни тушириб юборай дейди. Стелла тўлдириб қуяди, идиш четидан тошиб, лимонаднинг пичаси ерга тўкилади. Блани вой деб юборади.)*

СТЕЛЛА *(опасининг қичқиригидан кўрқиб кетади)*. Э Худойим-е!



БЛАНШ. Тўғри байрамлик кийимингга тўқдим-а!

СТЕЛЛА. Рўмолча билан артинг! Меникига. Яхшилаб артинг.

БЛАНШ (*аста ўзига келади*). Ҳа-ҳа... Яхшилаб... яхшилаб.

СТЕЛЛА. Доғ бўлиб қолдимми?

БЛАНШ. Ҳеч нарса қолмади. Ваҳ-ҳаҳ-ҳа! Шунинг ҳам уддасидан чиқолмадим-а, шундайми? (*Ўтиради, ичади, иккала қўли билан стаканни ушлаганча босиқ кулади.*)

СТЕЛЛА. Нега қичкириб юбордингиз?

БЛАНШ. Ўзим билмайман. (*Асабий*). Митч... Ҳа, у еттида келади. Билмадим, бизлардан бир иш чиқармикан. (*Тез, чалкаш-чулкаш қилиб*) У ҳозирча ҳеч нарсага эришгани йўқ: хайрли тун тилаб бир ўпди, холос, бор-йўғи шу, Стелла. У мени ҳурмат қилишини хоҳламайман. Эркаклар эса текин қўлга кирадиган нарсага тоқат қилолмайди. Аммо эркакларнинг иштиёқи ҳам узокқа бормайди. Айниқса, аёлнинг ёши ўтгиздан ошган бўлса. Улар ўтгиздан ошган аёлни, қўпол қилиб айтганда, ўтинга чиқаришади. Лекин мен ўтинга айланганимча йўқ ҳали. Албатта, у ҳали – ўзим айтиб ўтирмайман! – нечага кирганимни билмайди-ку.

СТЕЛЛА. Сизнинг ёшингиз билан унинг нима иши бор?

БЛАНШ. Чунки, менинг аёлларча такаббурлигимни аямай савалаганлар. У мени бокиралик ва баёвлик рамзи деб ўйласин, тушундингми? (*Кулади*). У то менга етишмагунча уни алдамоқчиман...

СТЕЛЛА. У-чи, у сизга керакми, опа?

БЛАНШ. Менга – оч қорним, тинч қулоғим. Эркин нафас олай – мана шу керак менга! Ҳа, Митч менга керак... Мана бундай керак. Тасаввур қиласанми? Агар ниятига етолса! Мен сизларникидан кета оламан, бошқа ҳеч кимга юк бўлмайман...

СТЭНЛИ (*бурчакдан чиқиб келади, камарига шиша тиқиб олган. қичқиради*). Ҳой, Стив! Юнис! Ҳой, Стелла!

*Тепадан қувноқ говур келади. Муюлишида труба ва зарбли чолғу чалинади.*

СТЕЛЛА (*опасини ўпиб, астойдил*). Ниятига етади!

БЛАНШ (*ишонқирамай*). Етармикан?

СТЕЛЛА. Етади. (*ўчоқбошига боради, опасига разм солиб қарайди*). Ниятига етади, жоним, етади. Фақат бошқа ичманг. (*унинг овози тинади, у равоқда, эри билан*).

*Қўлида стакан билан Блани курсига ҳорғин чўқади. Юнис нимадир деб қичқирган ва қулганча зинадан пастга учиб тушади. Стив такадай маъраганча изидан лўкиллаб келади-да, унга бурчакда етиб олади. Бир-бирининг қўлидан ушлаганча Стэнли ва Стелла уларнинг ортидан келишади. Шом қуюқлашади. “Тўртта иккилик”дан паст овозда ингроқ куй қулоққа чалинади.*

БЛАНШ. Эй, Худойим, Худойим... Худойим, ўзинг бандам де... (*Кўзлари юмуқ, бир қўлидаги хурмо япрогини тушириб юборади. Қўли билан ўриндиқ суянчигига уради-да, ўрnidан туради. Қўл кўзгунни олади*).

*Уй узра чақмоқ чақади.*

*Чайқала-чайқала ва ҳирс билан ҳиринглаганча бурчак ортидан сархуш негр қиз чиқиб келади: “Тўртта иккилик”дан ҳозиргина чиқиб келгандек,*

қарши томондан эса унга бир йигит дуч келади. Негр қиз унинг нақ бурни олдида бармоқларини қирсиллатиб қўяди.

НЕГР ҚИЗ. Ҳой, жонон йигит! (Тутилганча қандайдир сўзни алжсийди. Йигитча қатъий равишда бошини чайқаб қўяди-да, зинадан чопиб чиқади. Қўнғироқ. Бланиш кўзгуни бир четга қўяди. Негр қиз йўлида давом этади.)

БЛАНШ. Ҳа-ҳа! (Йигит портъернинг ортидан кўринади.) Ҳа-ҳа, марҳамат. Нима хизмат?

ЙИГИТ. Мен обуна тўплайман. “Оқшом юлдузи”га.

БЛАНШ. Юлдузларга обуна бўлишни билмаган эканман.

ЙИГИТ. Бу рўзнома.

БЛАНШ. Ҳа, тушундим. Ҳазиллашгандим. Дарвоқе, унча яхши чиқмади. Ичасизми?

ЙИГИТ. Йўқ, хоним. Йўқ, ташаккур. Мен ишдаман.

БЛАНШ. Хў-ўш... Нима қилсак экан? Ёнимда сариқ чақам ҳам йўқ. Бунинг устига мен бегона одамман. Бечора қариндошим – бунақалар тўғрисида эшитгандирсиз, албатга.

ЙИГИТ. Яхши. Бошқа вақт келарман. (кетмоқчи бўлади.)

БЛАНШ (яқин боради). Шошманг-чи! (Йигит саросимада тўхтабди. Бланиш узун мундштукка сигарета жойлайди.) Тутаттириб олсам майлими? (Йигит томон йўналади. Икки хона ўртасидаги эшикда тўқнаш келишади.)

ЙИГИТ. Бўлмаса-чи. (Чақмоқтош олади.) Баъзан ёнмай қолади.

БЛАНШ. Инжиқми? (Олов ёнади.) Ҳа! Раҳмат.

ЙИГИТ. Йўқ, сизга раҳмат. (Яна кетмоқчи бўлади.)

БЛАНШ. Тўхтанг! (Йигит яна тўхтабди, энди бутунлай ўзини йўқотган). Соат неча бўлди?

ЙИГИТ. Олтию чорак.

БЛАНШ. Аллақачон-а?... Янги Орлеандаги бу сўнгсиз ёмғирли кечалар сизга ёқадими? Соат бир бўлса, қарабсизки, бир эмас, абадиятнинг бир бўлаги эса қўлингизга келиб тушади ва уни нима қилишингни билмайсан, киши.

ЙИГИТ. Ҳа, хоним.

Бошланган сукунат ичида блюз янграй бошлайди. Шу саҳна охирига-ча тинмайди. Йигит йўталиб қўяди ва нима қилишини билмай эшикка қарайди.

БЛАНШ. Жалада қолмадингизми?

ЙИГИТ. Йўқ, хоним. Мен бир хонага кириб олдим.

БЛАНШ. Дорихонагами? Содали ичимликдан ичиб олдингизми?

ЙИГИТ. Ҳа....

БЛАНШ. Шоколад биланми?

ЙИГИТ. Йўқ, хоним Шерри билан.

БЛАНШ (қулиб). Оббо сиз-ей, шерри денг.

ЙИГИТ. Содали шерри.

БЛАНШ. Оғзимнинг сувини келтириб юбордингиз.

ЙИГИТ. Бўпти, мен борай бўлмаса...

БЛАНШ (уни тўхтатиб). Шошманг, йигитча! Жуда ҳам ёш экансиз! Сизга “Минг бир кеча”даги йигитга ўхшайсиз деб айтишмаганми сира?

ЙИГИТ. Йўқ, хоним. (Хижолатли қулади ва ҳадиксираб туриб қолади).

БЛАНШ (эркалаб). Ҳа, ўхшайсиз, кўзичоғим. Бу ёкка келинг! Чақиргандан кейин келади-да. Мен сизни ўпмоқчиман – бор-йўғи бир марта қаттиқ ўпмоқчиман. (Розилик олмасдан йигитнинг олдига тезгина боради ва лабларини унинг лабларига босади). Энди қорангни ўчир. Қани тезроқ! Кўлимга олиб эркаласам ҳам бўларди-ку, аммо инсоф – сари ба-рака, майли, болаларни тинч кўяйлик.

(Йигитча кўзларини катта-катта очиб, аёлга қараб қолади. Аёл унга эшикни очади, йигитча бутунлай гангиб зинадан тушиб кетар экан, Блани унга ҳавойи бўса йўллайди. Йигитча кўздан ғойиб бўлгунча эшик ёнида ўйчан туриб қолади. Муюлишидан гул кўтарган Митч кўринади. Қувноқ) Уни қаранглар, қадам ранжида қилибдилар... Гуллар кўтарган соҳибқироним-ей! Аввал таъзим бажо этсинлар менга.... Ана энди гулни тақдим айласинлар. (Митч аёл нима деса, барчасини бекаму кўст адо этади. Чуқур эҳтиром ила чўк тушади). Оҳ! Мерси-ииии!

(Ишва билан гулни лабларига олиб боради ва кўзини кўтариб йигитга қарайди. Митчнинг чехраси ял-ял ёнади, аёлга лолу ҳайрон бўлиб қараб қолади.)

## ОЛТИНЧИ МАНЗАРА

Тун ярмидан оққан, соат иккилар... Кўча, уйнинг ёруғ тушган дево-ри кўриниб турибди. Блани ва Митч пайдо бўлади. Бланининг овози ва ҳаракатлари фақат асаби қаттиқ толиққанларгина тушуна оладиган ўта беҳоллик ҳолатини намоён этиб туради. Митч қўлида Мэй Уэст-нинг ганч ҳайкалчасини оёғини осмондан қилиб ушлаб олганидан шундай хулоса чиқариши мумкин эдики, бу тир ва лотореялардаги оддий соврин – улар ҳозир шунчаки Пони Артрэн Лейкдаги кўлбўйи Лунапаркидан қайтишмоқда.

БЛАНШ (мадорсиз, равоқ олдига тўхтайди). Мана, келдик... (Митч ўнгайсиз кулади.) Мана, келдик...

МИТЧ. Ҳа, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди – чарчадик.

БЛАНШ. Ҳатто иссиқ тамалфуруш<sup>1</sup> ҳам кўринмайди, кечасию кундузи ҳайдасанг ҳам кетмасди. (Митч яна ўнгайсиз кулади.) Уйга қандай етиб оласиз?

МИТЧ. Бўронгача яёв, у ёғига такси-да.

БЛАНШ (ҳиссиз жилмайиб). Анови “Орзу” трамвайи-чи, олиб бориб кўймайдими?

МИТЧ (гамгин). Сизни қаттиқ зериктириб кўймадимми деб кўрқаяпман, Блани.

БЛАНШ. Оқшомингизни ҳам ҳаром қилдим...

МИТЧ. Йўқ, нега ундай дейсиз? Лекин мен сезиб турдим, ҳеч нарса-нинг урдасидан чиқолмадим, кувнаб-яйратолмадим. Кўнглингизни олол-мадим.

БЛАНШ. Айб менда – кайфиятим мақтарли даражада эмасди. Ҳамма гап шунда. Хушчақчақ ўтиришга ҳарчанд ҳаракат қилдим – аммо ҳеч қачон ҳаракатларим бунчалик пучга чикмаганди. Бўлмаса-ку астойдил урингандим-а.

<sup>1</sup> Тамаль – гўшт ва қалампирли мексика зоғораси.

МИТЧ. Ўзингизни зўрлаб хурсанд қилишингизга ҳожат йўқ эди-ку, Бланш?

БЛАНШ. Шунақаси керак – табиат қонун.

МИТЧ. Қанақа қонун?

БЛАНШ. Аёл ё эркакнинг кўнглини олсин, ёки ўйиндан чиқиб кетсин, деган қонун. Сумкамни қаранг-чи, калит бормикан. Бунақа чарчоқдан кейин бармоқларинг ҳам ўзингга бўйсунмайди.

МИТЧ. Мана буми?

БЛАНШ. Йўқ, азизим, бу сандиғимнинг калити, уни ҳали йиғиштириш ҳам керак.

МИТЧ. Бу билан кетаман демоқчимисиз?

БЛАНШ. Сафарим қариди. Етар.

МИТЧ. Мана буми?

Мусиқа тинади.

БЛАНШ. Ҳа, топдингиз?... Жоним, эшикни ўзингиз оча қолинг, мен эса осмонга тўйиб қараб олай. (*Панжарага суюнади. Митч эшикни очади ва нима қилишини билмай туриб қолади.*) Мен Хулкарни кидираяпман, аммо бу парилар бугун кўринмаяпти. Э, йўқ, хув ана! Худо ўзи ярлақасин! Барча дугоналар бир бўлиб, зиёфатдан қайтишяпти.. Эшик очилдими? Қандай ақлсиз. Назаримда, уйга кетмоқчи бўлиб тургандингиз-а?

МИТЧ (*бир жойда туриб, ноқулай аҳволда депсинади ва йўталиб кўяди*). Сизни ўпсам майлими... кетар жафосига?

БЛАНШ. Нега ҳар гал сўрайверасиз?

МИТЧ. Хоҳлайсизми, йўқми деб истихоло қиламан-да.

БЛАНШ. Бунча сустсиз, ҳеч тушунолмаман.

МИТЧ. Кўл бўйида сайр қилиб юрганимизда ўпдим-ку...

БЛАНШ. Жоним, гап ўпишда эмас. Ўпишдикми – олам гулистон. Бу ерда бошқа гап бор: сертакаллуфлик – мана шу нарсанинг кераги йўқ. Ўпиш эса заррача малоллик келтирмайди. Мени ўпишга журъат қилганингиздан ҳатто бироз кўнглим кўтарилди. Аммо, жоним, сиз мендан кўра яхшироқ биласиз-ку: ёруғ дунёда ҳеч кими йўқ ёлғиз аёлга нисбатан хирс кўзи билан қараманг – увол кетади.

МИТЧ. Увол кетади?

БЛАНШ. Ҳа. Сиз эса, эҳтимол, увол кетиш заррача парвойига келмайдиган одамлар билан муомала қилишга ўрганиб қолгансиз, шундайми? Бундайлар биринчи учрашувдаёқ ҳаммасига тап-тайёр, шундоқми?

МИТЧ. Сиз аслида қандай бўлсангиз, шундоқ бошқача бўлиб қолишингизни зинҳор истамасдим. Сизга ўхшаган аёлни ҳеч қачон ва ҳеч қаерда учратмаганман. (*Блани унга жиддий қарайди, бироқ кейин ўзини тутиб туролмайди-да, хандон отиб кулади ва оғзини қўли билан ёпади.*) Мендан куляпсизми?

БЛАНШ. Йўқ, жоним, йўқ... Уй эгалари ҳали қайтишмайди. Кетар жафосига ичайлик. Чирокни ёқмаймиз, майлими?

МИТЧ. Сиз нима десангиз, шу.

*Блани уйга киради. Митч унга эргашади. Ташиқи девор умуман йўқ, гираширада Ковальскийлар хонадонининг ичкараси кўзга ташлана бошлайди.*

БЛАНШ (*ўчоқбошида қолиб кетиб*). Хобгоҳ шинамроқ, ўша ёққа ўтинг. Нимадир тушдими... Ўлгудай кўполман-да. Мусалласим бор эди, коронғида сира тополмаяпман.

МИТЧ. Шунчалик ичгингиз келаяптими?

БЛАНШ. Сизни ичсин демоқчийдим! Бутун окшом давомида сира чиройингиз очилмади, ғамгин эдингиз, мен ҳам сиздан қолишмасдим – ик-каламингиз ҳам чиройимиз очилмайди. Маъюс эдик, келинг, мана шу бирга турган ҳисобли дамларимиз бор бўлсин.... *joie de vivre!*<sup>1</sup> Мен шамни ёқай.

МИТЧ. Яхши.

БЛАНШ. Худонинг чинакам кули бўлайлик. Тасаввур қилинг, мўъжазгина шинам қовоқхонада ўтирибмиз, Парижда, Сўл кирғоқдами-ей. (*Шам плигини ёндириб, ўзини ишига оғзига суқиб қўяди*). *Je suis la Dame aux Camelias! Vous etes... Armand!*<sup>2</sup> Французчани тушунасизми?

МИТЧ (*маъюс*). Йўқ, мен..

БЛАНШ. *Vouler – vous crucher avec moi ce soir? Vous ne comprenez pas? Ah, guil downage!*<sup>3</sup> Менимча, жуда зўр бўлар эди-да. А, топдим! Роса икковимизга лойиқ қолибди.

МИТЧ (*ортиқча қизиқишсиз*). Яхши.

БЛАНШ (*стакан ва шам билан хобгоҳга киради*). Ўтиринг. Пиджакингизни ечсангиз-чи, ёқангиз тугмасини ҳам ечинг.

МИТЧ. Менга шуниси яхши.

БЛАНШ. Йўқ, йўқ. Бемалол ёзилиб ўтиринг дейман.

МИТЧ. Ноқулай-да, қаттиқ терлаб кетганман. Кўйлагим чиппа ёпишиб қолган.

БЛАНШ. Терлаш фойдали. Агар терламасанг, беш дақиқа ҳам яшолмайсан. (*Унинг пиджагини ечади*). Яхши пиджак. Қанақа матодан тикилган экан?

МИТЧ. Альпака деган.

БЛАНШ. Э-ҳа, шунақами. Альпака!

МИТЧ. Оддийроқ навидан.

БЛАНШ. Уни қаранг-а, оддийроқ навидан...

МИТЧ. Каноп пиджакларини ёқтирмайман – тер ўтиб кетади.

БЛАНШ. Э-ҳа...

МИТЧ. Кейин улар менга мос эмас. Қад-қомати келишган эркак ўзига яраша кийиниши керак, бўлмаса рўдаподан фарқинг қолмайди.

БЛАНШ. Сиз шунақа полвонмисиз?

МИТЧ. Унақа кўринмайманми?

БЛАНШ. Ҳа энди, сизни жудаям ихчам деб бўлмайди-ю, бироқ... басавлат қоматингиз, салобатингиз...

МИТЧ. Ташаккур. Рождествода мени Енжорлеан атлетика клубига қабул қилишди.

БЛАНШ. Қойил!

МИТЧ. Менга бундан ортиқ совға бўларканми. Тошлар кўтараман, сузаман ва доим шай тураман. Энди бошлаган вақтимда қорним осилиб ётарди, энди қаранг – тошдай! Қорнимдан ўнта одам чиқиб босса ҳам парво қилмайман. Мана, уриб кўринг. Кўркмай ураверинг! (*Аёл бармоғи билан унинг қорнига аста туртиб қўяди.*) Хўш?

БЛАНШ. Ё товба! (*Кўли билан унинг кўкрагига туртади.*)

МИТЧ. Мен неча кило келаман, топинг-чи, Бланш?

<sup>1</sup> Ҳаёт қувончи (*фр.*)

<sup>2</sup> Мен гул тутган хонимман! Сиз эса... Арманд! (*фр.*)

<sup>3</sup> Бугун мен билан ётмайсизми? Тушунмайсизми? Афсус! (*фр.*)



БЛАНШ. Бундоқ қараганда – хўш... бир юз саксон кило.

МИТЧ. Яна бир уриб кўринг... қани?

БЛАНШ. Секинроқми?

МИТЧ. Йўғ-е, қаттиқроқ!

БЛАНШ. Сизнинг бу гавдангизга филдай одам ҳам бас келмайди.

МИТЧ. Вазним икки юз етти фунт, бўйим олти фут, бир ярим дюйм. Оёқ яланг, пойафзалсиз. Вазним – кийимсиз, онадан туққандай қип-яланғоч ҳолимда.

БЛАНШ. Ё қудратингдан! Эшитиб қулоқларимга ишонмайман...

МИТЧ (*хижолат тортади*). Ҳа, вазним, албатта, гапиришга ҳам арзимайдиган нарса. (*Журъатини тўплаб*). Сизнинг оғирлигингиз қанақа?

БЛАНШ. Меникими?

МИТЧ. Ҳа.

БЛАНШ. Топинг-чи.

МИТЧ. Кўтариб кўрсам майлими?

БЛАНШ. Қалай бўларкин? Ҳа, майли, кўтарсангиз кўтара қолинг. (*Йигит аёлнинг орқасидан келиб, белидан ушлайди ва ҳавога енгил кўтаради.*) Хўш?

МИТЧ. Пардай енгилсиз.

БЛАНШ. Ваҳ-ха-ха! (*Йигит аёлни ерга қўяди ва белидан қўйвормай ушлаб туради. Блани ясама тортинчоқлик билан*). Ортиқ ушлаб туриш шарт эмас.

МИТЧ. Нима?

БЛАНШ (*қувноқ*). Қўлин-гиз-ни о-линг де-дим, сэр. (*Митч уни келиш-майгина қучоқлайди. Аёлнинг овози енгилгина янграйди.*) Йўқ, Митч. Биз ёлғизмиз, сиз одоб доирасидан чиқиб кетмаслигингиз керак.

МИТЧ. Ҳаддимдан ошсам, тарсаки туширинг.

БЛАНШ. Зарурат туғилмаса керак. Сиз чинакам йигитсиз, бунақалар мингтадан битта бўлса ҳам катта гап. Тағин буни қариқиз муаллиманинг нозига йўйиб юрманг. Мен шунчаки...

МИТЧ. Нима?

БЛАНШ. Шунчаки, фараз қилингики, мен эскича расм-русумларга маҳкам ёпишиб олганман, фақат шунинг учун. (*Эркакка кўринмаса ҳам у кўзларини маккорона ўйнатади. Митч хомуш эшикка йўл олади. Жимлик чўзилади. Блани хўрсинади. Митч тортиниб йўталиб қўяди. Паузадан сўнг*). Стэнли билан Стелла қаёқда қолдийкин?

БЛАНШ. Мистер ва миссис Хаббел билан айлангани кетишти.

МИТЧ. Қаёққа?

БЛАНШ. Кинога бўлса керак, охирги сеансга.

МИТЧ. Ҳаммамиз биргаликда бир бало қилиб кўчиб кетсак бўларди.

БЛАНШ. Йўқ. Охири хайрли бўлмасди

МИТЧ. Нимага хайрли бўлмас экан?

БЛАНШ. Стэнли билан кўпдан бери дўстмисизлар?

МИТЧ. Полкдошмиз, икки юз қирқ биринчидан.

БЛАНШ. У сиз билан очиқчасига гаплашса керак?

МИТЧ. Бўлмаса-чи.

БЛАНШ. Мен тўғримда сизга ҳеч нима демаганми?

МИТЧ. Деярли ҳеч нима.

БЛАНШ. Вазминлигингиздан билса бўладики, барибир нимадир деган.

МИТЧ. Айтган бўлса ҳам жўялироқ ҳеч нима айтмаган.

БЛАНШ. Хўш, нима деди? Қанақа оҳангда айтган эди?

МИТЧ. Нима қилди, нега бундай сўраяпсиз?

БЛАНШ. Шу...

МИТЧ. Нима, у билан тескари бўлиб қолдиларингми?

БЛАНШ. Нима демоқчисиз?

МИТЧ. Назаримда ораларинг яхши эмасга ўхшайди, шу фақат.

БЛАНШ. Секин гапирасизми! Агар Стелла иккиқат бўлмаганида, мен уларникида бир кун ҳам турмас эдим.

МИТЧ. Нима, эри ёмон муомала қиляптими?

БЛАНШ. У ҳаддан ташқари кўпол. Мени қанчалар ерга уриб ташлашларини айтмай қўяқолай.

МИТЧ. Яъни, нимага?

БЛАНШ. Шунга-да.

МИТЧ. Ҳеч ишонгинг келмайди.

БЛАНШ. Ишонгингиз келмайдими?

МИТЧ. Сизга кўполлик қилиш ақлга сиғмайдиган гап-ку! Йўқ, ҳеч тасаввур қилолмайман.

БЛАНШ. Аҳвол ростданам чаток. Йўқ, сиз тушунмайсиз... Бу ерда мен ғирт ортиқчаман. Тунда у хона билан бу хона ўртасида битта портьер бор, холос. У эса хонадан фақат ич кийимда ўтиб кетаверади. Ҳар гал ванна-хонага кирганида эшикни қия очик қолдирганига ўлайми. Одам деганда оз-моз уят деган нарса бўлиши керак-ку... Балки мени бу ерда тагин нима ушлаб турганини тушунмасангиз ҳам керак. Бўпти, очиғини айтиб қўя қолай. Ахир ўқитувчининг маоши қўл учида кун кўришга базўр етади. Йил давомида бир сарик чақа ҳам ғамлаб қўёлмадим, ёзда бу ерга келишга мажбур бўлдим. Куёвимнинг миннатини кўтаришга. У бўлса аяб ўтирмайди, холбуки унинг кўзига қадалган чўп эканимни кошки билмасам. У, хойнаҳой, мени итдай ёмон кўришини сизга айтмай қолмагандир.

МИТЧ. Хўш, ёмон кўради ҳам дейлик...

БЛАНШ. Ёмон кўради! Кўрса кўриб ўлмайдими, нега мени бунчалар ерга уради? Биринчи марта кўрганимдаёқ сезгандим ўзим ҳам – жонимнинг заволи шу одам бўлади деб. Бу одам, агар ўзига қўйиб берса, мени қийма-қийма қилиб ташласа... Ҳа, ҳа, шунақа... мени шунчалик ёмон кўрадики, нима десам экан, агар у... ўзига қолса, мени бир пулга чиқариб... хайвондек... Йўқ, йўқ! Бу ёғини ўйласам... *(Бу фикрини қўли билан силтаб ўзидан ҳайдайди. Вискини охиригача сипқоради Жимлик.)*

МИТЧ. Бланш...

БЛАНШ. Ҳа, жоним.

МИТЧ. Сизга бир савол берсам майлими?

БЛАНШ. Ҳа. Қанақа савол экан?

МИТЧ. Ёшингиз нечада?

БЛАНШ *(ташвишланиб)*. Нега керак эди?

МИТЧ. Сиз тўғрингизда онамга гапирган эдим, у мендан “Бланшнинг ёши нечада?” деб сўради. Мен нима дейишимни билмадим.

*Яна пауза.*

БЛАНШ. Мен тўғримда?.. Онангизга?

МИТЧ. Ҳа.

БЛАНШ. Нима сабабдан?

МИТЧ. Мен сизни мақтаб, жудаям меҳрибон, менга ёқади, деб айтгандим.

БЛАНШ. Сидкидилдан айтганмидингиз?

МИТЧ. Албатта. Ўзингиз биласиз-ку.

БЛАНШ. Онангиз-а... менинг ёшим нима керак экан?

МИТЧ. У касал.

БЛАНШ. Бечора... оғир касалми?

МИТЧ. Санокли кунлари қолган. Бир неча ойлик умри қолгандир.

БЛАНШ. Оҳ!

МИТЧ. Менинг бўйдоқ юришимдан қийналиб кетаяпти.

БЛАНШ. Э-ҳа...

МИТЧ. Бир нима бўлиб қолмасидан олдин мени рўзғорли қилиб қўйсам дейди... *(Овози бўғилади, кетма-кет йўталади, ҳаяжондан қўлини чўнтагига суқиб, яна чиқаради ва шу заҳоти нимадир қидиргандек, чўнтагини кавлайди).*

БЛАНШ. Сиз уни жуда севасизми?

МИТЧ. Жуда.

БЛАНШ. Ҳа, сиз онангизни, ҳарҳолда, чин юракдан севар экансиз. У бўлмаса ўзингизни жуда ёлғиз ҳис қиласиз, шундайми? *(Митч йўталади, бош иргайди.)* Бу қанақа бўлишини мен тушунаман...

МИТЧ. Ёлғиз қолишними?

БЛАНШ. Мен ҳам бир одамни севардим, севардим-у... йўқотиб қўйдим.

МИТЧ. У ўлдими?

*(Блани дераза олдига боради, дераза раҳига ўтириб, кўчага қарайди. Ўзига виски қуюди.)* У эркак кишимиди?

БЛАНШ. Бола, муштдеккина бола эди... Мен ўзим ўшанда муштдеккина қизалоқ эдим. Ўн олтида эдим ва бирдан кўзим очилди – муҳаббат! Тўсатдан, бекаму-кўст, охири кўринмас. Бамисоли ўткир нур доим коронгуликда яшириниб ётган ниманидир бир дафъадаёқ тутиб олди, атроф-олам мен учун шундай ёришиб кетганди... Аммо менга бахт на-сиб этмади! Бир ялт этдию йўқ бўлди-қўйди. Бу болага асли бир бало бўлган эканми, у асабий бўлиб қолди, феъли ёмон айниди, ҳаракатлари бутунлай хотинчалиш, тегманозик... афт-ангорига қарасанг, дуппа-дуруст йигитча... Аммо унда хийла бор эди. У мендан ёрдам кутарди. Мен эса... у вақтларда нимани ҳам тушунардим! Тўй саёҳатимизда ҳам, қайтиб келганимиздан кейин ҳам ҳеч нима сезмаган эдим, мен фақат бир нарсани билардим: унга ёрдам беришимга халақит берадиган қандайдир жумбоқ бор, бу унга жуда-жуда зарур эди-ю, сўрашга журъати етмасди – ожизлик қиларди! У сирпанчиқ қумда менинг этагимдан маҳкам ушлаб олганди, мен эса уни тортиб олиш ўрнига ўзимни ҳалок қилар эдим. Бунга ҳам ақлим етмасди! Ҳеч балони билмасдим. Фақат бир нарсани билардим – уни ўлгудай севардим, ёрдам бериш эса асло қўлимдан келмасди – на унга ва на ўзимга. Кейинчалик кўзим очилди. Шундай бўлдики, бундан баттари хаёлингга ҳам келмайди: эшикни тақиллатмасдан хонага кириб бордим, ҳеч ким йўқ деб ўйладим-да... ҳолбуки хона одамсиз эмас экан: мана бу бола, менинг эрим ва ундан сал каттароқ эски дўсти бор экан. *(Дераза ортида жадаллашиб бораётган поезд гилдираклари овози. Қулоқларини кафтлари орасига олиб ёпади, бошини тиззалари орасига суқади. Поезд чироги деразага урилади, шунда бутун хона ёришиб кетади, поезд*

шарақа-шуруқ қилганча ўтиб кетади. Узоқда гилдираклар овози тинганда аста қаддини ростлайди). Биз ўзимизни шундай тутдикки, гўё мен ҳеч нарсадан беҳабарман. Ҳа, ҳа, ўша куни оқшом учаламиз “Ойдин кўл” казиносига бордик, кайфимиз тарақ, йўл бўйи кулишиб келдик. (Узоқлардан минор пардасида полька элас-элас қулоққа чалинади.) Биз варшавалик қиз полькасига рақс тушдик. Рақс-куй авжига чиққан маҳал денг, эрим ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, мени ташлаб, казинодан югуриб чиқиб кетади. Шу билан кетма-кет ўқ овози эшитилади. (Полька кескин тўхтайди. Бир жойда тахтадай тек туриб қолади. Полька эса давом этади – узилган ўша ярим жумладан, аммо энди мажор пардасида янграйди.) Мен югуриб ташқарига чиқдим... ҳамма югуриб келди! Кўл бўйида, сувнинг шундоқ ёнида ётган даҳшатли нарсанинг атрофида одамлар ғуж бўлиб тўпланганди. Мен эса одамлар орасини ёриб ўтишга беҳуда уринардим. Кимдир кўлимдан тутди. “Яқинлашманглар! Кетинглар! Ҳеч қандай томоша йўқ бу ерда!”... Томоша? Нимани томоша қилади одамлар? Шу заҳоти овозлар, овозлар... Оғиздан-оғизга кўчади: “Аллан! Аллан! Аллан!...” Шўрликкина – болакайим! Револьверни шундоқ оғзига тикибдию отибди... Калласини тенг ярмини учириб кетибди. (Юзини қўллари билан ёпиб, аста чайқалади, олдинга-орқага). Ҳаммасига сабаб битта: мен ўша танобийда, рақсда тутиб туролмадим ва: “Мен эса кўрдим. Мен эса биламан. Қанақа мараз боласан...” деб гапириб юбордим. Шундайин бутун оламни ёритиб турган чироқ бирданига ўчди-қолди, ўшандан буён мана шу... мум ёғидан кўра ёрқинроқ ёғдуни ҳаётда бошқа кўрмадим.

Митч рўдаполарча ўрнидан туради, Бланининг олдига боради. Полька кучлироқ янграйди.

МИТЧ (Бланининг орқа томонидан яқин келиб, уни аста ўзига тортади). Сизга дўст керак. Менга ҳам. Демак, балки биз иккаламиз... ҳа, Бланш?

Блани унга маъносиз қарайди. Кейин оҳиста оҳ тортиб, унинг қучоғига йиқилади. Кўз ёши орасида бир нима демоқчи бўлади ва сўз тополмайди. У аёлнинг манглайи, кўзлари, лабларидан ўпади. Полька узилади.

БЛАНШ (узоқ, ҳузур билан хўрсинади). Худойим уни орамиздан эрта олиб кетди... йиғлаб қолавердим!

## ЕТТИНЧИ МАНЗАРА

Ўн бешинчи сентябрь, кечга яқин. Ўчоқбоши ва хобгоҳ ўртасидаги портъерлар икки томонга суриб қўйилган, дастурхон зиёфатбоп қилиб тузалган – торт, гуллар. Стелла дастурхон тузаини яқунлаш арафасида. Стэнли киради.

СТЭНЛИ. Ниманинг шарафига экан бу дабдабалар?

СТЕЛЛА. Бугун Бланининг туғилган куни.

СТЭНЛИ. Ўзи-чи, уйдами?

СТЕЛЛА. Ваннахонада.

СТЭНЛИ (калака қилиб). “Фоний жисмни ювиш” экан-да?

СТЕЛЛА. Шунга ўхшаш бир нима.

СТЭНЛИ. Анчадан берими?

СТЕЛЛА. Бутун кун бўйи деявер.

СТЭНЛИ (*масхара қилиб*). “Иссиққина ваннада намланамиз”ми?

СТЕЛЛА. Ҳа-да.

СТЭНЛИ. Ҳаво юз даража, бу кишим эса иссиқ ваннадан чиқай демайди.

СТЕЛЛА. Шунда оқшом менга салқиндай туюлади, дейди.

СТЭНЛИ. Сен эса, билишимча, аллақачон кока-колага тушиб келгандирсан-да? Ҳазрати олийларини ваннага киргизиб кўйгансан. (*Стелла елка қисади.*) Қани, ўтир-чи.

СТЕЛЛА. Вақт йўқ, Стэнли, қанча иш қараб турибди.

СТЭНЛИ. Ўтир. Энди опажонингнинг қулоғини бураб қўядиган вақти келди.

СТЕЛЛА. Сен ўзингни ундан тортиброқ юр, Стэнли, бас қил.

СТЭНЛИ. Бу фариштанг мени тағин галварс дейди!

СТЕЛЛА. Ўзинг ҳар доим уни ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ дейсан, кўнглинг хоҳлаганча ерга урасан, Бланшнинг эса кўнгли ярим, ўзинг ўйлаб кўргин, биз Бланш билан сенга қараганда мутлақо бошқа шароит-да ўсганмиз.

СТЭНЛИ. Эшитганмиз! Бир хил гапни чайнайверишинг ҳам жонга тегиб кетди. У бизга бир қоп ёлғон-яшиқни тўқиб ташлагани эсингда борми?

СТЕЛЛА. Йўқ ва эшитишни ҳам...

СТЭНЛИ. У эса – ёлғон. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Энди унинг найранглари битта-битта юзага чиқаяпти.

СТЕЛЛА. Қанақа найранглари?

СТЭНЛИ. Ўша, мен бошида гумонсираганим. Аммо энди менда далолат бор – энг тўғри, энг янги далолатлар! Мен ўзим текшириб чикдим!

(*Бланш ваннада хиргойи қилади: оддийгина ширадор қўшиқ, унинг сўзлари Стэнлининг ҳикояларига монанд.*)

СТЕЛЛА (*Стэнлига*). Қичқирма.

СТЭНЛИ. Оббо, булбулча-ей!

СТЕЛЛА. Бўпти, қани, марҳамат, у тўғрисида нимани билган бўлсанг, ҳаммасини менга оқизмай-томизмай айтиб бер.

СТЭНЛИ. Биринчи рақамли ёлғончи: у мактанадиган ҳамма иши ғирт сатанглик экан. Унинг Митч олдида қийшангланларини, унинг бошини айлантирганларини бир кўрсанг эди. Содда Митч унинг умрида бир ғўр боланинг ўпичидан бошқа ҳеч нарсани билмайман, деганига лаққа тушиб ўтирибди. Опажонинг Бланш ҳур экан, пари экан-у, биз билмаган эканмиз. Ваҳ-ҳа-ҳа!

СТЕЛЛА. Хўш, нималарни эшитдинг, кимлардан эшитдинг?

СТЭНЛИ. Корхонамиздаги таъминотчимиз кўп йиллардан бери Лорелга қатнайди ва уни миридан-сиригача билар экан. Умуман, Лорелда унинг қилғиликларини билмайдиган одам йўқ экан. У ўша ерда отнинг қашқасидай маълум экан. Мана шу таъминотчи “Фламинго” отелига кўнар экан.

БЛАНШ (*қувноқ хиргойи қилади*).

*Циркдаги денгиз қозодан,  
Циркдаги олов оташсиз.  
Бари рост бўларди гар  
Сиз менга ишонсангиз.*



СТЕЛЛА. Нима бўпти?

СТЭНЛИ. Шу бўптики, у ўша ерда яшаган экан.

СТЕЛЛА. Менинг опам “Орзу”да яшаган.

СТЭНЛИ. Ҳа, бу кейин бўлган, уй оқбилак опачангизнинг қўлчаларидан чиқиб кетгандан кейин. “Фламинго”га кўчиб ўтган! Ташландиқ меҳмонхонача – бир тузук томони шундаки, у ерда турувчиларнинг ишига ҳеч ким бурнини сукмайди. Бизнинг Оппоқ Ойимизнинг кўрган-кечирганлари эса ҳатто маъмуриятларнинг ҳам тоқатини тоқ қилиб юборибди. “Фламинго”да ҳамма нарсани кўриб, кўрмаганга олар эканлар. Шу даражага бориб етибдики, ундан яхшилиқча хона калитини топширишини ва ортиқ қорасини кўрсатмаслигини сўрашган. Уни у ёқдан ҳайдаб солишган, икки ҳафтадан кейин у бизникига келган.

БЛАНШ. *(қуйлайди).*

*Циркда мингта чироқ,  
Кўринар бўлиб юлдуз.  
Бу ҳам рост бўларди гар  
Сиз менга ишонсангиз.*

СТЕЛЛА. Қанчалик жирканч бўхтон!

СТЭНЛИ. Албатта, сен бундай нарсалардан ҳазар қиласан, қилма-чи! Ахир у битта Митчнинг эмас, сенинг ҳам қулоғингга лағмон осди-ку.

СТЕЛЛА. Булар бари уйдирма! Битта ҳам рости йўқ. Ахир эркак бўлганимда шу гапларни айтган одамни бир уриб, нақ пачағини чиқарардим.

БЛАНШ *(қуйлайди).*

*Мени севмасанг,  
Мени севмасанг  
Циркдаги чироқлар ҳам ўчгай  
шу заҳот.  
Мени севмасанг,  
Мени севмасанг  
Ерда ҳам, осмонда ҳам тўхтагай  
Ҳаёт...*

СТЭНЛИ. Азизим, булар бари текширилган, ҳеч ким камчилик топмайди. Аммо шошмай тур, охиригача айтиб берай. Оппоқ Ойимнинг ҳамма балоси шундаки, Лорелда энди мириқиб айланолмайди – у ерда уни аллақачоноқ билиб қолишган. У билан икки-уч марта айш қиладиларда, бирдан ўзларига келиб қолишади – етар... Шундан қўлма-қўл бўлиб кетади ва ҳар гал бошидан бошлайди: қачон карама, ўша масхарабозлик, ўша ноз-карашмалар, ўша бемаънилик. Бунақа катта қўшиқлар айтиш учун шаҳарча кичиклик қилади. Мана, шунинг учун ҳам эл оғзида дoston бўлиб ўтирибди. Аввалига у ўзини эси паст қиздай, шаҳарлик жиннивойдай кўрсатиб юрди. *(Стелла орқага чайқалиб кетади.)* Кейинги икки йил ичида эса суюқоёқ қизга айланган. Шунинг учун ҳам опажонинг, жондай опажонинг шу ёзда биз тарафларга сафарга чиққан, чунки ўша шаҳар мэри бошқа қорангни кўрсатма деб ҳукм қилган. Ҳа, яна бир гап. У ерда, биласанми, Лорел яқинида ҳарбий қароргоҳ бор. Бу ёғини сўрасанг, сиз-

ларнинг уйингиз опажонингнинг шарофати билан аскарлар кириши ман этилган уйлар рўйхатига киритилган.

БЛАНШ (*куйлайди*).

*Циркдаги денгиз қозодан,  
Циркдаги олов оташсиз.  
Бари рост бўларди агар  
Сиз менга ишонсангиз...*

СТЭНЛИ. Мана сенга назокатли аёл, ана, кўрдингми ўша айтганларимнинг бари ва мислсиз фаришта... Аммо бу ҳаммаси эмас, ундан баггарроғи бор – иккинчи ёлғони.

СТЕЛЛА. Ортиқ эшитишга тоқатим йўқ! Бас қил... миямни қоқиб, кўлимга бердинг!

СТЭНЛИ. У энди мактабига қайтиб боролмайди. Гаров ўйнаб айтаманки, келаётиб, у Лорелга қайтишни ўйлагани ҳам йўқ! Ахир у мактабдан ўз хоҳиши билан кетмаган, вақтинчага ҳам эмас, асаб касаллигидан ҳам эмас. Йўқ, бекорларнинг бештасини айтибсан! Уни қарсиллатиб улоқтиришган, ўқув йили тугашини ҳам кутиб ўтиришмаган. Нега? Айтишга ирганасан одам. Ўн етти яшар бола билан илакишиб қолган!

БЛАНШ (*куйлайди*).

*Циркда мингта чироқ  
Кўринар бўлиб юлдуз...*

*Ваннахонадан сувнинг кучлироқ босиқ шалдираши, қичқириқлар, кулги, бамисоли шўх болакай сувни шалоплатаётгандай товуш эшитилади.*

СТЕЛЛА. Бу машмашаларингдан ўлсам ўлиб бўлдим.

СТЭНЛИ. Қарабсизки, дадажонимизнинг қулоғига бориб етган – шартта мактаб директори олдига чопган. Оппоқ хонимга панд-насихатлар ўқиладиган ўша хонада унинг ҳолини бир кўрсанг эди. Унинг қанақа типирчиллашини-чи! Аммо чучварани хом санабди. Гирибонидан бир тутишдики – ғишт қолипдан кўчганини дарров англаган. Унга яхшиликча ҳеч ким билмайдиган жойларга гумдон бўлишини тавсия қилишган. Бундоқ қилиб айтганда, маъмурий тартибда сургун қилинган.

БЛАНШ (*ваннахонадан мўралайди, бошига сочиқни ўраб олган*). Стелла!

СТЕЛЛА (*ҳолдан тойиб*). Ҳа, опа?

БЛАНШ. Яна битта сочиқ бер, сочимга. Ҳозир ювиб бўлгандим.

СТЕЛЛА. Ҳозир. (*Сочиқни олиб, опаси томон кетади*).

БЛАНШ. Нима гап, жонгинам?

СТЕЛЛА. Нима бўлди? Нега бундай сўраяпсиз?

БЛАНШ. Афт-андоминг қанақадир бошқача?

СТЕЛЛА. Ҳа-а... (*Кулишга ҳаракат қилади*). Бироз чарчаган бўлсам керак, шундан.

БЛАНШ. Мен бўлганимдан кейин ваннага кириб чўмилиб ол.

СТЭНЛИ (*ўчоқ бошидан туриб*). Ўзингиз чўмилиб бўласизми ё йўқми?

БЛАНШ. Тезда бўламан, кўрқманг... Азиз жонингизни қийнаб кўймайман.

СТЭНЛИ. Мен жонимни ўйлаётганим йўқ – ковуғим қийналаяпти! (*Блани эшикни ёпади. Стэнли қаҳ-қаҳ уриб кулади. Стелла шошмай ўчоқбошига қайтади.*) Хўш, нима дейсан?

СТЕЛЛА. Ишонмайман ўтрик-ўшакларга. Анови таъминотчиларинг аблах экан, бўлмаса шунақа гапларни алжирармиди? Ҳа, унинг тўқима гапларида оз-моз ҳақиқат бўлиши мумкинدير. Ҳа, опамни мусичаи безавол деб бўлмасдир, оиламиз унинг дардига шерик бўлгани рост, мен уни битта ҳам гуноҳи йўқ деб даъво ҳам қилмоқчи эмасман. У ҳар доим шунақа енгилтак эди...

СТЭНЛИ. О-ҳо! Енгилтак!

СТЕЛЛА. Аммо ёшлигида, ҳали муштдай қизалоқлик вақтида шундай бир синовга дуч келдики, унинг барча орзулари кунфаякун бўлди.

СТЭНЛИ. Синов эмиш!

СТЕЛЛА. Ҳа... Мен унинг эрга теккани ҳақида гапираяпман, ахир у эрга текканда ёш бола эди-да. Бир болага тегди, шеър ёзиб юраркан. Бола ниҳоятда чиройли, суқсурдай эди ўзиям. Назаримда, Бланш уни севиб қолганди, қайлиғини ер-кўкка ишонмасди! Унинг учун жонини беришга тайёр эди, Худога сифингандай сифинарди унга. Кейин эса... кейин билиб қолди...

СТЭНЛИ. Нимани?

СТЕЛЛА. Чиройли, Худо берган ўспириннинг иллоти бор экан. Таъминотчинг бунга айтмаганмиди сенга?

СТЭНЛИ. Ҳай, бизлар, энди яқиндаги гаплардан гап сотишгандик, холос. Нима? Бунинг тарихи узокми?

СТЕЛЛА. Ҳа... тарихи узок...

*Стэнли аста унинг олдида боради. Оҳиста қўлини унинг елкасига қўяди. Стелла унинг қўлини елкасидан секин олади ва ўйчан ҳолда, гўё ўзи ҳам нима қилаётганини сезмагандай тугилган кун тортига ингичка пушти шамларни суқиб чиқа бошлайди.*

СТЭНЛИ. Нечта шам бўлиши керак бу тортда?

СТЕЛЛА. Йигирма бешда тўхтаимиз.

СТЭНЛИ. Меҳмонлар бўладими?

СТЕЛЛА. Биз Митчни таклиф қилганмиз.

СТЭНЛИ (*сал қовоғин уяди. Ҳозиргина чекиб бўлган сигаретасидан янгисини тутатиб олади*). Бугун Митчни, яхшиси, чақирмай қўя қолинглар.

СТЕЛЛА (*навбатдаги шамни ушлаганча тек қотади, аста Стэнлига қараб бурилади*). Нега? Бу нима деганинг?

СТЭНЛИ. Ўзи Митч менга укадай гап. Икки юз қирқ биринчи саперликда бирга маташиб юрдик. Битта заводда ишляпмиз. Агар унга қандай кўз билан қараганимни билсанг эди...

СТЕЛЛА. Стэнли Ковалький, сен унга айтганмидинг...

СТЭНЛИ. Бўлмаса-чи, айтмай нима жин урибди мени? Ўртоғимни чувушириб туришганида мен қараб турармидим? Қиёматгача виждон азибада қолган бўлардим-ку.

СТЕЛЛА. Митч у билан алоқани уздимми?

СТЭНЛИ. Унинг ўрнида сен бўлганингда..

СТЕЛЛА. Мен Митч ҳақида сўраяпман – у билан алоқани уздимми?

БЛАНШ (*қаттиқроқ куйлайди. Унинг овози қўнғироқдай жаранглаб чиқади*).

*Бари рост бўларди агар*

*Сиз менга ишонсангиз.*

СТЭНЛИ. Йўқ, албатта узган деб ўйламайман. Аммо у гап нимадалигини энди билади. Тамом-вассалом.

СТЕЛЛА. Стэнли, опам Митчга... турмушга чиқаман, деб юрибди. Мен ҳам рози эдим бунга.

СТЭНЛИ. Йўқ, Митч унга уйланмайди. Балки олдин уйланмоқчи бўлгандир, аммо энди... бу илонга ўзини урмайди. (Ўрнидан туради). Бланш! Ҳой Бланш! Ўзимнинг ваннамга киргани кўясизми ёки йўқми? (Пауза.)

БЛАНШ. Хўп бўлади, сэр. Мана, бир сония сабр қилинг, артиниб олай, майлими?

СТЭНЛИ. Бир соат пойлаган бир сонияга ҳам чидар... агар бир сониянгиз чўзилиб кетмаса.

СТЕЛЛА. Энди уни ҳеч қаерда ўқитувчиликка қабул қилишмайдими? Хўш, у нима қилади энди, унга нима бўлади?

СТЭНЛИ. Сешанбагача шу ерда туради. Шунга келишгандик-ку, ё эсингдан чиқдими? Англашилмовчилик бўлмасин деб ўзим унга автобусга чипта олиб кўйдим. Йўлда тўхтамайди!

СТЕЛЛА. Биринчидан, опам ҳеч қачон автобусда кетмайди..

СТЭНЛИ. Юмшоққина автобусда кетса нимаси ёмон? Раҳмат десин.

СТЕЛЛА. Йўқ, кетмайди, кетмайди дедимми, кетмайди!

СТЭНЛИ. Кетади! Менинг деганим деган, айтганим айтган. Сешанбада кетади, бошқа гап-сўз бўлиши мумкин эмас!

СТЕЛЛА. Унга нима бўлади? Қаёққа боради?

СТЭНЛИ. Бундан кейинги йўли рап-равок – қаёқдан келган бўлса, ўша ёққа боради.

СТЕЛЛА. Бу билан нима демоқчисан?

(Бланининг ўша қўшиғи эшитилади.).

СТЭНЛИ. Ҳай, булбулигўё! Қўшиқ айтиб тўймадингизми? Қани ваннахонани бўшатиб кўйинг-чи! Неча марта айтиш керак?

*Ваннахона эшиги ланг очилади, жилмайганча Блани чиқиб келади, бироқ Стэнли ёнидан ўтаётганда, аёлнинг юзида озгина қўрқув пайдо бўлади. Стэнли унга қиё боқмайди ҳам, ваннахонага киради-да, эшикни қарсиллатиб ёнади.*

БЛАНШ (соч чўтқасини олиб). Барибир иссиқ ванна жоннинг ҳузурида! Оҳ-оҳ-оҳ! Салқин тортиб, қушдай бўлдим...

СТЕЛЛА (ўчоқбошидан туриб, гамгин ва тушқун ҳолда). Ростданми, опа?

БЛАНШ (чўтқани сочида базур юргизади). Худди баданим кучга тўлиб тошгандай. (Унинг қўлида музли виски қуйилган стакан ёқимли жаранглайди). Иссиқ ваннадан кейин муздек виски – дунё кўзингга баайни жаннатдек кўриниб кетади. (Портъер орасидан Стеллага қарайди ва соч тарашидан тўхтабди). Бир нима бўлган, шекилли! Нима бўлди?

СТЕЛЛА (тезда бир четга ўтади). Нима деяпсиз, опа, ҳеч нима бўлгани йўқ.

БЛАНШ. Бекор айтибсан. Бўлган...

*Қўрқувдан кўзлари катта-катта очилиб, Стеллага қарайди. Стелла ўзини дастурхон тузаиш билан банддек қилиб кўрсатади. Узоқлардан келаятган пианино овози бўғилади-да, жим бўлади, бамисоли куй катта тезликда учиб келиб, нимагадир урилади-да, майда-майда бўлиб кетади...*

## САККИЗИНЧИ МАНЗАРА

Орадан қирқ беш дақиқа ўтган. Катта-катта деразалардан шаҳар кўринади, кечки шафақда уни фарқлаш амри маҳол. Шафақ шуъласи сув минорасида ёки катта нефть цистернасида ҳам акс этади. Унинг ортида шаҳарнинг ишбилармонлар қисми кўринади. Олисда деразаларнинг ёруғи узук-узук чизиклар шаклида кўринганидан уларнинг ёқилган чироқми ё кечки шафақми эканини билиб бўлмайди. Стол атрофида уч киши ўтирибди, унча қувноқ бўлмаган байрам зиёфати ниҳояланмоқда. Бир нохуш ҳолатни ўйлаётганидек, Стэнли маъюс кўринади. Стелла хижолатда ва гамгин.

Бланшнинг чеҳрасида зўраки табассум қотган. Столдаги тўртинчи овқатга ҳали ҳеч ким қўл урмаган.

БЛАНШ (умумий жимликни бузиб). Бирон кулдирадиган нарса гапирсангиз-чи, куёв. Битта-яримта чўпчак-мўпчакми, а? Ҳаммаларингиз мотам тутган одамдай қовоқларингизни уйиб олгансизлар – нега? Мухлиси юз ўгирган санъаткорманми, ё? (Стелла кулишига ҳаракат қилади.) Бунақаси ҳали бошимга тушмаган, тажрибалардан кўзим роса пишган, умрим бино бўлиб қанақа эркакларни кўрмадим, бироқ чинакам истеъфога чиққанда... Ваҳ-ха-ха! Келинлар, латифагўйлик қилайлик, кулгилироғидан бўлсин аммо. Бундоқ ўйнаб-кулиб ўтирайлик-да.

СТЭНЛИ. Янглишмасам, шу пайтгача менинг битта ҳам латифам сизга маъкул келмаган, Бланш.

БЛАНШ. Йўғ-е, агар жўяли ва ҳаёли латифалар бўлса, нега ёкмас экан?

СТЭНЛИ. Сиз қаёқда-ю, мен қаёқда – сизнинг дидингиз жуда баланд, сиздай айта олармидим.

БЛАНШ. Унда, келинг, мен ўзим айта қолай.

СТЕЛЛА. Тўғри, опажон, айтинг! Тўкинг борини.

(Узоқдан мусиқа янграйди.)

БЛАНШ. Бўпти бўлмаса... фақат сизларга шундайидан... Ҳозир, ҳозир, аввал бисотимизни бир қараб кўрайлик-чи. Э-ха! Яхши кўрганларимдан – тўтиқушлар ҳақида латифалардан. Сизлар-чи?... Хўп, бўпти. Бир қариқиз ва тўтиқуш ҳақида. Мана бундай, бир қариқизнинг тўтиқуши бор экан, ўлгудай тили шалоқ экан, шунақанги сўкишларни билар эканки, мистер Ковальский унинг олдида ип ечолмай қоларкан.

СТЭНЛИ. Ҳ-аҳ!

БЛАНШ. Бу тўтиқушнинг нафасини ўчириш йўли биттагина экан – қафас устига кўрпа ташлаш, шунда у тун чўкибди деб, уйкуга кетаркан. Бир гал шундай бўлибдики – бу тонг маҳалдаги гап экан, қариқиз кундузи қафасдан кўрпани олиб ташлабди, тўсатдан эшик олдида кимни кўрибди денг – руҳонийни! Қариқиз тўтиқуш томон отилибди ва дарров қафас устига кўрпани ташлабди, шундан кейингина у руҳонийни ичкарига қўйган экан. Тўтиқуш жойида жимгина ўтираверибди, бироқ қариқиз меҳмондан қахвасига қанча шакар солишини сўраган ҳам эканки, тўтиқуш бор овозда сўкиб ташлабди: (хуштак чалади... онангни... ва орқасидан қўшиб қўйибди: “Оббо падарига лаънат-ей, ҳозир кунлар ҳам қисқа бўлиб қолибди-да!”) (Бошини орқага ташлаб, кулади. Стелла ҳам ўзини қувноқ қилиб кўрсатишига беҳуда уринади. Стэнли бу латифани бир



қулоғи билан эшитиб, иккинчи қулоғидан чиқариб юбормоқда эди. Гўё у ҳеч нарсани эшитмаётгандай, бутун стол оша сузилади, санчқига охирги торт бўлагини илдиради ва очофатлик билан паққос туширади.) Менинг тушунишимча, латифам мистер Ковальскийга ҳечам ёқмади.

СТЕЛЛА. Мистер Ковальский ўзини тўнғиздай тутгандан кейин нимага ҳам қизиқсин, бошқалар унинг олдида ҳеч ким эмас.

СТЭНЛИ. Тўғри айтдинг, хотин.

СТЕЛЛА. Нега яғиринг чиқиб юрасан доим – юзинг, қўлларинг... қараб бўлмади! Бор ювин, кейин дастурхонни йиғиштиришиб юбор.

СТЭНЛИ (ўзининг ликочасини ерга уради). Мана сенга дастурхон йиғиштириш. (Хотинининг қўлидан маҳкам ушлайди). Менга бунақа гапирма, ифлос, бундан кейин бундай гапирганингни эшитмай... Тўнғиз... поляк... жирканч... иркит... оғзи шалоқ... Опанг иккаловинг шунақа қилиб одамни ерга уришни жа ўрганиб олдиларинг! Хўш, ўзларинг ким бўлибсанлар? Бурунларинг осмонда – қироличалар! Асил қирол ким бу ерда? Бу ерда асил қирол – менман, шу нарса эсларингдан чиқмасин! (Столдан чашка ва ликобчани олиб отади). Мана, мен ўтирган жойимни йиғиштириб бўлдим. Сизлар учун ҳам йиғиштирайми?

Стелла наст овозда йиғлайди. Стэнли тантанавор эшик томон йўналади ва бўсагада туриб, сигарета чекади. Муюлишида, барда қора танлилар куй чаладилар.

БЛАНШ. Мен ваннада эканлигимда бу ерда нима бўлганди? У сенга нима деди, Стелла?

СТЕЛЛА. Ҳеч нарса, ҳеч нарса, ҳеч нарса!

БЛАНШ. Биламан, мен билан Митч ҳақида гап бўлган. Ҳа, ҳа, Митч нега келмаганини сен биласан ва айтишни истамайсан! (Стелла ночор бошини чайқайди.) Мен унга қўнғироқ қиламан.

СТЕЛЛА. Яхшиси кераги йўқ.

БЛАНШ. Қўнғироқ қиламан дедимми, қиламан.

СТЕЛЛА (синиқ оҳангда). Фойдаси йўқ, опа.

БЛАНШ. Ахир бунақаси кетмайди, нима гаплигини кимдир менга айтиши керак-ку. (Хобгоҳга, телефонга боради).

Стелла айвонга чиқади ва эрига ўпкали қарайди. У эса ўзича нималарнидир гўнгилаб, тесқари ўгирилади.

СТЕЛЛА. Суюн энди, жуда бопадинг... ҳеч қачон бугунгидай пичоқ бориб суякка қадалмаганди, опажонимнинг юзини ва мана бу эгасиз курсини кўрганимда юрагим аллақандай бўлиб кетади. (Йиғлаб юборади).

БЛАНШ (телефонда). Алло! Илтимос, мистер Митчеллни чақириб берсангиз. Ҳа- а!.. Агар, малол келмаса, мен ўз рақамларимни қолдирсам. Монголия тўксон – қирқ етти. Жуда зарур иш билан экан деб қўйсангиз.... Ҳа, ҳа, жудаям муҳим иш... Раҳмат сизга. (Хаёли қочган, қўрқиб кетган ҳолда телефон олдида пича туриб қолади).

СТЭНЛИ (аста хотини томон ўгирилади, уни қўполларча тортиб, қучоғига олади). Манави кичкинанинг холажониси кетса, ҳаммаси жойига тушади. Яна аҳил-иноқ бўлиб яшай бошлаймиз ва ҳамма нарса илгаригидай бўлиб кетади. Қанақа эдинг, эсингдами? Иккаламиз тунларни қанақа ўтказардик! Эй Худо! Ахир, жонгинам, тунлари қанақанги ўйнаб-қулардик, қанақа ҳазиллар қилмасдик, а? Эсиз, ўша кунлар ва ўша тунлар! Парда ортида кулоқ тутадиган ҳеч қанақа опа-мопа бўлмаса, ҳеч нарсадан

хавотир олмасанг, буни яшаш деса бўлади, яна аввалгидек айшу ишратга кўмиламиз! (Юқоридан қаҳқаҳа, қийқириқлар, чийиллашлар эшитилади. Стэнли паст овозда кулиб қўяди). Ана! Стив билан Юнис...

СТЕЛЛА. Жойимизга қайтдик. (Ўчоқбошига боради ва оқ тортга суқилган шамларни ёқишига киришиб кетади.) Бланш!

БЛАНШ. Ҳа? (Столга қайтади). Оҳ, бу шамлар – митти, митти шамлар... Ёқма уларни, Стелла, кераги йўқ.

СТЕЛЛА. Яна бошланди!

Ўчоқбошига Стэнли ҳам қайтади.

БЛАНШ. Уларни кичкинанинг туғилган кунига асраб қўй. Унинг бутун ҳаётини байрам шамлари ёритиб турсин ва унинг кўзчалари оқ тортда ёқилган икки зангори оловни кўрсин...

СТЭНЛИ (ўтириб). Шоир бўлиб кетинг-е!

БЛАНШ (сукутдан сўнг, ўйчан). Унга бекор кўнғирок қилибман, фойдаси йўқ эди.

СТЕЛЛА. Бир ҳисобдан яхши ҳам бўлди.

БЛАНШ. Бунақаси кечирилмайди, Стелла. Бировнинг кўнглини оғритиш яхши эмас. Мени хоҳлаган кўйга солса бўлаверади, деб ўйламаслиги керак.

СТЭНЛИ. Уф-фу, ваннада одам шунчалик кўп чўмиладими – ҳали ҳам буғ бўралаб чиқиб турибди.

БЛАНШ. Мен сизлардан уч марта кечирим сўрадим-ку. (Пианино ишига тушади.) Иссиқ ванна асабимга зарур. Бу гидротерапия – сув муолажаси дейилади. Сиз полячоксиз, соғлом одамсиз, асабсиз мавжудотсиз, асаблардан ўзингни қаерга қўйишни билмай қолиш нималигини сиз туш кўриб ўтирибсизми.

СТЭНЛИ. Мен ҳеч қанақа полячок-молячок эмасман. Польшадан чиққанларни – поляклар дейишади, полячоклар эмас. Мен эса юз фоиз америкаликман, ер юзидаги энг буюк мамлакатда туғилганман, ўсганман ва бу билан ўлгудай фахрланаман, шунинг учун мени полячок дейишингиз ҳечам тўғри эмас!

Телефон жириглайди.


БЛАНШ (худди шуни кутиб тургандай, ўрнидан туради). О, бу менга, албатта, менга.

СТЭНЛИ. Ҳали номаълум. Нега “дик” этиб туриб кетаверасиз? (Шошмай телефон томон юради). Эшитаман! А-а, ҳа-ҳа, зўр, Мак! (Деворга суянади, оғир, тик нигоҳлари билан Бланшга масхаромуз тикилиб қарайди.)

Бланш қўрқиб орқаси билан курси суянчигига ёпишади. Стелла олдинга интилади, қўлини опасининг елкасига қўяди.

БЛАНШ. Кераги йўқ, Стелла. Нима бўлди? Нега менга бунақа аянчли қарайсан?

СТЭНЛИ (бўкиради). Жим бўлинглар!!! Э, бир хотин киши бор, дунёни бошига кўтаради... Хўш, кейин-чи, Мак? Райлиникидами, йўқ, Райлиникида ўйнашни истамайман! Ўтган ҳафта у билан сўкишиб қолганман. Мен ҳозирча жамоа сардориман, янглишмасам, а? Шунақа. Шундай бўлгач, Райлиникида ўйнамаймиз... Ҳа, Уэст Сайд ёки “Гала”да. Келиш-дик, Мак. Ҳозирча. (Гўшакни илади ва столга қайтади. Бланш ўзини қўлга олиш учун қаҳрамонларча ҳаракат қилади, ўз қадаҳидан бир қултум сув



ичади. Ҳеч нарсани пайқамаётгандек, чўнтагига қўлини суқади. Шошмасдан, дона-дона қилиб, ясама дўстона оҳангда). Опажонимиз Бланш, туғилган кунларига деб мен бир совға тайёрлаб қўйгандим.

БЛАНШ. Нималар деяпсиз, Стэнли... ростданми? Ҳеч ўйламагандим бунди. Умуман, билмадим, менинг туғилган кунимни нишонлаш Стелланинг хаёлига қандай кела қолди экан. Мен эса эшлашга ҳам арзимайди, деб ўйлаб юрардим, нима бўлганда ҳам... йигирма етти ёш! Ўзи ёш-пошга қарашнинг ҳам кераги йўқ – яхшиси, эътибор қилмаслик керак!

СТЭНЛИ. Йигирма етти?

БЛАНШ (шошиб). Хўш, билайлик, қанақа совға экан, куёвжон? (Стэнли унга бир ихчамгина, хатжилдни узатади.) Бу ростданам менгами?

СТЭНЛИ. Ҳа. Ёқади деб умид қиламан.

БЛАНШ. Ахир бу... бу...

СТЭНЛИ. Чипта! Лорелгача! Автобус, тўғри олиб боради! Сешанбага. (Паст оҳангда, худди сирли кўйдаи варшавалик қиз полькаси янграйди. Стелла сапчиб туради ва ўгирилиб олади. Блани жилмайишига ҳаракат

қилади, аммо эплотмайди. Кулмоқчи бўлади – бу ҳам бўлмайди. Сакраб туриб, хобгоҳга югуради. Қўли билан томоғидан ушлайди ва ўша заҳоти ваннахонага отилади. Худди биров бўғаетгандай йўталади, хириллайди.) Ана шунақа!

СТЕЛЛА. Сенга шу керакмиди? Шундай қилмасанг, тура олмайсанми?

СТЭНЛИ. Жонимни кекирдагимга келтириб юборди-ку, унутдингми?

СТЕЛЛА. Ўлганнинг устига тепган билан баравар қилдинг, бераҳм! Бусиз ҳам ўзи яккаланиб қолган.

СТЭНЛИ. Пок ва виждонли аёл..

СТЕЛЛА. Ҳа, пок ва виждонли аёл! Шунақа эди. Сен уни илгари кўрмагансан. Қанақа эди у! Ундан оққўнгил, ундан фидойи одам йўқ эди. Оғайнилари, сенга ўхшаганлар эса уни ер билан битта қилишди, ному-сини топташди, унинг бунақа бўлишига сиз эркаклар айбдорсиз. (Стэнли хобгоҳга ўтади, кўйлагини ечади, ялтироқ спорт либосини кияди. Эрининг ортидан боради). Шундан кейин ҳам ўйин, қарта кўнглингга сиғадими?

СТЭНЛИ. Сикқанда қандоқ.

СТЕЛЛА. Йўқ, ўйнамайсан. (У эрининг кўйлагига маҳкам ёпишади). Нега уни бунчалар хўрлайсан?

СТЭНЛИ. Мен уни хўрлаганим йўқ. Қўйиб юбор. Йиртасан!

Стела. Йўқ, нимагалигини билмоқчиман, жавоб бер, эшитаяпсанми?

СТЭНЛИ. Сен билан танишганимда, менга худди плебейга<sup>1</sup> қарагандек қараган эдинг. Начора, тўғри қилгансан, хотин. Ҳа, плебей эдим, ҳа, сурбет эдим! Ўшанда менга мана шу сувратни кўрсатган эдинг: устунли катта уй. Сени устунлар ичидан олиб чиққан эдим, уйимга олиб келган эдим, пастга, ўшанда чиндан бахтимиз очилганди, кўзимга сендан бошқаси кўринмасди, кўринишининг кераги ҳам йўқ эди! Мана шу бизникига келишидан олдин бахтиёр эмасмидик, ёмон эдикми? (Стелла бутун вужуди билан олдинга ташланади. Худди биров уни отини айтиб чақиргандек нигоҳи маъносиз тикилиб қолади. Жуда эҳтиёткорлик билан, оёқларини судраб, курси суюнчигидан тутиб, нарига, стол чеккасига йўл олади, бамисоли овоз келган томонга юрган кўрдек. Стэнли кўйлагининг тугмаларини қадаб, шимини ичига солиб, Стелланинг жавобига қулоқ солмасдан такрорлайди). Бизлар бахтли эмасмидик? Иккалаамиз ахил-иноқ яшамаётган эдикми? Манави... бизникига келгунча! Ҳали у, ҳали бу, мен унга маймун бўлиб қолибман... (Стеллага бир нима бўлиб қолганини пайқайди). Ие, Стелла, нима бўлди сенга? (Унинг олдига югуриб келади).

СТЕЛЛА (эшитилар-эшитилмас). Мени касалхонага олиб бор.

У хотинини қўлтиқлайди ва аста-аста юпатиб, эшикка олиб келади. Стэнлининг шивирлаб гапириши пасайиб кетаверади. Кетадилар.

Блани паст ва маҳзун овозда куйлайди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ МАНЗАРА

Орадан бирмунча вақт ўтади. Блани букчайиб, ноқулай аҳволда, кескин қиёфада, кўндаланг яшил ва оқ йўл-йўл мато қопланган

<sup>1</sup> Плебей – шаҳарлик қашшоқ бола(лар).

<sup>2</sup> Тузсиз зоғора нон (исп.).



Ўриндиқда, оч қизил атлас халатда ўтирибди. Унинг олдидаги столда бир шиша ва стакан. Варшавалик полькаси авж пардаларда янграйди. Муסיқа Бланининг қулоғига кириб-кирмайди, мана бу васвасаю уни ҳар томондан қисиб келаётган фалокат сезгисидан қутулиши учун қўшиқ куйлайди. Лаблари унсиз бир нималарни ирод қилади, афтидан полька куйига монанд сўзлар бўлса керак. Ёнида электр елпигич. Кўчада Митч пайдо бўлади. Кўк коржомада – дағал қоғоз матодан тикилган шим ва куртқада, соқоли ўсган. Бурчакдан чиқиб келади-да, равоққа кўтарилади. Кўнгироқ жиринглайди.

БЛАНШ (чўчиб тушади). Ким у?

МИТЧ (хириллаб). Бу мен, Митчман.

Куй тўхтайди.

БЛАНШ. Митч?! Шундай маҳалда-я. (Шошиб шишани шкафга яширади, ойна олдида ўралашади, наридан-бери юзига атир ва уна сепеди. У азбаройи ҳаяжонланганидан сабрсизлик ила оғир-оғир, узук-юлук нафас оларди. Ниҳоят тайёр бўлиб, эшикка югуради, йигитни ичкарига киритади). Митч! Сизни асли уйга қўймаслиги керак эди, одамни изза қилдингиз! Эркак деган ҳам шунақа бўладими? Аммо, бўпти, ўтган ишга салавот... Хуш келибсиз, азизим! (Унга лабларини тутлади. Бироқ йигит уни гўё кўрмагандек, бетўхтов ўтиб кетади ва гўё аёл йўқдай тўғри хонадонга кириб боради. Блани унинг гердаийиб хобгоҳ томонга ўтиб кетганини ваҳм билан кузатади). Ё алҳазар, бу қанақаси бўлди! Уст-бошингизга қараб бўлмайди... Устига устак соқолингиз олинмаган! Аёлга ҳурмат шунақа бўладими?.. Аммо мен сизни кечираман. Кечирганман, сиз келдингиз – дарров кўнглим енгил тортди. Сиз келишингиз билан миямни пармадай емираётган анови куй ҳам тўхтади – жинни бўлиб қолаёзгандим. Сизда ҳам шунақа бўладими, мияга бир ўтириб қолгандан кейин сира ундан қутулиб бўлмайди? Йўк, албатта, сиздай уятчан йигитга, шундай паҳлавонга аллақандай бемаъни хаёллар чўт бўлибдими?

То аёл унга яқин бормагунча Митч ундан қаттиқ тикилган нигоҳини олмайди. Йўл-йўлакай унинг яхшигина отиб олгани шундоқ кўриниб туради.

МИТЧ. Манависиз иш битмайдими? (Электр елпигичга имо қилади).

БЛАНШ. Битади.

МИТЧ. Турки совуқ нарса.

БЛАНШ. Унда ўчирамиз, жоним. Менга ҳам ёқмай турувди. (Ўчиргич тугмачасини босади ва электр елпигич гердаийиб таъзим қилганча тўхтайди. Митчнинг хобгоҳда ўзини ўринга ташлаб, сигарета тутатганига қараб туриб, хижолатдан йўталиб қўяди. Аммо эътироз билдиришига журъат қилмайди). Бизларда ичгани ул-бул бор-йўқлигини ҳам билмайман... Ҳали у ёқ-бу ёққа қараб улгурмадим.

МИТЧ. Бу Стэнли... унинг ювиндисига зор эмасман.

БЛАНШ. Буниси эса уники эмас. Аммо барибир бу ердаги ҳамма нарса унга қарайди, албатта. Бу уйда баъзи нарсалар менга ҳам қарайди. Онангиз қандай, Митч? Аҳволи дурустми?

МИТЧ. Бу гапни қаёқдан олдингиз?

БЛАНШ. Ахир сизларникида бир нима рўй берган-ку?..Йўк, йўк, кўрқманг, ҳеч қанақанги қарши савол-жавоб бўлмайди. Аксинча, мен...



(Фикрини тўплаб олмақчидай саросима ичида манглайини артади). Худди рақсга жўр бўлгандек полякча куй янграйди... Сизникида ҳеч қандай ўзгариш бўлмагандай тутишга ҳаракат қиламан. Ана, холос... яна шу куй!

МИТЧ. Тагин қанақа куй?

БЛАНШ. Ҳамон ўша куй-да! Полякча, Аллан ҳалигиндай... Шошмай тулинг! Ҳозир, ҳозир... (Олисдан револьер овози келади. Елкасидан тоғ тушгандек.) Ана, унинг ўзи – ўқ овози! Шундан кейин ўша куй, одатда тинади. (Полька аста-секин тинади.) Ҳа, мана, у тинди.

МИТЧ. Нима, жинни-пинни бўлиб қолмаганмисиз?

БЛАНШ. Ҳозир қараймиз, бизда у-бу топилармикан... (Шкафга яқинлашади, ўзини у ерда шиша бор-йўқлигини билмаганга солади). Ҳа, айтганча, мени маъзур тутасиз – кийинмаганман. Сирасини айтганда, мен сиздан қўлимни ювиб, қўлтиғимга суртиб қўйган эдим. Сиз кечки зиёфатга таклиф қилингангизни эсдан чиқардингизми?

МИТЧ. Менинг сизларни кўргани кўзим йўқ эди.

БЛАНШ. Бирпас сабр қилинг. Бу ердан яхши эшитмаяпман, сиз шунақанги сўзларга хасиссизки, битта ҳам сўзингизни увол қилгим йўқ. Ие, ўзи нимани қидираётувдим? Э-ҳа, ичгани бирон нарса. Бу ерда бутун оқшом битимиз тўкилиб хушчақчақлик қилдик, шунинг учун жиннига айланганим бир ҳисобдан тўғри. (Бирдан шиша топиб олгандай ҳаракатлар қилади. Митч бир оёғини тўшак устига ташлаб, Бланига ижирганиб қарайди.) Хў-ўш, бир нима топдим. Сизлар эса, биламан, жанубчасига иш қилдинглар, ҳамма нарса бадастур... бизда нега бунақайкин, ҳайронман...

МИТЧ. Модомики, билмас экансиз, демак, у сизга қарамайди.

БЛАНШ. Оёғингизни тўшакдан олсангиз-чи. Оппоқ тўшакка ташлаб олибсиз. Ҳа, ҳа, сиз, эркаклар, бундай майда-чуйдалар билан иш тутмайсиз. Мен эса бу уйни тартибга солгунимча нақ она сутим оғзимга келган.

МИТЧ. Ол-а, қуруқ гаплар билан десангиз-чи...

БЛАНШ. Ахир мен келгунча бу ер қанақа бўлиб ётишини билардингиз-ку. Энди эса... бир қаранг! Уй эмас – кошона! Энди доим шунақа бўлади, бу ёғига ўзим қаттиқ тураман... Билмадим, бунга нима аралаштиришган... ё ўзи тозаланганмикан? М-м-м... ширин. Жуда ширин... Даҳшат ширин... Ваҳ, ахир бу ликёр-ку... Бўлмаса-чи! Ҳа, ҳа, худди ўзи – ликёр. (Митч бир нарса деб зўлдираб қўяди.) Сизга ёқмасмикан дея қўрқаман. Татиб кўринг-чи, балки бирдан ёқиб қолар?

МИТЧ. Сизга айтдим-ку, унинг бисотидан менга ҳеч нарса керак эмас, деб, қанча айтиш керак сизга? Бу сизники эмас, уники бўлгандан кейин яна унга ёпишиб олишингиз ярамайди. Бор вискимни битта ҳам қолдирмай ичиб тугатди деб, оламга жар солиб юрибди-ку.

БЛАНШ. Бу қандай бемаънилиқ! Тагин жағ уриб мақтайсиз... Бунақасини кутмагандим! Аммо мен майда-чуйда гапларга парво қилмайман, бунга бир нарса деб жавоб қайтаришни-да эп билмайман ўзимга.

МИТЧ. Ҳ-ҳа!

БЛАНШ. Бу нима деганингиз? Кўнглингизда бир гап борга ўхшаяпти. Кўзингиздан кўриниб турибди...

МИТЧ (тўшакдан туриб). Нега нукул коронғуда гаплашамиз ўзи?

БЛАНШ. Менга шуниси кўпроқ ёқади. Қоронғуда қулайроқдай.

МИТЧ. Ҳа, назаримда, мен сизни бирон марта ҳам ёруғда кўрмаганман. (Блани овозсиз кулади.) Ҳа-да, бир марта ҳам.

БЛАНШ. Ростданми?

МИТЧ. Кундузи бирон марта ҳам.

БЛАНШ. Кимнинг айби билан?

МИТЧ. Кундузи сиз кўринишни истамайсиз – ҳар доим шунақа.

БЛАНШ. Мен кўринмайман эмас, Митч, ўзингиз куни билан заводда бўласиз.

МИТЧ. Аммо якшанбалар бор-ку. Неча марта якшанбада сайрга таклиф қилдим ва ҳар доим сизда битта баҳона тайёр туради. Олтигача сизни ўрнингиздан кўзғатиб бўлмайди. Бас, қачон қарама, ёруғ камроқ жой насиб қилади, холос.

БЛАНШ. Ўзингиз ниманидир яширасиз, Митч, миянғизда нима ўйлар айланиб юради, сира ақлим етмайди.

МИТЧ. Нима ўйлар бўларди, Бланш. Фақат бир гапни айтиб кўймоқчиман, то шунгача сизни дурустроқ кўриб олишни мавриди бўлмади-бўлмади. Келинг, чирокни ёқиб олайлик, майлими?

БЛАНШ (кўрқиб). Чироқ? Яна қанақа чироқ? Нега?

МИТЧ. Лоақал қоғоз қалпоқли мана бу лампочкани ёқайлик... (Лампадан қалпоқни юлқиб олади).

БЛАНШ (оҳ деб юборади ва даҳшатдан бир лаҳза лол қолади). Нега ундай қиласиз?

МИТЧ. Сизни яхшилаб кўриб олиш учун, тентаксиз.

БЛАНШ. Ҳатто ишонгим келмаяпти, сиз ростданам мени хўр-ламоқчимисиз?

МИТЧ. Бу хўрлаш эмас, шунчаки реализм.

БЛАНШ. Менинг реализмга тоқатим йўқ. Мен афсунгарлик тарафдориман. (Митч кулади.) Ҳа, ҳа, афсунгарлик тарафдориман! Мен уни одамларга етказмоқчиман. Уларни бор нарсани қандай бўлса, шундоқлигича кўришга мажбур қиламан. Ҳа, мен ҳақиқатни айтмаётиман, қандай бўлса шундайлигича эмас, ҳаётда қандай бўлиши керак бўлса, ўшандай кўриш ҳақида гапираяпман. Агар гуноҳга йўл кўйган бўлсам, айнан шу гуноҳим учун Худонинг қарғишига учрай – бунга заррача эътирозим бўлмайди... Кўйинг, чирокни ёқманг!

Митч итпел олдиға келади. Чироқни ёқади ва аёлга синчиклаб қарайди. Блани қичқиради, қўллари билан юзини беркитади. Митч чироқни ўчиради.

МИТЧ (аста, алам билан). Сиз мен ўйлагандан кўра каттароқ экансиз, хай майли, бу бир тарафдан маъқулдир ҳам. Аммо қолган барчаси... Эй, Худо! Орзуларингизнинг эскиликпарастлиги ҳақидаги жаранги, сиз бутун ёз бўйи заҳарлаб келган мана бу ўмоч. Ҳа, сиз ёш қизалоқ эмассиз, ўн олти яшар бўйи етган дуркун ҳам эмассиз, мен албатта, буни фаҳмлар эдим. Аммо мен ғирт аҳмоқ эдим, сиз мен билан алдовсиз ўйин ўйнаётганингизга ишонар эдим.

БЛАНШ. Мен таниқли қарта билан ўйин ўйнаётганимни ким айтди сизга? Менинг меҳрибон куёвимми? Мана сиз ишонган одам.

МИТЧ. Ҳа. Мен уни бошда савағич деб мазах қилардим. Кейин эса нима гаплигини аниқладим. Аввал ўзимизнинг таъминотчимизга мурожаат

қилдим, у доим Лорелда бўлиб туради. Кейин шаҳарлараро телефонда у билан боғландим ва у олибсотар билан гаплашдим.

БЛАНШ. Ким билан, ким билан?

МИТЧ. Кифербей билан.

БЛАНШ. Кифербей... Лореллик савдогар. Ҳа, биламан, нукул кўчадан ўтганда хуштак чалар эди. Мен бошлаб унинг таъзирини берганман. Мана, тўловини тўлади, энди ҳар хил бўҳтонларни тарқатиб юрибди.

МИТЧ. Кифербей, Стэнли, Шоу – учаласи! Мана шу бўҳтонларни ростга чиқариш билан овора.

БЛАНШ. Ҳа-а! Банг-бака-бум, банг-бака-бум, Мағзавага тушди уч каллахум...

МИТЧ. Айтинг-чи, сиз “Фламинго” отелида турганмисиз?

БЛАНШ. “Фламинго”да? Ие, нималар деяпсиз... “Тарантул”да турганман! Турган жойимни айтсам – “Тарантулнинг панжасида” лавҳаси осифлиқ меҳмонхона.

МИТЧ (*ақли етмай*). Тарантул?

БЛАНШ. Ҳа-да! Бахайбат ўргимчак тўри... Ўз курбонларимни шу ерга авраб олиб келардим (*Ўз стаканига ароқ қуюди*). Мен тўғри келган билан илакишиб кетаверардим, уларнинг сони бор, саногии йўқ. Алланнинг ўлимидан кейин менга етти ёт бегоналар, нотаниш кишилар, ён-веримдан ўтиб кетаверадиган тасодифий йўловчилар ва ҳамманинг фақат таскин-тасаллиларигина хувиллаб қолган юрагим ташналигини қондирадигандек бўлиб туюларди... Азбаройи кўрққанимдан... ҳа, ҳа, айнан даҳшат эди, у мени таъқиб қиларди ва мен ваҳима ичида биттасидан қочиб, бошқасига ташланардим, ўзимга таянч қидирардим – қанақа бўлса ҳам, қаерда бўлмасин, ким билан бўлмасин, ўша таянч учун Худога шукурлар айтар эдим! Иш бир ўн етти яшар ўспирингача бориб етди... Кимдир мактаб директори номига қуйидагиларни ёзиб бериб: “Бу қиз ўқитувчи номига иснод келтирди!” (*Бошини орқага ташлаб кулади: жазавасидан бунинг – қулги ёки йиғи эканини ҳам билиб бўлмасди. Кейин сўзма-сўз такрорлайди. “Бу қиз...” Томоғига бир нарса келиб тақалади, ичади*). Шу адолатданми? Ҳа, дарвоқе... иснод келтирган бўлсам... келтиргандирман... ким қандай қарайди... Хуллас, етиб келдик, мана, сиз ва мен! Бошқа борадиган ерим қолмагани: тамом, бу ёғи энди жаҳаннам. Биласизми, бу жаҳаннам деб нимани айтаяпман? Қарабсизки, кўз очиб юмгунча ёшлиқдан асар ҳам қолмабди, қаёққа кетганини Худодан бошқа ҳеч ким билмайди... Мен сиз билан учрашганимда айтгандим... ва сиз ҳам. Менга сизни юборганидан Худога шукрлар қилгандим... Сиз ишончли одамдек бўлиб кўрингандингиз, тоғдай бардошли, барча бало-қазолардан ҳимоя қилувчи балогардон эдингиз гўё! Энди бари аён бўлди: ҳаётдан кўп нарса сўрашга ҳаққим йўқ экан, бировга умид кўзи билан қарамаслигим керак экан. Кифейбер ҳам, Стэнли ҳам, Шоу ҳам қуюшқондан чиқиб кетган фирибгар аёлни етти иқлимга овоза қилди.

*Жимлик.*

МИТЧ (*унга қараб қолади, яна нимани ўйлаш кераклигини билмайди*). Сиз мени алдадингиз, Бланш.

БЛАНШ. Қўйсангиз-чи... алдаганим йўқ!

МИТЧ. Ҳаммаси ёлғон эди, сўзларингиз ҳам, ўйларингиз ҳам бошдан-оёқ ёлғон – ғирт ёлғон!

БЛАНШ. Бекор айтибсиз! Тепамда Худо турибди, сизга битта ҳам ёлғон гапирганим йўқ..

*Бурчакда чакана савдогар – қора шойи ёпинган кўр мексикалик хотин кўринади. Унинг қўлида бир тутам тунукадан қилинган гул бор – мексика камбагаллари дафн маросимига ҳам, бошқа тантанали маросимларга ҳам шуни гердайиб кўтариб бораверади. У эшитилар-эшитилмас қилиб тиланади, билиш қийин – кўчада ким ва нималигини ҳам билиб бўлмайдиган бир қиёфа кўринади.*

МЕКСИКАЛИК ХОТИН. Floris. Floris. Floris para lus muertos. Floris...<sup>1</sup>

БЛАНШ. Нима, нима?.. Э-ҳа, эшик ортида кимдир бор...

*Эшик олдига боради, очади, қарайди. Нақ рўпарасида мексикалик хотин.*

МЕКСИКАЛИК ХОТИН (*эшикда, Бланига бир неча тунука гулни узатади*). Flovers. Flovers para los muertos...

БЛАНШ (*кўрқиб*). Йўқ, йўқ, керак эмас! Ҳозирча керак эмас! Ҳозирча керак эмас!.. (*Мексикалик хотиндан шартта ўзини орқага, уйга олади, шошиб эшикни унинг юзига ёпади*).

МЕКСИКАЛИК ХОТИН. Flovers. Flovers para los muertos...

*Помса усули янграйди.*

БЛАНШ (*ўзига-ўзи гапиргандек*). Ҳамма нарса барбод бўлмоқда, емирилмоқда, уваланиб кетмоқда... Одамлар эса афсус-надоматда, бир-бирини ерга уради... “Сен уни ундай, буни бундай қилганингда, менинг уни ундай, буни бундай қилишимга ҳожат қолмасди.

МЕКСИКАЛИК ХОТИН. Coronas para los muertos...<sup>2</sup>

БЛАНШ. Марҳумларнинг мероси... Ҳ-ҳа! Яна кўшимчасига турли яхшиликлар... Қон юки ёстикпўшлар, масалан! “У чойшабларни алмаштириши керак”... “Яхши ойи! Аммо чўриқиз бор-ку, балки занжи киз алмаштирар?”. Йўқ, албатта, у замонлар ўтиб кетган. Ҳаммаси ўтиб кетган, ҳеч нарса қолмаган. Фақат...

МЕКСИКАЛИК ХОТИН. Flovers.

БЛАНШ. Ажал... Мен кароватнинг бир томонида, у – иккинчи томонида ётарди, ажал эса ўша ерда, биқин остида бўларди... Биз эса сира сир бой бермасдик, ўзимизни бундай нарсаларни кўрмаганга ҳам, эшитмаганга ҳам солиб туравердик.

МЕКСИКАЛИК ХОТИН. Flovers. Flovers para los muertos...

БЛАНШ. Ўлимга қандай даво бор? Хоҳиш, севги. Бўлмаса нимага хайрон бўласиз? Хайрон бўлса, бўлгулик-да!.. “Орзу”дан сал нарида – унда у бизники эди – ҳарбий қароргоҳ бўлгучи эди, у ерда янги олинганларни машқ қилдирилар эди. Ҳар шанба кечкурунлари йигитлар шаҳарга йўл олар ва тўйиб ичар эди.

МЕКСИКАЛИК ХОТИН. (*жуда наст овозда*). Coronas...

БЛАНШ... Қайтишда эса оёқда базўр турар эдик! – биз томонга ўгирилишарди-да, дераза тагидан туриб кичқиришарди: “Бланш!”, “Бланш”. Бувижонимиз жуда кексайиб қолган бўлиб, ҳеч нарсани эшитмас ва ҳеч нарсага фаҳми етавермасди. Мен эса... мен пайт пойлаб туриб, жуфтакни ростлаб қолардим ва уларнинг чақиришига товуш қайтарардим... Кейин эса патруль майсазоримизда уларнинг жасадларини топиб олиб... юк машинасига ортиб ва... хайр, оқ йўл...

<sup>1</sup> Гуллар... Марҳумларга гуллар... (*исп.*)

<sup>2</sup> Марҳумларга гуллар (*исп.*)

*Мексикалик хотин шошмай бурилади-да, изига қайтади, унинг мунгли илтижолари тинади. Блани пардоз столига боради-да, унга суянади. Жимлик. Митч ўрнидан туради ва кескин равишда Блани томон келади. Польша тинади. Митч Бланини қучоқлайди, уни ўзи томон буришига уринади.*

БЛАНШ. Тағин нима керак сизга?

МИТЧ (уни журъатсиз қучиб). Бутун ёз бўйи мен эришолмаган нарса.

БЛАНШ. Унда менга уйланинг-қўйинг, Митч.

МИТЧ. Ҳа, нима десам экан, ҳаммасидан ҳафсалам пир бўлган.

БЛАНШ. Демак, уйланмайсиз?

МИТЧ (уни қўйиб юбориб). Сиз у қадар пок эмассиз, Бланш... Шу, сизни уйга қандай олиб қираман, у ерда онам бор.

БЛАНШ. Ундай бўлса, кетинг! (Митч унга узоқ қараб қолади.) Бу ерда бошқа қорангизни кўрмай... Акс ҳолда мен бутун кўчани оёққа турғизаман! (Блани жазавага туша бошлайди.) Қорангизни кўрмай бошқа, бўлмаса бутун кўчани тит-пит қиламан... (Митч ҳамон ундан синовчан нигоҳини олмайди. Блани ёз оқишми осмонининг ёрқин тўртбурчаги кўрилган дераза томонга отилади... ва телбалардек қичқира бошлайди). Ёнғин!.. Ёнғин!.. Ёнаяпмиз!..

Митч қўрққанидан оғзини очади ва вақт ганиматда эшикка отилади. Зинадан қўполларча тап-тап тушиб, бурчак ортига зойиб бўлади. Блани чайқалиб, деразадан нари кетади, тиз чўқади. Аллақаерларда, олис-олисларда пианино секин, гамгин нола қилади.

## ЎНИНЧИ МАНЗАРА

*Яна бир неча соат ўтади. Тун. Блани Митчни кузатиб қўйиб, бор кучини аямай кашта тикишига зўр беради. Сандигини хобгоҳ ўртасига олиб бориб қўйган. Сандиқ қопқоғи очиқ бўлиб, оч рангли кўйлақлар босиб ташланган. Ичкиликдан ва ўзига оро бериб бўлгандан кейин аста-секин унинг чиройи очила бошлайди ва ниҳоят дунёни сув босса тўптигига чиқмайдиган, дунё кўзига чақнаб кўринадиган даражага етган, у эгнига доғ-дуг теккан ва гижимланган кечки оқ атлас кўйлагини, оёғига олмосдай ялтироқ пошналар туфлисини кийган. Энди рейн тошлари қадалган қулоҳини тошойна олдига авайлаб қўяди ва ҳаяжондан эс-ҳушини йўқотиб, гўё атрофида мухлислари тўпланган ҳолатдагидек шивирлайди.*

БЛАНШ. Тавба-тазарру қилгани тош тўғонга бориб, ойдинда бир чўмилиб келмаймизми, а? Фақат рулда ўтиришга ярқоли одам топиш керак, борми шундай одам? Ахир ҳаммамиз мастмиз. Ҳаҳ-ҳа. Бош ғувиллаганда бўлмагани яхши, бир сузсанг, кўрмагандай бўлиб кетасан. Фақат сув босган хандақдан эҳтиёт бўл, ўзи чуқур бўлмаса ҳам кўзга қараб шўнғиш керак, акс ҳолда бир тўнкага бошингни уриб олсанг борми – фақат бир кундан кейин “сузиб” чиқасан... (Қалтираган қўли билан кўзгуни юзига олиб боради, ўзини яқиндан кўрмоқчи бўлади. Уҳ тортиб, кўзгуни столга чунонам урадики, кўзгу чил-чил бўлади. Паст овозда оҳ тортади, оёққа туриш учун беҳуда ҳаракат қилади.



Кўчада, муюлиш ортидан Стэнли кўринади. У ҳамон ўша оч рангли спорт кийимида. У пайдо бўлиши билан узоқдан оддий балаган оркестри янграйди. У ўчоқбошига етиб келади, ортидан эшик “гун” этиб ёпилади. Бланига қараб, калта ҳуштак чалиб қўяди. Енгил кайфи бор, йўл-йўлакай уйга ўзи билан бир неча шиша пиво олиб келган.) Хўш, сингилжонимнинг аҳволи қалай экан?

СТЭНЛИ. Михдай.

БЛАНШ. Бола-чи?

СТЭНЛИ (дўстона тиржайиб). Эрталаб дунёга келади. Энди, шунинг учун уйга бориб, бироз мизғиб олинг, деб мени жўнатиб юборишди.

БЛАНШ. Бундан чиқди, биз иккимиз яккама-якка шу ерда қолар эканмиз, шундоқми?

СТЭНЛИ. Аҳа. Сиз ва мен, биз иккаламиз, Бланш... Башарти, битта-яримтани каравот тагига яшириб қўймаган бўлсангиз. Ниманинг шарафига жа ясан-тусанни шай қилиб олибсиз?

БЛАНШ. Э-ҳа, шуни айтинг. Сизсиз ҳам телеграмма келган эди... Ҳа, бир эски мухлисимдан телеграмма олган эдим.

СТЭНЛИ. Хушxabарми?

БЛАНШ (бошини орқага ташлаб). Қариб денгизи бўйлаб яхтада сайр қилишга!

СТЭНЛИ. Хўш, хўш. Энди нима бўлади?

БЛАНШ. Умрим бўйи бундан катта тасодифни эслолмайман.

СТЭНЛИ. Бу телеграмма очиқ кундаги момақалди роқдек бўлди мен учун.

СТЭНЛИ. Кимдан дедингиз уни ўзи?

БЛАНШ. Бир эски мухлисимдан.

СТЭНЛИ. Бу сизга пул инъом қилган ҳалиги одаммасми?

БЛАНШ. Мистер Шеп Хантли. Коллеждаги сўнгги босқичда менинг доимий ҳамроҳим. Шундан уни ўтган рождествогача кўрмаган эдим. Биск хиёбонида тўқнаш келиб қолгандик. Мана, энди қарабсизки – телеграмма!.. Қариб денгизи бўйлаб сайрга таклиф этаяпти! Фақат нимани кийишга бошим котиб турибди. Тропик иқлимга мос бирон нарса кидириб, бор бисотимни кавлаштириб кўрдим.

СТЭНЛИ. Ва топганингиз олмос кадамали мана шу кулоҳ бўлди, а?

БЛАНШ. Ўтмишдан қолган ёмонни айтаяпсизми? Ҳа-ҳа! Бу бор-йўғи рейн тошлари-ку!

СТЭНЛИ. Атиги шуми ҳали? Мен аҳмоқ бўлса уни Тиффини олмослари деб ўтирибман.

*Кўйлаги тугмаларини еча бошлайди.*

БЛАНШ. Начора. Аммо, у ерда дабдабаю асъасалар ичида бўламан.

СТЭНЛИ. Э-воҳ... Бундан шу нарса яққол намоён бўладики, қаерда топиб, қаерда йўқотишингни ҳеч қачон билмас экансан.

БЛАНШ. Бўлмаса-ку, бахт менга хиёнат қилди, деб узил-кесил иймон келтириб қўйган эдим.

СТЭНЛИ. Худди сахнадагидай, қаерга борсанг майамилик манави миллионер ҳозиру нозир.

БЛАНШ. У ҳечам майамилик эмас. У Далласдан.

СТЭНЛИ. Ростданми?

БЛАНШ. Ҳа, Далласдан.. Олтин фаввора бўлиб отилиб турадиган жойдан...

СТЭНЛИ. Нима ҳам дердик, Худо бераман деса, томни тешиб ташлайди.

БЛАНШ. Бунақа узоқ ечинар экансиз, пардани суриб қўйсангиз бўлармиди.

СТЭНЛИ (*оққўнгиллик билан*). Фақат қўйлагим эди. (*Пиво шишасидан ёрлиқни сидириб ташлаб*) Шиша очқични кўрмадингизми? (*Бланиш пардоз столи олдига боради, бармоқларини қаттиқ чалиштириб туриб қолади.*) Менинг бир холаваччам бўларди, ўша пиво шишаларини тишида очарди. (*Тиқинни стол четига уриб очишига ҳаракат қилади.*) Бу унинг ягона хунари эди, шундан бошқа ҳеч нимага укувчи йўқ эди: одам – тикиночқич. Шу бир гал десангиз, кимнингдир тўйида эди – барча тишлари тўкилиб тушса хумпарнинг! Шундан кейин у ўзидан ори келиб, қаердаки меҳмонлар тўплана бошласа, аканг қарағай астагина жуфтакни ростлаб қоладиган бўлди. (*Шиша қопқоғи сакраб тушади, пиво кўпиги фаввора бўлиб кучли отилиб чиқади. Ўзида йўқ хурсанд кулиб, шишани боши узра кўтаради*). Ҳа-ҳа! Ёғ, ёмғирим, жон ёмғирим, кучлироқ ёғ... (*Шишани Бланишга узатади.*) Хўш, уруш болтасини кўмамиз, дўстона қадахни кўтарамиз ва бир-биримизни севамиз! Қалай?

БЛАНШ. Йўқ, раҳмат.

СТЭНЛИ. Бу қанақаси энди? Ҳар икковимиз учун мана бундай шонли тун: сизга – ўзингизнинг миллионерингиз, менга – чақалок! (*Хобгоҳга, шифоньерга боради, эгилади, пастки тортма қутисидан ниманидир олади*).

БЛАНШ. (*чекиниб*). Бу ерда сизга нима керак?

СТЭНЛИ. Ҳа мана... Мен ҳар доим уни ҳозиргидай тантанали кунларда оламан. Шойи пижама – уни мен ўзимнинг биринчи никоҳ тунимда кийган эдим.

БЛАНШ. Ҳа-а...

СТЭНЛИ. Телефон жиринглаб қолиб, менга: “Ўғиллик бўлдингиз!” – деб айтишлари билан буни шартта йиртаман-да, байроқ қилиб осиб қўяман! (*Капалакнинг етти рангида товланувчи пижамасини ҳавода силкитади*). Бугун, менимча, ҳар икковимизнинг ҳам қувончимизга баҳона бор. (*Пижамани билагига илиб, ўчоқбошига ўтади*).

БЛАНШ. Ўйлашимча, ўзинг билан ёлғиз қолиш имкониятига эга бўлиш лаззати шу бўлади – бахтдан йиғлаб юборинг келади.

СТЭНЛИ. Сизнинг далласлик миллионерингиз-чи, у қаерда бўлади – сизни ўз ҳолингизга ташлаб қўядими?

БЛАНШ. У билан биз сиз ўйлаётганчалик муомалада бўлмаймиз. Бу одам мард одам, мени хурмат қилади. (*Қизиқиб кетади.*) У менга, менинг суҳбатимга муштоқ. Бойлиги дунёга сиғмайди-ю, кўпинча ўзини ёлғиз ҳис қилади. Маълумотли, зиёли, тарбияли аёл эса шундай катта мулк билан эркакнинг ҳаётини тўлдириб бериши мумкин. Бунинг учун менда ҳамма нарса бор, бор бўлганда ҳам мўл-кўлидан бор, сахийлик билан улашсам ҳам дунём камайиб қолмайди. Гўзаллик – вақтинчалик ҳодиса. Ўткинчи бисот! Маънавий гўзаллик. Чарақлаган ақл, рухий нафосат ва мен буларнинг ҳеч биридан мосуво эмасман – ўчмайди, камайиб қолмайди, балки ўсади. Йиллар ўтиши билан улар фақат кўпаяди. Бир нарсага кулгим қистайди... Мени ҳам, мени дастмоеси йўқ одам деб аташади! Шундай бойлик юрагимни тўлдириб турган бир вақтда-я...

(Хўрсиниб). Менимча, мен жуда бойман. Аммо мен ўзимни аҳмоқона тутдим... Эшакнинг қулоғига танбур чертдим.

СТЭНЛИ. Эшакнинг-а? Ҳ-ҳа!

БЛАНШ. Ҳа, эшакнинг! Эшакнинг! Мен фақат сизни эмас, балки ўртоқжонингиз Митчни ҳам назарда тутаяпман. У олдимга бирров кирган эди. Тўғри коржомасида бостириб кириб келса денг. У сизлардан олган энг разил адоватчиликни, жирканч нарсаларни менга сайраб ётибди-да. Ҳеч ким йўқ, мен унинг нақ онасини учкўрғондан кўрсатиб қўйдим.

СТЭНЛИ. Оббо сиз-ей!.. Ҳ-ҳа!

БЛАНШ. Лекин у ўша заҳоти қайтиб келди. Кечирим сўрагани бир сават гул кўтариб келибди. Гуноҳимдан ўтинг, деди. Аммо ҳаммаси ҳам кечирилавермайди. Билиб туриб, олдиндан ўйлаб қилинган ёмонлик кечирилмайди. Билиб туриб қилинган ёвузлик, менимча, ҳеч бир йўл билан оқлаб бўлмайдиган шундай ягона гуноҳки, бунда мен бир марта ҳам айбдор бўлганим йўқ. Мен унга мана шу нарсани кўрсатиб қўйдим. Мен унга шундай дедим: “Сизга ташаккур, биз умуман бирон-бир жиҳатдан бир-биримизга яқинмиз деб ўйлайдиган бўлсам, буюк аҳмоқликка йўл қўйган бўламан. Икковимизнинг ҳаётимиз ҳаддан ташқари хилма-хил юзага келган. Сиз менга ҳаддан ташқари ётсиз, келиб чиқишимиз билан ҳам, фикр юритиш тарзимиз билан ҳам мен сизга ётман. Реалист бўлиш – бу нарсаларга тик қарамоқ демак. Шунинг учун узр, дўстим ва кечиринг! Бир-биримизга ёмонлик соғинмайлик ва ...”

СТЭНЛИ. Бу сизнинг техаслик нефть миллионерининг телеграммаси келгунигача бўлганмиди ё ундан кейинми?

БЛАНШ. Қанақа телеграмма? Йўқ, йўқ... Кейин! Сирасини айтганда, телеграмма худди ўша пайтда келганди...

СТЭНЛИ. Сирасини айтганда. Ҳеч қанақа телеграмма-пелеграмма келмаган эди.

БЛАНШ. О-о!

СТЭНЛИ. Анови миллионерингиз эса ўзи йўқ одам! Митч ҳам олдингизга гул кўтариб келган эмас. Чунки ҳозир унинг қаердалигини биламан...

БЛАНШ. О!

СТЭНЛИ. Булар ҳаммаси сиз ичингиздан тўқиб чиқарган ўтрик-ўшаклар, жин урсин уларни!

БЛАНШ. О!

СТЭНЛИ. Ҳаммаси ёлғон, аҳмоқона ўйлар, миждов гаплар.

БЛАНШ. О!

СТЭНЛИ. Ўзингизга бир қарасангиз бўлармиди! Сепингиздаги мана бу латта-путталарни кўринг – бамисоли қурчоқбознинг кўғирчоғи! Аллақандай эскичидан тилаб олганмисиз нима бало! Мана бу аломат қалпоғингиз-чи, шу билан ўзингизни малика чоғласангиз керак-да.

БЛАНШ. Вой, Худо!

СТЭНЛИ. Аввал-бошданок ўзим сиздан бошқача кўз-қулоқ бўлиб келардим. Она сути оғзидан кетмаган бир мишиқининг неча марталаб бошини айлантирмадингиз! Келдингизу атир-упаларингиз билан ҳамма ёқни наҳс бостириб юбордингиз, лампочкага қалпоқ кийдирдингиз... Мана сенга Миср, ўзи эса – Нил маликаси: тахтда ялпайиб ўтириб оладилар-да, аканг қарағайнинг мусалласини паққос уради! Минг қилса ҳам пишанг

солувчиси – мен борман-да, билганингни қилавер деб қўйганман! Ваҳ-хаҳ-а! (Хобгоҳга қараб юради).

БЛАНШ. Яқинлашманг! (Аёлнинг атрофида даҳшатли соялар ўйнайди. Бу қўрқинчли кўланкалар тобора аниқроқ ва даҳшатлироқ акс эта бошлайди. Нафасини ичига ютганча Блани телефонга етиб боради ва жон-жаҳди билан гўшакни қўлига олади. Стэнли ваннахонага ўтиб кетади-да, эшикни ёпиб олади.) Навбатчи. Навбатчи! Илтимос, менга шаҳарлараро телефонини улаб беринг... Мен далласлик мистер Шеп Хантли билан гаплашишим керак... У шунчалик таниқли одамки, манзилига ҳам ҳожат йўқ... Кимдан сўрасангиз сўрайверинг... фақат сўранг... Шошмай турсангиз-чи! Йўқ, мен ҳозирок, айна дақиқаларда топиб беришим қийин. Лекин мени тушунинг, илтимос қиламан. Мен... йўқ, йўқ, шошмай туринг... Бир дақиқа! Ахир кимдир... Ҳечқиси йўқ! Телефонни қўймай туринг, илтимос! (Гўшакни қўяди, овоз чиқармай ўчоқбошига ўтади. Тун ноинсоний, ваҳшиёна овозлар чиқариб қичқиради, гоҳ ўкиради, гоҳ чийиллайди. Соялар ва қўрқинчли шуълалар ўзини ҳар ёнга уради, қалқийди, сапчийди, хонадон бўйлаб девордан-деворга сакрайди. Хонадоннинг тиниқлашган орқа девори орқали кўча, тротуар кўзга чалина бошлайди. Фоҳиша ерда ётган мастга қоқилиб кетади. У фоҳишани кўча ёқалаб қувиб кетади, етиб олади, иккаласи олишади. Бу олишувга полиция хуштаги чек қўяди. Иккала кўланка гойиб бўлади. Ўша аснода муолишидан фоҳиша тош йўлда тушириб қолдирган сумкачани олиб негр хотин пайдо бўлади. У топилдиқдан ўзини йўқотиб сумкачани кавлай кетади. Блани қоқ суяк бармоқларини лабларига қўяди, аста яна телефонга қайтади. Жон-жаҳди билан шивирлайди). Навбатчи! Навбатчи! Туманлараро телефоннинг нима кераги бор! Телеграфни беринг. Вақт зик, ҳар дақиқа ғанимат... Телеграф! (Сабрсизликдан ёниб кутади.) Телеграфми? Ҳа, ҳа. Худди ўзи – телеграмма жўнатмоқчиман... Ёзиб олинг. “Жуда, жуда ҳам қийин аҳволга тушиб қолдим. Ёрдам беринг! Тузокқа тушиб қолдим! Тузокқа... О-о-о!”

Ваннахона эшиги ланг очилади, ўзининг ялтироқ пижамасида Стэнли пайдо бўлади. Мийиғида кулганча ҳар икки учида жигаси бор камарини тақа бошлайди. Блани овозсиз уҳ тортиб, телефондан нари кетади. Стэнли унга тикилиб қарайди. Пауза. Чамаси ўнгача саноқ ўтади. Телефон гўшагидан қандайдир гичирлаган овоз келади.

СТЭНЛИ. Гўшакни илмабсиз.

Телефон олдига келади, гўшакни илиб, яна аёлга тикилиб қарайди, лабларида истеҳзоли табассум жилва қилади, ўзи эса Блани қочиб кетмасин деб, эшик олдига бориб туради. Шу пайтгача базўр эшитилиб турган пианино овози бирдан авжга чиқиб, гумбур-гумбур шовқин солади ва ўша маҳалда шошиб ўтаётган поезд шовқинига қўшилиб кетади. Блани икки букилади, қўллари билан қулоқларини маҳкам қисади ва то поезд шовқини узоқлашиб, тингунга қадар шу алтозда қолади. Ниҳоят, қаддини тиклайди.

БЛАНШ. Қочинг... ўтиб кетай!

СТЭНЛИ. Ўтиб кетай? Шак-шубҳа йўқ! Қани!.. Нега қараб турибсиз?

Бир қадам чекиниб, эшик тагига бориб туриб олади.

БЛАНШ. Нарини туринг... ҳов анови ерга (Қаердалигини кўрсатади).

СТЭНЛИ (кинояли жилмайиб). Жой торлик қияптими сизга?.. Ўтолмайсизми?

БЛАНШ. Сиз йўлни тўсиб олгансиз!.. Аммо нима қилиб бўлса ҳам мен бу ердан чиқиб кетаман.

СТЭНЛИ. Нима, мени номусингизга тажовуз қилади, деб ўйлаяпсизми? Ваҳ-ҳаҳ-ҳа!

*Пианино жозибали садо беради. Блани йигитдан тескари ўгирилади, иложсиз қўл силтайди. Яна турли-туман ваҳший ҳайвонлар ўқириги борлиқни тутади. Стэнли Блани томон бир қадам ташлаб, жойида туриб қолади, тилининг учини тишлайди.*

СТЭНЛИ (*Паст товуида*). Ҳозир ўйлаб кўрамиз... Сиз билан бир чақчақлашсак нима бўпти, хўш, жуда хонаси келди ўзиям...

БЛАНШ (*хобгоҳга чекинади*). Қайтинг! Яқинлашманг. Бир қадам ҳам... бўлмаса..

СТЭНЛИ. Бўлмаса-чи?

БЛАНШ. Жуда ёмон бўлади сизга – ўзингизга ўзингиз қиласиз. Мана мени айтди дерсиз!

СТЭНЛИ. Хўш, қўлингиздан нима келади энди?

*Энди иккаласи ҳам хобгоҳда.*

БЛАНШ. Яхшиликча айтаяпман сизга, бас қилинг, бусиз ҳам кекирдагимга келтириб юбордингиз.

*Эркак яна бир қадам ташлайди. Блани столдан шишани олади, қулочкашлаб уриб синдиради ва шартта у билан юзма-юз туриб олади, қўлида шишанинг синиқ бўғзини маҳкам ушлаб олган.*

СТЭНЛИ. Бу қанақаси энди?

БЛАНШ. Шунақаси!.. Мана шу ўткир томони билан башарангизни дабдала қиламан.

СТЭНЛИ. Қўлингиздан келади.

БЛАНШ. Ўзингиз кўрасиз. Қани, уриниб кўринг-чи..

СТЭНЛИ. Э-ҳа... Ҳали шунақа ҳам қилмоқчимисиз – яланғоч сувдан тоймасми? Начора, ёмонмас! Сиз айтганча бўла қолсин. (*Аёлга ташланади, стол ағдарилади. Аёл чинқирганча шиша бўғзи билан зарба беради, бироқ эркак унинг қўлини кафт бўғимидан тутади*). Вой шервачча-ей... Вой шервачча-ей! Қўлингиздагини ташланг дейман! Қани! Биз бу учрашувни биринчи кўришганимиздаёқ келишган эдик.

*Блани оҳ-воҳ қилади. Шиша бўғзи ерга тушади. Аёл чўккалаб қолади. Стэнли беихтиёр шалвираб қолган танани қўлтигидан олиб кўтаради-да, тўшакка олиб келади. “Тўртта иккилик”дан сурдинка остида труба гўнғиллайди, ногора гумбурлагани эшитилади.*

## ЎН БИРИНЧИ МАНЗАРА

*Бир неча ҳафта ўтган. Стелла опасининг нарсаларини йиғиштириши билан банд. Ваннахонада жўмракдан сув шариллаб оқиб турибди. Ўчоқбоши ва хобгоҳ ўртасидаги портъерлар қарийб ярмигача суриб қўйилган. Ўчоқбоши столи атрофида ўтирган қартавозлар – Стэнли, Митч, Стив, Пабло кўриниб туради. Ўчоқбошида қартавозлик тунининг нохуш хотираси сифатида ҳамма нарса ўшандай – эркакларнинг дағал, беҳаёлларча ошкор муҳити. Уйнинг ўзи, бутун бино бамисоли кўм-кўк булутсиз осмон ромига жойлаштириб қўйилгандек. Стелла Бланининг*



гулдор кўйлақларини бирин-кетин авайлаб сандиққа жойлайди ва йиғлайди. Зинадан Юнис пастга тушиб келади, ўчоқбошига кириб келади. Қартавозларининг овози баландроқ чиқа бошлайди.

СТЭНЛИ. Сигарета мўлжалловдим, худди ўзи чикди, Худо шоҳид!

ПАБЛО. Maldita seatu suerte!<sup>1</sup>

СТЭНЛИ. Одамга ўхшаб гапирсанг-чи, гризер.<sup>2</sup>

ПАБЛО. Бугун чап ёнинг билан тургансан-да, тагин омад дейишингга бало борми, айғирвачча!

СТЭНЛИ (ўзидан мамнун ва хотиржам тусда). Омад деганда нимани тушунасанлар, каллаварамлар! Омад омадни билганга кулади, сўзида турганга кулади. Мана, масалан, Салернада... Омад менга кулиб боқишини билардим. Чунки барча ҳисоб-китобларни миямда пишириб кўйгандим – оддий арифметика! Қарабсанки, худди ўзим ўйлаганимдай – тўппа-тўғри чиқиб турибди. Менинг қонуним шунақа. Ким ўзининг омадига кўпрок ишонса, фақат ўша ўйинчининг ошиғи олчи.

МИТЧ. Ҳамманг “мен, мен” дейсан нукул... Мен-мен-мен!.. Мен – фалон, мен – писмадон!.. Э ўргилдим оҳангжамаларингдан.

*Стелла хобгоҳга ўтади, нарсаларини тахлайди.*

СТЭНЛИ. Унга нима бўлган?

ЮНИС. (ўйинчилар ёнидан ўтиб кетаётиб). Ҳар доим айтаман, эркаклар – бераҳм ҳайвонлар, махлуқлар деб, аммо бунақасини кўз кўриб, кулоқ эшитмаган. Чўчкадан ҳам ўтиб тушган!... (*Портъер ортига, хобгоҳга ўтади*).

СТЭНЛИ. Унга нима бўлган? Стелла, бола қандай?

ЮНИС. Донг котиб ухлаб ётибди. Мана, сизларга узум олиб келдим. (*Бир неча бош узумни скамейкага қўяди*). Бланш қани?

СТЕЛЛА. Ваннада чўмилаяпти.

ЮНИС. Аҳволи қалай?

СТЕЛЛА. Ҳеч нарса емаяпти, фақат ичимлик сўрайди.

ЮНИС. Унга нима деб айтдингиз?

СТЕЛЛА. Айтдим, келишдик дедим... Табиат кўйнида дам олишни гаплашдик, дедим. Унинг эса ўша гап миясига уриб қолган – Шеп Хантлини гапиргани-гапирган.

БЛАНШ (*ваннахона эшигини қия очиб*). Стелла!

СТЕЛЛА. Ҳа, опажон?

БЛАНШ. Агар, мен ваннахонадилигимда, менга телефон қилишса, телефон рақамини ёзиб кўй ва дарров телефон қилишимни айт.

СТЕЛЛА. Яхши.

БЛАНШ. Қара-чи, сариқ шойи костюмчам ғижим эмасмикан – ўша салқинроқ. Агар унчалик ғижим бўлмаса, ўшани кия қоламан. Қайтармасига ўзимнинг денгиз отим – феруза кўзли ўша тўғноғични қадаб оламан. Юракчали қутимни титкилаб кўргин, бор майда-чуйда ўшанда ётибди. Ҳа, яна бир гап, Стелла... ўша жойда... фақат яхшилаб қарагин – сунъий бинафшалар гулдастаси бўлиши керак. Уни денгиз оти билан бирга жакет қайрилмасига қадаб оламан. (*Эшикни ёнади*).

СТЕЛЛА (*Юнисга ўгирилади*). Билмадим, тўғри қилдимми ё...

ЮНИС. Бошқа нима ҳам қила олар эдинглар?

<sup>1</sup> Ҳеч омад келмади-да! (*исп.*)

<sup>2</sup> АҚШда мексикаликларни ҳақорат билан шундай аташади.

СТЕЛЛА. Унинг гапларига ишонадиган бўлсам, мен Стэнли билан қандай яшайману, нима қила оламан?

ЮНИС. Битта ҳам гапига ишонманглар, ҳаётни тўхтатиб бўлмайди. Нима бўлмасин, ҳар ким аравасини ўзи тортиши керак.

БЛАНШ (яна ваннахона эшигини қия очиб). Сизлардан бошқа ҳеч ким йўқми?

СТЕЛЛА. Ҳеч ким йўқ, опа, ҳеч ким йўқ. (Юнисга) Унга айтинг, бугун жуда очилиб кетибсиз, денг.

БЛАНШ. Портьерни тортиб қўйинглар... мен ўтиб олай.

СТЕЛЛА. Тортилган, тортилган.

СТЭНЛИ. Қанча оласан?

ПАБЛО. Бир жуфт.

СТИВ. Учта.

*Эшикдан тушиб турган ёқутранг ёруғда Блани пайдо бўлади. Эғнида қизил атлас халат, баданининг ҳамма жойи, ҳар бир аъзоси ҳаддан ташқари гўзал, жозибадор кўринади. Унга монанд равишида полька куйи янграйди, гўё куй Бланининг сарвдек қаддидан келиб чиқаётгандек.*

БЛАНШ (Жазава сезилиб турувчи жонланиш билан). Ҳозиргина сочимни ювиб олдим.

СТЕЛЛА. Ҳа-а...

БЛАНШ. Яхши ювмадимми деб кўрқаман-да.

ЮНИС. Сочингиз ҳам сочмисан-сочда!

БЛАНШ. (хўракни чўқилаб). Сочмас, бошимга битган бало. Менга кўнғироқ қилишмадим, мени сўрашмадим?

СТЕЛЛА. Ким сўрамадим?

БЛАНШ. Шеп Хантли...

СТЕЛЛА. Қайдам, ҳали сўрагани йўқ, жоним.

БЛАНШ. Қизик. Мен эсам...

*Унинг овозини эшитиб, Митчнинг қартали қўли ҳолсизланиб, столга тушади, кўзлари маъносиз боқиб, ҳеч нарсани кўрмайди.*

СТЭНЛИ (уни елкасидан қоқади). Ҳой, ўйчан!

*Блани худди ҳимоялангандай, қўрқиб қўлини кўтаради, унсиз, фақат лаблари билан овозидан таниган одамнинг номини шивирлаб тилга олади. Стелла тезда бу томонга ўгирилади. Блани қўлида кумуш гардишли кўзгу билан шундай қайгули ҳолатда қотиб қоладики, гўё унинг чеҳрасида ҳозир инсоний билим ва тажрибанинг бутун олами акс этгандек... Натижада у барибир ўзини қўлга олади, аммо овози титроқ – сал қолса чинқириб юборадигандек.*

БЛАНШ. Бу ерда нима бўлаяпти?

*(Стелладан Юнисга ва яна Стеллага бурилиб қарайди. Унинг овозида янраган зўриқиш қартавозлар эътиборини ўйиндан чалғитади. Митч бошини худди турмоқчидай яна-да пастроқ эгади, Стэнли курсиси билан столдан ортга чекилади. Юпатмоқчи бўлгандек, Стив қўлини унинг елкасига қўяди.)* Бу ерда бир гап бўлдими? Қани, менга аниқроқ қилиб айтинглар-чи, нима бўлди ўзи?

СТЕЛЛА (мадорсизликдан ўзини ташлаб юборгудек бўлиб). Жим-м!

ЮНИС. Тинчланинг, жоним, тинчлик.

СТЕЛЛА. Ўтинаман сиздан, опажон...

БЛАНШ. Нега менга бунақа қараяписизлар? Оғзим ё бурним қийшайиб қолибдими?

ЮНИС. Бугун шунақанги очилиб кетибсизки, Бланш. Қаранглар, опажонимиз ростдан соҳибжамол, шундай эмасми?

СТЕЛЛА. Ҳа, ҳа.

ЮНИС. Сиз, янглишмасам, бир ёққа жўнамоқчимисиз?

СТЕЛЛА. Ҳа, ҳа. Опам шуни хоҳлаяпти. У дам олгани кетаяпти.

ЮНИС. Шундай ҳавасим келаяптики.

БЛАНШ. Кийимларимни кийишга қарашиб юборсаларинг-чи!

СТЕЛЛА (*кўйлакни узатиб*). Шуни айтганмидингиз?

БЛАНШ. Майли, бўлаверади! Тезроқ шу ердан чиқиб кетсам деяпман... Уй эмас бу, бориб турган зиндон!

ЮНИС. Кўк жакетингизга гап йўқ аммо!

СТЕЛЛА. Сиёхранг.

БЛАНШ. Икковингиз ҳам тополмадингиз. Бу флоренция ложуварди. Эски рассомлар сувратларидаги хонимлар кўйлаги рангидан. Узум ювилганми? *Юнис олиб келган узумдан биттасини юлиб олади.*

ЮНИС. А?

БЛАНШ. Узумни ювганмисизлар?

ЮНИС. У француз бозоридан олинган.

БЛАНШ. Бу ювилган дегани эмас-ку. (*Жоме қўнғироқлари чалинади.*) Ана, жоме қўнғироқлари... Маҳаллангиздаги ягона пок жой. Мана, ниҳоят, мен тайёрман – энди борай.

ЮНИС (*шивирлаб*). Одам келишидан олдин кетиб қолмасин тағин.

СТЕЛЛА. Шошманг, опажон.

БЛАНШ. Анавиларнинг кўзига кўринишни истамайман.

ЮНИС. Улар тугатгунча кутиб тура қолинг.

СТЕЛЛА. Келинг, ўтиринг ва...

*Блани бутунлай саросимага тушган, истамайгина бурилади. Стелла ва Юнис уни ўриндиққа тортишади, Блани рози бўлади ва ўтиради.*

БЛАНШ. Назаримда, аллақачон денгиз хидини туяётгандайман. Қолган умримни бутунлай денгизда ўтказаман. Ажалим ҳам ўша денгизда ётади. Биласизларми, нимадан ўламан? (*Узум донасидан юлиб олади*). Бир ажойиб кунда, очиқ баҳри муҳитнинг бир жойида ювилмаган узум ейман. Ана шунда ўламан... Кўлимдан хушрўй кема шифокори ушлаб олади, унинг ялтироқ мўйловлари ва катта кумуш соати бўлади. Шунда ҳамма “Бечора, бечора-я... хинин ёрдам бермади. Мана шу ювилмаган узум унинг жон қушини тўғри арши аълога жўнатиб юборди”, деб гапира бошлашади. (*Жоме қўнғироқлари чалинади.*) Мени денгизнинг ўзида дафн қилишади; коқ туш вақти, жазирама ёзда мени оппоқ кафанга ўрашади-да, бортдан ташқарига... тўғри баҳри муҳитга ташлаб юборишади... ложувард денгизга... (*Кўнғироқлар*) Худди менинг биринчи севгилимнинг кўзларидай!

*Кўчада муюлиш ортидан шифокор ва назоратчи хотин кўринади; равоқ зиналарида юқорига кўтариладилар. Ўз вазифаларининг фавқуллодалигини англаш ҳар икковини ҳам шишириб юборган, буни, шубҳасиз, асосан, давлат хизматида бўлган одамларда ривожланадиган беҳаёлик ҳисоботиға киритиши лозим бўлади – ундайлар ўзларини худди осмонда ҳис қиладилар. Шифокор эшик қўнғирогини чалади. Қарта ўйнаётганларнинг овози бирдан тўхтайтиди.*

ЮНИС (*Стеллага шивирлаб*). Ҳойнаҳой, бу ўшалар.

*Стелла иккала муштуми билан озгини беркитади.*

БЛАНШ (*аста кўтариларкан*). Нима гап?

ЮНИС (*ёлгондакам эҳтиётсизлик билан*). Рухсатингиз билан бир дақиқа. Қарай-чи, ким экан.

СТЕЛЛА. Ҳа, ҳа.

*Юнис ўчоқбошига боради.*

БЛАНШ (*асабий*). Қизик, менга эмасмикан.

*Эшик тагида шивирлаган овозда суҳбат боради.*

ЮНИС (*қайтиб келади, қувноқ*). У ерда бир киши Бланшга келибди.

БЛАНШ. Менга! (*Кўрқиб гоҳ у, гоҳ бу аёлга қарайди, хавотир билан портъерга назар ташлайди. Элас-элас полька куйи чалинади.*) Бу мен кутаётган ўша далласлик йигитми?

ЮНИС. Менимча ўша, Бланш.

БЛАНШ. Мен ҳали бутунлай тайёр эмасдим-ку.

СТЕЛЛА. Айтинг, равоқда бирпас қараб турсин.

БЛАНШ. Мен...

*Портъер ортига яширинади. Нозоралар паст овозда чалинади.*

СТЕЛЛА. Ҳамма нарса шайми?

БЛАНШ. Кумуш пардоз асбоблари-чи... Эсингиздан чиқибди.

СТЕЛЛА. Э-ҳа!

ЮНИС (*қайтиб келади*). Улар уй олдида кутиб туришибди.

БЛАНШ. Улар? Ким бўлди “улар”?

ЮНИС. Ҳа, бир хоним ҳам бирга экан.

БЛАНШ. Ақлимга сиғмаяпти, улар тагин бир “хоним” билан келишса? Эгни-боши қанақа ўзи?

ЮНИС. Ҳа, қанақа бўларди... жуда оддий... рисоладагидек.

БЛАНШ. Кўпроқ бу... (*Ҳаяжондан овози базўр чиқади*).

СТЕЛЛА. Қани, опажон, кетдикми?

БЛАНШ. Анави хонадан ўтиб боришимизга тўғри келадими?

СТЕЛЛА. Мен ёнингизда бўламан.

БЛАНШ. Энди қанақаман?

СТЕЛЛА. Зебосиз.

ЮНИС (*акс садодек*). Зебосиз.

*Блани чўчиб-чўчиб портъер олдида боради. Юнис унинг олдида портъерни кенг очиб юборади.*

БЛАНШ (*ўчоқбошига кириб келади*). Турманглар, илтимос. Мен ўтиб кетаман, холос.

*Тез-тез юриб, ўчоқбошидан эшикка боради. Стелла ва Юнис ундан бир қадам ҳам ортда қолишмайди. Қартабозларнинг Митчдан бошқа ҳаммаси апил-тапил столдан туришади... Митч кўзини ердан олмай ўтирганча қолади. Блани энди кўчада. Нафаси ичига тушиб, таққа тўхтайдди.*

ШИФОКОР. Салом.

БЛАНШ. Сиз мен кутган одам эмассиз. (*Бирдан оҳ тортиб юборади, ортга, равоққа отилади. Эшик олдида турган Стелла унинг йўлини тўсади. Кўрқиб Стеллага шивирлайди*). Бу Шеп Хантли эмас.

*Олис-олисларда полька янграйди. Стелла Бланшга тикилиб қарайди. Юнис унинг биллагидан тутаяди. Жимлик, фақат Стэнлининг жиддий, ишонч билан қарта чийлаётгани эшитилади. Нафасини ичига ютганча*

Блани хонадонга сирғалиб ўтиб кетади. Ғалати, сирли жилмайиб киради, кўзлари катта-катта очилган, чақноқ. Опасини ёнидан ўтказиб юбориб, Стелла кўзларини юмади, кўлларини маҳкам чалиштиради. Юпатганча Юнис уни авайлаб қучади, кейин ўзининг уйига, юқори қаватга кўтарилади. Ичкарига киргач, Блани эшик тагида туриб қолади. Митч кўзларини ердан олмай, ўша-ўша кўлларини столга қўйиб ўтиради. Қолган эркаклар Бланига қизиқсиниб қарайди. Охири у хобгоҳга йўл олади, столни узоқроқдан айланиб ўтишига ҳаракат қилади. Стэнли курсини суради ва унга астойдил йўл бергани ўрнидан туради. Назоратчи хотин Блани билан юзма-юз юриб келади.

СТЭНЛИ. Бирор нарсани эздан чиқардингизми?

БЛАНШ (тажовузкорона, қарийб қичқириб). Ҳа! Тўғри... Эсимдан чиқардим!.. Ниманидир унутдим! (Унинг ёнидан хобгоҳга отилади).

Деворларда яна мудҳиш соялар ва ғалати шаклдаги шуълалар ўйнай кетади. Яна полька куйи янграйди – унинг оҳангида ясамалик сезилади ва унинг бундай атай қилинган ясамалигида қандайдир даҳшатли хўрлаш мавжуд, полька турли усулларда, оҳангларда садо беради, улардан кўрқинчли, гайршисоний қичқириқлар акс садоси келади – яна ваҳшийлик овозлари қулоққа чалинади. Блани ўзини ҳимоя қилганча курсилар панасига ўтиб олади.

СТЭНЛИ (узук-юлуқ). Кирмайсизми, энди, доктор, имилламасдан?

ШИФОКОР (назоратчи хотинга им қоқиб). Сингилжон, қани, уни олиб чиқинг.

Назоратчи хотин бир томондан киради, Стэнли – иккинчи томондан. Назоратчи хотиннинг чеҳраси ва қиёфасида аёллик фазилатидан номнишон йўқлиги ҳатто унинг кўйлагидаги топ-тоза мусаффоликни ҳам ифлос қилиб кўрсатади.

НАЗОРАТЧИ ХОТИН. (унинг овози шунақанги ҳақоратомуз, шунақанги ваҳимали, шунақанги маънос бир хилликка эгаки, мисоли ёнгин қўнғироғи жарангининг ўзи). Салом. Бланш.

Бу саломлашув деворлар ортидаги сирли овоз акс садосидек такрорланади: бамисоли олис акс садодек бир кўтарилиб, бир пасайиб, чуқур дарадан тўлқинланиб, таралиб кетгандек туюлади.

СТЭНЛИ. Бир нимани унутибман дейди...

Энди акс садо таҳдидли шивирлашдек эшитилади.

НАЗОРАТЧИ ХОТИН. Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ.

СТЭНЛИ. Нимани эсингиздан чиқарибсиз, Бланш?

БЛАНШ. Мен... мен...

НАЗОРАТЧИ ХОТИН. Шунчаки арзимаган нарсалар. Кейин келиб олармиз.

СТЭНЛИ. Тушунарли! Юк билан жўнатамиз.

БЛАНШ (ортга чекиниб, бутунлай жазавога тушиб). Мен сизни билмайман-ку... Билмайман мен сизни! Кераги йўқ... Қўйворинг мени! Қўйинглар... илтимос, илтимос...

НАЗОРАТЧИ ХОТИН. Қани, Бланш...

АКС САДО (гоҳ яқиндан, гоҳ олисдан, турли усулларда). Қани, Бланш!.. Қани, Бланш!

СТЭНЛИ. Сепилган упалару атирдан қолган эски пуфакчалардан бошқа ҳеч балонгизни унутганингиз йўқ... Ўша ерга қўшиб, мана бу чирок



калпоқчасини ҳам ола кетинг. Керакми? Чироқ қалпоғи?.. (Пардоз столи олдига боради, қалпоқни тутамлайди, лампочкадан юлиб олиб, унга тутади). Блани чироқ қалпоғини эмас, унинг ўзини бўлак-бўлак қилиб нимталалагандай қичқириб юборади. Назоратчи хотин шиддат билан унга томон интилади. Даҳшатли қичқирганча Блани назоратчи хотиннинг ёнидан ўтиб, қочиб кетмоқчи бўлади. Эркаклар жойларидан ирғиб туришади. Стелла равоққа югуриб чиқади. Ортидан Юнис этиб бориб юпатади. Саросима ичида бир-бирига бақриб-чақриб, ўчоқбошида даҳанаки жангга киришади.

СТЕЛЛА (ўзини яқинлашиб келаётган Юниснинг бағрига отади). Эй, Худо, Юнис, ёрдам беринг! Опажонимни нима қилишаяпти улар! Уни қийнаманглар! Эй, Худо, бу қандай бедодлик, қийнаманглар уни, қийнаманглар! У шўрликнинг нима гуноҳи бор эди! Бу қандай ёвузлик (Юнисдан юлқиниб чиқиб кетишга ҳаракат қилади).

ЮНИС. Йўқ, йўқ, жоним.. кераги йўқ, кераги йўқ. У ер сизнинг жойингиз эмас, борманг. Ёнимдан кетманг, уларга қараманг.

СТЕЛЛА. Нима қилиб кўйдим опажонимни! Эй, Худо, нима қилиб кўйдим!

ЮНИС. Ҳаммаси тўғри, сизларда бошқа чора ҳам йўқ эди. Ахир уни бу ерда қолдириб бўлармиди... Бошқа қаерга ҳам борарди? Биргина йўл... Эркакларнинг овози баландлаша бориб, равоқдаги Стелла ва Юнис суҳбатини босиб кетади.

СТЭНЛИ (ўчоқбошидан югуриб чиқиб). Ҳой, доктор! Бу ёққа бир кирсангиз-чи!

ШИФОКОР. Минг афсус. Мен одатда шусиз иш кўришга одатланганман.

ПАБЛО. Жирканч воқеа.

СТИВ. Шунақа ҳам қилишадими. Унга айтиш керак эди.

ПАБЛО. Mudre de Dius! Casa mala, muy, muy mala!<sup>1</sup>

Митч хобгоҳга учиб киради. Стэнли унинг йўлини тўсиб, бир четга итариб юборади.

МИТЧ (дарғазаб). Булар бари сенинг ишинг, аблах!

СТЭНЛИ. Кўйсанг-чи бу алжирашингни! (нари итаради).

МИТЧ. Ўлдираман! (Унга муштлари билан ташланади).

СТЭНЛИ. Қани, йўқотинглар бу ялоқхўрни!

СТИВ. (Митчни тутиб). Кўйсанг-чи, Митч!

ПАБЛО. Тўғри-да. Бошқа нима ҳам қила олардинг...

Аъзойи бадани шалвираб, Митч столга қулайди, ийглайди. Бу орада назоратчи хотин Бланини тутади, ҳеч қаёққа қочиб кетолмайдиган қилиб, қўлларини қайиради. Блани жон-жаҳди билан типирчилайди, назоратчи хотинга тирноқлари билан чанг солади. Бироқ семиз, кучли аёл унинг билагидан шунақанги қаттиқ қисадикки, Блани қичқириб, тиз чўкиб қолади.

НАЗОРАТЧИ ХОТИН. Тирноғинг ўсиб кетибди, яхшилаб олиб кўямиз. (Хобгоҳга кириб келган шифокорга қараб кўяди). Қопни кийдирайликми, доктор?

ШИФОКОР. Фавқулодда ҳолатдагина.

Шляпасини олади, шундан кейин унинг олдинги қиёфасидаги гайриинсоний ваҳшийлиги гойиб бўлади – энди шунчаки эл қатори бир

<sup>1</sup> Эй Биби Марям! Жирканч иш! Ғоятда жирканч иш (исп.).

одамга айланган эди. У Бланига яқинлашиб, унга томон эгилганча юмшоқ, юпатувчан оҳангда унга ҳеч нарса бўлмаслигини тушунтиради. Шифокор Бланини исми билан атаганида унинг қўрқуви бироз босилади. Деворлардаги мудҳиш кўланкалар йўқолади, гайринсоний овозлар ва йиртқичларнинг ўкириклари тинади, шу билан биргаликда Бланининг мунгли йиғилари ҳам тўхтабди.

МИТЧ. Дюбуа!

Блани шифокорга қайрилиб қарайди, чехрасида аянчли илтижо.

ШИФОКОР. (Жилмаяди. Назоратчи хотинга). Йўқ, коп кийдиришга хожат йўқ.

БЛАНШ. (қўрқа-писа). Айтинг, мени қўйиб юборишсин.

ШИФОКОР (назоратчи хотинга). Қўйиб юборинг.

Назоратчи хотин Бланини қўйиб юборади. Чўк тушганча Блани қўлларини шифокорга чўзади. Шифокор уни авайлаб, қўлтигидан олиб, ердан кўтаради ва эҳтиёткорлик билан ушлаганча уни хобгоҳдан олиб чиқади.

БЛАНШ (шифокорга қапишиб). Кимлигининг менга аҳамияти йўқ... Мен умр бўйи биринчи учраган одамнинг меҳрига таяниб келганман.

Блани билан шифокор ўчоқбошидан ўтиб кетаётганда қартавозлар ўзларини орқага олади. Блани итоаткорона ва шшонч ила унинг орқасидан эргашиди, Блани мисоли – кўр, шифокор – йўлбошловчидек. Улар равоқдан тушганда Стелла зинада ўтириб олиб елпинганча тинимсиз “Блани! Опажон! Опажонгинам!”, деб қичқириб чақиради. Блани орқасига қарамай, кетиб боради, у билан бирга шифокор ва назоратчи хотин ҳам. Ниҳоят, улар бурилиб, муюлишида кўздан зойиб бўлишади. Юнис юқориги қаватдан Стелланинг ёнига тушади, унинг қўлида оч зангори адёлга ўралган чақалоқ. Стелла пиқ-пиқ йиғлаганча чақалоқни унинг қўлидан олади. Юнис ўчоқбошига, Стэнлидан бошқа барча эркалар ўтириб олган жойга чиқиб келади.

СТЭНЛИ (равоққа чиқади, зинада турганча хотинига қарайди. Лоқайдроқ). Стелла...

Стелла тўлиқиб, тўхтовсиз ўксиниб йиғлайди. Энди унинг учун йўққа чиққан опасини эслаб ҳумордан чиққунча йиглаб олишининг ҳам ўзига яраша наибу намоси бор эканлигини у аниқ ҳис этди.

СТЕЛЛА (Эшитилар-эшитилмас қилиб, чин юракдан). Опажонгинам. Меҳрибонгинам... кўзимнинг нури! Майли... майли...

Эри Стелланинг ёнида чўнқаяди, бармоқлари хотинининг елкаси томон ўрмалайди.

СТЭНЛИ. Меҳрибонгинам! Майли... Майли...

Энди ширин кўз ёши билан алмашган унинг ноласи ва муҳаббатли шивирлаши пианино оҳанглари остида тобора кўмилиб бораверади, унга мунгли труба ноласи жўр бўлади.

СТИВ. Нима бўлса, шу бўлади – гард кам!

## ПАРДА



## ҲАЙНРИХ ҲАЙНЕ

(1797–1856)

### “СЕВАРДИЛАР УЛАР БИР-БИРИН...”

Рус тилидан  
Муҳаммад АЛИ  
таржимаси

#### ТУШ

(“Рўёлар” туркумидан)

Мен кўрибман гаройиб бир туш,  
Лол бўлдим у бошдан учди ҳуш.  
Тун-кечада кўрган ваҳимам  
Тинчлик, ором бермайди бир дам.

Бир бог экан, ям-яшил бўстон,  
Ҳар ёғида жаннатдан нишон.  
Чаман-чотир очилмиш гуллар,  
Менга хандон боқармиш улар.

Қушлар, қушлар бу тушда нажиб,  
Чирқиллашар гаройиб, ажиб.  
Олтин қуёш ёнар осмонда,  
Кўрку чирой, фусун ҳар ёнда.

Нечог гўзал, фароғатли бог,  
Шинам, сўлим, тароватли бог!  
Борлиқ атроф олар кўзингни,  
Завқларга гарқ кўргунг ўзингни.

Лим-лим ҳовуз, турсангиз қараб,  
Сув қуйилар унга шарқираб.  
Кўллариди оқ мато, ёлғиз,  
Шошилмасдан кир ювар бир қиз.

Нозик адо фариштасимон,  
Олтин сочи ўғирлар иймон.  
Суйгулимдек туюлар, ҳайҳот,  
Меники-ю... менга етти ёт.

Сув қуйилар, сув оқар жўшиб,  
Сувга боқиб қиз айтар қўшиқ:  
“Шарқирайбер, оқабер, оқ, оқ!  
Ювиб бергин киримни тезроқ!”

Бораману ёнига аста,  
Шивирлайман унга шикаста:  
“Айт-чи, ойқиз, гар бўлмаса сир,  
Кимга атаб ювмоқдасан кир?”

Жавоб берар ул нозикбадан:  
“Билиб қўйгин, бу – сенга кафан!”  
Ғойиб бўлар шу лаҳза арвоҳ,  
Мен қолурман деганча: “Эвоҳ!..”

...Ғаройиб бир ўлкададурман,  
Рўбарўмда даҳшатли ўрмон,  
Дарахтлари ўрлаган кўкка,  
Кўз узолмай боқаман тикка...

“Тақ-тақ!” саси келади ногоҳ,  
Худди кимдир болтада шу чоқ  
Дарахт кесар эди; ул томон –  
Юрдим аста, дилда ҳаяжон.

Ялангликда паҳлавонсимон  
Бўй чўзганди ям-яшил эман.  
Шу он ерми, кўкданми олис –  
Пайдо бўлар болта тутган қиз.

Қиз болтани ўйнатар жўшиб,  
Жўшиб-жўшиб ҳам айтар қўшиқ:  
“Ҳой, болтажон, кескир бўл, кескир!  
Кескирликда тезгир бўл, тезгир!”

Бораману ёнига аста,  
Шивирлайман унга шикаста:  
“Сир бўлмаса, кимга, дўндиқча,  
Ясамоқчи эдинг сандиқча?”

“Рост айтаман, сўзим ёдда тут:  
Сенга тобут ясайман, тобут!”  
Ғойиб бўлар шу лаҳза арвоҳ,  
Мен қолурман деганча: “Эвоҳ!..”

... Рўбарўмда тақир ер пайдо,  
Ғайзи ҳам йўқ, машъум, бедаво.  
Гунг-лол турдим тикилиб бирпас,  
Эс-ҳушим ҳам ўзимда эмас...

Боқаману дилим гаиланар:  
Оқ доира кўзга ташланар.  
Тикилиброқ боққан маҳалим,  
Кўрдим: турар яна гўзалим!

Қўлларида ўткир белкурак,  
Ер қазийди тез-тез, жонсарак.  
Нозикниҳол, ранглари бўздай,  
Кўринади менга ёвзудай.

Белкурагин тутганча, жўшиб,  
У куйлайди галати қўшиқ:  
“Эй, белкурак, сен катта, зўрсан!  
Эй сен қабр, чоҳдай чуқурсан!..”

Бораману ёнига аста,  
Шивирлайман унга шикаста:  
“Айт-чи, ойқиз, гар бўлмаса сир,  
Кимга атаб қазурсан қабр?”

Жавобдан нақ ақлдан оздим:  
“Бу қабрни сен учун қаздим!..”  
Шу каломлар айтилган заҳот,  
Рўбарўмда очилди лаҳад.

Юрагимни қамради ҳарос,  
Шу лаҳадга қуладим бехос.  
Қабр мени қаърига ютди!  
Қичқирдим-у уйғониб кетдим...

\* \* \*

Бирга жўш урарди туйғуларимиз,  
Ўртада тенг эди шодлик ила гам.  
“Эр-хотин” ўйинин ўйнар эдик биз,  
Аммо уришмадик бирор марта ҳам.  
Йиғласак ҳам бирга, кулсак ҳам бирга,  
Ўпишдик, суюшдик – жой йўқдир сирга.  
Эркимиз бўш қўйган ҳаётнинг изни...  
Бир кун бекинмачоқ ўйнаб ўрмонда,  
Шундоқ яшириндикки, бир-биримизни  
Ҳануз топа олмай қолдик армонда...

\* \* \*

Қоронгида уйлар кўринар  
Сирли шарпа, хаёлот сифат.  
Ёмғирпўшга ўралганимча  
Мен бораман, бир оз бетоқат...

Минорада соат занг урар,  
Ўн икки! Эҳ, қолмас қарорим!  
Тоқатлари тоқ бўлиб магар  
Деразадан боқар дилдорим!

Ой-чи, мени кузатар доим,  
Юзларимни ёритар нури.  
“Ҳайр!” дейман унга силкиб қўл  
Ва кираман уйга югуриб.

“Раҳмат сенга, садоқатли дўст,  
Йўлларимга нур сочдинг сўлим.  
Сенга энди ижозат, боргин,  
Ўзгаларнинг ёритгин йўлин.

*Агар қай бир ошиқ нотавон  
Тақдиридан нолиса, дарҳол  
Худди мени юпантиргандай,  
Бошин сила, аста кўнглин ол!..”*

## ВАЛТАСАР

*Юлдузлар сўндилар, тун-чи, зимистон,  
Уйқуга гарқ эди бутун Вавилон.*

*Фақат шоҳ саройи эди нурафшон,  
Унда – бақир-чақир, ҳам шовқин-сурон.*

*Меҳмонлар айтилди бунда сарбасар,  
Байрам қилмоқчийди подшо Валтасар.*

*Аъёнлар яйрашиб ўлтирар бунда,  
Майлар қадаҳларда ялтирар бунда.*

*Обрўси ошгандир май қадаҳларнинг,  
Шодмон лаҳзаларнинг, хуш фараҳларнинг.*

*Бирдан подшо турди ўрнидан, ажаб,  
Ненидир эслади, бўлди даргазаб.*

*Жаҳл чиқса ақл қочар, дегандай,  
Улуғ руҳларга ҳам тош отди атай.*

*Танобин тортади гуноҳкорларнинг,  
Бадномлар айлайди айби борларнинг.*

*“Келтиришсун, – дейди подшо, – барини,  
Яҳудий ўлкасин бойликларини.*

*Подшо аскарлари топган дафина,  
Иегова горат этган хазина –*

*Шунда бўлсин бари!” Подшо олар май,  
Олтинранг қадаҳни кўлидан кўймай,*

*Сипқорар, оғзида кўпик, газабнок,  
Уят сўзларни дер, диллар бўлар чок:*

*“Иегова, иснод тушар бўйнингга,  
Вавилон подшоси шундай дер сенга!..”*

*Лекин подшо сўзи узилиб қолар,  
Дилни сирли ваҳма эгаллаб олар.*



*Бирдан қийқириқлар тинар шу заҳот,  
Залга кириб келар гўёки мамот!<sup>1</sup>*

*Бирдан оқ деворда – ўнгми ёки сўл –  
Шундоқ пайдо бўлар ёниб турган қўл.*

*Нелардир деворга ёзар шу асно,  
Сўнг эса йўқолар зулумот аро.*

*Подшо ўлик мисол ранглари оппоқ,  
Қотиб қолган эди телба бир нигоҳ.*

*Ҳаммани, ҳаммани қамради даҳшат,  
Қўлларда қалтироқ, дилларда ваҳшат.*

*Сеҳргарлар ҳам лол, уқишолмас чин  
Лов-лов ёниб турган сўзлар маъносин.*

*Тонг отмай подшога бердилар жазо:  
Бошини танидан этдилар жудо...*

\* \* \*

*Қўшиқларим заҳарланган, рост,  
Ким ҳам етар менинг додимга.  
Тап тортмадинг, бор заҳарингни  
Қуя олдинг гул ҳаётимга.*

*Қўшиқларим заҳарланган, рост,  
Куч етганча бердинг озор сан.  
Юрагимда илонларим кўп,  
Сен ҳам шулар ичида борсан.*

## ДИЛ ИЗҲОРИ

(“Шимолий денгиз” туркумидан)

*Оқшом секин қуюла бошлар,  
Шов-шув қилиб кўтарилар сув.  
Ўлтираман денгиз бўйида,  
Тўлқинларнинг ўйинин кўриб.*

*Кўнглим эса денгиз каби титраб қалтирар.  
Денгиз каби қайғу-ҳасрат қамраган уни,  
Ёруғ чехрам, соғиндим сени,  
Чароғбоним ҳар жойда ўзинг,*

---

<sup>1</sup> Ўлим, маъносида.

Ҳамма жойда чорлайсан мени,  
 Сен ҳар ерда, сен ҳамма ерда мужассам –  
 Шамолларнинг увиллаши,  
 денгизларнинг гувуллаши,  
 Менинг кўнглим фигонларида.

Қамиш билан қумга ёздим:  
 “Агнесса, мен сени жуда севаман!”  
 Аммо ювиб кетди ёвуз тўлқинлар,  
 Из ҳам қўймадилар дил изҳоримдан  
 Ёвузлар...

Эй, синаётган қамиш, эй сочилаётган қум,  
 Эй мавж урган тўлқинлар,  
 Ишончим йўқ сизларга ортиқ!  
 Осмон қораяди, юрагим эса ёнар, ўртанар.  
 Бас, бораман Норвегия ўрмонларига  
 Ва энг баланд арча танлаб оламан аввал,  
 Сўнг кучли қўл билан ердан шартта суғуриб,  
 Ботираман лангиллаган Этна-вулқонга,  
 Сўнгра ўтга тўйинган ул улкан қалам-ла  
 Шундай сўзлар ёзажакман осмон тоқига:  
 “Агнесса, мен сени жуда севаман!..”

Ҳар тунда ловуллаб аланга олар  
 Юксакда балқиган ўтли ёзувлар.  
 Набира, чевара, эваралар ҳам  
 Завқу ҳайрат билан ўқурлар аён,  
 Қалблари бемисл шодликка тўлар,  
 Чунки, у сўз эмас, Осмон сўзлари,  
 Осмон сўзларию, имон сўзлари:  
 “Агнесса, мен сени жуда севаман!”

\* \* \*

Севишарди улар бир-бирин,  
 Учрашишмас эдилар бироқ.  
 Ишқ деб бўлди жонлари ҳалак,  
 Лек адоват айлади йироқ.

Айрилдилар; эслар бир-бирин  
 Энди тушда кўрганларини.  
 Билмасдилар улар ўзларин  
 Аллақачон ўлганларини...

## ГРЕНАДЁРЛАР<sup>1</sup>

Рус асирлигидан Францияга  
 Икки аскар қайтар, бошлар эгик, хам.  
 Йўқ бирон жўяли фикр мияда...  
 Олмон ерларига қўйдилар қадам.

<sup>1</sup> Гренадёрлар – бўйлари баланд аскарлардан ташкил топган махсус лашкар номи.

Дашиномлар тинглаш бор иснодлар учун,  
Поймолу хор бўлган мамлакат шаъни,  
Майдонда чилпарчин жанговар қўшин,  
Ҳатто император асир тушгани...

Нохуш хабарлардан бағри-дили қон,  
Аскарларнинг бири шерикка деди:  
“Биродар, юрагим зирқирар ёмон,  
Эски яраларим очилиб кетди!..”

Ўзгаси дер: “Ўртоқ, этсам дил изҳор,  
Ортиқчаман энди жаҳонда мен ҳам.  
Лекин уйда хотин, бола-чақа бор...  
Аммо ҳеч вақо йўқ, бари шип-шийдам.

Бошига тушганини кўради чин мард,  
Хотин, бола-чақа кўрар бир кунин.  
Кўнглимни қиймалаб турар бошқа дард:  
Император – асир, асирдир, бу чин!

Ушбу васиятим хотирингда тут:  
Гар бунда тугаса аскар ҳаётим,  
Менинг жасадимни юртга олиб кет,  
Ул ерда дафн эт, шулдир муродим!

Қизил тасмага тиз орденларни сен,  
Юрагим устига териб қўй қатор.  
Найза бер, найзамга суянгайман мен,  
Қурол тутқизмасанг қўлимга – бекор!

Худди соқчиликда тургандек вазмин,  
Мен сергак ётаман лаҳадда, ўртоқ,  
Замбарак овозин, бурғулар сасин,  
Отларнинг кишинашин эшитганим чоғ,

Бас, аён, У келар мозорим сари,  
Байроқлар дилларга солади сурур.  
Шунда, Император, содиқ аскаринг  
Қабридан чиқади пойингга мағрур!

\* \* \*

Ажралишар экан икки дил,  
Хайр, дея қолмайин бардош,  
Бир-бирига узатарлар қўл,  
Оҳ чекарлар, кўздан тўкиб ёш.

Бизга ажраш бўлмади қийин,  
“Хайр!” дедик икки бағри тош.  
Ҳар томонга кетдигу кейин  
Айри-айри кўздан тўкдик ёш...



## **ГЕОРГИЙ ГАЧЕВ**

### **ОҚ БУЛУТ ҚИССАСИ ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА**

*Рус тилидан  
Сайди УМИРОВ  
таржимаси*

*Георгий Дмитриевич Гачев (1929–2018), адабиётшунос, маданиятшунос, файласуф, филология фанлари доктори. Москва давлат университетининг филология факультетини тугатган. 30 дан ортиқ китоб, кўплаб мақола, тадқиқотлар муаллифи. “Адабиётнинг тезкор ривожини” (1964), “Севги, инсон, даер” (Ч.Айтматовнинг “Жамила” қиссаси ҳақида, 1965), “Ижод, ҳаёт, санъат” (1980), “Фан ва миллий маданиятлар” (1992), “Жаҳон миллий образлари” (1999), “Космо-Психо-Логос” (2007) китоблари айниқса машҳур.*

“Романга қўшилган қисса”. “Чингизхоннинг оқ булути” қиссаси жанрини Айтматов “Асрни қаритган кун” романини назарда тутиб шундай белгилайди: роман етмишинчи йиллар охирида ёзилиб, “1980 йилда Новый мир” журналида эълон қилинган эди. Муаллиф аввал сўзида ёзганди: “Мафкуравий таъкиб-газийк авж олган, ўта хушёр, тўрт кўзли цензорлар ва “юқорининг турли фикрлари” маъмурий йўл билан асар тақдирини ҳал қилган замонда илк вариантда ушбу матн бўлмаганини айтиб ўтирмай. Кўп ҳолларда китобга “умуман” йўл берилиши учун кулфатнинг кичигига рози бўлишга, образли айтганда, қаттиқ довул, бўрон пайти ўқувчилар кирғоғи томон сузиб бораётган кемага ортиқча юк ортилишининг олдини олишга тўғри келди. Ҳар доим ҳам “чала айтилган қўшиқни охирига қадар куйлаш” имкони бўлмасди. Мана энди шунга имконият туғилди, ва эски “янги” романининг ушбу қисмини тақдим этмоқчиман”.

Ҳа, бу – адабий воқелигимизнинг табиий мантиқсизликларидан. Муаллиф қалб кўри, кўз нури билан, илҳом ва маҳоратини ишга солиб тугатган асари ўз вақти-соатида босилмас, редактор ва цензорлар қайчиларида истаганча қирқиладиган, заха етказиладиган замонлар эди. Яна шуниси ҳам тўғридирки, муаллиф ўз асари бошига тушажак кўргиликларни олдиндан сезиб, пишиб етилган, маъқул, сўз, бирикмаларга “йўқ, бу ўтмайди!” – дея ижодий жараёни бўғишга, асарига аввалдан жароҳат етказишга мажбур бўларди.

Албатта, жонли ижод оқими шикаст олиб бўлса-да бу тўсиқларни босиб ўтарди. Баъзи муаллифлар эса ҳафсаласи пир бўлиб, умидсизликка тушиб

эълон қилиш учун эмас, буюртма билан, маъқул келтириш учун ёзишарди. Шундай қилиб, илгарилари яратилган деярли ҳар бир ёрқин асар эндиликда тўлдирилган, ҳолда қайта нашр этилса соз бўларди. Мана, Айтматовнинг романи ҳам энди янги қисса билан тўлдириладиган, мазмунан бойийдиган бўлди.

Айтматовнинг ушбу матни нимаси билан 1980 йил цензорлари ғазабини кўзғатган? Авваламбор, Абутолиб тақдири билан боғлиқ воқеалар, унинг чақув асосида қамалиши, ўша авжи “турғунлик” йиллари Сталин қатағонларини эшлаш мақбул кўрилмаган кезларда ёзувчи жасорати қутилмаган портлаш билан баробар эди; ва, албатта, унинг давоми, қамоқдаги азоб ва қийноқлар, чекистнинг доврўқ қозониш, амал пиллапоясини ўстириш учун йирик ишни дўндиришни ниёт қилгани, Абутолибнинг ўзини ҳалок этиши ўша кезлар цензураси “мумкин” деган доирасига кирмас эди. Чингизхоннинг оқ булуту ҳақидаги афсона-миф балким “ўтса” бўларди... Лекин бу ерда муаллиф танлови, диди рўйхуш бермади, унда роман афсонавий-мифологик материал қатлами билан семириб кетарди, ахир у ерда ривоятлар етарли эди-да: кўшиқчи оқин Раймали оға, оқина Бегимой, манқуртлар... Тўғри, “Дон Кихот”нинг қатта қисми, “Вильгельм Мейстер”, “Оға-ини Қарамазовлар” ҳам “киритма ҳикоялар” ва ривоятлардан иборат. Ўша пайтдаги романда ушбу ривоятга ҳам жой топилиши мумкин эди ва деярли ўзаро тенг икки массивдан иборат бўларди: Едигей ва Абутолиб ва бизнинг ҳаётимиз тасвирланган инсон, замин қатлами ҳамда миф, метафизика, олиймақом ғоялар қатлами. “Илиада”да ердаги – ахеанлар ва трояликлар қўшинидаги ва Олимпда, маъбудлар орасидаги воқеалар алмашилиб ҳикоя қилинади. Турмуш қатламлари, ноуменлар ва феноменлар ҳаётини параллел равишда ёритиш йирик услубдаги эпосга хос хусусиятдирки, Чингиз Айтматовнинг “Асрни қаритган кун”и шу хилдаги эпик асарлар сирасидан. Чингизхон ҳақидаги афсона ўшандаги вариантга бемалол кириши мумкин эди, агар ўшанда ёзилган бўлса (ўйланган, қолдирилган бўлмаса...). Афсона кейинроқ, яқин ўртада (мақола 1990-1991 йилда ёзилган – С. У.) битилмаган эканми, деган фикрга етаклайди каминани. “Романга қўшилган қисса”да давом эттирилган Абутолиб линияси ҳам кейин ёзилгандай туюлади менга...

Шу боис ўқувчига тақдим этилган маттни аввалгисига кўшимча сифатида эмас, изчил тартибга солинган, тугалланган мустақил асар сифатида қарашга мойилман. Бунда, мусиқа тили билан айтганда, “оддий уч қисмли шакл” яққол илғанади: Абутолибнинг бошда ва такрорий тўкнашувлари, ораликда – афсона. “Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...” деган анъанавий жумла матни мустаҳкамлаб, роман воқеалари билан боғлаб туради. Романнинг кўп боблари ҳам шу жумла билан бошланади. Бунда, Сарийўзак кенгликлари нафасидан ташқари метафизик маъно ҳам мавжуд: матнда тасвир этилганидай даврнинг тикланиши, тарихнинг “ағдарилиб” абадиятга, мифга қайтарилиши... Бу билан муаллиф ўй-хаёлларининг ортга – аламли замонавийликдан олиймақом ғоялар оламига қайтиши гўё “оқлангандай” бўлади. Олиймақом ғояларда воқелик, турмуш ва Худонинг одам моҳияти хусусидаги ўй-ниятлари мифларда халқчил, ёрқин ифодасини топишини Чингиз Айтматов асарларида кўрамаиз. Бас, шундай экан, муаллиф, Чингиз Айтматов, мени кечирсин, ҳақиқий “романга қўшилган қисса” “Асрни



каритган кун”дан олдин ёзилган ва мустақил бадиий организмга хос барча хусусият-аломатларга эга деб ўйлайман. Ва бу қандоқ яхши. Гарчанд уни, албатта, кассетадай роман матнига киритса ҳам бўлар – бунинг учун уловчи жиҳатлар мавжуд... Ва мен асарни романга муқояса қилиб эмас, мустақил бадиий ҳодиса сифатида таҳлилга тортмоқчиман...

У ҳолда муаллифнинг аввалсўзи-огоҳи нима бўлади – сўраши мумкин ўқувчи – ахир адиб ўша йиллардаги мафкуравий босим туфайли ижодий ниятларини тўлиқ амалга оширолмаганини айтган-ку. Нима, у бизнинг бошимизни қотирмоқчими?... Ҳаям, йўғам. Албатта, у “ўз ашуласи овозини бўғиши” (Маяковский совет ёзувчиларининг ушбу жарроҳлик амалиётини башорат қилгандай), ўша даврнинг қаттиқ шароитлари боис ниятини амалга ошира олмаслигини кўриши мумкин эди... Айни чоғда шартли усул, ижодий топилма, ўқувчиларга мурожаат ўрнида ҳам қабул қилса бўлади, худди Лермонтов “Замонамиз қаҳрамони”ни ўқувчиларга олдиндан тушунтириб ўтгандай; ё ёзувчилар, бу ерда нима дейилган бўлса бари чин ҳақиқат деб ишонтиришади, ёхуд бошқалари, аксинча, бари исм-шарифлар ўйлаб чиқарилган, бадиий тўқима, умумлаштириш ортига яширинишади, токи ўқувчи қавми норизо хат-хабарлари билан муаллифни ҳоли-жонига қўйишмасин, қариндош-уруғлари ёки касб-корларини “ҳақорат қилгани” учун судга тортишмасин. Гоголь ўз вақтида амалдор ёки офицерни тасвирлаш мумкин эмаслиги, акс ҳолда аларнинг бутун қавми шаънини таҳқирлашда айбламасликлари олдини олиш шундай қилиш кераклигини тушунтириб ўтган эди. Бизнинг ғаройиб вазиятда муаллифларнинг аввалги мурожаатларидан фарқ қилароқ янги, новаторлик вариантни кўриб турибмиз. Ёзувчи, ўқувчиларни қизиқтириш мақсадида, бу нарсалар ўшанда, айтиш мумкин бўлмаган кезларда рўй бергани, қоғозга тушганига урғу қилади... Бу, ҳақиқатан ҳам, шундайми ёки ижодий усул, вазифа, тақлидми – бу ёғини топиш ўзингизга ҳавола!... Нимага деганда ҳозирги фош этувчи, аяб ўтирмовчи публицистик усулга – “ошириб ур, пўстагини қок”қа – кўникиб, кўзи пишиб қолган юзаки ўқувчи ҳафсаласи пир бўлиб матндан узоқлашиши мумкин, а энди, бундай нарсалар ёзишга ижозат берилганда ёзилибди!.. Шундай ўйловчиларга жавоби тайёр – бу ўшанда ёзилган!.. Бадииятдан хабардор, жиддий ўқувчилар учун бунинг аҳамияти йўқ. Менга, масалан, адибнинг шу тариха юзаки ўқувчи “бошини қотириши” хуш ёқади. Энди, келинг, қиссани мустақил асар сифатида таҳлил этишга киришайлик.

Мустақиллиги хусусида. Абутолиб тақдири роман воқеаларига тиркалмасдан ўз ўзича у қадар тушунарли бўлмайди. Бу ерда у, умуман олганда, унча қизиқарли эмас: ички муаммолари йўқ персонаж, шунчаки ачиниш объекти. Бунда чекист Тансиқбоев – руҳият ва ҳаёт овчиси образи янги. Бу иблислар Ўрта Осиёда “буржуа миллатчилари”га қарши олиб борган навбатдаги йирик тадбири тугаши муносабати билан катта базми жамшид қилишади. Давлат сирларига дахлдор бу ёлланма ваҳшийлар тўдаси ялтироқ қандиллар нур сочиб турган, увилдириклару егулик-ичкилик тўла дастурхон устида Сталин учун ҳамду саноли ва душманларга қарши дағдағали қадахлар кўтаришади.” Ва бу гап-сўзлар, шу ернинг ўзида туғилиб, кўпайиб, узоқ вақт йиғилганлар боши устида айланиб, ёввойи ковоғарилар галаси сингари пинҳоний ғазаб-нафратга тўлиб борарди, ковоғариларнинг кўплиги, захарлилиги уларни баттар дарғазаб қиларди”.

Воқеа ва одамлар тасвирида Айтматов кўзгуси мана қандай. Тубанликдан тепаликка кўтарилган, тўқимтабиат Тансиқбоевнинг ички монологи, тўданинг шоҳона базми жамшиди, уларнинг тубан психикаси, бир томондан, ички монологи, ўй-хаёллари орқали берилади. “Ҳамкасблари” омадига ҳасад кўзи билан қараётган майор: шошмай туринглар, Абутолип орқали инглиз-югослав жосуслари кенг тармоғининг СССР зиёлилари билан алоқасидан ҳали шундай иш чиқарайки, ҳасаддан қотасизлар, келгуси зиёфатни мен бераман! Иккинчи томондан, буларнинг бари тепадан, худолар қароргоҳидан туриб кузатилади: заҳар-заққум сўз-иборалар қовоғарилар галаси ғинғирлашига тенглаштирилиши бежиз эмас; “Бўронли бекаат”нинг бошида егулик топиш илинжида санқиб юрган тулки; кейин калхатнинг баланддан дафн маросимига йўл олганларни кўп бор кузатиши... – одамлар-аро муносабатларнинг ҳайвонлар, фалокатлар, ғоялар, афсоналар орқали берилиши...

“Кураш муттасил қизгин олиб борилиши учун фикр юритилади ўлжага олинган немис сервислари, ҳавас қиларлик қулайликлар муҳайё банкетда – янги-янги объектлар, янги йўналишдаги фош этишлар керак бўлади; бу борада кўп иш қилиб бўлингани, бутун бир халқлар депортация қилингани, Сибир ва Ўрта Осиёга нақ ўлимга жўнатилгани, чекка ўлкаларда “буржуа-феодал миллатчилиқ” да айблашдек вақтида кўп қўлланган вариант асосида “ялпи” ҳосил йиғиш тобора қийинлашиб бораётибди”.

Бунда икки образ: ишдан чиққан шахта ва далалардан олинган ҳосил “чекистлар” деб аталмиш нотайин қавм – мамлакат ва халқларни маҳв этувчилар психикасини равшан ифодалайди. Бундан ташқари, биз, содда ва гўл одамлар, шахта қазиймиз, дон экамиз, ҳар биримиз, қалб ва ҳаёт соҳиблари, ўз навбатида, хомашё ва шахтага, қон ва ҳосилга айланамизки, Ҳокимиятга дохил, Давлат сирларига яқин “одам овловчилар” устакорлик билан ўз бурчакларини қуришади, ҳосилини кўтаришади. Бизнинг оҳ-воҳларимиз, дод-войларимиз билан бир пуллик иши йўқ, улар учун кўмирнинг ғичирлашию бошоқнинг узилишидай гап. Биз бир-биримизга қаршимиз. Улар биз – хомашё ва егуликнинг ошпазлари. “Тансиқбоев..., биринчи қарашда кичкина туюлган делого (Абутолиб делосига – Г.Г.) керакли ишлов берилса катта аҳамият касб этишига тобора кўпроқ ишона бошлади.” Кулинарлар! Овчилар... Кейинги образ мени ушбу касб-кор билан кўпроқ яқинлаштирди. Уларнинг психологияси ҳам овчиларникидек. Овчилар куён, лойхўрак ёки буғуни пойлагани сингари, булар ҳам шаҳар ва қишлоқ кунжақларида, фабрика ва китобларда мафкуравий душман қушини овлар экан, виждони заррача бўлсин қийналмайди. Бунда энг муҳими – ўзларини бошқа-бошқа насл-насаб одамлари, бир-бирларини тоқат қилолмайдиган, қарама-қарши мавжудотлар деб ҳис қилиш, қурбони чеккан азобларга заррача ҳам парво қилмаслик. Агар Сталин одамни “бир мурват” деган бўлса, чекист ўтин ўрнида кўради. “Давлат манфаатларидан юқори нима бор?” – мулоҳаза юритади алдоқчи, афсунгар, ўзини ҳукмрон, Худо чоғлайдиган чекист. Киши ҳаёти-чи? – дейиши мумкин баъзилар. Соддадил нодонлар! Давлат – бу печ, одамлар унинг учун ўтин. Ўтин қалаб турилмаса печ бурқсиб, тутаб, ўчиб керак бўлмай қолади. Локин шу касларнинг ўзи давлатсиз яшай олмайди. Ўзларини ўзлари ёқадиган бўлишади. Гўлаҳлар ўтин қалаб туришга мажбур. Бариси шунга қурилган, вассалом!”

Ҳа, афсонада қайсар Чингизхоннинг ўзи шу йўсинда четга сурилиб кўйилади. Унинг кўшини “аждаҳо ўт пуркаб турган” туғлар остида йўл босарди. Унга, қатъиян ман қилишига қарамай, кўшини кўч-кўронидаги бир аёл тукқанини айтишганда, “фарзанд кўрган аёл туғ тўқувчиларидан эканини эшитиб бағоят ҳайрон бўлади, кимдир бу иш билан шуғулланиши, кимдир унга этик тикиши, яшаб турадиган ўтовини тиклаши илгарилари ҳеч ҳаёлига келмас, бундай майда-чуйда нарсаларни ўйлаб ўтирмас эди. Бу қанақаси, шохона туғлар ён-атрофида, кўшинларида ўз-ўзидан пайдо бўлмаганмиди, ловуллаб ёнаётган гулханлар у келмасдан олдин ёқиб кўйилмаганмиди...”

Тасарруфидаги турмуш, ҳаёт тарзи кутилмаганда ҳокими мутлак нигоҳида намоён бўлди: меҳнат қилаётган, ишлаб чиқараётган, туғаётган, дунёга келтираётган турмуш, шароит – хоқон ҳам унинг маҳсули, тайёрига айёри, сохиби бўлса-да, ниманидир ўзгартириш, олиш, кўйиш, рад этиш, йўқ қилиш унинг измида эди-ку...

Қайсарнинг энг аввал ғашини келтираётган нарса – унинг буйруғисиз ўз-ўзича турмуш кечирилаётгани, ижод қилинаётгани, туғилаётгани, ўзбилгича ишлаб чиқарилаётгани, бошқарувга чап берилаётгани, ито-атсизлик, ўзбошимчалик, кўнгли тусаган ишни қилиш. Бу қанақаси?! Бунинг натижаси-оқибатини кейин ҳам кўрдик: социализм-тоталитаризм ҳамма соҳага човут солди, планли хўжаликни, меҳнат армиясини ўйлаб чиқарди, ишлаб чиқариш, иқтисодиётни, барини ўз кўлига олди, унинг хохиш-иродасисиз бирон нарса қилишга йўл қўймади!

Айтматов афсонасидаги Чингизхон бошқача йўл билан ўзибўларчилик, бошбошдоқликнинг олдини олишга қарор қилади: кўшин ортидан келаётган кўч-кўрон аҳлига қаттиқ тартиб ўрнатади, “Ғарбга юриш ғалаба билан яқунланганга (коммунизм қурилиши тугалланганга – Г.Г.) кадар аёл зотига туғишни қатъиян ман қилади. Ҳарбий ғалабалар учун Чингизхон ҳатто табиат қонунларини ҳам рад этади, Ҳаётни ва Тангрини таҳқирлашдан ҳам қайтмайди.

Ҳомиладан дарак берувчи Тангрини ҳам ўз измига солмоқчи бўлади. Халқда ҳам, кўшинда ҳам ҳеч ким унга қаршилик кўрсатолмайди...”

Ҳатто севги-муҳаббат бобида ҳам тартибга солиш, бошқаришга қадимдан жазм этилгани, “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” принципига асосланиб иш кўрилгани маълум. Платон “Давлат”ида, Томас Кампанелла “Қуёш шаҳри”да, Фурье асарларида, умуман барча утопист, хомхаёл бандаларида ҳаётни Табиат ва Худо асос солган “боболар йўриғи”да эмас, балки бир-бирига мос жуфтлар танлаш, зот-зурриёд яратиш (национал-социализм ўйлаб топган “орий” ирқларга ўхшаб) орқали “қайта қуриш” белгилаб берилган эди. Марксизм-ленинизм ўзи ишлаб чиққан программасига эга бўлмагани боис, бу борада қандайдир оқсади, хотин-қизларни никоҳ “кишани”дан халос қилиш, куҳаркага давлатни бошқариш ҳуқуқини беришни ҳисобга олмаганда...

Лекин бизнинг “социализм” меҳнатга раҳбарлик қилиш орқали ушбу соҳага кириб борди: деҳқонни ердан, аёлни эрдан ажратиш табиий кўпайишдан маҳрум этдики, асрий ҳукмронлик натижаси-оқибатида батамом ишдан чиққан хўжаликка, насл айниш чегарасига бориб қолган аҳолига эга бўлдик.

Чингизхоннинг телбанамо тақиқи ўзларини ҳокими мутлақ деб ҳисобловчи, ҳатто худони тан олмовчилар назарида мантиқий туюлади,

инсоният тарихида бундай ёвуз ниятли каслар бир-бир учраб туради. Ўзини ҳаммадан зўр, олиймақом инсон деб билганларнинг ҳам ишқ, муҳаббат бобларида ҳам дил яралари, дард-аламлари бор эдики, улар бунинг учун бани одамзоддан, табиатдан, Худодан ўч олмоқчи бўлишган. Сталин ҳам, Гитлер ҳам ожизликлардан холи эмасди, ёш хотини Бортэни кўшни қабила – меркитлар олиб қочишгани умри бўйи юрагида тузалмас яра бўлиб қолди, ғанимлари кўркам табиат қучоғида нима қилса қилишгани, тўнғичи кимданлигига гумон қилиб ўртанганича бор...

Шуни тушунмоғимиз керакки, тиран, моҳиятан табиат ва Худо бенасиб қилган (Муҳаббат ва Виждондан ҳам қисган) бахти қаро кас, шу боис бор ғазаб-нафратини турмушдан ўч олишга қаратади. Ёвуз ҳеч қачон ҳаддини билмайди, нафақат одамларга, айна чоғда ҳаёт тарзига, космосга, Гўзалликка, Табиатга ва Худога тажовуз қилади.

Ва бунинг акси: золимга уни енгиб эмас, аёлга рўбара қилиш, андак муҳаббат, инсонийлик уйғотиш йўли билан бас келиш мумкин. Шунда у одамлигини ҳис этиши, яқинларига ачиниш, шафқат пайдо бўлиши, ахлоқийлик, виждон туйғуси уч бериши, яхши ҳукмдорга айланиши мумкин... Қадимда иудейлар буни ўзларича тушуниб гўзал аёлларини душман кўмондонларига (Юдиф ва Эсфирни эслайлик) кўшиб мағлуб этишган.

Чингизхон ҳақидаги афсонада ҳукмдордаги одамийлик, юмшоқликнинг сўнги томчилари марҳаматли Оқ булутга муносабатига намоён бўлади. Башоратга кўра, Оқ булут унинг армиясига ҳамроҳлик қилиб, эзгулик тилаб боради, Худо, Табиат, Ҳукмдор ўртасидаги алоқа воситаси.

Бизнинг афсонамизда ким қаршилик кўрсатди, нимага? Муҳаббат! Шахси номаълум кимса эмас, Чингизхоннинг яқин доирасидаги юзбоши Эрдене билан аждаҳо тасвири туширилган туғ-байроқ тикувчиси Догуланг ўртасидаги муҳаббат. Догуланг рус афсоналари қахрамони Феврония сингари ижодий қалб. “Сен менинг аждаримсан, – дейди у севгилисига. – Мен байроқларда аждар расмини чизаман. У кимлигини бошқа биров билмайди. Бу – сен. Баъзан уни тушларимда кўрсам тушларимда чизардим, унга жон ато этардим ва, сен фақат кулмагин, уни тушимда бағримга босаман, биз топишамиз, аждар мени кўтариб кетади, у билан бирга учаман, энг тотли лаҳзаларда у сен бўлиб чиқасан. Тушимда сен ё аждар, ё одам тарзида...Сен менинг оловли аждаримсан... Бундан чиқдики, мен аждардан бола орттирибман-да”.

Турли халқлар ривоят ва эртақларида қизнинг Оловли илон билан учрашуви руҳият таҳлилчилари томонидан образ ва эҳтиросли висол онлари сифатида изоҳланади. Бу, шубҳасиз, бизнинг адибимизга ҳам маълум бўлган, фақат афсона қахрамони дилидагини жуда аниқ, тушунарли изоҳлайди, худди Фрейд ва Юнгнинг руҳ таҳлили асарларини ўқигандай... Умуман Чингиз Айтматовнинг кейинги ижодида рўй берган воқеа-ҳодисаларни бир қадар мулоҳазакорлик билан, босиқ тасвирлашга мойиллик сезилади.

Хуллас, севикли маъшуқа айна чоғда беназир мусаввир. Ўзи ва севгилсининг қалби ва шахсини салтанатнинг расмий, қиёфасиз рамзи – ғалаба туғига нақшлайди. Жаҳоннинг катта худуди, мулки Ҳукмдори, ўзи беҳабар, Тангри ва Табиат томонидан қуршалиб, чеклаб қўйилганидан олинганига қарамай бошқарувга бўлган иззат-нафси баландлиги Толстой тасвиридаги боланинг қаретани эшиги тавақасини очиб тасма билан бошқаришга уринишини эслатади.

Ушбу мазмун-моҳият таҳлили ўта муҳим. Сиртдан қараганда, Ҳукмдор кучли-қудратли, сон-сановсиз жангчилар, отлар, туялар, кўч-кўрон бари

унинг изми-ихтиёрида. Лекин уларнинг бари “феноменлар”, ҳал қилишга, фикр беришга ожиз вазифадорлар. Омма ичида икки шахс алоҳида ажралиб, Ҳукмдордан устунлигини кўрсатиб туради. Шу булут ҳақидаги афсонада ифодаланган олиймақом ғоя билан икки инсоний мавжудот ўртасида тўғридан тўғри алоқадорлик бўлиши мумкин. Барчага ибрат-дахшат бўлсин деб ошиқ-маъшуклар Сариўзакда қатл этилганда булут чекинади, Чингизхонга соябонликни тўхтатади, тарқайди, Осмон воз кечганини англаган ҳукмдор юришни тўхтатиб, қўшинни ортга қайтаради.

Догулангни қўшин сафи олдида қатл этишга олиб кетишаётганда болани кимдан орттирганини айтишни талаб қилишади.

– Кимданлигини билмайман. Бу аввал ва жуда узокда бўлган эди – жавоб берди байроқ тикувчи.

Чўл узра эркакларнинг дағал кулгиси, аёлларнинг чийиллаши эшитилди...

– Кимдан бўлганини қандай тушунмоқ керак, бозордами?

– Ҳа, бозорда – жаҳл билан жавоб қайтарди Догуланг.

– Савдогармиди ё саёкмиди? Балки бозордаги ўғридир?

– Савдогармиди, саёкмиди, ўғримиди, билмайман – зарда қилиб деди аёл. Яна қаҳқаҳа ва чийиллаган товушлар босиб кетди.

– Нима фарқи бор: савдогарми, саёкми, ўғримиди – муҳими бозорда бу ишни қилган.

Кутилмаганда қўшин сафидан кимнингдир овози янгради:

– Боланинг отаси – менман! Ҳа, менман, агар билишни хоҳласангиз!

Ҳамма бир зум жимиб, ҳайратдан қотиб қолди. Ким экан бу? Тикувчи сирини очмай кетаётган сўнги дақиқада ўлимни бўйнига олган мард ким бўлдикин? Барча ҳайратга тушди. Пешонаси юлдуз тамғали отини ниқтаб, камчи уриб қўшин орасидан юзбоши Эрдене чиқди.

Юзбоши Эрдене ўлимни кутаётган маъшуқаси олдида келиб, тиз чўкди, бағрига олди, у бўлса қўлини бошига қўйди, ўлим олдидан яна кучоқлашиб тек қотишди.

Ушбу сахнани қайта ўқир, қоғозга туширар эканман, кўз ёшларимни тиёлмадим.

Бу ерда жамики гўзаллик, фазилат тантанаси, портлашини кўрамиз. Бари бир жойга жам бўлди – Шайтон ва Ўлим енгилди. Бу қандай кучлар эди? Муҳаббат ва Виждон! Улар энг сўнги дамларда инсонийлик мазмун-моҳиятини кўрсатишди... Қўшин сафларида маъшуқасини судраб келишгани, кўкрагини чақалоғидан ажратишганида юзбоши тишини тишига қўйиб чидаб турди. Лекин уни “бузуки” дея таҳқирлаб, шаънини ерга уришганда тоқат қилолмади, виждони ларзага келди. Ва қўшин олдида чиқди, айтди.

Бу ўринда Достоевский “Кулгили одам тушлари”да инсонга таклиф этган ахлоқий тажриба ёдга тушади: “Тасаввур эт, сен қаердадир, масалан, Ойда мудҳиш жиноятга қўл урдинг, бу ерда қилмишингни ҳеч ким, ҳеч қачон билмайдиган бошқа сайёрага ўтиб қолсанг қандай бўларди?”.

“Романга қўшилган қисса”да асосий муаммо, албатта, тотал шароитда қандай яшамок? Золим салтанат ҳамма нарсани ёпиб, тамбалаб қўйган бўлса? Албатта, Қайсар қўли, ҳукми етмаган жойлардан Меҳнат, Табиат, Оила қароргоҳига кетмоқ. Муҳаббат ва Ижодга кетмоқ. Бўронли бекатда Абутолиб шундай яшади. Афсонада ҳам юзбоши ва тикувчи бир-бирини пинҳона севишди ва кенгликларга қочишни кўнгилларида ўтказишди...



Ва Осмон бундайларга ҳомийлик қилади – ҳаётни давом эттирай деганга Тангрининг манзиллари кўп. Фақат тасаввуринг, тафаккуринг бўлса, юрилган йўллардан четга чиқмасанг бўлгани...

Оддий меҳнат тарзи: этик тикмоқ, наमत тикиш, дон-дун, олма-ўрик етиштириш Қайсарни четлаб Тангрига ва Табиатга олиб боради. Бизда ушбу қальани қўлга олишмоқчи бўлишди холос ва доғда қолишди. Оилавий тинч-сокин ҳаёт кечириш ва ишлаш, бу “физика” тўғридан тўғри “метафизика” – Худо, Муҳаббат, Ҳақиқат, Гўзаллик мувофиқ-мутаносиб келса – марҳамат, мурувватга ҳам йўл очилади. Тутиб олиб судга келтириш, азоб бериш, қатл этишса-чи – у ҳолда нима қилмоқ керак?... Имкон борича чап бермоқ, ўзини қутқараман деб бошқани сотмаслик – тик туриб, кўкрагини тутиб бермоқ. Афсонада севишганлар худди шундай йўл тутишди. Абутолиб ҳам худди шундай қилди умумий иш бўйича юзлаштиришга олиб кетишаётганда, ўзини поезд тагига ташлади, Тансиқбоевнинг шум ниятларини чиппака чиқарди... Тоталитар режимда энг қўрқишадигани нияти, хатти-ҳаракатини олдиндан билиб бўлмайдиган одамлар. Хуфя Чингизхонга, унинг қатъий ман этишига қарамай, кўч-кўронда аждаҳо расмини чизувчи аёл тукқанини айтганда, “гарчанд ҳеч нарса юриш тартибини бузмаган, саҳро қўшинининг Ғарб томон ҳаракатига, дунёни забт этишдек буюк мақсадининг амалга ошишига монелик йўқдай туюлса ҳам, бари бир, нимадир рўй бергандай, ҳукмдорнинг кўзғолмас тоғидан бир тошча юмалагандай бўлди. Ва бу унинг тинчини бузди...

Бўлмаса-чи! Ахир тоғ кўчкиси кичик бир тош юмалашидан бошланади. Гарчи у ҳеч нарсага тегиб ўтмай юмаласа ҳам юқоридаги кўзғолмас юлдузлар озодликка интилишни кузатиб, бир киши ҳам майдонда жангчилигини кўриб туради.

Тарих ҳаракати тўлқинсимон тарзда, паст-баланд, аста-секин кечади. Танглик, зулм (деспот) давридан кейин енгиллашиш, эркинлик даври келади, лекин эзгуликка ҳаракат бир текис, силлиқ кечмайди. Яхшилик, фаровонлик ҳам, зулм, ёвузлик ҳам параллел тарзда, бир-бирини рағбатлантириб, озиклантириб куч тўплайди. Айтматов ҳам шу тахлит фикрлайди, деб ўйлайман. Махсус вагонда Бўронли бекат орқали олиб ўтилаётган махбус Абутолиб бир зум хотини Зарипа, ўғиллари Эрмек, Довулни, Казангапни вагон панжарасидан кўриб қолишга улгуради, ўзини зориқиб, лекин беҳуда кутишаётганини билиб юраги зирқирайди, хаёлидан “тугалмас зулм” ҳақидаги ўйлар кечади. “Энди у, мабодо тагин дунёга келадиган бўлса шунда ҳам Тансиқбоев ортидаги киёфасиз, раҳм-шафқатсиз кимсалар билан билан тўқнашувдан қочиб қутула олмаслигига тобора ишонаётган эди. Бу куч, дунё яралгандан бери давом этиб келаётган ёвузлик урушдан ҳам, асирликдан ҳам даҳшатли эди. Эҳтимол, Абутолиб, камтар мактаб ўқитувчиси, коинот кенгликларида бекорчиликдан узоқ муддат азоб чеккан шайтон учун товон тўлаётган одамзод вакиллари билан бири бўлган бўлса. Ер махлуқларидан якка-ягона бири дарҳол шайтон билан тил топишиб, кунма кун, асрма аср зулм уруғини эка бошлади. Фақат одамгина жон куйдириб ёвузлик қиладиган бўлди. Шу маънода Тансиқбоев Абутолиб учун шайтонлик ташувчи, тарқатувчи иблис бўлди. Худди шу боис улар бир поездда, бир махсус вагонда, бир ўта муҳим иш юзасидан келишаётган эди”. Бамисоли эзгулик ва ёвузлик бир қаторга қўйиладиган бўлса, улар бир тизгинга боғланган ҳолда боришарди. Эзгулик ва ёвузлик

бир сафга, қаторга қўйиладиган бўлса узлуксиз-тўлқинли-тебранувчи ҳаракат юзага келади. Тўғри, ушбу схема кам таскин беради: қиш ортидан баҳор, ёз келади! Лекин яна қиш келиши ҳам бор-да... Эзгулик тантанаси кафолатли деб бўлмайди. Эзгулик мўрт келади, сенинг хулқ-атворингга, ҳар сониядаги фикр-ниятингга боғлиқ. Шу ерда ва ҳозир қандай қарорга келсанг, нима қилсанг – ҳар доим ҳамма жойда ва тоабад шундай бўлади. Ва бу – инсонга берилган имконият ва тухфа, истеъдод ва кизиқиш ҳам одамга ишонч, айнан сенга, менга –Турмушдан, Тангридан. Шунинг учун инсон эркил-иродали қилиб, Оллоҳ-ижодкор томонидан ҳамқору ҳамдастликда яралган. Озодлик дегани – кул ва маҳбус зиндондан кенглик-ка чиқиши ҳаманоқ нима хоҳласам шуни қиламан дегани эмас. Бу ҳали озодликни зоҳиран тушуниш. Озодликни ботинан тушуниш ҳар лаҳзада ўзини қутқариш ёхуд нақ ўлимни бўйинга олишдек даҳшатли танлов. Бунда инсон сифат-фазилатлари виждон аталмиш компасда ва “ўзинг хоҳламаган нарсани бошқага раво кўрма”, деган ахлоқий қоидага таянади. Бу барча динларда, Кантнинг қатъий императивида бор нарса, гарчи мен қоидани салбий маънода деган бўлсам ҳам. Ижобий маънода айтганда: “Шундай йўл тутгинки, бошқалар ҳам сенга шундай йўл тутсин”.

Мана ҳозир бизда демократия ва эркинликка кенг йўл очилган. Узоқ йиллар қуллик шароитида яшаганимиз боис биз эркинликни ҳам зоҳиран тушундик: бизни озод қилишди! Тийиқсиз бебошлик даври келди: яйраб қол, Вася! Озодлик эса – масъулият дегани. Буни таъминлаш учун бизда “масъул ўртоклар” ажратилган, тўғри улар “коллектив раҳбарлик” ортига бекиниб масъулиятдан жилиб қолишди. Оддий одамлар-ку оғриқни сезмайдиган, иродасиз бўлиб қолган...”.

Эндиликда масъулиятни ўз зиммасига оладиган пайт келди. Бу – йўл қўйилиши эҳтимол хатолар, айб, гуноҳлар учун жавобгар бўлмоқ дегани. Узоқ вақт “Бизни нималарга гирифтор қилишди!”, дея бошга тушган азоб-укубатларимизни хузурланиб фош этиш билан машғул бўлдик ва шу билан ўзимизни қулларча ҳис этишларига озиқ бердик, ёвузларга объект бўлдик.

Бу маънода Айтматовнинг “романга қисса”си бир матнда яқин тарихимиз манзаралари ва кишилар ҳаётини афсоналар, мифлар асосида кўрсатди, онгимизни абадият ва олий ғоялар даражасига чиқишга даъват этади, бирини бири билан ўлчайди, доноларча матонат, мардлик, эзгулик яратишга чорлайди. Ташқи шарт-шароитлар даврига қараб яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин...Лекин сен, инсон, Ота ва Она аталмиш зотларда ўз макон ва замонингни яратишинг, қалб кўринг ила фаровонлик, бахт-саодат, муҳаббат, меҳнатни танлаш тухфасини олгансан Ва ўзингни воҳада ҳис этгандай бўласан. Ва бу воҳа – истаган тарихий саҳрода сен томонидан яратилгуси.

Ҳа, мен қачонлардан бери Чингиз билан Чингизхон ўртасида кураш, олишув бўлишини кутиб юрардим. Мана, кураш вақти етди, бўлиб ўтди.



**НИКОЛАЙ ЛЕДИНСКИЙ**

**САРҲАДЛАР  
ТУТАШГАНДА**

*(Миср коҳини Па Ди Ист сабоқлари)*

Қиссадан парчалар<sup>1</sup>

*Рус тилидан  
Саидқосим УСМОНОВ  
таржимаси*

*Николай Лединскийнинг (у китобхонларга 1996 йилда рус тилида нашрдан чиққан “Фалсафий синдром” романи ва бошқа китоблари билан таниш) ушбу китоби қадимги сирли билимлар тўғрисида қадимги Мисрнинг олий коҳини руҳи билан ўзига хос мулоқот шаклида ҳикоя қилади.*

*Қисса қаҳрамони ҳаёт ва ўлим, тамаддунлар ҳалокати ва алмашуви, олам ва инсон тўғрисидаги саволларга жавоб топишга интилади, бу жавоблар азият журналхонлар учун қизиқарли бўлиши табиий.*

**ТИРИК МЎМИЁ**

Санкт-Петербургнинг қиёси йўқ. Эҳтимол, фақат шу ерда ҳар қандай одамнинг ҳаётини ўзгартиришга қодир энг ғаройиб ҳодисалар юз бериши мумкин ва ҳақиқатдан ҳам шундай бўлмоқда. Николай Лединский бунга ўз бошидан кечирганлари мисолида ишонч ҳосил қилди. Икки йил илгари у қандайдир оҳанрабо кучи тортиб, Эрмитажнинг Миср залида, бир неча ўн йиллар давомида Миср коҳини Па Ди Истнинг мўмиёланган танаси сақланаётган шиша сандиқ олдида пайдо бўлди. Коҳиннинг бармоқлари гўё имлаётгандек, сал қимирлаганини кўрганида Николай жуда ҳам ҳайратга тушди, сўнг амрона оҳангдаги бўғиқ овоз эшитилди:

– Сизлар фақат ўзингизнинг озгина тушунчаларингизга яраша яшамоқдасизлар. Сизлар, борлиқнинг асосларини билмасдан, кўплашиб ва якка-якка ҳолда, инсониятни ҳалокатга олиб келадиган кўплаб ножоиз ва бемаъни хатти-ҳаракатларга йўл қўймоқдасизлар. Мен сизларни огоҳлантириб қўяй, сизнинг тарихдаги ва Коинотдаги ўрнингизни анг-

<sup>1</sup> Санкт-Петербург, 1999. Лединский Н.П. Сарҳадлар туташганда (Миср коҳини Па Ди Ист сабоқлари): Повесть. СПб: 1999.

лашингизга ёрдам бермоқчиман. Бунинг калити эса, қадимги фалсафий таълимот – “Мархумлар китоби” дир.

Аввалига Николайга ўзи алаҳлаётгандек туюлди. Аммо овоз тўхтовсиз жозибали бўлиб бораверди, коҳиннинг суҳбатдоши кўзи олдидан эса, қадимги дунё ва ҳозирги замон манзаралари ўтиб борарди. У ўзи учун кутилмаганда шундай савол берди:

– Сен нима учун мени танладинг?

– Сен туғилмасингдан анча илгари танланган эдинг. Сенда ўзингнинг илгариги қайта туғилишларинг (реинкарнация) бўйича ўтмишдошингдан сенга мерос қолган алоҳида қувват тури бор. Бошқалар менинг олдимдан Нил дарёсида сузаётган папирус қайиқлардек ўтаверади.

Шундай қилиб, Николай мисрлик коҳиннинг танлаб олган ўқувчиси бўлиб қолди. Бўлиши мумкин эмас?! Лекин бу бор гап! Па Ди Ист билан мулоқотда бўлиш фақат Николайнинг маънавий имкониятларини очиб берибгина қолмай, унинг томонидан “Сарҳадлар туташганда” деб номланган, эҳтимол мунозарали, лекин жуда қизиқарли китобнинг ёзилишига ҳам сабабдир. Асарда муаллифнинг устози билан суҳбати ҳамма босқичлари билан акс эттирилган.

Бир йўла шуни айтишни истардимки, Николай соғлом фикрловчи ва ҳаттоки, нимаси биландир сирли одам. Табиийки, у рўй бераётган ҳодисага дарров ишона қолмади. Па Ди Ист тасаввур меваси эмаслигини узоқ исботлашига тўғри келди. Уларнинг суҳбатлари телепатия даражасида бўлади. Николай ҳар ҳафтада Эрмитажга келади. Ва ҳар бир учрашув доим унинг учун қайсидир янгиликни кашф этди.

“Шубҳасиз, Па Ди Ист инсониятнинг бутунлай бошқа ирқи вакили. Унинг тишлари ҳозирги одамларникидан фарқ қилади. Курак тишлари йўқ. Уни ибтидоий маймунсимон мавжудот билан солиштириш эса ноўрин. У буюк халқнинг бош коҳини. Па Ди Истнинг бош суяги анча орқага чиққан, бу унинг мияси ўлчамларининг, яъни интеллектининг юқори эканлигини билдиради. У “Мархумлар китоби”ни айнан ўқиш мумкин эмаслиги, чунки ундаги асосий нарса образлар эмас, балки ўзида чин маънони яширган махфий ёзув, қандайдир мавҳумот эканлиги ҳақида огоҳлантириб, уни мен учун очиб берди.

Мен “Мархумлар китоби” Атлантиданнинг маънавий оламига киришдан иборат эканлигини билиб олдим, чунки у Қадимги Миср коҳинлари томонидан атлантлардан олинган билимлар асосида ёзилган ва рақамланган.”

Коҳин билан мулоқот баъзан Николай учун жуда қийин бўлади. Баъзида макон-замон муносабатларини чалкаштиради, гапидан адашиб сўзлай бошлайди. Лекин, шубҳасиз, у жуда қизиқарли, аъло даражадаги юмор ҳиссига тўла ва маънавияти бой суҳбатдош. Гурунгларининг асосий мавзуси Атлантида бўлиб, у – буюк тамаддун ҳалокатига мисол ва барча келгуси ирқлар учун огоҳлантириш эди.

“Одамлар Атлантидадан қолган моддий изларни шубҳа остига оладилар. Сизлар излашдан кўра шубҳаланишни афзал кўришингизнинг жиддий сабаби бор. Гап шундаки, Атлантида масаласининг ҳал этилиши сизларнинг моддий фаровонлигингизда ҳеч қандай акс этмайди ва маънавий хотиржамлик бермайди. Боз устига Атлантика океанининг чуқурлиги ҳатто барча техника воситаларингиз билан ҳам унинг тубига етишингиз имконидан йироқ.

Атлантида сабоқлари сизга ўйлаб кўриб, ўз хатоларингизни тушунишингизга ёрдам берган бўлур эди. Сайёра билан ўйинчокдек муносабатда бўлиш мумкин эмас.

Ҳалокатдан кейин соғ қолган атлантлар фойдаланган қадимги радиоактив химоя респираторини топганингизда ер юзида ядро куюни бўлиб ўтганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Шунда тарихнинг такрорланишию сизлар қандай қил устида турганлигингиз маълум бўлади.

– Сиз бизларни атлантлар ўзларига ўхшаган қилиб сунъий равишда етиштирганлар, деган фикрга қандай қарайсиз?

– Ойдаё равшан-ку, териси турли рангда эканлигига қарамай, барча одамларнинг уруғлари жуда ҳам ўхшаш. Аслида, бутун тамаддунингиз гўёки ердаги ҳаётнинг табиий шароитларидан халос бўлишга қаратилгандек. Лекин, сизлар ўзингизни кулларча ҳаёт кечиришга маҳкум қилгансиз, чунки буюк аждодларингиз тўғрисидаги ирсий хотирани йўқотгансиз.

– Ҳозир киммиз?

– Атлантларнинг насли бузилган зуриёдлари.

– Биз атлантларга нима учун керак бўлган эдик? Уларнинг одамлар билан нима иши бор? Нима учун улар ўз авлодларини қайта тиклашнинг осонроқ йўлидан бормадилар!

– Янги одамларни етиштириш илгари, ҳалокатдан олдин (бу ҳалокат Па Ди Истнинг фикрича, XII мингинчи йилликда бошланган) ҳам олиб борилган. Лекин, портлаш вақтида соғ қолган атлантларнинг кўплари кучли нурланишга учраганлар ва мукамал насл бера олмаганлар. Бундан ташқари, Ернинг атмосфераси ўзгарган. Кислород етишмаслиги, бўйи уч метр келадиган улкан одамларнинг қирилиб кетишига олиб келди. Шу сабаблар экспериментни тезлатишга мажбур қилди.

Атлантлар томонидан етиштирилган биринчи одам кроманьон одами эди. Кейин уни такомиллаштириш давом этди: гормонлар, тана пропорциялари, тик юриш, онгни кучайтириш. Бу иш қадимги дунё маданияти, хусусан, Қадимги Миср маданияти пайдо бўлгунча давом этди. Мисрдан Иудея ва Греция бошланган. Қадимги Грецияда иш тўхтатилган, атлантлар ўзлари яратган инсониятни мустақил ривожланишга қўйиб берганлар”.

Бизнинг аждодларимиз маймунлар эмас, Ер юзидан изсиз йўқ бўлиб кетган буюк тамаддуннинг асосчилари бўлган афсонавий атлантлар. Па Ди Ист атлантлар фақат ҳар турли биороботлар яратиш имконини берадиган генетик код сирига эга бўлмай, ҳар хил ахборотларни тўплаш, уларга тегишлича ишлов бериш ва мўъжизали шишада сақлашни ҳам билганлар, деган нуқтаи назарга эга. Масалан, ҳозир Канадада сақланаётган Атлантида “биллур бош суяги” шулардан. Биз қачондир унинг ичидаги қадимги аломатни тушуна оламизми?! Шу билан бирга, атлантлар телепатияга ҳам эга эдилар. Уларнинг фикрларича, онгли мавжудотлар билан жониворлар орасидаги чегара шундай телепатик мулоқотга қодирлик ёки қодир эмасликка айнан мувофиқ ўтар экан.

Биз хато кетидан хато қилаверамиз, гуноҳга ботаверамиз, ҳеч нарсани ўйламаймиз, бирламчи ҳиссиётлар қувончига бериламиз. Ёруғлик куни эса, фақат битта ҳолда – биз ўз онгимизни мустақил равишда ривожлантира олганимизда ва шуни хоҳлаганимизда келади.

Шундай экан-да, Па Ди Ист атлантларнинг онги ва ютуқлари олдида бош эгган ҳолда сукунатни бузишга ва бизлар билан алоқа ўрнатиш учун уриниб кўришга қарор қилди. Нима учун? Демак, ҳали ҳамма нарса йўқотилмаган,



нажот топиш ҳамда ҳалокатнинг олдини олишга уриниб кўриш мумкин. Ҳа, мумкин! Николай билан суҳбатлар бу йўлдаги биринчи маҳак тоши эди. Хусусан, коҳин “фиръавнлар лаънати” сирини бироз очди. Ёдингиздами, уларнинг қабрларини қазиган деярилик барча қадимшунослар ҳалок бўлган.

Мўмиёларни дафн қилишга оддий халқ эмас, махсус таълим олган, унвон берилганлар табақасига мансуб коҳинлар кўл урган.

Гап мўмиёларга сингдирилган хушбўй моддалар, мойлар ва гиёҳларда эмас, уларнинг тепасида амалга оширилган маросимларда. Барча жараён натижасида самовий туннел – у ҳозирда “қора туйнук” деб аталади. У орқали кучли радиоактивликка эга бўлган самовий қувватнинг бир қисми тортиб олинган ва ўша заҳоти қабр камерасида мустаҳкам беркитиб қолдирилган. Одамлар эса, очиб кўришда, ўзларини ундан ҳимоя қилишни ўйламадилар. Бечоралар! Шунингдек, қабрлари очилиши билан Коинотдан чақирилган қадимгиларнинг ҳамма руҳи йўқ бўлди. Қотиллар ва қотилликка дахлдорлар эса, Коинот томонидан қирилади.

Унутмаслик керакки, вафот этган одамнинг танаси руҳининг ўлимдан кейинги аҳволи учун катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ҳужайра руҳга унинг келгусидаги шаклланиши учун зарур ахборот етказиб туради. Нима учун мен ерга кўп асрлар ўтганидан кейин қайтиб кела олдим ва бунда ўз характеримни ҳам, ўз дунёқарашимни ҳам йўқотмадим? Чунки, менинг мўмиёим, менинг тобутим ва менинг буюмларим қандайдир мўъжиза билан бошда қандай бўлса, ўшандай сақланиб қолган. Ўлгандан кейин доимо ерга улана олардим. Бу эса, менга ўз шахсимнинг моҳиятини йўқотмаслик имконини берди”.

Па Ди Ист одамларнинг жасадини кремация<sup>1</sup> қилишга қарши, унинг фикрича, бундай одамларнинг руҳи абадий сарсонлик ва қўнимсизликка маҳкум. Қолаверса, айтиш жоизки, Па Ди Ист ўзининг жисмоний қобиғи – мўмиёси ҳақида каттиқ қайғуда. Мўмиёга чиришнинг олдини олиш учун тез-тез махсус бирикмалар суртадилар, бундай кунларда коҳин ўта аччиқланган бўлади ва ўзининг петербурглик шоғирдига кучли оғрик ва ноқулайликдан шикоят қилади.

Па Ди Ист бир неча марта Николайга коҳинлар ва фиръавнларнинг ҳамма мўмиёлари уларни чиқариб олинган жойларига қайтарилмагунча Ерда тинчлик ва хотиржамлик бўлмаслигини айтди. У ўзининг жасади ҳам Мисрга қайтарилишини орзу қилади. Николай унга бундай қилиш иложсиз эканлигини тушунтиравериш чарчади. Па Ди Ист ўжарлик қилаверади, ўзининг дабдабали дафн маросимини гўянда (аза кўшиғини айтувчи аёл) лар, филлар, коҳинлар билан ўтказишни талаб қилаверади ва шундай қизик чекинишлар билан бир қаторда, у ўзга оламлар, марҳумлар салтанати тўғрисида жиддий гапира олади.

“Руҳ – бу бор-йўғи жисмоний танадан ажралган одам қувватининг намоеън бўлишидан иборат. У ўлимдан кейин очик Космосга чиқади. Одамнинг жисмоний танаси ҳамда ҳақиқий танаси бор. Марҳумлар салтанатига ўтганда батамом янги ва мутлақ сезги аъзоларига эга бўласиз. Улар билан сиз виждонни ҳаёт асосини берувчи ёруғлик сифатида идрок этасиз”.

Коҳин реинкарнацияни ҳам тан олади.

“Руҳнинг қайта ҳаётга келиши ўлгандан кейин камида юз, баъзан эса, минг йилдан кейин рўй беради, чунки бунинг учун у етарли қувват

<sup>1</sup> Жасадни куйдириш.

тўплайди. Шунингдек, одамнинг охириги ўлими вазиятлари унинг янгидан туғилишини олдиндан белгилайди. Инсон юлдузларнинг маълум жойлашуви ва атмосферанинг аниқ ҳолатида ўлади. Унинг руҳи тегишли муҳитга кетади. Ерга эса, унинг ерга уланишини ҳосил қиладиган фақат худди ўша шароитлардагина қайта олади. У ернинг неосферасидаги ўзининг изига тушиши керак. Шу билан бирга, субъектив шарт – руҳнинг етуклиги ҳам зарур.

Реинкарнация шартлари бўйича қайта ҳаётга келаётган руҳ илгари ўзининг ерда бўлганидан ҳеч нарсани эсламаслиги керак. Ўзининг ўтмишдаги ҳаётларини фақат реинкарнациялар даврасининг охирига яқинлашганлар эслайдилар. Битта руҳ ерга ўн икки мартадан ортиқ қайтиб кела олмайди.”

Нима учун ўн икки марта деб сўрашингиз мумкин. Руҳ осмон салтанатига чиқиши учун туннинг рамзий ўн иккита соатини ўтиши лозим. Айрим руҳлар бу соатларни ўта олмайдилар, уларни ҳар бир босқичда синовлар кутади. “Мархумлар китоби”да шу ҳақда гапирилади.

Николай, табиийки, машҳур ватандошларининг руҳлари ҳақида қизиқмаслиги мумкин эмас эди.

– Ким Ёруғликка етиб борди?

– Сен худди подшолик одамига ўхшайсан: сенга мана деб рўйхатни олдингга қўйиш керак... Хўп, мана: Пушкин, Лермонтов...

– Ленин-чи?

– Ленин – йўқ. У эриб кетди. Онгсизликда эриб кетди. Унда ҳаётининг ҳаракатлантирувчи мотивини ташкил қилган ҳалок қилувчи шухратпарастлик топилган эди.

– Сталинга нима бўлди?

– Унинг куни кўкка совурилган. Золим ҳукмдорлар ва босқинчилар бузиб ташланади.

Ҳозирги замондаги исмларни Па Ди Ист неосферанинг ахборот майдонларидан қийналмасдан солиштириб ўқийди.

– Есенин ўн иккита соатдан ўтдими?

– Айнан у ўтди.

– Аёллар ўтадиларми?

– Нега ўтмас экан? Эркакларда, тўғри, имкониятлар кўпроқ. Улар дунёвийликка камроқ боғланганлар. Аёллар, уларнинг сезгирликларига қарамай, анча кўпроқ ерга боғланганлар. Аммо улар шу сабабдан ҳам кўпроқ реинкарнацияланадилар”.

Па Ди Ист бизларни ўтакетган нодонлар деб ҳисобласа ҳам, ўз билимлари билан бажонидил ўртоқлашади. Атлантида ҳалокатининг сири, мамлакатимизнинг ва умуман сайёрамизнинг келажаги, қадимги дунё тарихи – шулар ва бошқа кўп нарсалар ҳақида буюк қоҳин ўз ўқувчисига бу билимларни бизларга етказиши учун айтиб берди. Албатта, бунга ишонмаслигингиз ва баҳс-мунозаралар бўлишини билиб турибман, лекин, ҳар қандай фикр яшашга ҳақли. Давлат музейида биз билан маънавий алоқага ва тушунишга интилаётган қадимги қоҳиннинг доно кўзлари бизни сездирмайгина кузатмоқда, деб ўйлаш одатдан ташқари ҳолат. Назаримда унинг сўзлари қулоқ солишга арзийди.

П.Коновроцкая  
("Калейдоскоп" газетаси, 1997 йил, 23-сон)

## БАҲОЛАШ

Эрмитажнинг Миср залида ҳеч ким йўқ эди, фақат эшик олдидаги стулда сочлари оқарган, тўқима кофта ва катта иссиқ пайпоқ кийган назоратчи кампир мудраб ўтирарди. Мен бу ерга аслида кимнинг иродаси билан келдим ўзи?

– Оқ костюмингни кийиб ол, – эрталаб менга кимнингдир хирилдоқ овози эшитилди. – Кўпдан бери сени кўриш ва баъзи нарсаларни айтиш истагида эдим. Мен ўша ғалати овозни қай тарзда идрок этганимни, телефон гўшагиданми ёки чиндан эшитилдими, эслай олмайман, бироқ, ундан олдин, менимча, телефон жиринглагандай бўлди.

Мустаҳкам таглик устидаги катта шиша қутига яқин бориб, унинг ичига қарадим. Ўлимнинг оғир, маънос нафаси... У ерда бадбуруш жасад: ичига ботиб кетган кўз косалари, тиржайган тишлар, қотиб кетган, қўнғирранг жасад сонига лунги ўралган ҳолда ётар эди. Мўмиё. Унинг юзига мен таажжуб билан, гўёки, айнан абадиятнинг ўзига қарагандек, диққат билан қарадим. Бирдан қандайдир оғирлик босди ва мени олдинга, тўсиқ бўлиб турган арқон томон бошлади. Агар шу арқон бўлмаганида, мен, эҳтимол, кути устига йиқилган бўлар эдим. Қаёқдандир телефон қўнғироғи эшитилди ва ўша овоз, энди амирона оҳангда мени ҳушимга келтирди:

– Шишага тегма, залдаги ҳеч нарсага тегма – улар радиоактив.

Мен тез орқага тисланиб, атрофга қарадим. Ақлдан озганга чиқаришлари камиди... Яхшиямки, ўша шом вақти, аввалгидай музейга келувчилар йўқ эди. Қизиқувчанлик кўркувдан устун келди – мен мўмиёнинг олдига қайтиб бордим. У қўллари билан мени имлаб чақирди. Энди мен сочи устарада киртишлаб олинган, пешонаси дўнг ва юзида изтироб ифодаси бўлган тиррик эркакни кўрдим. Унинг кўзлари менга шаффоф бўлиб кўринди – уларда ичидан чиқаётган ёғдудан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди. Бурмалари кенг пастгача осилиб турар эди.

– Қўрқма, сенга ҳеч нарса таҳдид қилмайди. Биз кўп вақтдан бери танишмиз. Сенинг болалигингда, қишлоқда яшаган даврингдаёқ, мен икки оёқликлардан фақат сенга қадимги герметик билимларни беришим мумкинлигини билган эдим... Вақти келди. Менинг одамлардан кўнглим айнийди. Бу текин томошабинлар тўдаси марҳумлар салтанатида нимани тушуна олади?... Билмайсанми, менинг танамни нима учун қандайдир жирканч нарса билан мойлайдилар?

– Эҳтимол, у чиримаслиги учундир.

– Улар саркофагни очдилар ва шунга қарамай мўмиё чиримаслигини хоҳлайдилар, эси пастлар! Менга тегишлари руҳимни мувозанатдан чиқаради. Уларга мен нима учун керакман? Ҳамма очилган қадимги мўмиёларни аллақачон кўмиш керак эканлигини билганларида эди.

“Мана бу Мисрдаги қабрларни очишга дахлдор бўлганларнинг сирли ўлимларига қалит!” деб ўйладим.

– “Фиръавнлар қарғиши” – бу фақат оқибат, бу оқибатни унинг сабабини тушунмаган ҳолда кўрадилар, – менга шундай жавоб берилди.

– Бўлмаса, сабаби нимада?

– Саволлар беришга шошилма... Сен аввал “Марҳумлар китоби” тўғрисида камида ўн иккита сабоқ олишинг керак. Менинг олдимга жума

кунлари куннинг иккинчи ярмида кел. Эҳтимол, кейин сенга бошқа вақтни тайин қиларман.

– Нима учун айнан жума кунлари? Яна етти кундан кейин-а?

– Қадимги Мисрда бу илоҳий сон. Жума кунлари бу ерга келувчиларнинг қадами камаяди, уларнинг биомайдонлари менга кўп халақит бермайди.

– Сен кимсан?

– Мен Па Ди Истман. Ёшлигимда исмим бошқача эди, лекин уни билишинг шартмас. Па Ди Ист “Изловчи” маъносини билдиради. Ибодатхонада мени шундай аташар эди.

Камина ўша қадимги замондан ҳозиргача қанчалик кўп вақт ўтганлигини тасаввур қилиб хайратланиб сўрадим:

– Сен ҳаммасини эслайсанми?

– Биз қумтошдан қурилган кенг танобий уйларда яшар эдик, – деб давом этди Па Ди Ист. – Бошимизга ёғочни ёйиқ қилиб, тош устида ухлар эдик. Остки қават фиръавнлар қабрлари учун ажратилган эди. Бизлар ибодат қилар ва юлдузларни кузатар эдик... Бизларга қуллар хизмат қиларди. Қадимги Мисрда, агар билсанг, коҳинлар алоҳида мақомга эга. Мен бўлсам энг юқори табақага мансуб эдим, соф фан билан шуғулланардим. Бошқа нарсанинг менга алоқаси йўқ эди ва мени қизиқтирмас эди.

– Мўмиё билан бошқа-бошқа шахсмисизлар?

– Шошилма. Марҳумлар китобини ўзлаштирганинда ҳаммасини билиб оласан. Фақат айтиб кўяйки, тана менга ерга уловчи бўлиб хизмат қилади. У – Коинот билан боғланган қувват манбаининг туби. Манба қадимги мўмиёлаш жараёнининг ўзи билан ҳосил қилинган эди. Мен унинг ичидан бу ерга келаман. Менинг гапларимни тушунаясанми?

– Тилингиз тушунарли, маъноси эса...

– Сабрли бўл. Мен сенга Мисрнинг қадимги таълимотини сенинг онгингда бузилмайди, деган умид билан топшираман. Топшираман-да кетаман.

Гўё ўзим мўмиёга айланиб қолгандек, томоғим қичишиб кетди. Эҳтимол, беқарор руҳиятим сабабли менга шундай туюлгандир... Мен билан қанақа одам гаплашди? Аммо, унинг боши қанчалик катта! Нима учун у мени танлади? Шунчалик яхшиманми? Йўқ. Балки ҳақиқатгўйманми? Мутлақо. Яқинларимга меҳрибонманми? Ҳар доим эмас.

– Сен кўп йиллардан бери шу ердасан, бошқа биронтасини танламадингми?

– Сенда ўзингнинг илгариги қайта туғилишларинг бўйича ўтмишдошингдан мерос қолган алоҳида қувват бор. Бошқалар менинг олдимдан худди Нил дарёсида сузаётган папирус қайиқлардек ўтаверадилар. Уларга бу ер фақатгина қизиқарли холос. Қиёфамдаги ўлим улар учун даҳшатли. Танамга тикилиб қарайдилар ва ўзларини ҳам шундай бўламиз деб ўйлайдилар. Лекин, оқибатда улар хокка айланадилар.

– Сенинг олдинги тишларинг хусусиятини бирор киши пайқадими?

– Битта-яримтаси. Лекин улар ҳар доимгидек, аҳмокона тушунтирдилар: гўёки уларни ўлганимдан кейин ички аъзоларимни чиқариб олиш учун чархлаб ташлашган эмиш...

– Бошингнинг шакли кимнидир қизиқтирдими?

– Баъзи бировларни, холос. Улар ҳам ўзларича тушунтирган бўлдилар: гўёки, у шундай ухлаган, шунинг учун бош суяги чўзилиб қолган. Улар одамзоднинг бош суягини муз сумалакка ўхшатадилар – пастга қараб ўсади,

деб ҳисоблайдилар. Боланинг бош суяги унинг лиқилдоғи (чақалоқ боши тепасидаги қотмаган жой) ўсиб битиб кетгунича шаклланиб боришини ҳам билмайдилар. Менинг бош суягим эса, гўёки, ёғоч ёстикқа ётқизилганим учун чўзилиб қолган эмиш. Лекин Мисрда эмизикли болаларни бунақа ётқизмас эдилар, Ахир, бу соф иркий хусусият-ку.

– Ирқингиз яна нимаси билан фарқланади?

– Баланд бўй, келишган гавда, чидамлилиқ ҳамда турмуш тарзи билан. Сизлар қулайликларни яхши кўрасизлар, танларингизни ўта нозик қилиб юборасизлар: юмшоқ ўринларда, совуқдан бурканиб олиб ухлайсизлар. Қадимги Миср одамлари эса, ўз ҳаётларини табиатга оқилона мослаган. Улар табиат билан биргаликда ҳаёт кечирарди. Шунинг учун улар ҳозирда тарқалган кўп касалликка учрамас эдилар.

– Сизларда тобутлар муҳим роль ўйнардими?

– Сени огоҳлантирдим-ку, эй, ўлиши муқаррар бўлган банда: сабрли бўл. Ҳозирча қуйидагиларни эслаб қол. Фиръавнлар ва коҳинлар энг маърифатли одамлар қаторига кирганлар. Улар герметик билимларни билар ва муқаддас кучга эга эдилар. Уларнинг аждодлари атлантлар иркидан. Фиръавнларнинг ва худди шунингдек, коҳинларнинг мисли кўрилмаган табақаланишларининг боиси ҳам шу. Ўлгандан кейин олий насаб шахсларнинг танаси радиоактив бўлиб қолар эди, уларни эҳтиётлаш учун тобутларга жойлаб, эҳромлар ичидаги тош деворлар ичига яширганлар. Чернобиль АЭСни кўмишни ҳам сизлар айтгандек, ўша “саркофаг” яъни тобут деб атадинглар. Қадимги Миср мўмиёлари радиоактив бўлган! Аммо, улар атлантлар ирки томонидан инсониятга қолдирилган билимлар хазинаси ҳамдир. Лекин, бу герметик беркитилган махсус қобиклар ичидагини ким ўқийди?

– Менимча, олимларимиз бу қандай хазина эканлигини тушуниб етгандир.

– Ҳеч нарсани тушунмаганлар. Ўз манфаатлари бўйича ёндашганлар. Мўмиёга фақатгина ўлик тана сифатида қарайдилар. Бунинг устига, улар Миср дахмаларидан олинган экспонатларга жуда кўп ногўғри ёзувларни ёпиштириб қўйибдилар. Мана бу шер каллали ҳайкал: “Маъбуда Сохмет”. Аслида эса, бу Эшакхўр. Бурчақдаги ойна ичидаги тасвирни кўряпсанми? Қайсидир эси паст олим уни фиръавн бошининг хомаки расми, деб белгилаган. Бўлмагур гап!.. Маъбудлар ва маъбудалар исмларидаги кўпгина ҳарфлар қадимги мисрликлар талаффузига мос эмаслигини айтмаса ҳам бўлади. – Па Ди Ист қўлини кўргазманинг ойнали шкафи ичидаги кичкина ҳайкаллар томонга бурди. – Ёзиб қўйилган: Исида, Хор... Тўғриси бундай: Изида, Гор... Маат тўғри ёзилган. Сокарис, Осирис – ҳам.

– Улар қадимги мисрчада ҳам шундай айтиладими?

– Ҳа. Қара, маъбуда Хатор...

– Ёзилгани эса – Хатхор.

– Хато.

– Қизиқ! Демак, сен рўё эмассан, сен ҳақиқатда мавжуд экансан-да.

– Ҳақиқийлигимга ишонишинг учун ёзувларни сенга атайлаб кўрсатаяпман ва сенинг тилингда гапираяпман.

– Лекин одамлар, модомики, хатолар билан бўлса ҳам, шу ёзувларни ва шарҳларни яратишлари билан қадимги мисрликларнинг герметик билимларидан нималарнидир олганлар.



– Уларнинг ҳамма билимлари муз тоғининг усти, холос, – эслатиб ўтди Па Ди Ист.

– Сен ўзинг билганларнинг ҳаммасини ўргатмоқчи эмасмисан?

– Нима учун? Кимга? Сенинг замондошларингдан ким Қадимги Мисрнинг нариги дунё тўғрисидаги сирларини ўрганишга интиломда? Бу, умуман, ҳаммани ҳам қизиқтиравермайди ва ниҳоят, бунинг учун ақли ҳам етмайди. Ҳатто, нариги дунёдаги ҳаётнинг ўн икки босқичини тушунганида ҳам, кимдир ўз ҳаётини ўзгартириши эҳтимолдан узоқ, шунинг учун уни ердаги бутун ҳаётга эса ҳеч қандай таъсири бўлмайди. Инсоният ўзигача нима бўлгани ва ўзидан кейин нима бўлишига тўқсон тўққиз фоиз бепарво. Нима учун нариги томонда сизларни назар-писанд қилмайдилар, чунки сизларни фақат Россияда эмас, бутун дунёда ҳам ўта тартибсиз бозор бошқаради. Одамлар бир-бири билан худди бозордаги майда савдо билан шуғулланувчи аёллардек муомала қиладилар: пештахтадаги жой учун ғижиллашадилар, бир-бирларини ва харидорни алдашга интиладилар, атрофларидаги бозорчи билан учинчисини биргаликда алдаш учун вақтинча дўстлашадилар. Ҳамма одамлар алдовчилар ва алданувчиларга бўлинадилар. Вақти-вақти билан улар ўринларини алмашиб турадилар. Деярлик ҳар бир алданган одам алдовчиликка қайта ихтисослашишни орзу қилади, ҳар бир алдовчи эса, алданувчи бўлиб қолишдан кўрқади. Бор – йўғи шу. Юрагингизда кўрқув хисси ҳукмрон. Тушунаёпсанми? Чангалзорлар (очикдан-очик зўравонлик, жабр-зулм) психологияси. Агар шундай бозорда биронта авлиё пайдо бўлиб қолса борми, эҳтимол, одамлар уни уч дақиқача яқин эшитиб кўрадилар, аммо кейин яна ўзларининг ғовур-ғувурларини давом эттирадилар. Улар авлиёларга ишонмайдилар. Авлиё кетганидан кейин, унинг ўз тингловчилари томонидан ўлдирилганидан кейин эса, ҳамма ҳайратга тушади – уни қара-я, ҳеч нарсани ўғирламаган экан-ку! Мунофиқона кўз ёши билан хўнграб йиғлашни, унинг суратларини чизишни, унга атаб дуолар тўқиб чиқаришни бошлайдилар...

Па Ди Ист, кўринишидан, илоҳий қобилиятга эга эди. Унинг тобут ичида қуёш нурининг рамзи бўлган маъбуд Гор бежиз тасвирланмаган. Фан унинг лоақал қайси асрда яшаганлигини ҳам айтиб бера олмайди, шунинг учун мўмиёнинг пастида унинг яшаган вақтини уялибгина сўроқ белгиси билан белгилаб қўйилган. Лекин мен коҳиннинг ўзидан билдимки, у эрамиздан олдинги XII асрда Янги подшолик даврида яшаган экан. Унинг вафот этган кунидан уч минг икки юз йил ўтган, мўмиёси эса жуда соз сақланган. Бу эса ўз вакили ҳаммага намоёиш учун қўйилган шу тамаддун эришган жуда юқори билим даржасининг ҳам ва бизнинг тасаввуримизга сиғмайдиган ютуқларининг ҳам тасдиғи эмасми?

Ахир Эрмитажда яна битта мўмиё, скифнинг мўмиёси бор. У вақт ўтиши билан батамом бузилган ва аслида мумиё эмас, балки қадимги одамнинг тулуми ҳисобланади. Мисрликдан етти аср кейин вафот этган скифни Па Ди Ист “ўлакса” деб атади.

Ниҳоят, бизнинг россиялик энг яхши олимлар ҳам, илмий-техника тараққиёти деб ном олган билим билан ўз доҳийларининг мўмиёсини сақлай олмаяптилар. Етмиш йил давомида ундан скелетдан бошқа ҳеч нарса қолмади, ҳамма қолгани ёғоч ва мум.

Йўқ, бу оддий одам эмас, балки донги кетган қадимги юнон донишмандлиги тўғрисида вазминлик билан: “Юнонлар, сизлар биз, мисрликлар олдида болаларсиз!..” деб айтганлардан бири бўлади.

Хўш, бизлар қанақасига инсоният тараққиётининг чўққиси бўламиз? Олдин ўтган барча аждодлар билимда биздан орқада эдилар, деган кибр ила ўзимизга бино қўйишимиз нимага асосланган?..

Буларнинг ҳаммаси мен мўмиёнинг олдида турган вақтимда миямдан лип-лип ўтиб турди. Мен ўзимнинг бу экспонат билан кўпдан бери танишга ўхшашлигимни пайқаб қолдим ва шундан кейин ҳеч нарсага ажабланмай қўйдим.

– Қара, – Па Ди Ист Тутанхамон тобути фотосуратини кўрсатди. – Бу ерда нариги дунёнинг юзаки тасвири акс этган. Асосий маълумот рақамланган ҳолда турибди. Марҳумлар китобини унда қандай ёзилган бўлса, шундайлигича ўқиш мумкин эмас, чунки сенинг олдинда рамзлар эмас, балки мавҳумот турибди.

Па Ди Ист мен Китобдаги исмларни тўғри эслаб қолишим кераклигини бошидан қаттиқ тайинлади: ахир улар – фалсафий нуқтаи назарни ердаги манбалар тарзида боғлаб туради. Бу – Па Ди Ист ўз тафаккури қайиғини ҳаракатга келтирадиган ерга уловчи – қайиқни итариб юргизиш учун қўлланиладиган узун таёқ.

Мен билдимки, Марҳумлар китоби Атлантиданинг маънавий оламига муқаддимадан иборат, чунки у қадимги мисрлик қоҳинлар томонидан атлантлардан олинган билимлар асосида ёзиб олинган ва рақамланган. Па Ди Ист улардан ҳалокатдан сўнг кутилмаганда Миср қирғоғига келиб қолган ким биландир таниш бўлган кўринади.

Қоҳин, мени шогирдликка танлаб, менинг нариги дунё тадоригини кўришим лозим, деб ҳисоблади. У Нил дарёси сувларининг – ўлгандан кейин инсон руҳи чўмиладиган мўрт онгнинг калитини тақдим қилди.

– Билиб ол, сен бу илмни эгаллаб, маъбудлар орасида алоҳида эътиборга эришасан, – деб менга сирли шивирлади. – Ҳеч ким сенга қарши гапиришга ва қаршилиқ қилишга ботина олмайди. Китоб сенга дастлаб нима бўлганини сўзлаб беради. Уни ҳеч ким ўқимаган, кўрмаган ва эшитмаган. У фақат сен орқали очилади. Уни ўзингча шарҳлашга уринма. Китоб руҳларнинг қуйи мамлакатада сенинг озиғинг бўлади, сенинг руҳингни абадий ҳаёт билан боғлайди ва сенинг устингдан ҳеч ким ҳукмронлик қилмайди.

– Мен унинг раҳнамолигини қабул қиламан, – деб сўзлаб юбордим.

– Китоб орқали ўзингни ва сенда дастурлаштирилган фаолият турини яхшироқ тушуниб етасан. Сен турмуш фалсафасига таянган ҳолда фикр юритмоқдасан, мен эса сенга нариги оламни очиб бераман. Шунда тушунчаларинг, ахлоқинг ҳамда интилишларинг моҳиятан бемаънилик касб этади. Қолаверса, руҳинг ўлим остонаси ортида қандай йўлни танлаши ва ўзини бу йўлда қандай тутиши сенинг билимларингга боғлиқ. У ерда сени мукофотлар ҳам, жазолар ҳам кутмоқда.

Нариги дунёда одам тун соатлари деб номланадиган ўн иккита босқичдан ўтади. Тун – бу онгларнинг ердаги даражасидан пастроқ бўлган нариги дунё. Мисрликлар Упуату деб номлаган биринчи соатдан бошлаймиз.

Па Ди Ист менинг олдимга бир қанча кичик суратлардан иборат қандайдир чизма тасвирни ёйиб қўйди.

– Кўряпсанми, руҳ марҳумлар салтанатига ўтишни билдирувчи қайиқда ҳаракатланмоқда, унда руҳни олиб кетаётган эшкакчи эса, марҳумлар кучини рамзий ифодалайди.

Нариги қирғоқда қайиқни кобра ва маймун бошли мавжудотлар кутиб оладилар, улар марҳумлар салтанатидаги марҳумларни ифодалайдилар.

Маъноси, аслида, теранрок. Марҳумларнинг руҳлари нариги дунёда иккита: зийрақлар ва саёзлар ҳолатларида гавдаланади. Униси ҳам, буниси ҳам марҳумлар салтанатига бир хилда кирадилар. Инсон бу йўлдаги ўн иккита ҳолатдан ўтади ёки ўтмайди. Ҳаммаси руҳнинг камолоти даражасига боғлиқ.

Қайикда келган руҳни ҳақиқат маъбудаси Маат ҳам кутиб олади. У баъзан иккита қиёфада тасвирланади. Унинг юқорига кўтарилган қўллари у хайрли амаллар қилган одамларни ҳам, жиноятчиларни ҳам қабул қилишини билдиради. Марҳумлар салтанатига кириш тақводорлару гуноҳкорлар учун ҳам айнан бир. Маъбуда Маатнинг ёнида Яратувчининг қудратини ифодаловчи кўнғиз бежиз тасвирланмас эди.

Маатнинг орқасида Муқаддас сўз маъбудаси Нот, қуёш ёруғлиги маъбуди Гор, тунги ёруғлик маъбудаси Амоа, марҳумлар салтанатининг бош маъбуди Осирис турадилар... Уларнинг ҳукмдорлари – марҳумнинг жонини олиб кетишга келганлар. Уларнинг ҳаммаси ўзларига мувофиқ бўлган атрибутлар билан тасвирланганлар.

Ҳар бир рамзий белги ўзининг абстракт тушунчасига эга эканини эслаб қол. Масалан, Осирис. Одатда, уни нариги дунёнинг марҳумлар руҳини тарозида тортадиган, қайсиниси гуноҳлар билан оғирлашган, қайсиниси эса ундай эмаслигини аниқлайдиган олий подшоси деб атайдилар. Аммо бу жуда юзаки гап. У марҳумлар салтанатининг ҳаракатлантирувчи кучини, руҳни тундан Ёруғликка томон силжитадиган кучни ифодалайди.

Рухни олиб кетишга тайёрланган маъбудларнинг йиғилиши, бу фақатгина бошланиши, яъни одамнинг ўлган вақти. Ундан кейин марҳумнинг руҳи олиб кетилади. Унинг тепасида тунги ёруғлик маъбудаси Амоа қанотларини ёяди. Маъбуда Маат руҳнинг олдидан силжимади ва уни Коинот учун мумкин бўлган икки тоифадан бирига – мусбат ёки манфийга ҳисоблайди.

Ўлиш вақтида қайсидир сифатлари билан Коинот учун яроқли бўлмаган, қорайган ранглардаги руҳлар йўқ қилинади. Масалан, қотилларнинг руҳлари хушсизлик ҳолати даражасида чўкиб қолади ва таналари билан бирга эриб кетади. Марҳумлар салтанати муҳофаза кучига эга. Акс ҳолда ердаги ёмонлик реинкарнацияланиб, чексиз бўлиб кетар эди.

Рух марҳумлар салтанатига жуда тез – бир лаҳзада тушади, аммо унинг ердаги қобиғидан озод бўлиши тўққиз кун давом этади. Бу – кўпчиликка яхши маълум, кўп динларда эслатиладиган муддат.

Туннинг дастлабки соатларидан сўнг руҳ танадан батамом чиқади. Лекин у ўзининг ақлий назари билан ҳали ҳам танага ўгирилган: унинг атрофида учиб айланади, йўлга жўнашда уни қолдириб кетишдан қўрқади. У келажакка эмас, ўтмишга қизиқади ва олдинга эмас, орқага талпинади. У ўзи тарк этиб чиқиб кетиб бўлган ердаги қобиғи томонга қараб ўгирилиб олган... Ва шундай бўлса ҳам умумий қонунга бўйсунушига тўғри келади.

Олдинда уни тор зинапоя кутмоқда. Бу зинапояда руҳни имтиҳон қилувчилар: маъбуд Гор, маъбудалар Нот ва Маат турадилар. Маъбуд Гор Муқаддас сўзни ёритади ва уни руҳ томонидан тақдим қилинган иккита инсоний ҳақиқатлар билан солиштириб кўради. Иккита ҳақиқат, мен илгари айтганимдек, инсоннинг икки хил ўзаро қарама-қарши моҳиятидан иборат.

Шундай қилиб, туннинг биринчи соатида, Марҳумлар китобига кўра, нариги дунёга келган руҳ фақат синовдан ўтказилади.

## ТЎҒРИЛАНИШ

Ҳозирги одамлар ўз ҳаётларини ҳар қандай ҳолда: кулгили ёки фожиавий нуқтаи назардан кўрсатсалар ҳам, ҳақиқатда эса ҳаммаси жуда ҳам юзаки бўлиб чиқади ва инсон ҳаётининг асл маъносини очиб бермайди.

Асл маъно диний китобларда баён қилинган. Нима учун биз Худонинг бизга қаратилган сўзларини мукаммал тушунмаймиз?

“Зино қилма”, – деб ўргатамиз ва бевафолик қилиб, лаззатланаверамиз. “Ўғрилиқ қилма”, – деймиз ва ўғрилиқ қилиб, ўзимизга зарар келтираверамиз. “Ўлдирма”, – деб барчага маълум қиламиз, лекин уруш қиламиз, қатл қиламиз, ўч оламиз... Аммо, Муқаддас ёзувга эътиқод қилиш унга риоя қилишни талаб қилади-ку. Биз ўз қонунларимиз бўйича яшамоқдамиз. Мана шундай хулоса билан мен Па Ди Истнинг олдига келдим.

– Бизда Муқаддас Рух раҳнамолигидаги черков бор.

– Қавмнинг кўпчилиги ибодатхоналарга покланиш учун эмас – одат, анъана ва мажбурият юзасидан борадилар. Шундай қилиб, черков одамларга бериши мумкин бўлган бирорта ҳам қадрли нарса идрок қилинмайди.

– Сен, жуда бўлмаганда, ахлоқнинг ҳозирги инсонпарвар тамойиллари келиб чиқиши дин билан боғлиқ эканлигини рад қилмасанг керак?

– Ахлоқ сизларнинг дунёда зарур. Қадимги халқлар нариги дунёга бевосита кириш ҳуқуқига эга бўлганлар, улар ўзларини нариги ва ушбу дунёларнинг бир қисми, деб ҳис қилганлар, ақллари билан тўқиб чиқарганларига эмас, балки одамнинг ташқарисиди ва ичида мавжуд ҳаракатланувчи табиий кучларга мослаша билганлар. Сизлар эса, ўз билимларингиз етишмаслиги ўрнини ахлоқ билан тўлдирасизлар.

– Наҳотки бизлар маънавият бўйича майя, ацтек ва шумерликлардан олдинга ўта олмаган бўлсак?

– Тарихий жараён онгнинг такомиллашишини билдирмайди. Сизлар ҳали ҳам ёввойи аҳволда яшаяпсизлар, чунки, сизларнинг бутун вужудингизни Қобил ва Ҳобил замонларидагидек, ёввойи эҳтирослар қамраб олган.

– Бош суягимнинг чўзинчоқ шаклига диққат билан қара. Қаршингда менинг бошқа, ақлий жиҳатдан кўпроқ ривожланган, ирққа мансуб бўлганлигимнинг тасдиғи турибди. Инсоният ўша даврдан бери кучли заволга учраган, лекин бу сизларга сезилмайди. Гомернинг “Илиада” сини диққат билан ўқиб чиқинг – у сизларнинг фикрлаш тарзингиздан бошқача ва услуби ҳам ўзлаштириш учун бирмунча мураккаб кўринади. Ўрта асрдаги Шекспир эса сизларга анчагина яқин. Сизлар, қадимги одамлар бизлардан кўра донороқ бўлганлар, деб ўйламайсизлар. Уларнинг тафаккури жуда юксак! Сизлар ҳамма нарсани ўзларингизга мослаб соддалаштириб юборгансизлар! Фанларни айтмайсизми? Ўтмишдаги тамаддунларнинг кўплаб ёдгорликлари тушунилмаган ва ҳаттоки, расшифровка ҳам қилинмаган.

Сизларда ақл тузилиши ва хусусияти бошқача. Қадимги одамларнинг олижанобликлари тўғрисидаги турли ривоятларни сизлар эртақ-афсона деб қабул қиласизлар. Гуноҳларни кечиритишни билмайсизлар. Бу ўзгариш сизларда илк ўрта асрлар, XII–XIII асрларда атлантлардан сизларгача етиб келган қоннинг сўнгги томчиси йўқ бўлиши билан пайдо бўлди. Ўша даврдаги рассомлар ишлаган суратларга қарасанг, паст бўйли, рахит касаллигига учраган, бўқоқ билан оғриган бадбашара одамларни кўрасан.

- Бизлар ҳам шундай бўламизми?
- Агар сизлар буни билганинизда эди, ҳозирги яшаётганингиздек яшамаган бўлар эдингиз.
- Самовий онг нуқтаи назаридан бизнинг ердаги ҳаётимиз қандай кўринади?
- Сизларда ҳамма нарса аралаштириб юборилган: замин сув билан, онг онгсизлик билан. Олам яратилган биринчи кундагидек яшамоқдасизлар. Жанжалларингиз, ихтилофларингиз, урушларингизнинг сабаби нимада эканлигини мантикий тушунтириб бера оласанми? Бунда фақат физика қонунлари амал қилади. Жонсиз табиат даражасида. Молекулаларнинг етарли даражада ривожланмагани натижасидаги Броун ҳаракати каби.
- Биз қачондир бу бетартибликни енга оламизми?
- Ёруғликни қоронғуликдан ажрата билганингизда. Билим – бу асоси ерда бўлган ва юқориси самоларга кетадиган устун; сизлар эса асосининг худди ўзида дайдиб юрибсизлар ва юқорига қарашга кодир эмассизлар. Сизларга айтилганларнинг маъносига кулоқ солмайсизлар. Оқибатда Атлантида ҳалок бўлганидек ҳалок бўласизлар.
- Балки... Лекин, бошқа томондан қараганда, ҳозирча Атлантиданинг мавжуд бўлганлиги ва ҳалокатга учраганлигига гувоҳликлар топилмаган, – дедим мен, тўғриси, эътироз ҳиссиёти билан.
- Шубҳаланувчи ва ўжар одам ҳеч нарсага ишонмайди, – вазминлик билан эътироз билдирди коҳин. – Гувоҳликлар... Хўп, мана, сизнинг эрангизгача 310 йилда грек Крантор Мисрда бўлганида, у ерда Атлантика океанида чўкиб кетган жуда катта қитъанинг тарихи ёзилган тош устунни кўрган. Дунёни сув босгани тўғрисидаги қўшимча маълумотларни диний китобларда ҳамда қадимги халқ асарларида топиш мумкин.
- Атлантидадан қандай моддий излар қолган? – деб ундан сўрадим суҳбатни амалда фойдали томонга буриш мақсадида.
- Улар керагидан ҳам кўп, – кулимсиради у.
- Одамлар уларни шубҳа остига оладилар.
- Сизлар излашдан кўра шубҳаланишни афзал кўришингизга жиддий сабаб бор. Гап шундаки, Атлантида тўғрисидаги масалани ҳал қилиш сизларнинг моддий фаровонлигингизга таъсир кўрсатмайди ва руҳий ором бермайди. Бунинг устига Атлантика океанининг тубига сизларнинг техника воситаларингиз билан етиб бўлмайди.
- Балки, Атлантида ҳақидаги билимларнинг бизга кераги ҳам йўқдир?
- Атлантиданинг сабоқлари сизларга эс-ҳушингизни йиғиб олишингизга ёрдам бера олар эди. Сайёра билан ўйнашиш бефойда.
- Сизлар ҳалокатдан кейин омон қолган атлантлар фойдаланган қадимги радиоактив муҳофаза респираторини топганингиздан кейин ер бўйлаб ядро қуюни бўлиб ўтганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ўшанда тарихнинг такрорланиб туриши ва сизлар гўёки соч толасига осилиб тургандек ҳолда эканлигингизни тушунасиз.
- Демак, атлантлар мавжуд бўлганлигининг бевосита далиллари ҳар ҳолда сақланиб қолган? Ҳеч бўлмаганда ўша респираторнинг ўзи?
- Респираторга тегишли гап шуки, қачондир, тахминан, йигирма биринчи асрнинг биринчи чорагида уни Мармар денгизидан, сув ўтлари ва балчиқ қатлами остидан топадилар. Унинг ўлчамлари уни йирик одам тақиб юрганлигини тасдиқлаб беради, материалнинг таҳлили эса, унинг



тайёрланган вақти ҳозирги эрадан олдинги ўн иккинчи минг йиллик эканлигига шубҳа қолдирмайди.

Па Ди Истнинг сўзлари бўйича ҳалокат эрамиздан олдинги айнан XII минг йилликда бошланиб, шу эрамиздан олдинги XII асрда тугаган. Қадимги Мисрнинг бош қоҳинига илгариги тамаддун ҳалокатига ва янги тамаддун вужудга келишига гувоҳ бўлиш насиб этган.

Атлантиданинг худуди Либериядан Америкагача бўлиб, собиқ Совет иттифоқидан кам эмас эди. Гибралтар бўғози қирғоғидаги Геркулес устунлари унинг таркибига кирган, Месопотамия эса улардан ташқарида жойлашган эди.

Па Ди Ист менга ҳозирча Атлантида нима учун ҳалокатга учраганини айтмади. Мен ундан бу ҳақда шу мавзу бўйича топишим мумкин бўлган барча материалларни кўриб чиққанимдан кейин яна бир марта сўрашга қарор қилдим.

Атлантика океани худудидаги Атлантида қитъаси тўғрисида аниқ маълумотни инсониятга эрамиздан олдинги V-IV асрларда яшаган қадимги юнон файласуфи Платон берган. Платоннинг ўзи атлантларнинг қачонлардир ҳалокатга учраган буюк тамаддуни тўғрисидаги маълумотни ўзининг амакиси Критийдан олган, у эса, ўз навбатида, бу ҳақда бобоси Катта Критийдан эшитган, у эса, Атлантида тўғрисида қадимги юнон донишманди ва қонун чиқарувчиси Солоннинг ўзидан билган. Солонга эса, Атлантиданинг сирини Қадимги Мисрнинг бир қоҳини очган...

Эҳтимол, қадим замонларда одамлар Атлантида тўғрисида яна қандайдир маълумотларга эга бўлганлар, лекин улар бизгача етиб келмаган. Ғойибдан кўрувчиларнинг бундай қитъа ҳақиқатда бўлганлигини тасдиқлаб берган хабарлари борлиги ҳам ҳақиқат...

Платоннинг “Критий” ва “Тимей” деб номланган асарларида Атлантиданинг тавсифи хроника (тарихий баён) кўринишида эмас, диалоглар шаклида берилганига қарамасдан, бизда Платонга ишонмаслик учун асослар йўқ. Атлантида ҳалокатининг Па Ди Ист кўрсатган вақти бу ерда ҳам кўрсатилган.

Мен минглаб саҳифаларни варақлаб чиққач, Атлантида мавжуд бўлганига ишонч ҳосил қилдим.

Лотин Америкаси ва Африка қирғоқларининг ҳозирги чизиғига оддийгина кўз ташлашнинг ўзиёқ уларнинг бир-бирига ниҳоятда мослигини, гўёки улар қачонлардир бир бутун бўлганини кўрсатади. Ерни ўта кучли портлаш ёриб юбориб, ёриқнинг қирғоқларини икки ёққа сурган ва ораликни океан тўлдирганми? Бошқа томондан Шимолий Американинг қирғоқ чизиқлари қўлтиқлар, ярим ороллар, ороллар ҳосил қилган эгри-бугри бўлиб, бундай қирғоқ айнан портлашдан кейин ҳосил бўлади. Кўринишидан, ҳозирги Саргас денгизи ўрнидаги куруқликни жуда катта кучга эга бўлган зарба йўқ қилган ва шу зарба таъсиридан ҳозирги Жанубий Америка билан Африкадан иборат ер ёрилиб кетган. Бу ёриқ бўйлаб жанубдан илиқ сувлар қуйилиб кирган ва Гольфстрим оқими юзага келган. Шу оқим шимолий Атлантикага келтирган лой ва кумнинг ёши айнан ўн бир-ўн икки минг йил ҳисобланади – тахминан ўша вақтларда Атлантиданинг океанга чўкиши бошланган.

Ботаника ҳамда ҳайвонот олами атласларидан мен қадимги қитъанинг жойлашган ўрнини тасдиқловчи қўшимча далилларни қидирдим.

Ўсимликлар, кушлар ва сут эмизувчиларнинг кўпгина турларини фақат Жанубий Америкада ва Африкада учратиш мумкин. Демак, бу китъалар орасида қачонлардир куруклик орқали алоқа бўлган.

Мен майялар ва қадимги мисрликлар календарларида, Америкадаги ва Мисрдаги пирамидаларнинг қурилиш тамойилларида умумийликни кўрдим. Бу эса менга Атлантика океанининг икки томони бўйича пайдо бўлган қадимги тамаддунларнинг умумий манбаини кўрсатди.

Кўринишича, бу сирли Атлантида ҳақиқатан ҳам ерга чўкиб кетган. Ер пўстининг ғайритабиий тортилиши юз берган ва ер бунга чидамасдан ҳозирги Гольфстрим оқими ўрнидан ёрилиб кетган. Бутун бошли қитъа океан суви туташган улкан ёриққа ботиб, ғойиб бўлган.

Бу воқеа тафсилотини аниқлаш мумкин. Палеонтологларнинг узок ўтмишда ғалати ўзгаришлар юз берганлигини далилловчи оддий кашфиётдан нега фойдаланмаслик керак? Номальум сабабга кўра денгиз ва океанлар туби тоғларга айланган, тоғлар эса сув тагида қолган.

Шимолий Америкадаги Кордильера тоғлари ёнбағирларида, масалан, қадимги чиғаноқтошларни топганлар, демак, у ерда қачонлардир денгиз бор эди.

Айтганча, сирли Бермуд учбурчаги ороллари ҳам қачонлардир сайёрамизни титратган портлашнинг ҳозир тахмин қилинаётган маркази яқинида ёки ҳатто унинг ўрнида жойлашган бўлиши мумкин.

Мен ҳозирча фақат қудратли ирқнинг изларини қидирар эдим. Тарихий тадқиқотлар методикаси билан умумий тарзда таниш эдим ва шунинг учун шу мавзуга оид хроникаларнинг қадимгиларини ҳам, ҳозиргиларини ҳам ва ҳамма турдаги адабиётларни ҳам четлаб ўтмадим. Муаллифларнинг нуқтаи назари ғалатилиги ва мантиққа мос келмаслиги мени чўчитмади.

Қизик, ҳалокат олдидан кўп халқлар ўзларининг олдиндан хабар берувчиларига эга бўлганлар. Исроилда бу – Нух, Миср ва Вавилонда – Тут, Убарнинг ўғли; Мексикада – Нат, Борнео оролида – Трой. Бирмада тўфон ҳақида олдиндан хабар берган одамнинг исми номальум эди. Аммо уни кийимидан эслаб қолишган: у бошидан оёғигача қора либос кийимда эди.

Ўйлаш керакки, атлантларнинг катта гуруҳи яқинлашиб келаётган ҳалокат тўғрисида Коинот томонидан олдиндан огоҳлантирилган. Эҳтимол, Атлантданнинг энг юқори ақлий даражасидагилар тирик қолганлар, бундай ақл уларга интиҳони олдиндан кўриш ҳамда ўзларининг ердаги ҳаётларини енгиллаштирувчи ва узайтирувчи воситаларни ғамлаб олишга имкон берган.

Мен, майялар, ацтеклар, мисрликлар, шумерликларнинг қадимги тасвирларини кўриб чикдим. Уларда баланд-паст бўйлик одамларни кўрдим. Улкан одамлар номутаносиб катта бошлари билан ажралиб турардилар, улар гўёки скафандрлар ёки респираторлар кийиб олгандек эдилар... Наҳотки, қадимги халқлар орасида ўзга сайёраликлар яшаган бўлса?

Ернинг атмосфераси албатта алмашган. Қачонлардир унда – ҳозир бутунлай йўқ бўлиб кетган – жуда йирик дарахтлар ва ўтлар ўсган, динозаврлар яшаган. Кўпгина олимлар тарихда шундай вақт бўлганки, атмосферада кислород фоизи кескин камайиб кетган, бу эса, энг аввало, кислородни кўп миқдорда ютувчиларнинг қирилиб кетишига олиб келган, деб ҳисоблайдилар.

Лекин, ақлли мавжудотлар ақлларидан фойдаланиб, бу муаммони ҳал қила олганлар ва янги тамаддуннинг асослари ўрнатилаётган даврда қанчадир вақт давомида яшаганлар.

Мен кема ҳалокатидан кейин тош асрининг ёввойи одамлари яшайдиган номаълум оролга океан тўлқинлари чиқариб ташлаган қандайдир илмий экспедицияни тасаввур қилдим. Олимлар хоҳласалар ҳам, хоҳламасалар ҳам фақатгина ўша ерда яшашларига эмас, балки маҳаллий аҳоли билан мулоқот қилишлари, лозим бўлса, унга таълим беришларига тўғри келар эди. Зеро, улар шундай қилишга мажбур бўлар эдилар. Майяларнинг деворий расмларидаги респиратор тақиб олган улкан оқ одамлар ҳам тахминан шундай ёки шунга ўхшаш ҳолатга тушиб қолганлар. Бизда уларнинг фотосуратлари йўқ, уларнинг ташқи қиёфалари тўғрисида фикр юритишимиз қийин. Лекин, улар нима биландир маҳаллий аҳолига ўхшаган бўлганлар, чунки улкан одамларнинг қадимги тасвирларида оддий инсонларга хос кўплаб белгиларни топиш мумкин. Бу тасвирларда нималар ҳақиқат эканлиги ва нималардир худолардек туйилган, ҳар нарсага қодир, сирли келгиндилар олдида кўркинч ва таҳсин билан тиз чўккан ёввойи одамнинг болаларча тасаввури меваси эканлигини айтиш қийин.

Атлант-маъбудлар узоқ вақт одамлар орасида юрганлар. Уларни санъатга, илм-фан ва касб-ҳунар ва ҳаттоки, эр-хотинлик меҳрига ўргатганлар. Шунинг учун қадимги халқларда ҳар бир маъбуд гўё инсон фаолиятининг маълум тури бўйича ихтисослашган.

Бизнинг узоқ ўтмишдаги аждодларимиз ҳайратланарли маҳоратларга ва билимларга эга бўлган. Буларни қаердан олишлари мумкин бўлган? Бу ҳозирги замон ирқи ягона ва бунинг устига, улар ҳайвонлардан келиб чиққан, деб ҳисоблайдиганлар учун танбеҳ... Ўйлайманки, Атлантида аҳолисидан қолган йўриқчилар янги пайдо бўлаётган инсоният учун қанча вақтгача зарур бўлган бўлсалар, шунча вақт ерда юрганлар. Бора-бора улар ўлиб битганлар ва улар ҳақидаги хотирадан асар ҳам қолмаган.

– Дарвиннинг эволюция назарияси қизариб кетса керак...

– Бу назария одамда тана ҳароратининг мослашувчан бошқаруви йўқлигини ҳам тушунтириб бера олмайди. Ерда фақат одамнинг кийимга ва оловга эҳтиёжи бор. Ернинг табиатига мослашмаганлик сизларнинг ердан ташқари ибтидога эга эканлигингизни билдиради. Ер сизларга қарама-қарши ва шунинг учун ҳам сизлар унга қарам, тобе бўлмаслик учун бор кучингиз билан зўр берасиз: бинолар ва иншоотлар қурасизлар, транспорт воситалари яратасизлар, энергиянинг яширин манбаларини қидирасизлар. Аслида, бутун тамаддунингиз гўёки ердаги ҳаётнинг табиий шароитларидан халос бўлишга қаратилгандек. Лекин, сизлар ўзингизни кулларча ҳаёт кечиришга маҳкум қилгансизлар, чунки буюк аждодларингиз тўғрисидаги генетик хотирани йўқотгансизлар.

Ҳозиргача Африкада пигмейлар қабиласи яшаб келмоқда. Улар ўзларининг жисмоний ва физиологик хусусиятлари бўйича ерда ҳаёт кечириш шароитларига тўлиқ мослашганлар. Бу ҳақда ҳамма этнографлар бир хил фикрга келганлар. Балки, сизлардаги одам генотипи пигмейлар ва атлантлар ўртасидаги қандайдир ўртачаси бўлса керак?

– Биз атлантларга нима учун керак бўлган эдик? Уларнинг одамлар билан нима иши бор? Нима учун улар ўз авлодларини қайта тиклашнинг осонроқ йўлидан бормадилар!

– Янги одамларни яратиш илгари, ҳалокатдан олдин ҳам олиб борилган. Лекин, портлаш вақтида соғ қолган атлантларнинг кўпчилиги кучли нурланишга учраган ва бекаму-кўст, соғлом авлод қолдира олмаганлар. Бунинг устига, Ернинг атмосфераси ўзгарган. Кислород етишмовчилиги уларни қирилиб кетишга маҳкум қилган. Шу сабаблар экспериментни тезлаштиришга мажбур қилган.

Атлантлар томонидан етиштирилган биринчи одам кроманьон одами эди. Кейин уни такомиллаштириш давом этди: гормонлар, тана пропорциялари, тик юриш, онгни кучайтириш. Бу иш қадимги дунё маданияти, хусусан, қадимги Миср маданияти пайдо бўлгунча давом этди. Мисрдан Иудея ва Греция бошланган. Қадимги Грецияда иш тўхтатилган, атлантлар ўзлари яратган инсониятни мустақил ривожланишга қўйганлар...

Биз энди бир-биримизни бир оғиз сўздан тушунадиган ҳамфикрларга айландик. Мен учун оқибатлар ва сабаблар, интихолар ва ибтидолар асрори очила бошлади...

Па Ди Ист ҳисоблайдики, чўзилиб кетган таназзулга қарамасдан, агар бизнинг қадимги дастлабки ватанимиз сири бир оз очилса, инсониятнинг маънавий қайта тикланиши амалга ошади.

Мен ҳаётимни бир жумадан кейинги жумагача ўлчар ва воқеликни яхши идрок қилмас эдим. У менга ютиб юборадиган ботқоқликка ўхшаб туюлар эди. Па Ди Истнинг менинг устимдан ҳукмронлик қилиши эса, енгил ва қувонтирарли ташвиш бўлди.

– Кўришиб турибдики, сен туннинг руҳ ҳаракати жараёни шаклланиб бўлган иккинчи соати тўғрисида билишга тайёрсан. Руҳ жисмоний танадан чиқиб, марҳумларнинг Уэрэс деб номланган иккинчи оламига киради. Уни маъбуда Хатор – ердан чиқиб турган энергия бошлаб боради.

Уэрэс оламида руҳни биринчи бўлиб “Эшакхўр” – шер бошли маъбуд кутиб олади. Бу тимсолни тушуниш керак. Одамга хос бўлган эшакка ўхшаган ўжарликни Коинотга бўйсунмаслик сифатида қараш мумкин; уни иккинчи соатга ўтишда қолдирадилар. Эшакхўр – бўйсунмасликни маъбуд Осириснинг душмани – маъбуд Сетга қурбон қилинадиган ўзига хос тўғрилагич ёки қурбонлик бериладиган жой. Лекин бунда Эшакхўр бари бир Сетга эмас, балки Осирисга хизмат қилади.

Қадимги мисрликларда Осирис ва Сет азалий душманлар бўлсалар ҳам, ҳар иккаласи ижобий кучларни ифодаладилар. Бу христианларнинг Худо билан иблиснинг ўртасини мурасага келмайдиган қилиб ажратган таълимотидан фарқ қилади. Лекин, шунга қарамай, иблис Худонинг жазоловчи хизматкори вазифасини бажаради. Сетнинг ҳам ва, демак, Эшакхўрнинг ҳам маъноси шундай. Эшакхўр қурбонларни Сетга беради, лекин, аслида эса, Осириснинг иродасини бажаради. Шундай қилиб, Сет ҳам, Эшакхўр ҳам туннинг олий ҳукмдорига хизмат қиладилар.

Сўнгра, Эшакхўрдан кейин руҳни бошлари ваҳший ҳайвонларга ўхшаш ва қўрқинчли номларга эга маъбудлар, масалан, “Бир уришда ўлдирувчи” ёки “Марҳумларни ямламай ютувчи”лар кутиб оладилар. Ҳар ким ўзига хос равишда бўлган битта ишни бажаради – руҳни марҳумлар оламидан яхши ўтиши учун тўғрилаб боради. Уэрэс салтанатига кўплар тушадилар, лекин, кейинги йўл фақат маъбуд Осирис қонунлари тўпламига риоя қилиб яшаган, ҳалол, ўз вужуди билан Ёруғликка йўналган энергиянинг тор оқимида қолганларга очилади.

Туннинг иккинчи соатини акс эттирувчи расмларда сен яна қўнғизни кўрасан. Сенга энди маълумки, у Илоҳий кучни ифодалайди.

– Нима учун бу куч қўнғиз кўринишида кодлаштирилган, бошқа абстракт тушунчалар эса бошлари жониворлар ва кушларга ўхшаган одамлар кўринишида тасвирланган?

– Чунки, Олий куч одамнинг қиёфаси билан ҳам, унинг моҳияти билан ҳам ҳеч қандай боғлиқ эмас.

– Ахир жонивор моҳиятни ифодалай олмайдими?

– Жониворлар қиёфалари маъбудларни тасвирлаш учун фойдаланилган.

Шунда мен солиштириш учун буддавийлар таълимотини ёдга олдим ва ўзимга маъқул туйилган саволни бердим:

– Нима учун бу қиёфаларни ўсимликлар олами вакилларидан олиш мумкин эмас?

– Қадимги мисрликлар ўсимликлар дунёсида тафаккур қобилияти йўқ деб ҳисоблаганлар.

Бизнинг суҳбатимиз назоратчининг Эрмитаждаги иш вақти тугаганлиги тўғрисида огоҳлантирганидан сўнг тўхтади.

Қайик батамом қоронғиликда – маъбуда Хатор сигналлари остида сузиб борарди...

## ПОКЛАНИШ

Па Ди Истнинг ҳикояси ҳамда бошқа манбаларга кўра атлантларнинг давлат тузилиши менга ацтеклар ва майялар давлатларини эслатди. Россияда унга ўхшаш Новгород халқ вечаеси бўлган.

Пул эса бўлмаган. Товар айирбошлашга зарурат жуда кам эди, чунки атлантлар натурал хўжалик бўлиб яшаганлар. Олмос, марварид, олтин ва шуларга ўхшаш “қимматбаҳо металллар” фақат хунар-касблар учун хомашё вазифасини ўтаган. Тайёр маҳсулотлар, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштирилган. Олимларнинг жуда катта тоифаси касб-хунарларга ва кишлоқ хўжалигига солинадиган маълум натурал солиқ ҳисобига яшар эдилар. Улар ўз мақомларини – ҳақ-хуқуқларини Халқ йиғинида олганлар, уларни давлат таъминлаган.

Шундай қилиб, иқтисодиёт товар айирбошлаш ва давлат фойдасига ажратмалар ҳисобига амал қилар эди. Давлат, шунингдек, болаларни мактабда ўқитишни ва уларнинг таъминотини ўз зиммасига олган эди. Мактабга болалар илк ёшларида оилалардан олинар эди. Уларни дарҳол ақлий қувватлари бўйича гуруҳларга ажратар эдилар ва шунга мувофиқ равишда дастурлар ва ўқиш муддатлари турлича эди. Тиббий даволаш ва хизмат кўрсатиш ҳам давлат томонидан бепул таъминланар эди.

Атлантлар истилочилар эмас эдилар, агар улар тўқнашувларда иштирок этсалар ҳам, ҳужумни қайтариш учун иштирок этар эдилар. Хусусан, фиръавнлари бўлган ва қулдорлик тузумидаги қадимги мисрликларнинг ҳужумини қайтариш учун тўқнашувда иштирок этганлар. Қобилнинг ердаги авлодлари фақат ердаги қонунлар бўйича яшаганлар (атлантларга, аниқроғи, уларнинг обсерваторияларига чала ўхшатиш қилган ягона каста – Мисрдаги қоҳинлар кастаси бўлган).

Ўз-ўзидан тушунарлики, шуҳратпараст, хасис ва дунёга хирс қўйган (харис) одамлар ён қўшнилари бўлган гуллаб-яшнаётган Атлантиданинг



кўп сонли чорва подалари ва экинзорларига хотиржам қарай олмаганлар. Улар ҳужум қилар ва атлантлар эса ўзларини ҳимоя қилишга, гарчи буни улар ўзига хос равишда амалга оширсалар ҳам, мажбур эдилар. “Улар жангларда жисмонан қатнашмаганлар...” – деди менга Па Ди Ист ва бошқа ҳеч нарса қўшмади. Мен олдин ҳам бир неча марта бўлганидек, мифологияга – лапифлар ва кентаврлар жангига мурожаат қилдим. Кентаврлар кимлар эди? От билан инсоннинг қандайдир дурагайи, эртақдаги мавжудотлар. Агар ундай бўлмаса-чи? Мен фаразлар қаторини туздим. Атлантлар очкўз одамлар қабилаларининг таъзирини беришни ўз мавкеларига муносиб кўрмадилар ва шунинг учун бу курашга кучли, бундай хизмат учун етарли интеллектга эга бўлган биороботларни жўнатганлар. Генлар кодини билганлари учун кентаврларни яратиш улар учун муаммо эмас эди. Атлантлар буни билганлар...

Ўз кашфиётимни Па Ди Ист билан ўртоқлашдим. У индамади, бу эса унинг маъқуллагани эди. Кейин айтдики, қадимги қабилалар атлантлар билан жанг қилганларида барибир уларни Мархумлар китобида тасвирлангандек бошлари бўри, йўлбарс, шер, илон, лочин, бургут ва бошқалар кўринишидаги худолар деб ҳурматлар эдилар. Булар бизлар учун – атлантлар генетик ижодларининг ўзига қараб ишланган тасвирлари. Лекин қўшни халқлар шу биороботларни ҳам фақатгина интеллект бўйича ўзларидан устун қўймай – улардан қўрққанлар ҳам. Ахир бизлар ҳам, қандайдир қўрқитиб юборадиган жонивор кўринишидаги кучли, киши ихтиёрини олиб қўядиган ва зийрак, афсун билан бошқа қиёфага кира оладиган ҳар турли махлуқлардан оловдан қўрққандек қўрқамиз-ку.

Бизлар учун бундай нарсалар ҳайратланарли, лекин атлантлар, бизнинг меъёрларга нисбатан, одамзот ақли етмаган билимларни билганлар. Уларда одамларда бўлмаган онг бор эди. Шу маънода уларни одамлар деб аташ мумкин эмас. Қадимги мисрликлар уларни гиперборийлар деб атаганлар.

Қурол ишлатиш атлантларнинг дунёқарашларига мос келмас эди. Улар ўзларининг ҳамма яширин душманларини қириб ташлаш ва Ерни забт этишни хоҳласалар, буни осонгина қила олар эдилар...

Лекин атлантларнинг асосий қизиқишлари борган сари кўпроқ ва янада кўпроқ билимларни эгаллашдан иборат эди. Улар турли хил ахборотларни йиғар, уларни қайта ишлаб бойитар ва бунда китоблардан фойдаланмас эдилар. Билимларни улар махсус ишлов берилган шишада сақлаганлар. Масалан, ҳозир Канадада сақланаётган ва Атлантидага тегишли бўлган “биллур бош суяк” шундай шишалардан ҳисобланади. Па Ди Ист менга шаффоф тошлардан ахборотни ўқиш тамойилини очиб берди. Бундай тошни куёшга нисбатан куёш нури ундан синиб ўтиб, одам миясида керакли ахборотни ёритадиган ҳолатда тегишлича йўналтириш лозим. Лекин, ҳозирги замон оддий одамнинг миясидан фойдаланиб, бу тошлардаги маълумотларни ўқиб бўлармикан? Бу даргумон, жуда бўлмаса шунинг учунки, ҳамма атлантлар, истисносиз, телепатияни эгаллаган бўлганлар. Уларнинг тушунчалари бўйича ақли ва жонивор мавжудотлар ўртасидаги чегара айнан шундай телепатик мулоқотга қодирлик ёки қодир эмаслик бўйича ўтади.

Атлантлар умрининг узоклиги ҳам бошқача эди: у бир неча юз йилни ташкил этар эди, демак, уларда бизникидан фарқ қиладиган биологик субстанция бўлган...

Гиперборийларнинг бўйи шундай таассурот қолдирар эдики, бу ҳақда қадимги греклар: “Улар осмонга тиралиб турибди”, деб айтар эдилар. Бу образли ўхшатиш бўла қолсин, лекин уларнинг бўйи беш метргача борар эди-да. Бу эса албатта, ҳайратланишга арзигулик! Одам алайҳиссаломнинг бўйи ҳам бундан кам бўлмаган. Ердаги дастлабки ақлли мавжудотлар бўйи учдан олти метргача бўлган улкан одамлар эдилар.

Па Ди Ист Атлантида халқининг ташқи кўриниши тўғрисидаги тахминларимни ҳам тасдиқлади. Уларнинг қиёфаси жуда ҳам турли-туман бўлган, чунки улар ўз қобикларидан иборат бўлган таналарини қўлланишига мувофиқ ҳолда яратар эдилар.

Па Ди Ист менга Атлантиданнинг ҳозирги дунёдаги изларини топ деб топшириқ берди. Мен кўрсичқондек ишлар эдим. Баъзи нарсаларни қидириб топишга ва кўришга муваффақ бўлдим. Устозим мен топиб келганларимни қабул қилар ёки рад этар эди.

– Бизнинг карнавал рақсларимиз, кўшиқларимиз ва тантанали юришларимиз ўша замонларнинг акс-садоси эмасмикин? – деб уларни қоҳинга тасвирлаб берганимдан кейин тахминимни айтдим.

– Сен тўғри йўлдасан. Нега одамлар фақат хурсандчилик ва ишончдан иборат бўлган бундай мулоқот шаклини топдилар? Сизларнинг айтишингизча, тинчлик ва дўстликни намойиш қилиш учун. Атлантлар ўз ҳудудларида ўз ҳолларича, бошқаларга аралашмасдан яшаганлар. Лекин, гоҳида қўшнилари уларнинг ёрдамига муҳтож бўлар эдилар ва шунда ўзларига атлантларни мойил қилиш учун, уларга илтимосларининг моҳиятини ўзига хос равишда ифодалаб берадиган рақс, кўшиқ, намойиши орқали мурожаат қилганлар. Атлантлар доим ёрдам берганлар. Эътибор бергин, мажусийлик, бутпарастлик динларидаги худолар ҳеч қачон ғазабланмайдилар – улар ёрдам берадилар...

– Илоҳий уруғлар ер заминига экилди. Кучли ақлга эга бўлган ва ер шароитида респираторларсиз яшай оладиган авлод туғилди.

Лаборатория раҳбарияти ҳозирча менга ҳеч қандай эътироз билдирмади. Ўтган жума кунларида эрталабдан иш журналига “кутубхонадаман” деб ёзиб, тушлиқдан қайтиб келмасдан, Неванинг чап қирғоғига қараб йўл олар эдим. Мен бир оз вақтга ўзим ишлайдиган – чириб бораётган биогенетика лабораториясини ва бу телба дунёни унутган ҳолда, хавотир ва умид билан Эрмитаж эшигини очар эдим.

– Мен бу ҳаётда нима қилишим керак? Менинг муаммоларим кўп... – деб мен бу гал Па Ди Истга, аслида у шундоқ ҳам ҳамма нарсани ич-ичигача кўра олса ҳам, шикоят қилдим

– Сен бизнинг суҳбатимизга тайёр эмассан. Нима ҳақида сўрашни билмасдан, тусмоллаб савол бераяпсан. Мен ўзимни гўё бузуқ телевизорнинг сошлаш тутқичини бураётгандек ҳис қиляпман.

– Мен сенинг телевизорингманми? Сен менинг миямга антеннага ўхшаш ниманидир ўрнаштириб, у орқали мени бошқараяпсанми!

– Бу менинг астрал алоқам, у орқали мен сен билан мулоқот олиб бораман. Сен ҳеч нарсадан чўчима, мен сенинг эркинлигингга раҳна солмайман. “Антенна”дан қутулиш учун мен ҳақимда ўйлашдан тўхташинг етарли. Телевизор билан солиштирганим, албатта, шартли, лекин асоссиз эмас. Сен мендан олаётган билимларингни одамларга етказишингни истайман. Мен – телестанцияман, сен – телевизорсан.

– Ва менинг ролим шундан иборатми?  
– Сен қадимги фалсафий таълимотни одамлар учун тушунарли шаклда баён қилишинг ёки жуда бўлмаса, Марҳумлар китобига шарҳ ёзишинг керак.

– Бунинг учун мен унинг шифрини билишим зарур.

– Сен уни оласан. Сенинг вазифанг: фақатгина расшифровка қилиш эмас, балки таълимотнинг моҳиятини бошқаларга етказиш ҳам.

– Ёзиш ва ўргатишми?

– Сен таълимотни фақатгина баён қилишинг эмас, балки уни ердаги одамларнинг ўзлари тўғрисидаги мавжуд тасаввурлари билан боғлашинг лозим. Қуруқ суякларни ҳаётга қайтар.

– Нимадан бошлаш керак?

– Ҳар қандай иморатга ўхшатиб, пойдевордан, ғиштма-ғишт. Битта ғишт нотўғри қўйилса, ҳаммаси кулаши мумкин. Эсингда бўлсин, сенинг таълимотинг биноси мустаҳкам бўлиши керак. Сен бу бинони унинг қаватлари бўйлаб қўлингда ёқилган машъалани кўтариб олиб югуриб ўтиш ва энг юқорисига худди олимпия оловидек ўрнатиш учун курмайсан. Бу бинони унда яшаш учун қурасан.

Бошқача айтганда, ўз ҳаёт йўлингни ва дунёқарашингни қайтадан тафаккур қилиб, тушуна бошлашинг керак. Ҳозирча сен билимда фақат ташқи жиҳатдан билимдонсан, лекин ички покланиш зарур, бўлмаса, сени тушуниш қийин.

– Сен янги таълимот яратиш менинг қўлимдан келади, деб ўйлайсанми?

– Мен сенга қадимги китобларнинг шартли рақамларини бераман, улар янги таълимотга асос бўлади. Қадимги гапни сен қандай тарғиб қилишинг жуда ҳам аҳамиятли бўлади. Сенинг ишларинг буни ўзинг мустақил англаб етганлигингни тасдиқлаши лозим. Маънавий ўсишнинг энг равшан, аниқ кўринадиган нуқтаси шунда, яъни мустақил ўйлашга интилишда. Агар одам ҳар доим масалалар тўплами китобининг охиридаги тайёр жавобларни қидираверса, бу билан у фақат битта нарсага эришади: унинг руҳи батамом заифлашиб қолади.

– Кўпинча масалалар тўпланининг охиридаги жавоблар йўл қўйилган хатоларни излашга ундайди ва агар ечим тўғри бўлса, дадиллик бахш этади.

– Худди шунда, яъни тайёр жавобларга ёпишиб олишда сизларнинг мукамал эмаслигингиз намоён бўлади. Бироқ одамга юқоридан берилган ҳар қандай гапни жуда серқирра тушуниш мумкин. Унинг маъноси уни ким, қандай қилиб ва қайси фикрни англатиш учун қўллаётганига боғлиқ.

– Агар бизлар ўз асосларимизни тушунишга қодир бўлмасак, қандай яшашимиз керак?

– Сизлар мана шундайича, ўз тушунишингизга мувофиқ яшаяпсизлар. Мавжудлик асосларини билмаган ҳолда сизлар қўплашиб ва якка ҳолда ноўрин ва беҳуда ишлар қиласизлар ва ўзаро ҳеч ҳам келиша олмайсизлар.

– Рўшнолик бўлмайдими?

– Рўшнолик сизлар ўз онгингизни ривожлантирсангиз бўлади. Онгингизни ривожлантиринг. Сизлар эса, ҳозирча маймунлардан деярли кам фарқ қиласизлар.

– Алоҳида олинган одамда онгнинг юқори қатламларигача кўтарилиш имконияти борми? Масалан, менда?

– Ахир мен сени нима учун чақириб олдим? Сен кўринадиган ва кўринмайдиган оламларнинг қонуниятларини тиник, равшан тушуниш ва баён қилиб беришни ўрганишинг лозим. Сенинг дастлабки, сен унутиб юборган исминг Иоанн – Исонинг яхши кўрган шогирдининг исми. Исо хочда ўз Онасига ҳаворий Иоанни ўғлидек қабул қилишни, ўзининг ўрнига қолдиришни васият қилган. Сенинг ақлинг ҳам Иоанники. Уни жаҳолатдан тозала, унга меҳр ҳақидаги дастлабки фикрларни қайтар... Аввал Марҳумлар китобини шарҳла, кейин...

– Бу кўлимдан келармикан?

– Кўркма: Муқаддас Рух сен билан. У – сенда, сенинг ёзув столингда. Диққатингни тўпла – ва сен Ниманидир ҳис қиласан. Шу Ниманидир кўлдан чиқармасликка ҳаракат қил. Шошилма. Бардошли бўл. Икки минг ўн ...чи йили сен ёки кашфиёт қиласан, ёки...

– Ёки нима?

– Ёки ҳалок бўласан. Лекин, ҳали сенинг йўлинг узок (сен кўп ишлар қилишинг керак). Шунинг учун сен тўғрингда олдиндан ҳеч қандай аниқ гап айтмаймиз... Кўшимча ўзгаришлар ҳақида, одатда айтиладигандек, олдиндан хабар берилади. Ҳозирча сенинг тақдиринг ўз кўлингда. Ўз исмингдаги ҳарфларга эътибор бер, шунда йўлинг тўғри бўлади. Билиб кўйгинки, ҳаворийларнинг орасидан фақатгина ёлғиз Иоаннинг ўз ажали билан вафот этгани – унинг тўғри ҳаёт кечирганлиги исботи.

– “Тўғри ҳаёт кечириш” деб нимани айтилади?

– Ҳеч кимда қарама-қаршилик туғдирмасликни.

– Лекин мени ким тушунади? Одамларнинг яширин сақлаб келинаётган билимлар билан ишлари йўқ.

– Олдиндан айтиш мумкинки, кўпчилик сени тушунмайди. Олдинга илгарилаб кетган ҳар қандай таълимотнинг тақдири шундай бўлади. Аммо, барибир, олға қараб ҳаракатланиш ғилдирагини айлантириш, келажакда униб чиқиши эҳтимол бўлган уруғларни сочиш зарур.

– Замондошларим менга қулоқ солишлари даргумон...

– Ўз эътиқодингни ҳаётда намоён қил, ўзингнинг чин имонингга мувофиқ йўлни тут... Панд-насиҳат ҳаётдаги ўртак ёки ёзма иш орқали бўлиши мумкин. У қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, тамагирлик ва юлғичлик билан кўшилмаса бўлгани.

– Ёзганларимни ким нашр қилади?

– Биз. Ўзимиз-да. Агар биз рози бўлсак, сенинг ҳамма ишинг амалга ошади. Сен учун керак бўладиган ҳамма нарса, агар биз истасак, ўзи олдинга келади. Осмондан олтин ёмғир бўлиб ёғилади. Сен жон куйдиришинг керак бўлган ягона нарса, бу – ўз қалбингдаги уйғунлик тўғрисида жон куйдир, вассалом.

– Бу уйғунлик моддий муаммолар билан ёнма-ён ҳолда қандай ҳам бўлар эди.

– Одамлар моддий муаммолар билан ҳаддан ташқари банд бўлганлари учун ноиттифоқликда яшаётганлари йўқ. Бунинг сабаби маънавий мажруҳликнинг халақит бераётганида. Мана шунинг учун сизларда ҳар турли восвослар, мутаассиблар, савдойилар кўп ва шунинг учун сизлар табиатга нисбатан шунчалик эътиборсизлик қилмоқдасизлар.

– Одамларга уйғунликда яшаш намунасини кўрсатиш ва таълим бериш учун бу дунёга келишни истамайсанми? – деб сўрадим Па Ди Истан.

– Сизларнинг орангизда дунёга келишми? – коҳин истехзо билан кулимсираб қўйди. – Бу, тахминан, тамаддунли одамнинг ёввойилар ва одамхўрлар оролига тушиб қолишига ўхшайди... Бу дунёга келиш мени қизиқтирмаслигининг яна бир сабаби шундаки, мен ерда менинг таркатувчим бўла оладиган шогирдни топдим.

– Сен мен ҳақимда гапираяпсанми?

– Ҳа. Ҳозирда мен сен учун ишляпман, бир оз вақтдан кейин эса, сен менинг раҳбарлигимни қабул қиласан.

– Мен сенга ишонаман ва ҳозирнинг ўзида амрингни бажаришга тайёрман.

– Ҳали мени тушунмайсан-ку, қандай қилиб менга ишона оласан? Тушунмаслигинг сабаби эса, бошқа томонга қараётганингда. Сенинг руҳинг бошқа йўлга қаратилган.

– Ўзимнинг вазифамни тушунишим учун менга ёрдамнинг керак. Мен бўм-бўш жойга тушиб қолдим: дунёдан воз кечдим ва ҳозир нима қилишим кераклигини билмайман.

– Мен сенга бир нарсани айтаман. Сен ўзингни ҳеч нарса йўқлиги кўриниб турган хонадан изляяпсан.

– Бўлмаса мен қаердаман?

– Сен – бўлишинг керак жойдасан, ўзингни эса, ўзинг бўлишингни хоҳлаган жойдан топишни истайсан. Асосий хато мана шунда.

– Сени тушунмадим. Бу жуда ҳам мавҳум. Менга тўғриси айт-чи, менинг ердаги вазифам нимадан иборат ва бу ҳаётда нима қилишим керак?

– Ўйлаб кўр-чи, туннинг дастлабки соатларида Осириснинг кемасини кимлар судрайдилар?

– Руҳларми?

– Албатта, лекин кимларнинг руҳлари: тирикларникими ёки ўликларники? Билиб қўйгинки, кемани тирик одамлар судрайдилар. Ва сен Осириснинг кемасини судраётган кулнинг ўзисан.

– Кемани одамлар судрайдиларми?

– Айнан шундай. Кемани тириклар судрайдилар. Ҳозирча тириклар. Улардан ўз йўли бўйича нотўғри юраётганларни ўликларнинг бошларини мажақловчи аёл худолар томонидан мажақланиши мумкин. Агар сендан талаб қилинадиганларни бажармасанг, ақлингдан айрилишинг мумкин.

– Устоз, мен шу кемани судрашим учун ерда нима билан шуғулланишим керак?

– Ўзинг нима билан шуғулланишни истайсан?

– Ҳозирча ҳамма менга айтганларингни ўйлаб чиқмоқчиман.

– Бу фаолият эмас.

– Фалсафий асарлар ёзиш-чи?

– Ёзиш ҳам фаолият эмас. Бу – кузатиш, мушоҳада, томоша қилишдан бошқа нарса эмас.

– Ахир, ҳозиргина мени ёзишга ундаган эдинг-ку?!

– Ўзинг фаолият нима эканлигини ўйлаб кўр.

– Жисмоний ишми?

– Сен пирамида қурилишидаги кул бўлишни хоҳлайсанми?

– Бўлмаса, нима фаолият бўлиши мумкин?

– Сен ўзинг мавжуд бўлган организмнинг бир қисми бўлишинг лозим. Бу организм ўз конунлари бўйича яшайди. Сен ўз моҳиятига кўра организм-



даги қон айланишини ифодаловчи умумий оқимга қарши суза бошласанг, суриб чиқариб ташланасан.

– “Организм” нима?

– Жамият. Сен уни тан олишни истамайсан, унинг мавжуд эканлиги фактини эътиборга олмайсан, аммо у бор, ва демак, яшашга ҳақли. Шундай фикр калланга келмадими? Агар у яшашга ҳақли бўлмаганида, мавжуд ҳам бўлмас эди. Сен жамиятдан ташқарида бўла олмайсан, унинг бир қисми бўлишинг лозим.

– Мен нима билан шуғулланишим керак: иқтисодми, сиёсатми, санъатми, адабиётми? Сайловларда қатнашишим керакми? Ҳоқимиятни эгаллашим керакми? Жамиятнинг бир қисми бўлиш учун нима қилишим керак?

– Ўзинг ўйла. Лекин, билгинки, бу организмдан ташқарида бўлиш мумкин эмас. Ташқарига чиқариб ташланган мавжудот йўқ қилинади.

– Агар жамият касал бўлса, унда мен ҳам касал бўлишим керакми?

– Жамият касал эмас, у онгли. Ҳар қандай жамиятнинг ҳаёт мазмуни, мақсади бор. Унинг ичида нима билан шуғулланишни ўзинг танлаб ол.

– Нимани танласам ҳам фарқи йўқми?

– Йўқ, лекин... Айта олмайман... Бу ҳақда кейин. Сен ҳали Марҳумлар китобини билиб олмадинг. Мен гапиришга қийналаяпман... чарчадим...

Унинг овози бирдан эшитилмай қолди.

Шунақа ўжарлик қилишим зарур эдими! Па Ди Ист билан мулоқотда мен ўз шахсий муаммоларимни унга очиб солганимда энг кўп чарчайман. Кўринишидан, у ҳам, мендан қувват ола бошлашига қарамасдан, чарчайди. У чиндан ҳам менинг қувватимни сўриб олади, чунки менинг ҳисобимдан гапирди.

Ҳамма шахсий ва моддий нарса унга зерикарлими, у зўриқа бошлайдими ёки бундай мавзуларда гапириш унга тақиқланганми, унинг менга ёрдам беришга интилиши билан боғлиқ фикрий зўриқиши мени қаттиқ чарчатиб юборади. Бир неча марта шундай суҳбатлар вақтида хушдан кетиб қолдим ва кейин юрагим қаттиқ оғриди. Бир неча марта Па Ди Истнинг ўзи, менинг аҳволимни кўриб, гаплашишни тўхтатди.

Бундан битта хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади: юқори руҳлар билан ўзининг ердаги ишлари бўйича алоқага киришиш одам учун зарарли. Мен билдимки, итоатсизлик учун жуда ҳам оғир жазо хавфи бор. Бу – итоатсиз одам пешонасидаги хоч белгиси бўлиб, нариги дунё тилида ўлимни билдиради.

Менга ўз изланишларимда ўлим ҳақида ҳам фикрлаб кўришга тўғри келади. Менимча, у фақат ҳаёт яқуни эмас, балки унинг давоми ҳам.

Ҳар бир ўлимга маҳкумнинг биологик майдони қанчалик кучли бўлса, яқинлашиб келаётган ўлим ҳақида шунчалик билади. Кўп кексалар ўлими олдидан “Бугун мен ўламан”, – деб айтадилар ва ўладилар. Улар огоҳлантирилган бўладилар. Ҳатто, бахтсиз ҳодиса туфайли, гўёки кутилмаган деб ҳисобланадиган ўлим ҳақида ҳам олдиндан билиш мумкин. Агар инсон ўзининг яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган имкониятлари захирасини батамом тугатса, у ўлиши керак ва унинг ўлими бундай ҳолатда юқорида олдиндан ҳал қилинган бўлади.

Одам қандай руҳий ҳолатда ўлиши жуда ҳам аҳамиятга эга эканлиги сабабли юқори онг инсонни ўлишидан огоҳлантиради.

Черков бу ҳақида ғамхўрлик қилади ва ўлаётганни тавба қилдиради, унинг гуноҳлардан покланишига ёрдам беради. Менимча эса, тавба қилиш – бу ўзига хос аутотренинг. Одам ўз дилини хира қилган ҳиссиётлардан ботинан тозаланади. У атрофидагиларнинг ҳаммаси билан тотувликда на-риги дунёга кетиш учун ҳаммани ҳамма нарсалар учун кечиришга ҳаракат қилади. У ўз шахсини барбод қиладиган ҳамма нарсалар – ғазаб, нафрат, ҳасад, рашкни аниқ мақсад билан йўқ қилади. Шу йўл билан у ўзида ўлганидан кейин нариги дунёда саёхатни бошлайдиган етарлича яхши энергия оқимини яратишга ҳаракат қилади

Агар ўлим кутилмаганда рўй берса-чи? Бундай ҳолда ҳам покланишга имконият бор. Масалан, турли ахлатлар билан ифлосланган сувни олай-лик. Уни узоқ вақт филтрлардан ўтказиб тозалаш мумкин. Яна фаввора кўринишида осмонга сапчителиш ва шунда фавворанинг энг юқорисида филтрлангандан ҳеч ҳам қолишмайдиган, балки ундан сифатлироқ тоза сув ҳосил бўлади.

Ўлиш вақти одамга боғлиқ эмас, лекин, ўлаётган вақтида унинг характе-рини, демак, хулқини ҳам ҳосил қилувчи барча ҳаёти унинг измида бўлади.

Бутун умрининг мазмуни дунёпарастлик ва бойлик ортириш бўлган ҳасис одам ўлим билан сўнгги дақиқада ҳам муқаррар равишда савдола-шиб кўришга ҳаракат қилади. У ўз ҳаётини сақлаб қолишга интилиб ёлғон гапиради, ўзини ҳар мақомга солади, янги баҳоналар ўйлаб чиқаради... ва охирида ўлмай қолиш имкониятини йўқотиб, маънавий шарманда бўлади.

Шундай ҳам бўладики, маишатпараст, ичкиликбоз, ижтимоий ахлоқ нуқтаи назаридан ҳеч кимга кераги йўқ, лекин виждон заррачалари-ни сақлаб қолган одам кўчада аёлни ҳимоя қилишга ташланади ва босқинчининг пичоғидан ҳалок бўлади. Йўқ, у реал куч, шароит ва имко-ниятларни ҳисобга олмаган таваккалчи эмас. Агар унинг ҳаётини диққат билан текшириб кўрилса, унда кўп фидокорона ишларни топиш мумкин.

Шундай бўлгач, ўлим ҳам, руҳнинг ўлмаслиги ҳам одамнинг ўзига юз фоиз боғлиқ. Улар унинг яшаб ўтган бутун ҳаётидан мантиқий равишда келиб чиқади.

Ўлгандан кейин унинг руҳи янги ҳаёт кечириш муҳитига ўтиб, бошқа йўлларга берилиб кетади. Унинг қаерда бўлиши ва аҳволи унинг тириклар оламида ўзлаштирган сифатларига жуда кучли даражада боғлиқ бўлади.

Юқорига етиб бориш учун аввал пастга тушиш керак ва ўша жойдан Ёруғликка ўтишга ҳаракат қилиб кўриш керак. Бундан ташқари, Ёруғликни кўриш учун тегишли кўриш аъзоларига эга бўлиш, яъни ўзига хос тарзда ўзгариш лозим, бу эса, ер остида содир бўлади.

Ер ости дунёсининг рамзи фақатгина Марҳумлар китобида эмас, балки Библияда ҳам бор. Менинг Па Ди Истдан Қобил ва Ҳобил ҳақида сўраганимдаги суҳбат ёдимга тушди.

– Инсон руҳининг моҳияти моддий бўлиб қолди. Юқори энергиялар руҳига эса, материянинг аҳамияти йўқ. У ердагидан фарқ қиладиган ўлчамларда мавжуд. Инсон Юқори руҳ билан бирлашиш учун бу ўлчамларга мувофиқ бўлиши керак.

Ўлгандан кейин руҳ дарҳол ер ости фильтрига тушади. Бу ғайришуурий олам даражаси. Бу ерда у, сен билиб олганингдек, Марҳумлар китобига мувофиқ, ўзгаришларнинг ўн иккита босқичини енгиб ўтиши керак, фақат шунда у ердан илоҳий оламга чиқа олади.

Ердаги даражада руҳ ўзини ўзи ривожлантиришга қодир, одам ўлганидан кейин эса, унинг руҳи ҳеч нарсага қодир бўлмаган ҳолатда ҳаракатланади, уни тарозида тортиб кўрадилар, баҳолайдилар, кўздан кечирадилар, у – итоаткор кул; ердаги обрўси, билими, хизматлари бу ерда ҳеч нарса эмас. Руҳ конвейерга тушади (қайиқнинг, кеманинг рамзи), конвейер уни бир ишлов бериш ва экспертиза участкасидан бошқасига (“тун соатлари”) га олиб боради. Руҳ ҳамма нарсани кўради, эшитади, лекин ҳеч нарсани ўзгартира олмайди. Ирода йўқлиги – унинг янги сифати шундай бўлади. Бу маънода ер ости олами ер олаmidан қуйирок.

– Кўриб турганингдек, сен билан туннинг учинчи соатига етиб келдик. Диққатли бўл, менинг такрорлагим келмаяпти, – деди Па Ди Ист навбатдаги учрашувимизнинг бошида, гарчи у ўз материални турли вариантларда кайтарса ҳам.

Туннинг учинчи соати унда янги вафот этган руҳларнинг қатламларга ажралиши билан характерли. Қадимги мисрликлар бу қатламларга ажралишни руҳнинг хусусиятларига мувофиқ равишдаги рамзлар билан – одам, ҳайвон ёки қушнинг тасвири кўринишларида ёзганлар. Бундай шаклчаларни кўп кўриш мумкин. Шу билан бирга, деярли ҳар бирида ўрнини босувчи, ўхшаши бор. Ахир ҳар қандай инсоний моҳият икки қатламли. Руҳнинг икки қиёфалилиги миср расмларида иккита параллел: юқори ва пастки қаторларда рамзий равишда берилган. Ҳар бир рамз ўзининг юқоридаги ёки пастдаги ўхшашига эга. Ҳар бир “яхши”га ўзининг “ёмон”и бор...

Туннинг учинчи соати “Руҳни бўлакловчи” деб номланади. Руҳ унга ўзининг ҳамма тушунча ва сифатлари аралашмаси кўринишида тушиб, қатламларга ажралади ва унинг у ёки бу сифатлари турли худолар томонидан йўқ қилиниши мумкин. Руҳ Осирис хизматкорлари томонидан ўзига хос поклаш жойидан ўтади. Бу соатнинг охирида руҳ ердаги боғлиқликлардан озод бўлиб, Олий ҳақиқат белгисига эга бўлади.

Йўлнинг биринчи чораги, энг осони, орда қолди! Лекин олдинда машаққатли синовлар турибди...





## ЛИОН ФЕЙХТВАНГЕР

(1884–1956)

### ДОКТОР Б. КАШФИЁТИ

Ҳикоя

*Рус тилидан  
 Ёрқин ИНОҒОМОВ  
 таржимаси*

*Лион Фейхтвангер “Яҳудий Зюсс”, “Каззоб Нерон”, “Гойя ёки машҳурликнинг машаққатли йўли”, “Ака-ука Лаутензаклар” каби тарихий ва замонавий мавзуларда ёзилган асарлари билан машҳур. Адиб нацистлар ҳукумати томонидан таъқибга учраган ва умрининг охиригача аввал Францияда, сўнгра эса АҚШда муҳожирликда яшаган. Иккинчи жаҳон уруши фожиаларини ўз бошидан кечирган Л.Фейхтвангер ижодий умрини нацизм мафкурасининг инсониятга қарши тажовузкор моҳиятини қаҳрамонлари тақдири тимсолида бадиий тадқиқ этишга бағишлади. Муаллифнинг қуйидаги ҳикояси бунинг ёрқин мисолидир.*

**Ф**изиолог доктор Б. ўз ҳамкасблари орасида катта мавқега эга эди. Тадқиқотларининг пухталиги ва хулосаларининг беғаразлигини билганлар томонидан айниқса жуда қадрланарди, бундан қувонган Б. кўнгли қанчалик суст кетмасин, эришган натижаларини синчковлик билан қайта-қайта текшириб, назаридан ўтказишни қўймасди. Ҳар қандай бошқа одам бундай иқтидор ва меҳнат билан катта амалдор бўлиб кетарди. У эса камтаргина лавозимда, кўпдан бери университетнинг кичик бир кафедрасини бошқарарди. Бунинг асосий сабаби эса олимнинг игнадек санчиладиган, ёқимсиз, инжиқ феълида эди. Индамас, ичимдагини топ атвори сув ичган чашмаларни унинг зерикарли-захарханда, ажабтовур қиёфасидан излаш жоиздир, балки. Қизик-да, ожизгина кичик гавдадан каттакон соқолли калла кўзларини лўқ қилиб тикилиб турса. Ҳамкасблари ҳам кўпинча у билан юзма-юз мулоқотдан кочарди. Доктор совуқ муомаласи билан, баъзан уларни хуш кўрмаслигини ўзи англамаган ҳолда, очик билинтириб қўярди. Одатда улар билан фақат касбга алоқадор мавзуларда суҳбатлашар, агар бирор фикр билдирадиган бўлса ҳам, у қатъий оёқ тираб олиб ўзиникини маъқулларди.

Б. сочига оқ оралаб, ёши ўтинқираб қолганда, авом халқдан чикқан ресторан хизматчиси бўлган аёлга уйланди ва маърузалар оралиғида аёл-

нинг ҳузурида бирор егуликни шоша-пиша тамадди қилишга кўникди. Ўйтироф этиш керакки, у ҳурматли кишилар муҳитига нисбатан, хизматчи аёлининг ҳузурида ўзини эркинроқ ҳис қилишини ҳеч кимдан яширмасди. Б. шу тарзда тинчгина эллик ёшга тўлиб, ундан ошди ҳам. Қолган умрини ҳам энди одамлар кўзидан панада беташвиш яшаш ва охираат сафарига ҳам шу тарзда равона бўлиш, сермулоҳаза Б.нинг эзгу орзуси бўлиши керакдек туюларди назарида.

Ногаҳон тарқалган миш-мишдан одамлар хайрон бўлди, гўёки профессор курраи замин ҳаётига таъсир эта олувчи оламшумул кашфиёт яратганмиш... Бу овоза қаердан пайдо бўлди ўзи? Аниқлаш қийин. Оғзи метин олим яратаётган кашфиёти ҳақида қўл остидагиларга бирор нарса дейиши ёки ишора қилиш эҳтимоли хаёлга ҳам келмасди. Аммо ҳатто ноҳолис муҳибларининг тан олишича, унинг томонидан кичик ишора ҳам, кибрга берилган баъзи бир эркак олимларнинг академик хабарнома ёки шу каби илмий нашрлардаги мақтанчоқ иддаоларидан ҳам ишончлироқ эмиш. Агар миш-мишларга қулоқ солинса, профессор Б. тирик инсон мия фаолиятини назорат қилишга имкон берувчи ускуна ясаган ва одамнинг ақлий қобилиятини тажриба орқали ўлчаш имкониятини топган, асбобининг номини интеллектофотометр деб атаган эмиш.

Доктор Б.нинг кашфиёти ҳақида аввал тиббий, сўнгра эса бошқа соҳаларнинг турли рангдаги газеталари ёза бошлади. Кўпгина таниқли сиёсий арбоблар, саноатчи ва илм пешволари интеллектофотометр ҳақидаги матбуот хабарларини хавотир билан ўқидилар. Ёзувчи, рассом ва артист каби бошқа ижод аҳли бу хабарларни бепарволик билан кузатишди, чунки ўша даврнинг одатига кўра, улардан фақат “ижодий ибтидо” деб номланувчи қандайдир сирли хаёлий туйғу талаб этиларди холос. Бу туйғу эса аниқки, ҳеч бир таърифга бўйсунмайди ёки умуман ақлий фаолият билан боғлиқлиги шубҳалига ўхшайди.

Ўжар профессор сукут сақлаб вазиятни зийраклик билан кузатди. Балки ушбу жимлик сабабли интеллектофотометр ҳақидаги миш-мишлар болалаб, унинг атрофидаги қизгин баҳсларга баҳона бўлгандир. Ва, ниҳоят улар қўнғизмўйловнинг қулоғигача етиб борди.

Қўнғизмўйлов Б.ни ҳузурига чақирди. Олим уни ўзича истеъдодли, лекин нодон одам деб ҳисоблар, зехни амал ўриндиғида кўп ўтиргани сабабли азият чеккан деб ўйларди. Файласуфларнинг мутлақ ҳокимият инсон ақлини хира тортириб кўяди деган ақидасига профессор астойдил ишонарди. Мана жуссаси ушқоқдек, ҳар доимгидек соқол кўйган одми олим, қиёфаси мамлакатнинг рамзига айланиб улгурган амалдорнинг товланиб қорайган чехраси қаршисида турибди. Қўнғизмўйлов одамлар билан мулоқотда ўзини улғувор расмиятчилик билан тутишга ўрганиб қолган. Аммо ҳозир у бадқовоқ бу паканага нисбатан бундай ёндашув нотўғри эканлигини дарров англади. Чунки унда суҳбатдошнинг нозик руҳиятини англаш ва ўзига мойил қилиш иқтидори бор эди ва у доимо одамлар даврасида ўзини камтар ва самимий тута оларди. Тўғри, шу онда, у бунга қанчалик эриша олди, лекин пакана мамнуният билан бу интилишни сезиб ичидан қувонди.

– Одамлар ишонаптиларми, – киноясиз гап бошлади мўйлов, – сиз ростдан ҳам ускуна ёрдамида инсоннинг ақлий қобилиятини аниқлаб, да-



ражасини ўлчаёт оласизми? – Улкан ёзув столи атрофида ўтирган серсавлат жанобнинг ёқимли жилмайиши акс этган лабларидан сўзлар қушдек энгил учарди. – Ростдан ҳам шундайми? – шунчаки сўради у.

Профессор Б. ҳам шунчаки жавоб берди:

– Ҳа, шундай.

Табиийки, бошиданоқ мўйловнинг шуурини олимга нисбатан ишончсизлик қамраб олганди. Мутахассисларнинг унинг иш столида ётган хулосалари, гарчи эзмалик билан тушунарсиз тилда мужмал ёзилган бўлса ҳам, бирор нарсани на тасдиқларди ёки инкор этарди. Худди шунинг учун ҳам Б.нинг совуққон, ёқимсиз оҳанги унинг шубҳаларини тумандек тарқатиб юборди.

– Сизнинг кашфиётингиз, – деди у таъкидлаб, – давлат ва айниқса, миллатнинг гуллаб яшнаши учун улкан аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Профессор индамади, афтидан, бу эътирофни ўта сийқаси чиққан ҳисоблаб, унга аҳамият беришни лозим топмади. Мўйлов бу денгиз тип-ратикани билан суҳбатлашиш осон эмаслигини сизди ва тезроқ мақсадга қўча қолди:

– Мен сизга юборадиган одамларнинг ақлий даражаси ҳақида, барчага тушунарли шаклда хулоса қилиб бера оласизми? – деди бепарволик билан қуруққина қилиб.

– Бера оламан, – деб жавоб берди профессор.

– Аввалдан айтмоқчи эдимки, – давом этди мўйлов, – англашил-мовчилик бўлмаслиги учун мен масалани қандай тушунишимни сизга етказмоқчи эдим.

– Марҳамат, – деди профессор.

– Ақл-заковат деганда шуни тушунаманки, – деди мўйлов. Шу тобда у, зарур сўзларни тополмай, фикридан адашиб сукутда қийналаётган мактаб ўқувчисига ўхшарди. – Ақл-заковат деганда, мен сабаб-оқибат аломатига кўра воқеликни баҳолаш қобилиятини тушунаман, – фикрини тугатди ясама сиполик билан.

– Бу энг маъқул таъриф, – деди профессор. Мақтовдан билағон қўнғизмўйлов оғзининг суви қочди. Икковлон қўнғиллари бир-бирларидан ўзаро тўлишиб хайрлашдилар.

Лекин шу палладан бошлаб профессор қаерда ҳозир бўлмасин, унинг яқинида қозонқалпоқ кийган ғалати шахслар пайдо бўларди. Улар мавжудликларини тиришқоқлик билан қанчалик яширишга уринмасинлар, ҳатто мурғак болалар ҳам уларни “Хайрли кун, жаноб махфий агент” деб олқишлай бошлардилар. Профессор учун бу кишилар эрмакдек гап, уни овунтирарди. Хотинидан бошқа, яна мана шуларгина профессорнинг уларга қай даражада хайрихоҳлик билан муносабатда бўлганини тасдиқлашлари мумкин, холос.

Мўйловнинг истагига кўра, тез орада профессорнинг лабораториясида текширувдан ўтиши лозим бўлган жаноблар пайдо бўла бошлади. Амалиётнинг ўзи қисқа ва оғриксиз бўлса-да, ҳеч кимга хавотирдан бошқа туйғу келтирмасди. Икки ҳафта мобайнида мўйлов профессор олдида етти кишини жўнатди. Профессор хотиржамлик билан ўз вазифасини бажарди, формулалар ва уларга қисқа ва аниқ изоҳлар ёзди. Олти таҳлилнинг хулосалари тўғри тузилди, аммо еттинчиси профессор томонидан атайлаб

ўзгартирилди. Бир ой ўтгач кўнғизмўйлов ҳузурига профессорни иккинчи маротаба чақирди. Бу гал расмий қабул дабдабали ўтди. Қовоғи солиқ пакана саройнинг асосий зинасидан кўнғизмўйлов гвардиячиларининг тантанавор олқишлари остида кўтарилди. Кўплаб кинооператорлар профессорнинг ҳар бир қадамини диққат билан суратга оларди. Маълум вақт мўйлов ва профессор ўзаро ёлғиз қолдилар. Суратчилардан ҳеч ким уларни безовта қилмади. Мўйловнинг кўнгли шод эди. У ҳузурланиб баланд овозда, муғомбирлик билан сўради:

– Профессор! Еттинчи рақамли таҳлил натижалари билан мени алдаш сизга нима учун зарур бўлиб қолди? – у шундай деб мамнун кулди. Профессорнинг ҳам лабларида табассум аломатлари мужассам эди.

Газеталар қабул маросимини матбуотда дабдаба билан кенг ёритдилар. Уларда шахсан кўнғизмўйловнинг профессор Б.нинг тадқиқотларига катта қизиқиш билдираётганлиги эълон қилинди ва буюк олим фаолиятини давлат монополияси деб эълон қилиш ҳақида ҳукумат қарори чиқди. Чунки у давлат учун улкан амалий қимматга эга эди.

Физиолог пойтахтда шинамгина уй ва мукамал жиҳозланган лаборатория билан таъминланди. Маориф вазири ўзининг энг зўр мақтовларидан сўнг, Б.нинг фаолияти давлат учун қай даражада муҳимлигини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, уни вазирликнинг руҳсатисиз пойтахтдан чиқармаслик зарур, деб жар солди. Профессорнинг атрофидаги қозонқалпоқларнинг сони яна икки ҳисса ошди. Аслида унинг меҳнати машаққатли эмасди. Мўйловнинг топшириғига кўра, вақти-вақти билан ақл-идроки текширилиши керак бўлган шахслар келиб қоларди. Таҳлиллардан қандай фойдаланилиши на профессорга ва на бошқасига маълум эди. “Профессор Б.га жўнатиш” – мамлакатда севимли иборага айланиб қолди. Истакка кўра ундан баъзан ҳазил, баъзан огоҳлантириш маъносида фойдаланадиган бўлдилар.

Бирин-кетин икки йил ўтди. Кўнғизнинг давлат ишларида борган сари уқуви ошди, белги ва аломатларни маҳорат билан бошқаришга ўрганиб, курраи заминда бу вазифани моҳир бажарувчи икки кишидан бирига айланди. У мукамал қуролли кучларни ташкил этди. Аъло даражадаги полиция ва бошқа муҳим маъмурий лавозимларни йиллар мобайнида садоқатини намойиш этган тарафдорлари билан тўлдирилди. Энди у эришилган ютуқларга қараб, бурчимни яхши бажардим деб ўзини хотиржам ҳис қила оларди. Аммо у тунлари ёмон ухлар, чунки ҳаммаси ҳали ўзи орзу қилганидек ташкил этилмаганини ўйларди. Фақат тарафдорларигина фаровон турмуш кечириётганидан қийналарди. У эса авваламбор, мамлакатнинг бутун аҳолисига яхши бўлишини истаганди.

Мўйлов олимни яна ҳам тез-тез йўқлайдиган бўлди. Гарчи ўзига осон бўлмаса-да, у билан самимий мулоқот қилишга интилди. Кўпинча у профессор ҳузуригагина бемалол куларди. Амал тоблаган қиёфасини биладиганларни истисно қилганда, ҳеч ким бу одамнинг бундай гўзал кула олишини тасаввур эта олмасди. Профессор ҳам унга қўшилиб куларди. Балки баъзан суҳбатларига яширинча қулоқ солувчи қозонқалпоқ жаноблар ҳам шундай дамларда қаердадир мазза қилиб кулишгандир.

Иккинчи йилнинг охиридаги кунларнинг бирида, хонадонидаги тушлик чоғи, профессор бироз сукунатдан сўнг ғамгин истехзо ва ярим ҳазил аралаш мўйловдан сўраб қолди:

– Тўғриси айтинг-чи, сизга мендан нима керак ўзи? Мана икки йил-дирки ҳаммангиз атрофимда айланасиз.

Бу гап мўйловга ёқмай хўмрайди... Бирор бошқа мулозимни бўлсам, жаҳлдан қорайган қиёфасидан не кўйга тушарди... Аммо мўйлов ўзини тутди, сир бой бермай яна аслига қайтди. Учинчи йили, профессор аёлини узоқ курортга жўнатган ёз оқшомларидан бирида, мўйлов сўраб қолди:

– Менинг ҳам ақл-идрокимни таҳлил қилиб кўрмайсизми?

Профессорнинг юзи матодек оқариб кетди.

– Демак, иш шу даражагача етиб келибди-да? – деди у ўйчан.

– Ёки таҳлилнинг натижасини кўришни хоҳламайсизми? – сўради кўнғиз.

– Йўқ, истамайман, – жавоб берди профессор.

Мўйлов олимга аввал уни ҳеч қачон кўрмаган ва у билан юракдан суҳбатлашмагандек, узоқ ва самимий тикилди...

– Сиз бироз фирибгарлик билан натижаларни сохталаштиришингиз мумкин, – дея қолди. Кўзлари эса профессорга кўтаринки оҳангда, ишонч билан боқарди.

– Ўйлайманки, бу гап ортиқча, жаноб, сохталаштиришга ҳожат йўқ. Мени осонгина фош қилишингиз мумкин, – кулимсираб эътироз билдирди олим, йирик сариқ тишларини кўрсатиб.

Ниҳоят, профессор мўйловнинг ўзи жуда хоҳлаган таҳлилни амалга оширди. Бу тадбир кўп вақт талаб қилмади ва эгасини ҳам узоқ толиқтирмади. Аммо олим кейин хотирлар экан, жараён унга узоқ давом этгандек, аслида инсон умрига татигудек сонияларда вужуди бир неча бор ёшариб, яна қайта кексайгандек туюлганини айтди. Профессор ўлчовни ўтказаркан, энг асосий мезонлар ҳақида хаёлларга берилди. Рақамли ифодаларни қоғоз варағига ўз қўли билан тез-тез ёзди. Мўйлов бу формулаларни кўп мартаба кўрган. Уларни яхши танийди, жами йигирма учта ва уларни майда ҳарф ва рақамлар билан тушунарли тилда ёзилишини билади.

Профессор охириги ифодани ёзиб варақни мўйловга узатди. У: “Раҳмат сизга” дея, варақни буклаб конвертга солди ва елимлади-да, олимнинг қўлини самимий сиқиб кетди. Кўнғизмўйлов кетгач, профессор ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Худди тушкунлик дардига мубтало бўлган бемордек, зилдек оёқларини ердан узолмади, уларнинг титрашини айтмайсизми. Аммо бир жойда ўтира олмади ҳам. Лабораторияда айланди, кўнгли ёмон бир нарсани сезгандек, асбоб-ускуналарини силади, уй ва боғини гир айланиб чиқди. Қабулига келган миждоғларидан тезроқ кутилишга интилган одатдаги инжиқ феъл одамга сира ҳам ўхшамасди. Негаки уйи ҳам, боғи ҳам ниҳоятда улкан ва энг қизиғи, бўм-бўш туюлди. У хотини, ёрдамчиларига кўнғироқ қилишга уриниб кўрди. Аммо ҳеч ким билан телефонда улана олмади. Аслида шундай бўлишини ўзи ҳам кутганди. Шу дамда қозонқалпоқ жаноблардан бири билан бўлса ҳам дилдан суҳбатлашишга рози эди. Аммо, гўё атай қилгандек улардан бирортасининг бугун қораси кўринмади. Ниҳоят, у ўзининг собиқ илмий хизматчисини излаб топди. Профессорга қўли остида йигирма йил ишлаган кадрдонига оид барча тафсилотлар: унинг қон таркиби, буйрак ва ҳатто юрагининг аҳволигача маълум эди. Лекин бугун у биринчи мартаба қария ёрдамчисининг ички

дунёси билан қизикди. Унинг рухий олами: худо, охират ҳақидаги фикрларини сўради. Маълум бўлдики, лаборатория хизматчиси буларга катта аҳамият берар экан.

– Мен эътиқод учун яратилган инсонман, – деди у ўзи ҳақида. Бу сўзлар профессорга ёқди ва уларнинг оқилона ва самимий эканлигига ишонди.

У пастга, боғга олиб тушувчи айвонда ўтирарди. Кўнгилдаги безовталик бирпасда ўтиб кетди. “Кўчани яна бир марта сайр қилиб, айлансам яхши бўларди, – хаёлидан ўтди, – аммо зумда қозонқалпоқчилар пайдо бўлади-да”, – бу дамда уларнинг совуқ башараларини кўриш истаги йўқ эди ва жойидан жилмади. У кейинги пайтларда ўзининг ёнида бўлганлар – хотини, ёрдамчилари ҳақида кўп ўйлар ва барчасидан рози, ҳамфикр эди. У ҳатто мўйловнинг фаолиятини ҳам маъқуларди. Инсон вазиятнинг кули ва шу сабабли у турлича ҳаракатлар қилишга мажбур бўлади. Эҳтимол, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида менинг ёрдамимдан фойдалангани ортиқча бўлгандир, деб ўйлади профессор.

У хотини уйига қайтишга, ёрдамчилари билан гаплашишга ҳам улгурмаган ўша оқшомда мазаси қочиб касал бўлиб қолди. Тонгги газеталар жиддий касаллик ҳақида, кундузгилари эса ўта оғир аҳволдан хабар бердилар. Кейинги куни эрталаб, хотинининг курортдан қайтишини кутмасданок профессор бандаликни бажо келтирди. Мўйлов беморнинг ҳолидан хабар олиб, ҳар соатда аҳволини тез-тез суриштириб турганди. Буюк олимнинг дафн маросими тадбирлари ҳукумат ҳисобидан катта дабдаба билан амалга оширилди. Орадан икки ҳафта ўтгач, бутун мамлакат кўнғизмўйлов ҳокимият тепасига келганининг ўн йиллигини нишонлади.

Бу кун кўнғизмўйлов учун буюк ифтихор куни эди. Лекин ғанимлари ҳақли равишда ундан каттиқ нафратландилар. Чунки у душманларининг ўз мақсадларига етишларига ҳеч қандай умид қолдирмаганди. Кўплар эса бугун унинг тарафдори бўла олиш имконини узил-кесил йўқотганликлари учунгина ундан нафратланардилар. Чунки мўйлов ўз тарафдорларининг кўпайиш йўллари тўсди. Акс ҳолда бундай улкан оқимга ғамхўрлик қилишни ҳатто у ҳам эпложмай қоларди.

Илгари кўнғиз бундай дабдабали тантаналарни жуда севарди. Байрамлар унга далда берар, ўзига бўлган ишончини янада оширарди. Бугун эса бундан фақат енгил бетоқатлик ҳис этди холос, тантаналар унинг учун сиёсий воситага айланган ва қалбида кечаётган туғёнларга ҳеч қандай эрк беролмасди. Тушликдан кейинги қисқа дам олиш дақиқаларигина унга хуш ёқар, чунки бу дамларда ўзи билан ўзи ёлғиз қоларди. Бу вақтнинг ҳам бир қисмини у мураббийи билан гимнастикага бағишларди. Массаждан сўнг эса, бор анжоми кушетка, ёзув столи ва креслодан иборат, остонасини котибидан бошқа ҳеч ким ҳатлаб ўтолмайдиган кичик салқин хонада ётиб, бироз дам оларди.

Кушеткада унинг ҳорғин вужуди оғир ақлий меҳнатдан бўшашгандек ширин ором олар, танасидаги ёқимли жисмоний оғриқлар рухий зўриқишдан юз марта афзалдек асабларини тинчлантирарди. Узоқдан қулоғига улкан майдонда аскарларни қасамёд учун сафга тизаётган зобитларнинг бўғиқ буйруқ овозлари чалинди. Йигирма икки дақиқадан сўнг у балкондан нутқ сўзлаши керак. Лекин нима ҳақида гапиришини ўзи ҳам ҳали аниқ билмайди, фақат маҳорат билан сўзлай олишини ва

халқ радиокарнай остида нафасини ичига ютиб уни тинглашини билади, холос.

Ўрнидан туриб, хаммом халатида стол яқинига келди. Кулфли тортмада фақат ўзи учун аҳамиятли бўлган минг хил майда-чуйда, сувенир, бир нечта хат, эски фотосурат ва мундирдан ўқ юлиб ўтган тугма ётарди. Бу осори-атиқаларни у жуда авайлар, қўлига олиб лаззатланарди, ўтмиш билан боғлаб турган соғинчдан ўзини руҳан янада кучлироқ сезарди. У калитни олиб столнинг ғаладонини очди. Ичидан яширин калитни олиб, иккинчисини очди ва сўнги тортмадан елимлаб сўрғичланган, ўн тўрт кундан бери эгасини кутиб чарчаган конвертни олди. Унинг ичидаги қоғозда нима ёзилганини тахмин қилди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам оёқлари уни стол олдига олиб келгандир. Бир неча дақиқа марҳум профессорнинг хулосалари банди қилинган конвертни ушлаб турди. Кейин қайчини қўлига олди. Конвертда нима ёзилган экан-а, жуда кўргиси келди. Донолик ва манфаат, бу тўғрида қандайдир назариялар бор эди шекилли. Марҳум профессор бу ҳақда нималарнидир биларди. Бир неча бор ўзига ишоралар қилганини эслади. Балки марҳум Б. ҳаёт бўлганида уни мажбурлаб бўлса ҳам, бу ҳақда кўпроқ нарса билиб олиш мумкин бўларди. Кўнғизмўйлов ақлсиз одам эмасди, профессор ҳам уни иктидорсиз деб ўйламасди. Фақат тарихий заруриятгина унинг бўйнига йўлбошчилик ташвишларини юклаб қўйганди холос. Амал эса одамни аҳмоққа айлантиради. Агар ҳокимият кишиси бўлмаганда, балки у буюк инсон бўлармиди. Пастдан оломоннинг бесабр шовқини эшитилди. Мўйлов кийиниши лозим, ўн тўрт дақиқадан сўнг халққа мурожаат қилади. Агар конвертдаги ҳақиқатни билса, кайфияти бузилади, яхши нутқ сўзлолмайди. У қайчини четга суриб қўйди, конвертни ҳам очмай, ичидаги ёзувлари билан бирга бурда-бурда қилиб ташлади ва катта қабуллар зали оша балконга ўтиб нутққа хозирланди.







## *КАРТАР СИНГХ ДУГГАЛ*

(1917–2012)

### ОЙ ВА ҚУДУҚ

Ҳикоя

*Рус тилидан  
Назира ЖЎРАЕВА  
таржимаси*

**М**алан билан Миннини кўрган киши уларни ҳеч она-бола демайди, опа-сингил дейишади. Миннининг бўйи онасидан бироз баландроқ, холос.

– Малан, қизинг жудаям соҳибжамол-а! – дейишарди қўни-қўшнилар.

Минни шундай ажойиб киз эдики, уни кўрсангиз худди гавҳар дейсиз! Латофатли ҳамда ифбатли қиз! Малан қизига қараган сари қачонлардир мен ҳам қизимдек гўзал бўлганман, деб кўнглидан ўтказиб қўярди. Ҳа-я, кўнгли ўксимасаям бўлади, ҳали шарти кетиб, парти қолгани йўқ. Дунёда яккаю ягона у нимани қил деса, шуни бажаришга қодир кимса бор! Маланни кечаю-кундуз ўйлайдиган кимса ким бўлди экан-а?!

Уларнинг қишлоғига марварид билан савдо қилиш учун келган савдогар бўлмасин тағин. Ҳа, худди ўшанинг ўзи! Аёлнинг мужгонларида нега ёш йилтиллаяпти экан-а? Ҳа, у шайтон йўлдан оздириб, гуноҳга ботганлиги учун юм-юм йиғларди! Қизи улғайиб, бўйи етиб қолди. Улар то шу пайтгача ажралмай бирга яшардилар, энди эса у қизини узатяпти. Бир ҳафтадан сўнг қизи Минни қаллиғининг уйида яшай бошлади. Йўғ-е, нималар деяпти, онасининг ўзи ёлғиз қоладими, йўқ, йўқ, йўқ асло!..

Малан хаёл дарёсига шўнғиди. Савдогар қишлоққа келганда албатта унинг эшигини тақиллатарди, Малан эса унинг истикболига чиқиб, эшик очарди. Малан эртаю кеч савдогар ҳақида ўйлар, усиз ўзини бахтсиз ҳис этарди. Бу йил у ниманидир зориқиб қутар, бўлар-бўлмасга йиғлаб, хит бўлаверарди. Кунлар шу зайлда ўтаверди. “Бугун келиб қолса-я”, деган ўй Маланнинг миясида чарх уриб, уни қаттиқ ҳаяжонга сола бошлади. Бундан бир неча йил аввал сутдек ойдин кечада манго дарахти ёнида турганларида унинг чодираси бошидан сирғалиб тушиб кетганида, севгилиси чодирасини олиб, елкасига ташлаб қўйганди. Мана ҳозир ҳам шу чодирасини ёпиниб ўтирибди. Малан чуқур хўрсиниб қўйди.

Қад-қомати самбитдек, баланд бўйлик Минни кўчада гул-гул ёниб келарди. У чодира ёпиниб олганди. Минни ибодатхонадан қайтиб келмоқда эди.

– Отам ҳали ҳам келмадиларми? – сўради Минни онасидан.

– Бугун келмагани ҳам маъқул. Эртага келгани дуруст. Иши кўп, ахир тўйга озмунча нарса харид қилиши керакми, – совуққонлик билан жавоб берди Малан. Минни онасининг ёнига келди-да, унинг елкасидан эски чодирасини олиб, ўзининг янги жилваланиб турган чодирасини уринтириб қўймаслик учун онасига ўратиб қўйди.

Бу чодира шундай чиройли эдики, товланиб киши кўзини қамаштирарди!

Кеч кирди. Ниҳоят, тўлин ой ҳам сайрга чиқди. Айвонда ёлғиз Маланнинг ўзи ўтирарди. Ошхонадан тегирмон тошининг овози эшитилди – Минни ун қилиш билан овора эди. “Мен ҳам умр бўйи шу тегирмон тошидек чарх айланаман”, – кўнглидан ўтказди Малан. – Унга бугун нима бўлдийкин-а! Ҳаммасига мана шу ой сабабчи! Яна бир неча кундан сўнг бу ҳовлида қўшиқ янграб, қизининг кафтига ва товонига қизил меҳнди суртиб безашади – қизи келинчак бўлади. Минни қимматбаҳо асл кийимлар кийиб, такинчоқлар тақади. Сўнг куёв келиб, уни тахтиравонга ўтқазади-да, ўз уйига олиб кетади, келинчакнинг кафтини то қизил ранг кетгунга қадар ўпадади. Қачонлардир Маланнинг қўлини ҳам меҳнди билан безашганди, лекин эри унинг кафтини ўпиб, қизил рангни кетказиш у ёқда турсин, лоақал кўнгил учун кафтига лабини теккизмаган ҳам эди, ҳатто қиё ҳам боқмаганди. Эри ишдан ҳориб-чарчаб келарди-да, апил-тапил овқатини еб, ўрнига узала тушарди. Малан эса ярим кечагача ухлолмай ётарди, тонг отиши олдидангина кўзи илинарди...

Тўйдан сўнг, орадан икки йил ўтгач, Малан ўзига ўхшаган ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор қизча туғиб берди.

Малан ўшанда ўзида йўқ хурсанд бўлганди, чунки ўз ёшлигини эсла-тувчи фарзанд дунёга келиб, қалбидаги орзу-умидни рўёбга чиқарганди.

Минни ишларини тугатгач, эшикни ёпиб келди-да, ухлагани ётди.

Бугунги тун негадир ўзгача! Уларнинг ҳовлилари тепасида тўлин ой аста сузарди. Ҳаво танга роҳат бахш этиб, майин эсарди. “Нега мен бу ерда ўтирибман! – ўйлади Малан. – Кимни кутяпман? Минни уйда ухляпти... Оҳ, нима учун отаси бугун қасддан қилгандек шаҳарга кетди-я!”

Малан бошига қизининг ял-ял товланиб турган янги чодирасини ташлаб олди. Чодира ой ёғдусида шундай товланардики, гўё самодаги юлдузлар Маланнинг бошига қўниб, бўйни-ю, елкасида ғужғон ўйнаётгандек туюларди... Ёнгинасидаги манго дарахтида сайраётган қушча худди шундай сайраётгандек туюларди: “Эҳ, бугун у тун бўйи кимгадир нигорон бўлиб мижжа қоқмайди. Ҳа, бутун тун бўйи... интизорлик-ла кутаётган одами негадир келмаяпти...” Ҳа, бугун унга нима бўлди экан-а?! Балки буларнинг ҳаммасига унинг ёлғизлиги сабабчидир! Ҳозир у ёлғиз эмас-ку, ахир уйда қизи Минни ухляпти-ку! Бир ҳафтадан сўнг қизи келинчак бўлиб, қаллиғиникига бир умрга кетади...

Сўнг Маланнинг ёлғиз ўзи қолади... Эҳ, катта ҳовлида ёлғиз ўзи қолади... У бу ўйдан чўчиб тушди. Нега энди Минни кетади! У қишлоқ оқсоқолига келин бўлиб тушаяпти-ку, унинг ҳам ўз оиласи бўлади.

Малан эса якка қолади, ҳа, ҳа. Миннининг отаси доимо ўз иши билан банд. Унинг иши ҳеч битмайди, хотини билан бир оғиз гаплашишга вақти ҳам йўқ, қизикмайди ҳам.

Малан қизи ётган хонага кирди. Қизи Минни донг қотиб ухлаб ётарди. Кеча савдогардан харид қилиб олган қизил кўзли билагузугини ечиб, бош тарафига қўйиб қўйганди.

Улар ерга тушиб, синиб қолмаслиги учун Малан уни жавонга солиб қўймоқчи бўлди. Лекин билагузукни кўлига олган заҳотиёқ уни тақиб олди. Билагузук ялтир-юлтир қилиб кўзни камаштирарди. Бошига янги шойи чодира ёпинган. Кўлига эса қизил кўзли билагузук тақиб олган Малан ой ёғдуси ёритиб турган ҳовлига тушди. У дир-дир титрарди. Ногаҳон эшикнинг тақиллагани кулоғига чалинди.

Эшикни у интизорлик билан кутаётган кимса тақиллатарди. У ваъдасининг устидан чиқиб, Маланни келганди. “Сутдек ойдин кечада эшигингни тақиллатаман. Хоҳласанг очасан, хоҳламасанг йўқ. Сенинг эшигингни тақиллатишгагина ҳаддим сиғади, холос”, – деб ёзганди у хатида. Мана энди “тақ, тақ, тақ”, деган оҳиста, ёқимли, калбни ширин ҳиссиётга тўлдирувчи овоз эшитилаяпти. Ҳа, эшикни тақиллатаётган ўша... О, кишилар оромини ўғирловчи ойдин кеча!.. Баногоҳ осмонни қуюқ қора булут қоплади. Олам зим-зиё бўлди-қўйди, сўнг кимдир бирданига чироқ ёқиб юборгандек ҳаммаёқ ёришиб кетди. Шу топда Маланнинг оёқ товуши эшитилди. У дир-дир титраётган кўли билан калитни буради-ю, ўзини қалтираб, интизорлик-ла кутаётган кимса кўлининг эркалаб, қучаётганини сездди. Маланнинг лаъли лаби ўзга лаб тотини ҳис этди...

Малан ўзга кимса билан қишлоқнинг четидаги далага чиқиб, у ердаги дарахт тагида қанча вақт турганларини ва қанча вақт бирга бўлганларини эслолмади. Кўчадан икки ғилдиракли араванинг овози эшитилганидагина у ўзига келиб, кўзини очди-ю, севгилисининг қучоғидан чиқиб, ўрnidан турди-да, чодираси билан юзини беркитганча уйи томон ошиқди. Малан уйга қайтгач, кизининг билагузугини ечиб, аввалги турган жойига – Миннининг бош томонига қўйиб қўйди-да, бошидаги чодирани ҳам ечди, ўзининг эски чодирасини елкасига ташлаб, ўрнига бориб ётди. У аллақачондан бери уйқусини тополмаётган одамдек донг қотиб ухлаб қолди. Тонготаргача уйғонмади.

– Ойи, бугун сиз худди ёш қизчалардек бирам мириқиб ухладингизки, – деди Минни онаси уйқудан уйғонгач. Минни тонг саҳарлаб туриб, полларни ярақлатиб артиб, уйни ораста қилганди. Сўнг у ювиниб, сочларини турмақлади. Ибодатхонага бориш учун отлана бошлади. Минни кетгач, Малан уйнинг бўсағасига келиб ўтирди. Кишига ором бахш этувчи шабада эсарди. Атроф жимжит. Малан ўзини кўза тўла сутда сузиб юрган ямин ғунчасига ўхшатди. Унинг кўзлари ширин, дилни орзиқтирувчи хаёл ичида дам юмилиб, дам очиларди.

– Ҳой, Малан! Ярамас, саёқ қизинг қаёққа гумдон бўлди? – деган сўз кулоғига ўкдек кириб, уни довдиратиб қўйди.

– Қизинг бунча шарм-ҳаёсиз бўлмаса! Тўрт кундан кейин тўйи бўлай деса-ю, беҳаё қизинг кўнглига келган номаъкулчиликни қилиб юрса!

Кўшниси Лажо чакаги тинмай кетма-кет қизига таъна тоши отарди.

– Қизимга нима қилибди! Унинг номини булғашга ҳаққинг йўқ! Қизим пок! – шартта жавоб қайтарди Малан.

– Ҳм, қизим пок деб ёнини олмай қўя қол! Тун бўйи далада ким билан-дир санғиб юрди!..

Малан тахтадек қотиб қолди. Томиридаги иссиқ кон миясига урди. У қўшнисига бақрайганча тикилиб қолди, қўшниси эса жағи-жағига тегмай вайсарди:

– Бу воқеа ярим кечада – ҳамма ширин уйкуда ётганида рўй берди. Уйкум келмай ҳовлига чиқиб, кўча эшикни очдим, қай кўз билан кўрайки, қизинг бир киши билан остонанга бир бирига чирмашиб турибди. Бироздан сўнг улар уйингдан узоқроққа кетдилар. Тун бўйи эшигинг ланг очилиб ётди, улар тўғри дала томонга кетишди. Нима, бундай маҳалда кўзимга уйқу келарди, деб ўйлайсанми! Ҳозирги қизларнинг ҳаммаси шундай. Улар аввалги қизларга ўхшашмайди? Биз бечоралар ҳатто юзимизни очишга ҳам кўркар эдик-а! – деди-ю, Лажо йиғлаб юборди.


Маланнинг тили калимага келмай қолди... Лажо эса йиғлаганча йўлига равона бўлди.

Эндигина унинг қораси кўздан ғойиб бўлган ҳам эдики, бехосдан оқсоқол Жуманнинг овози эшитилиб қолди:

– Эй, Малан, сенга айтадиган гапим бор!

– Нима гап, Жуман! – сўради Малан ўзининг овозини таниёлмай – овози худди чуқур кудукдан чиққандек синиқ ва бўғилиб чиқди.

– Ярим кечада юз берган воқеадан хабаринг борми? Қизинг Миннини ифбатли қиз деб ўйлайсанми! Қандайдир маъшуғи билан иккови узоқ вақт дарахт тагида туришди. Икки мартагача келиб уларни ўн кадам наридан кузатдим. Наздларида дунёни унутиб юборгандек, сармаст бўлиб бир-бирларидан бўса олишарди. Ундан сўнг дала томон йўл олиб, кўздан





ғойиб бўлдилар. Мен тун бўйи уйингдан кўз-қулоқман. Биладан: тўрт кундан сўнг уйингда тўй бўлай деса-ю, эшигинг ланг очилиб, гуноҳга ботиб ётсаларинг. Тонготар чоғида кетдим, билмадим, қизинг уйга қачон қайтди экан. Шунақаям шарм-хаёсиз қиз бўладими! Агар у менинг қизим бўлганидами, калласини сапчадек узиб ташлаган бўлардим!

Малан тилига калтак келиб, киприк қоқмай, кўзларини бақрайтириб турарди. Жуман хўрсиниб, бошини чайқаганча ҳовлидан чиқиб кета бошлади. Жуман чиқиб кетишга улгурмаган ҳам эдики, ҳовлига катта ер эгаси Ранто ҳовлиқиб келиб қолди.

– Қизинг қани? – ғазаб билан қичқирди у. – Қани, у суюқоёқ! Буни қаранг, менинг даламга борибди-я, ярамас манжалақи! Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим, аввал у даламдан якка ўзи чиқиб кела бошлади. Ёмон хаёлга бормадим. Сўнг қарасам, не кўз билан кўрайки, унинг ортидан эркак киши ҳам эргашиб келяпти...

– Ёлғон гапиргани уялмайсизми! – ғазаб билан қичқирди Минни. У оломон ортида туриб ҳамма гапни эшитганди.

– Нима, гапим ёлғон деясанми, манжалақи! Мени ёлғон гапиряпти деясанми? Бўлмасам, даламдан кимнинг билагузугининг манави кўзини топиб олибман, а? – деди-ю, қўлидагини Миннига узатди.

Минни билагузугининг кўзини санаб кўрганди, ҳақиқатан ҳам кўзи ўн битта чикди! Унинг хуши бошидан учиб, кўз олди қоронғилашиб кетди.

Ҳаммаям кеча Миннининг қўлидаги билагузукнинг кўзи ўн нккиталигининг шоҳиди бўлганди. Ҳовлига борган сари тумонат одам йиғиларди. Маланнинг қавм-қариндошлари ва Миннининг бўлажак қайнонаси келиб, олган молларини ерга улоқтириб кетди. Томоша кўришга ишқибоз оломон воқеа нима билан тугагини кутиб турарди.

Ногаҳон, нимадир қудуққа шалоп этиб тушиб кетди. Ҳамма хушёр тортиб, овоз келган томонга ўгирилди. Улар орасида Минни йўқ эди! Ҳеч кимдан шу пайтгача ёмон сўз эшитмаган софдил, қалби булоқ сувидек пок қиздан ному-нишон қолмаганди. Ҳамма қудуқ томон югуриб кетди.

Ҳовлида биронта ҳам одам қолмади. Айвонда ёлғиз Малангина мик этмай, тошдек қотиб турарди.





## ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ ИЖОДИНИНГ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ

Алишер Навоийга қадар ўзбек тилида ижод қилган шоирлар орасида XIV аср охири, XV асрнинг биринчи ярмида яшаган Ҳофиз Хоразмий ўзининг сермахсул ва салмоқли адабий мероси билан ажралиб туради. У ўзбек мумтоз адабиёти тарихида маълум бўлган жанрлардан тўққизтасида баракали ижод қилган. Агар шоир девони кўлёмасининг охириги саҳифалари йўқолганлигини эътиборга олсак, бошқа жанрлардаги намуналар ҳам бўлиши мумкин, деб тахмин қила оламиз.

Ҳофиз Хоразмий ижодий меросида биргина ғазал жанрида ёзилган 1052 та шеърнинг мавжудлиги ҳам шоирнинг истеъдодли ижодкор эканлигидан далолат беради. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, шоир замондошлари томонидан ёзилган ва бизга қадар маълум бўлган ғазал жанридаги намуналарнинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганимизда ҳам Ҳофиз Хоразмий ғазаллари салмоқли бўлар эди.

Шоирнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида 1975 йилгача, яъни девони Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Салоржанг музейидан топилгунга қадар илм аҳли ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган. Дастлаб шу девонни аниқлаган ва юртимизга фотонусхасини олиб келган профессор Ҳамид Сулаймон шоир ҳақида бир неча оммавий нашрларда мақолалар эълон қилди ва шоир асарларидан намуналарни чоп эттирди<sup>2</sup>. 1980 йилда шоирнинг шеърлари “Ҳофиз Хоразмий шеърятидан” номи билан биринчи марта китоб ҳолида чоп этилди<sup>3</sup>. Бу нашрга шоирнинг ғазал, рубоий, китъа, қасида, таржеъбанд, мухаммас, мустахзод жанрларида ёзган шеърларидан намуналар киритилган. 1981 йилда эса айнан шу тўпламга киритилган шеърлар рус тилида нашр этилди<sup>4</sup>. Тўпламга кирган шеърлар рус тилига Сергей Иванов томонидан таржима қилинган. Шунинг таъкидлаш керакки, Алишер Навоий асарларини муваффақиятли таржима қилиб, катта тажрибага эга бўлган Сергей Ивановнинг бу таржималари у қадар муваффақиятли чиқмаган.

Шоир девони 1981 йилда Тошкентда иккита китоб ҳолида нашр қилинди<sup>5</sup>. Аммо мазкур нашрни кўриш Ҳамид Сулаймонга насиб этмади<sup>6</sup>. Девон нашрини олимнинг рафикаси Фозила Сулаймонова ҳамда шогирдлари амалга оширдилар.

Девоннинг бу нашри ҳақида матбуотда атоқли адабиётшунос олимлар иштирокида қизгин баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Нашрнинг ютуқ ва камчиликлари тўғрисида асосли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

<sup>1</sup> Сулаймон Ҳ. Ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий ва унинг Ҳайдарободдан топилган девони. //Адабий мерос: –1976. 6.-Б.34-43.

<sup>2</sup> Хоразмий, Ҳофиз. Шеърятидан намуналар. //Адабий мерос, 1978. №3. – Б.23-44.

<sup>3</sup> Хоразмий, Ҳофиз. Шеърятидан. –Тошкент: Ўз КГМК нашрети, 1980. – Б.120.

<sup>4</sup> Хорезми, Ҳофиз. Избранное. Пер. С.Иванов. – Т.: Изд. ЦК КУ, 1981. – 144с.

<sup>5</sup> Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 1-2 китоб. –Тошкент: Ўз КГМК нашриёти, 1981.

<sup>6</sup> Ҳамид Сулаймон 1979 йил июль ойида вафот этган.

1988 йилда “Ўзбек адабиёти бўстони“ туркумида чоп этилган “Ҳаёт васфи” тўпламига ҳам шоир лирикасининг асосий қисми киритилди.<sup>1</sup>

Ҳофиз Хоразмий ижодини хорижлик адабиётшунослар ҳам жуда катта қизиқиш билан жиддий ўрганишмоқда. Жумладан, шоир девонининг Туркияда, аниқроғи, Анкара шаҳрида чоп этилиши ана шундай хайрли ишлардан бири ҳисобланади.<sup>2</sup>

Ҳофиз Хоразмий девонининг мазкур нашри профессор Режеп Топарли томонидан амалга оширилган. Ушбу нашрни тайёрлашда олим дўсти доктор Явуз Акпинар ёрдамида олган қўлёзма девоннинг оригинал фотонусхасидан ва Ҳамид Сулаймон нашридан фойдаланган. Шу ўринда Режеп Топарли Ҳофиз Хоразмий ҳаёти ва адабий меросига оид бир неча мақола эълон қилиб, туркиялик китобхонларни ўзбек шоири ҳақидаги маълумотлар билан батафсил таништирганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз.<sup>3</sup>

Олим 1994 йилда “Турк классиклари серияси”да “Ҳофиз Хоразмий девонидан сочмалар” номи билан шоир шеърларидан намуналарни нашр қилдирган.<sup>4</sup> Шунингдек, Режеп Топарли Ҳофиз Хоразмийнинг Иброҳим Султон вафотига бағишлаб ёзган марсия ҳақида ҳам алоҳида мақола чоп эттирганлиги диққатга сазовордир.<sup>5</sup>

Анкара нашрининг энг муҳим жиҳатларидан бири, шубҳасиз, шоир лирик меросининг тўлиқ ҳолда, қисқартирилмай чоп этилганлигидир. Зеро, 1981 йилда ўзбек тилида иккита китоб ҳолида чоп этилган нашрга қасидалар, олтига форсча ғазал, айрим рубоий ва қитъалар, Иброҳим Султон вафотига бағишланган марсия кирмай қолган эди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олим Ҳофиз Хоразмий девони қўлёзмасидаги шеърларнинг жойлашув тартибини айнан сақлаган. Шарқда анъанага кўра девон тартиблаш қасидалар билан бошланган. Ҳофиз Хоразмий ҳам шу анъанага амал қилган ва девонини қасидалар билан бошлаган.

Қўлёзмадаги ягона марсиядан шоирнинг 1435 йилда ҳаёт бўлганлигини билиб оламиз. Шу йили Форс ўлкасининг ҳукмдори Шохрух Мирзонинг иккинчи ўғли, Улуғбек мирзонинг иниси Иброҳим Султон вафот этган. Ҳофиз Хоразмий унинг вафотига бағишлаб марсия ёзган.<sup>6</sup> Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, 1409 йилда Шохрух Мирзо Форс ўлкасини бошқариш учун кичик ўғли Искандар Султонни Шероз шаҳрига ҳукмдор қилиб тайинлайди. У бир неча йил (1409-1414) Шероз шаҳрида ҳукмдорлик қилиб, 1414 йилда вафот этади. Ўрнига эса иниси Иброҳим Султон Шероз шаҳрида ҳукмдор бўлади. Унинг даврида илм-фан, санъат ва адабиётга эътибор жуда кучаяди.

Марсияда куйидаги байтлардан шоир Иброҳим Султон вафотидан жуда каттиқ қайғурганлиги яққол кўриниб турибди:

<sup>1</sup> “Ҳаёт васфи” Ўзбек адабиёти бўстони. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 13-226-бетлар.

<sup>2</sup> Harezmlî Hafîz'in divanı. – Ankara: Turk Dil Kurumu, 1998. - 775, - 586 bet.

<sup>3</sup> TOPARLI. Dr. Reeccep, Cagatay Sairi. Hafiz Harezmi. Turk Dunyasi Arastirmalari Degresi, Subat 1984, s, 1-32.

<sup>4</sup> TOPARLI. Dr. Reeccep, Harezmlî Hafiz Divanından Secmeler. Ankara. 1994. Kultur Bakanligi yayinlari 1600, Turk Klasikleri Dizisi 31. X+317 s.

<sup>5</sup> TOPARLI. Dr. Reeccep, Hafiz Harezmi'nin Sultan Ibrahim'in Olumu Uzerine Yazdigi Mersiye (Trakya Universitesi Fen-Adebiyat Fakultesi Dergisi Prof. Necmettin HACIEMINOGLU Ozel Sayisi'nda yayimlanacak)

<sup>6</sup> Юқоридаги манба. 121-127-бет.

*Фатҳу нусратлиг ул Иброҳим Султон қандадур,  
Ким фироқи заҳмидин ҳоли жигарлар қандадур.  
Қуррат ул-айни шаҳаншоҳ Шохрух хоқон қани,  
Молики мулки Сулаймон соҳиби фармон қани?*<sup>1</sup>

Шунингдек, Ҳофиз Хоразмий бошқа бир неча ғазалларида ҳам Иброҳим Султонни мадҳ этганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, девондаги 183-ғазал матласи ва мақтаси қуйидагича:

*Гулустон юзли, эй соқий, сенинг ишқинг менга жондур,  
Ичалим боданиким даври Иброҳими Султондур...  
...Саноу ҳамд айтадур Яратқан биру боринга,  
Ўшул султон замонинда бу Ҳофизким ғазалхондур.*<sup>2</sup>

Бу байтлардан сезилиб турибдики, Ҳофиз Хоразмий маълум вақт Иброҳим Султон саройида яшаб ижод қилган ва ундан яхшиликлар кўрган.

Профессор Ҳамид Сулаймоннинг фикрига кўра, марсия кейинроқ бошқа дастхат билан кўчирилган ва девонга қўшилган.<sup>3</sup> Бу фактни Режеп Топарли ҳам тасдиқлайди ва девон XIV–XV асарларга оид Эрон китобатчилигига хос насх хатида, марсия эса настаълик хатида ёзилганлигини таъкидлайди.<sup>4</sup> Юқоридаги фикрлар шоирнинг девони 1435 йилга қадар тартиб берилганини ва бу пайтда Ҳофиз Хоразмий ҳаёт бўлганини билдиради.<sup>5</sup>

Адабиётшунос олим Жалолиддин Жўраев “Шарқшунослик” журналининг 2015 йил 2-3-сонида “Ҳофиз Хоразмийнинг Иброҳим Султонга марсияси” номли мақоласида шоирнинг бу асари ҳақида атрофлича маълумот берган, Иброҳим Султоннинг Шерозда олиб борган маърифатпарварлик ишларини кенг ёритган, шунингдек, марсия матнини ҳам эълон қилган<sup>6</sup>. Олимнинг бу мавзудаги яна бир мақоласи “Ўзбек адабиётидаги илк марсия” сарлавҳаси билан “Шарқ юлдузи” журналининг 2015 йил 6-сонида чоп этилган.<sup>7</sup>

Девондаги қасидаларда шоир таржимаи ҳолига оид қимматли маълумотлар ҳам учрайди. Олтинчи ва еттинчи қасидаларда шоирнинг тахаллуси билан бирга нисбаси ҳам келтирилган. Олтинчи қасидада қуйидаги байт мавжуд:

*Валоёту каромату карам ўзиндин издаю,  
Бўлубдур Ҳофизи Хоразмий жони била Кирмоний.*<sup>8</sup>

Еттинчи қасиданинг 59-байти қуйидагичадир:

<sup>1</sup> Ҳофиз Хоразмий. Девон қўлёзмаси факсимили, 28-бет..

<sup>2</sup> Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 1-китоб. – Тошкент: Ўз КПКМ нашриёти, 1988, 112-бет.

<sup>3</sup> Сулаймонов Ҳ, Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 1-китоб. – Тошкент: Ўз КПКМ нашриёти, 1981, 10-бет.

<sup>4</sup> Narezmlı Hafız'in divanı, - Ankara: Turk Dil Kurumu, 1998, 18-бет.

<sup>5</sup> Сулаймонов Ҳ, Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 1-китоб. – Тошкент: Ўз КПКМ нашриёти, 1981, 10-бет.

<sup>6</sup> Жўраев Ж. Ҳофиз Хоразмийнинг Иброҳим Султонга марсияси.// Sharqshunoslik. 2015. 3-4-сон. 216-226-бетлар.

<sup>7</sup> Жўраев Ж. Ўзбек адабиётидаги илк марсия.// “Шарқ юлдузи” журнали. 2015. 6-сон. 10-21-б.

<sup>8</sup> Narezmlı Hafız'in divanı, - Ankara: Turk Dil Kurumu, 1998, 78-бет.

*Иноят бирла сўз бобинда ёрий кўргузур бўлса,  
Ошургай Ҳофиз Хоразмий шеърин фарқи шуародин.<sup>1</sup>*

Девондаги олтига форсча ғазал ва 199-ўзбекча ғазалдан шоирнинг исми Раҳим ёки Абдурахим бўлганлигини англашимиз мумкин:

*Хос ўз қулига лутф этиб раҳм қилса ёр,  
Мухлис қадимий қул анга Абдурахим эрур.<sup>2</sup>*

Девоннинг Анқара нашрига қўлёзманинг факсимилеи ҳам илова қилинган бўлиб, бу, албатта, нашрнинг катта ютуқларидан бири ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, шарқ адабиётида Алишер Навоийга қадар девонларни қасидалар билан бошлаш анъана эди. Улуғ шоир ўз девонларини мумтоз шеърятнинг етакчи жанри бўлмиш ғазаллар билан бошлаб, бу соҳада янгилик яратди. Ҳофиз Хоразмий девони қўлёзмасидан маълум бўладики, шоир ўз девонини қасидалар билан бошлаган. Фақат олтинчи ва еттинчи қасидалар орасидан битта таркиббанд жой олган. Анқара нашрида ана шу аслият сақланиб қолган, яъни дастлаб қасидалар, улардан кейин эса бошқа жанрлардаги шеърлар: таркиббанд, таржеъбандлар, мухаммас, марсия, ғазаллар, қитъалар ва рубоийлар жой олган.

Хоразмлик Ҳофизнинг девонида мустахзод жанрига мансуб иккита шеър ҳам мавжуд бўлиб, Тошкент нашрида алоҳида жанр сифатида кўрсатилган<sup>3</sup>, Режеп Топарли уларни жанр сифатида фарқлаган, аммо ажратмаган, 1044-ғазалнинг таркибига киритиб юборган.<sup>4</sup>

Туркиялик олим бу китобга ёзган мухтасар сўзбошида олдинги нашрларда йўл қўйилган айрим камчиликларни кўрсатиб ўтган.<sup>5</sup> Бу камчиликлар, асосан, сўз ва ибораларнинг ўқилиши ҳамда вазн талабига кўра сўзларнинг ёзилишига оиддир.

Режеп Топарли нашрининг аҳамиятли томонларидан яна бири шундаки, ҳар бир шеърнинг остидан вазнини алоҳида кўрсатиб ўтган. Бундан ташқари, шоир ижодида қўллаган аруз вазнидаги ўнта бахрнинг ҳар бирида жами нечта шеър борлигини (13-бет) ҳам қавс ичида келтирган.<sup>6</sup> Шоир ғазаллари ҳақида ёзар экан, бу жанрдаги шеърларнинг ҳажмига диққатини қаратган ва байтлар миқдорига кўра ғазаллар сонини аниқлаган. (24-бет). Шоир ғазаллари асосан 7 ва 9 байтли бўлганлигини кўрамаиз.

Ҳофиз Хоразмий девонининг Анқара нашри шоир асарларининг ўзбек тилидаги нашрлари билан қиёслаб ўрганишни тақозо қилади. Чунки юқорида келтирилган ижобий жиҳатлари билан бирга Ҳофиз Хоразмий девонининг Анқара нашрида айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Масалан, Режеп Топарли шоирнинг қуйидаги байтини таҳлил қилар экан, хуффош (кўршапалак) сўзини “бойўғли” деб таржима қилган:

<sup>1</sup> Юқоридаги нашр, 82-бет.

<sup>2</sup> Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 1- китоб. –Тошкент: Ўз КПМК нашриёти, 1981, 121-бет.

<sup>3</sup> Юқоридаги нашр, 263-264-бетлар

<sup>4</sup> Harezmlı Hafız'ın divanı, –Ankara: Turk Dil Kurumu, 1998, 750-751-bet.

<sup>5</sup> Юқоридаги манба. 3-бет.

<sup>6</sup> Юқоридаги манба. 13-бет.

*Муддаий ҳеч кўра билмади Ҳофиз сўзини,  
Тонг эмас кўрмаса хурийд юзини хаффош.<sup>1</sup>*

“Навоий асарлари луғати” да эса хуффош “кўршапалак” деб берилган.<sup>2</sup> Юқорида мисол учун келтирилган 183-ғазалнинг матласидаги “эй” сўзи нашрда тушиб қолган бўлса, шу ғазалнинг мақтасида “ўшал” сўзи “ўшўл” шаклида ёзилган.

Жалолиддин Жўраев Ҳофиз Хоразмийнинг Иброҳим Султон вафотида бағишлаб ёзган марсиясини нашрга тайёрлашда Режеп Топарли йўл қўйган ўнга яқин камчиликларни кўрсатиб ўтган. Масалан,

*Форс мулкининг шоҳи, ул форси майдондин,  
Борди эрса, ондин ўзга подшони издаманг.<sup>3</sup>*

Ушбу байтдаги “майдондин” сўзини Режеп Топарли “майдони дин” деб ўқиган.

Ҳар қандай катта ишда хато ва камчиликларнинг учраши табиий бўлганидек, Ҳофиз Хоразмий девонининг Анқара нашри ҳам ана шундай камчиликлардан холи эмас. Лекин бу ҳол нашрнинг қимматини пасайтирмайди.

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз адабиётимиз намуналарининг чет элларда ўрганилиши, жумладан, Туркияда тўлиқ ҳолда қўлёзма факсимилеси билан нашр этилиши маънавий ва маданий меросимизга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлигидан далолат беради.

*Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,  
филология фанлари номзоди*



<sup>1</sup> Harezmlî Hafiz'in divanı, - Ankara: Türk Dil Kurumu, 1998, 10-bet.

<sup>2</sup> Навоий асарлари луғати. WWW. Ziyouz. com. kutubxonasi. 669

<sup>3</sup> Жўраев Ж. “Ҳофиз Хоразмийнинг Иброҳим Султонга марсияси” // Sharqshunoslik. 2015. 3-4-сон. 221-бет.



## ЭРТАКЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

Инсоният азалдан табиат кучларининг моҳиятини англаш, уларни ўзига бўйсундириш, рўй бераётган воқеа-ходисаларни тушунишга ҳаракат қилиб келган. Қолаверса, барча халқлар жамиятда доим адолат, бахт-саодат, тўкин-сочинлик бўлишини орзу қилганлар. Бу эзгу ниятлар, айниқса, эртақларда турлича ифодаланган. Уларда миллат одоб-ахлоқи, ишонч-эътиқоди, урф-одати, психологияси, ўзига хос тарихи ва миллий колоритининг бадиий аксини кўриш мумкини.

Эртақлар инсоният тарихий ва ҳаётий тажрибасининг натижасида вужудга келган оғзаки ижод маҳсули бўлиб, маҳоратли ва таъсирчан ижро давомида ўзининг турли товуш товланишларини намойиш этади. Эртақ ижрочиларининг бадиҳагўйлик маҳорати ва анъаналарини ўрганиш фольклоршуносликда муҳим аҳамиятга эга. Халқ оғзаки ижодида ижро маҳоратининг аҳамияти ҳақида кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Шунга қарамай, халқ эртақчиси репертуари ва эртақ ижроси анъаналарини ўрганиш борасида ҳали кўп тадқиқотлар олиб борилиши лозим.

Тадқиқотчи олим А.И.Никифоров шундай ёзади: “Византияда “мим”, арабларда “куссас”, Европада жонглёр, Туркияда қиссахон ёки маддох, арманларда “ашуг”, малайларда “тоғдаги тасалли” (penglipur-laga), Ёкутистонда “олонгхосутум”<sup>1</sup>, қозоқларда ертеқши, татарларда хикъятчи ва ўзбекларда эртақчи номини олган кишилар қадимдан эртақ ижросига жиддий муносабатда бўлишган.

Ўтмишда эртақлар асосан қиш фаслида иш-юмушлар камайган даврда, кечки пайтда салоҳиятли ва маълум иқтидорга эга ижрочилар томонидан айтилган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида эртақчига қуйидагича таъриф берилган: “Эртақчи – эртақ айтувчи, ҳикоячи. Репертуаридаги эртақлар характери ва ҳикоя қилиш услубига кўра эртақчилар бир-биридан фарқ қилади: улар ижрочи ва ижодкор эртақчиларга бўлинади. Биринчиси ўзи эшитган эртақни айнан такрорлайди. Ижодкор эртақчилар эса ўзи эшитган, ўрганган эртақларни орттирма-бўрттирма таъсир воситалари, сифат ва қиёслар билан уларга янгиликлар киритади, эртақка ижодкор сифатида ёндашиб, анъанани бузмаган ҳолда, янги мотив ва эпизодлар қўшади, ўз диди, актёрлик қобилияти билан эртақ руҳини тингловчилар савияси ва талабига мослаб ўзгартиради” (Т., 2005. 10-жилд, Б. 261).

Халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларига қараганда эртақ миллатининг миллий колоритини кўпроқ очиб беради. Эртақдаги миллий хусу-

<sup>1</sup> А.И.Никифоров. Русские народные сказки. М.-Л. 1930. С.22

сиятларни очиб берувчи асосий элемент бу – тилдир. Ўзбек халқ эртакларининг тили жонли халқ тилидир. У мақолларга, турли кочирим ва бадиий тасвир воситаларига бой. Бундан ташқари, эртакларда ўша мамлакатнинг ҳайвонот ва наботот олами ҳам ўз аксини топади. Иссиқ мамлакатлар халқларининг эртакларида йўлбарс, маймун, тимсоҳ ва фил каби ҳайвонларни, шимол халқлари эртакларида эса оқ айиқ, буғу сингари ҳайвонларни учратиш таажжубли ҳол эмас. Эртакларда миллий турмуш ашёлари, кийимлари, расм-русмларни ҳам учратамиз. Масалан, Мадагаскар эртаклари орасида қахрамонлик ва жанговар мавзудаги эртаклар деярли учрамайди, сабаби улар оролда яшовчи халқ бўлгани учун уларнинг тарихида жанглар бўлмаган.

Ҳар бир эртақда ўзи яратилган макон ва замоннинг “ҳид”и келиб туради. Эртақлар поэтикасида ҳам ҳудудлардаги ўзига хослик кўзга ташланади. Масалан, Фарғона водийси эртакларининг зачин қисми сўз ўйинига бойлиги, сўзлар ва товушларнинг тақлидга мойиллиги, жарангдорлик, мусиқийлик ва эмоционаллик каби хусусиятлари билан ажралиб турса, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида кўпинча зачин жуда қисқа жумлалардан тузилади. Эртақчилар репертуарини ҳудудий-географик нуктаи назардан ўрганишда воҳа ҳамда водийда эртақчилик анъаналари турлича бўлганини ва бу ўз навбатида қадимда эртақчилик мактаблари мавжуд бўлганини билдиради. Буни халқ ижодкорларини жонли жараёнларда кузатган фольклоршунос олим М.Муродовнинг куйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: “Ўзбекистоннинг турли жойларида эртақчиларнинг ўзига хос мактаблари бўлган. Уларда устоз-шогирд тайёрлашдан тортиб, эртақка чуқур ҳурмат билан қараш, унга эътиқодда бўлиш, эртақни ўрганиш, айтиш каби эртақ, эртақчи шахси ва эртақ айтиш санъати билан боғлиқ бир қатор масалалар ишлаб чиқилган. Бу соҳадаги ютуқлар умумлаштирилиб, камчиликлар рўй-рост очиб ташланган”. Шунингдек, Хоразм эртаклари генезисини ўрганган фольклоршунос олим Ж.Юсупов ҳам ижро усули, сюжет таркиби, мотивлар тузилишининг ўзига хослигига кўра эртақларни географик ҳудудий типларга бўлиб ўрганиш кераклигини, чунки ҳар бир эртақчилик мактаби ўзининг ижрочилик анъаналари, эпик билими ва ижтимоий-эстетик принципларга асосланганини таъкидлаб ўтган<sup>1</sup>.

Эртақчилик анъанасига мувофиқ, эртақ энг қизиқарли нуктасига келиб қолганига қарамай, тонг отган заҳоти уни айтиш тўхтатилган. Хусусан, сеҳрли-фантастик эртақлар ижрочилигида бунга қатъий амал қилинган. Сабаби, сеҳрли-фантастик эртақларда мавжуд дев, пари, шайтон сингари қоронғулик оламининг мавжудотлари ёруғлик оламига чиқиб, инсонларга, айни пайтда эртақ тингловчиларига зиён-заҳмат етказишлари мумкин, деган эътиқод туфайли шундай йўл тугилган. Бу ҳақда фольклоршунос олим Малик Муродов “Ижод дурдоналарини излаб...” номли китобида шундай ёзади: “...Маҳалламизда жуда қартайган бир эртақчи кампир бўларди. Отини Тилла буви дейишарди, эртақ айтишга жуда уста эди. Биз кўпчилик бўлиб, унинг уйига бориб, сандалда ўтириб, аллақанча вақтга қадар эртақ эшитар эдик. Момо эртақ айтаётиб дам кулар, дам хириллар, дам йиғламосирарди. Эртақдаги девлар, парилар, маккораларга муқояса

<sup>1</sup> Юсупов Ж. Хоразм эртакларининг генезиси, асосий хусусиятлари ва поэтикаси. Фил.ф.док. дисс.Т., 1999.

киларди. Тагин девлар, парилар, жодугарлар, аждарлар кириб келмасин, сизларни кўрқитмасин, зиён-заҳмат етказмасин, деб ўчокка олов ёқиб кўяр эди. Эртақда номи тилга олинган дев, аждар, парилар тутун чиқиб турмаган мўридан тушар эмиш, тутун бурксираб турса, ёвуз кучлар уйга кира олмас эмиш”.

Келтирилган иқтибосдан, эртақ ижрочилигида сеҳрли куч мавжуд деган фикр англашилади. Хусусан, қоронғулик эртақлар оламига хос сирлиликини кучайтирувчи омил ҳисобланган. Эртақнинг кечқурун айтилиши анъанасига аслида ана шу эътиқод асос бўлган дейиш мумкин. Фақат сеҳрли-фантастик эртақлар ижросига хос бу анъана бора-бора маиший-хаётий эртақлар ижрочилигида ҳам қўллана бошланган. Бу фикрни “Минг бир кеча” араб халқ эртақларининг афсонавий ижрочиси Шаҳризода номидан айтилган машҳур эртақлар силсиласи ҳам тасдиқлайди. Зеро, Шаҳризода ўз репертуаридаги ҳам сеҳрли, ҳам мажозий, ҳам маиший-хаётий эртақлар айтишни асосан кун ботгач бошлаб, тонг отгач тўхтатган.

“Шарқ халқларининг муайян турдаги қадимий эртақлари негизда ижтимоий маросим мавжуд бўлган. Бу, ўз навбатида, эртақ айтиш вақтидаги табулар ёки эртақдаги сеҳрли кучларга ишорадир. Цейлон оролидаги сингаллар ҳозирги вақтда ҳам Весак байрамида ибодатхонада Будданинг туғилиши ҳақидаги ҳикояларни тинглашади. Африкаликлар эртақдаги магик кучга қаттиқ ишонишган. Эртақ фақат тунда, уйнинг ичида эртақлардан иборат жамоага айтилган. Аёллар ташқарига чиқариб юборилган. Эртақ айтиб бўлингач, ундаги сеҳрли кучлар шарафига махсус жонлиқ – кўй ёки эчки сўйилган. Агар ушбу маросим ўтказилмаса, эртақчининг ҳамма оила аъзолари ўлади, деган эътиқодий қараш мавжуд бўлган. Европа халқлари, хусусан русларда, эртақ айтишда ҳеч қандай ижтимоий маросим анъаналари ёки магик кучлар таъсири сезилмайди. Аммо уларнинг баъзи бир турлари, айниқса мифларда, нафақат эстетик, балки ибратомуз мақсад кўзланган. Кексалар диний маросимлар пайтида дунёнинг яратилиши ҳақидаги миф ва афсоналарни сўзлаб берганлар. XVII асрда жанубий Россия черковларида динни тарғиб қилиш мақсадида кўплаб миф-эртақлардан фойдаланилган”<sup>1</sup>.

Фольклоршунос Н.Рошиянунинг таъкидлашича, эртақчилик анъаналарига кўра, профессионал ижрочи ўзидан аввалгилар яратиб кетган услубий фондан четга чиқмаслиги, миллат тилидаги ўзгармас формулалар ва стереотипли ибораларни бутунлигича олиши, уларга “адабий ишлов” бермаслиги зарур. Олим шу билан бирга, ака-ука Гриммлар халқдан йиғилган материалларга “кўйлак” кийдирган бўлсалар-да, уларнинг тили халққа жуда яқинлигини, рус фольклоршуноси Афанасьевнинг эртақлар тилига “аралашуви” унинг “об-ҳаво”сига кам таъсир қилганини қайд этиб ўтади. Уларнинг эртақ услубига “қалам уриши” дунёдаги бошқа эртақ йиғувчиларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бизнингча, эртақчилик анъаналарини ўрганиш, эртақларни йиғиш ва уларни нашр этишда адабий тилнинг таъсирини ошириб юбормаслик керак.

Профессионал эртақчиларнинг аксарият қисмини, худди дoston ижрочилари каби, эртақлар ташкил этган. Сабаби улар шаҳарма-шаҳар,

<sup>1</sup> А.И.Никифоров. Русские народные сказки. М.-Л. 1930. С. 25.

қишлоқма-қишлоқ юриб репертуарларини бойитиб борганлар ва ўзларига муносиб шогирдлар тайёрлашган. “Эртакчилар бозорларда, чойхоналарда, карвонсаройларда хуржунини кўтариб, бирор эски китобни рўмолига тугиб олиб, одамларни тўплаб, кишилар бироз бўлса ҳам гапга кулоқ солган пайтларда дарҳол ўртага тушганлар. Кишиларни гоҳ диний ҳикоялар, гоҳ ўтмиш воқеаларидан бўлган-бўлмаган сўзлар айтиб ўзларига қаратганлар” (Ғ.Жаҳонгиров, “Ўзбек болалар фольклори”, Б. 36).

Уста эртакчилар эртак бошлашдан аввал тингловчиларни ўзига ром қилиб, “созлаб” оладилар. Сўнгра эртакдаги воқеалар жонланиб, персонажлар ҳаракатга киради, маҳорат билан қўлланилган ўхшатиш, истиора, муболаға ва савол-жавоблар таъсирчан оҳанг сабаб янада кучли жозоба касб этган. Эртакчи ишлатган қофияли жумлалар, кичик шеърӣ парчалар эртакнинг таъсир кучини оширган. Зеро, эртакчи воқеликни худди ўзи кўргандай, гувоҳ бўлгандай айтсагина, тингловчини ишонтира олади. Эртакчи ижро давомида ижодкор – импровизаторга айланади. Ундаги ҳолатни бир актёр театрига қиёслаш мумкин. Тингловчиларга таъсир этишда овоз, мимика, сўз, интонация ва драматик ҳаракатлар жуда муҳим ҳисобланади.

Эртакчиликда эртак воқеаси билан оҳанг, ижрочининг ҳаракатлари ажралмас бирликни ташкил қилади<sup>1</sup>. Бир эртакчи томонидан айтилган эртак, бошқа бир эртакчи томонидан тўлдирилади ёки қисқартирилади, баъзан янги эпизодлар билан бойитилади. Эртакчи ўзи яшаб ижод этган шароит ва ўзи мансуб бўлган ижтимоий табақанинг дунёқарашини ифодалайди. “Эртакларнинг сюжет ва композициясини кенг ва қисқа бўлиши кўпроқ эртакчининг моҳирлигига ва ҳофизасига ҳам боғлиқ. Агарда эртакчи эртакни бир неча йил давомида айтиб, пишитиб келган бўлса, у эртакнинг сюжети ва композицион қурилиши пухта бўлади. Баъзи эртакларнинг композицияси бўш, чунки эртакчи ҳали у эртакни пишиқ ва тўла равишда ўрганиб, ўзлаштириб олмаган бўлади. Яхши ишланган эртакларда бутун майда-чуйда деталлар ва тасвир этилган воқеалар тўлалигича сақланган бўлади”<sup>2</sup>.

Юқоридаги иқтибосга мисол тариқасида “Сусамбил” эртагидаги жой тасвирини олишимиз мумкин. Эртакда “Сусамбил жуда ҳам кенг, бепоен бир жой экан. Ҳавоси жуда тиниқ, нариги ёқда улкан тоғ бўлиб, унинг шабадаси доим ғириллаб келиб турар экан. Ерда кўм-кўк чаман кўкатлар, бедалар яшнаб ётибди. Бир ёқда буғдой арпалар; бир ёқда қовун-тарвузлар пишиб ётибди, бир тарафда кетганча боғ. Унда узум, анжир, ўрик, шафтоли ва турли-туман мевалар пишиб, тағларига тўкилиб ётибди. Ариқлар тўла, оппоқ сутдай сувлар шарқираб оқиб ётибди” каби табиат тасвири батафсил баён этилган.

Фольклоршунос олим М.Афзалов “Ўзбек халқ эртаклари ҳақида” номли монографиясида: “Ўзбек эртакларининг тили ниҳоятда бой, содда ва ширали эканлиги билан тингловчини ўзига жалб этади. Эртакларда арабча, форсча сўзлар кам учрайди. Бунинг сабаби эртакчиларнинг кўпчилиги эртакни ўз устозларидан оғзаки йўл билан ўрганганликларидандир. Бироқ эртакчилар орасида саводдилари ҳам борки, улар оғзаки йўл билан

<sup>1</sup> Ўзбек фольклори очерклари. 2-том Т.: 1989. Б.133

<sup>2</sup> М.И.Афзалов “Ўзбек халқ эртаклари ҳақида”. Т.: 1964. Б.116

ўрганишдан ташқари, турли қисса, эртақ тўпламларини ўқиб ўрганиш асосида ўз репертуарларини бойитганлар. Шунинг учун бу типдаги эртақчилар айтган эртақларда арабча, форсча ва китобий иборалар кўпроқ учрайди”, дея таъкидлаб ўтган.

Юқоридаги фикрлардан, эртақчилик фақат эркалар орасида кенг тарқалган, аёл эртақчилар бўлмаган, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Аёллар эртақчилиги мавжудлигини рус фольклористи ва этнографи Н.Е.Ончуков таъкидлаб ўтган<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, аёллар эртақ, ёр-ёр, чистон ва бошқа айтимларнинг ижодчилари, ижрочилари бўлишган. “Улар шаҳарга иш, нон қидириб ёки узоқ жойларга ўроқчиликка кетган эрларининг уйда йўқлигини билдирмай, бир парча нон билан болаларига бўлса ёвғон гўжа, бўлмаса жийда, туршак едириб, узоқ қоронғу кечаларда, совуқ қиш кунлари танчалар, ўчоқ-гулхан четида ажойиб ва ғаройиб эртақларни айтиб овутишганлар” (Ғ.Жаҳонгиров, “Болалар эртақлари”, Т.: 1972).

Тўғри, уларнинг репертуари унчалик ҳам бой эмас, аммо ҳажман кичик эртақларни бола онгига етказишда аёллар эртақчилиги сертаъсир ва самарали бўлган. Бундай эртақчиларининг репертуарида дидактик характердаги эртақлар кўп учрайди. Оила эртақчилари болалар психологиясини яхши билганлиги учун уларга индивидуал ёндашишган. Шунинг учун ҳам улар болаларнинг ёш хусусиятлари, эртақ айтилаётган пайтдаги шароит ва эшитувчилар талабига қараб бир эртақни чўзиб – қаттароқ, ёки қамайтириб – кичикроқ қилиб айтишган. Таъкидлаш лозимки, профессионал эртақчиларнинг етишиб чиқишида айнан уйдаги аёл эртақчиларнинг ўрни бекиёс бўлган. Халқ эртақчиси Абдуғофур Шукуровнинг она томондан момоси икки кўзи ожиз бўлиб, жуда кўп эртақлар, афсона, ривоят ва халқ кўшиқларини билган. Унинг онаси Саодат Иброҳим қизи ҳам ўз даврининг уста эртақчиси бўлган. А.Шукуровнинг эътирофича, у ўзи яхши билган 50 дан ортиқ эртақни онаси ва момосидан ўрганган. Чунки бу икки аёлнинг билган эртақлари кўп бўлиб, у бу хазинанинг бир қисминигина ёдида сақлаган, холос<sup>2</sup>.

Шунингдек, яна бир профессионал эртақчи Нурали Нурматнинг онаси ғайратли, ишчан, уddaбурон хотин эди. Ҳаттоки рўзғори ичида бир чакага арзийдиган асбоблари бўлмаса ҳам, ўз меҳнати, ғайрати, уddaбуронлиги орқасидан болаларини вояга етказган. Бундан ташқари у хушчакчак, хуштабиат қувноқ бир аёл эди. Туннинг узоқ кечаларида ўз етимларини ёнига олиб, турли йўллар билан уларни овутиб, қўнғилларини очиш нияти билан ота-боболаридан эшитган ўтмиш воқеалардан ҳикоя қилиб берар, чўпчак айтиб бериб, уларни қўнғилини олар эди. Болаларнинг орасида тўнғичи зийрак зеҳнли ўғли Нурали онаси айтган ҳикоя чўпчакларни кизиқиб тинглар ва уларни ўқиб олиб чалакам-чатти бўлса ҳам ўз тенги болаларни йиғиб уларга айтиб берар эди<sup>3</sup>. Аёллар эртақчилиги анъаналарини бугунги кунда ҳам оилаларда кузатиш мумкин.

“Эртақларнинг бадиий асар даражасига етиши ва авлоддан авлодга ўтиб келишида номлари бизга номаълум бўлган юзлаб халқ эртақчила-

<sup>1</sup> Ончуков Н.Е. Северные сказки. Зап. Геогр. обш. Спб. 1908.

<sup>2</sup> Кулса – гул, йиғласа – дур. Т.: 1983. Б.298

<sup>3</sup> З.Хусаинова “Эл ардоқлаган эртақчи”. Фольклор архиви. Инв.- (қўшимча манба).



рининг хизматлари катта бўлган. Ўзбек халқ эртакчиларидан кўконлик Ҳамробеби Умарали қизи кўпроқ қахрамонлик, наманганлик Ҳасан Худойберди ўғли сеҳрли, янгикўрғонлик Ҳайдар Бойча ўғли ҳайвонлар ҳақидаги, кўконлик Нурали Нурмат ўғли маиший, марғилонлик Расулов Хусанбой сеҳрли саргузашт, қашқадарёлик Шукуров Абдуғофир мардлик ва қахрамонлик мазмунидаги эртакларни ижро этишган” (Ўзб.мил. энц., 2005, 10-жилд. Б.261). Улар репертуаридаги эртаклар халқ орасида кенг тарқалган.

Ҳар бир эртак матни унинг жонли оғзаки анъаналарда яшаган “хаёти”нинг бир қисмидир, холос. Зеро, фольклоршунос олим М.Муродов таъкидлаганидек: “Эртак ёзиб олинаётганда унинг ижроси жараёнидаги эртакчининг ҳолати, бадиҳагўйлиги, хатти-ҳаракатлари, аудиториянинг эртак ва эртакчига муносабати, эртакдаги товушлар товланиши, традицион ранглар, мусикийлик, тақлидий ҳолатлар ва бошқа бир қатор поэтик воситалар ўз-ўзидан тушиб қолиши табиийдир. Ҳар қандай фольклор асарида бўлгани каби эртакларнинг ўзига хос қирралари ва фазилатлари аксарият ҳолларда жонли анъаналарда яшашида, яъни ижрода намоён бўлади, бамисоли жилоланади. Ёзиб олинаётган ёхуд нашр этилаётган текстларда бундай хусусиятларга путур етади”. Чунки қоғозга тушган матн қанчалик зўр бўлмасин, жонли жараён эмас. Демак, унда эртакнинг ижодий ижро этилаётгандаги нафосати, жозибаси, латофати, таъсир кучи деярли йўқолиб, фақат куруқ матннинг ўзигина сақланиб қолади. Ваҳоланки, эртак ўз ижроси билангина тўлақонли санъатдир. Шундай экан, “эртакларни ўқиш билан уларнинг анатомиясини ўрганиш мумкин, бироқ эртаклар оламидаги жонли ҳаётни ўрганиб бўлмайди”<sup>1</sup>.

Кейинги йилларда мутахассис эртакчилар билан муомала қилиш имкони бўлмагани сабабли бу жанрнинг оғзаки ижроси ва матнни ўқиш ўртасидаги кескин фарқ ҳақида бирор асосли фикр билдиришга ожизмиз. Аммо оғзаки ижродаги товуш товланиши, айрим сўзларга бериладиган мантикий урғу, ижрочининг хатти-ҳаракатлари назарда тутилса, эртакнинг оғзаки ижродаги афзаллиги яққолроқ намоён бўлаверади. Оғзаки ижро айна пайтда эртакнинг оммалашувида ҳам ижобий аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир эртак ижро этилгани заҳоти тингловчилар орасидаги маълум иқтидорга эга шахс томонидан қайта ҳикоя қилиниши мумкин. Қайта ҳикоя қилаётган ижрочи эса эртакни оғзаки ижро этаётгани учун ҳар бир сўз, жумлани ўзгаришсиз такрорлаш лозимлигидан ўзини холи ҳисоблайди. Натижада, асарнинг мазмуни, ғояси, қахрамонлари тавсифи асосан сақлангани билан янги ижрочи шахсий ҳаётини кузатишларини, тажрибалар хулосасини ифодалаш имконига эга бўлади.

Кейинги йиллардаги ижтимоий тараққиёт халқ эртакчилиги анъаналарига таъсир ўтказмай қолмади. Ҳозирги кунда анъанавий эртак ижроси ва эртакчилик анъаналарининг қадимий шакллари деярли сўниб бўлди.

Бугунги эртакчилик соҳасида бир қатор муаммолар: эртакчи шахсияти, унинг ўзига хос ижрочилик санъати ҳақида кузатувларнинг камлиги; матндан ташқаридаги ҳолат, яъни эртак айтишга тайёргарлик, муҳит, аудиториянинг психологик ҳолати ва эртакчининг руҳий кайфияти каби-

<sup>1</sup> Никофоров А.Н. народная детская сказка драматического жанра // Сказочная комиссия в 1927 году. Изд. РГО. Отд.этнографии. М., 1928. С.61.

ларни етарлича ўрганмаслик; эртақ айтиш жараёнидаги турли хил анъаналар, расм-русумлар ва ирим-сиримларга амал қилмаслик; эртақчилик анъанасини давом эттирувчи устоз-шогирдлик муносабатларини йўқолиб бориши; фольклоршунослик соҳасида принципиал аҳамиятга эга бўлган профессионал эртақчиларнинг деярли йўқлиги; эртақларнинг оғзаки ижродаги товуш товланишлари билан жонли кузатиш имкониятининг йўқолганлиги кабилар юзага келган.

Филология фанлари номзоди Баҳодир Раҳмонов таъкидлаганидек, XX аср, айниқса унинг иккинчи ярмидаги ўзгаришлар анъанавий фольклорнинг жонли ижро ҳамда ижодни издан чиқариб юборди. 30-40-йиллардан бошлаб қишлоқда механизация воситалари кириб келди. Бу нарса меҳнат кўшиқларидаги ижодийлик ҳамда ижрочиликка чек қўйди. Қишлоқлар электрлаштирила бошланди. Қишлоқ турмушига кино, радио, ва кейинроқ телевидение кириб келди. Оқибатда дostonчилик, айниқса эртақ ижрочи-лиги ва ижодкорлиги бу нарсдан маълум даражада зарба еди.

Номоддий бойлик ҳисобланган эртақларимиз ҳаётимиздан ҳамиша муносиб ўрин олишини, эртақ қаҳрамонлари-ю эртақчилар мурод-максадларига етишишига умид қиламиз.

*Жамила АСҚАРОВА,  
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институтини таянч докторанти*





## **КИНЕМАТОГРАФИЯДА “ЯНГИ ТЎЛҚИН”**

XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон кинематографиясида муҳим ўзгариш содир бўлди. Италияда “неореализм” оқими вужудга келган бўлса, Францияда “янги тўлқин” бутун кино санъатида янги даврни бошлаб берди. 1950-1960 йилларда юзага келган ушбу оқим аввалги сийқаси чикқан тасвирга олиш ва фильм сюжетини тахминий ҳикоя қилиб беришдан воз кечади. Бу даврда 26-32 ёшлардаги кинорежиссёрлар кино оламига кириб келади. Уларнинг аксарияти олдин кинотанқидчи ва журналист сифатида фаолият юритган бўлиб, “Кае дю синема” журналида ўз қарашлари ва фикрларини баён қилиб келганлар.<sup>1</sup>

“Янги тўлқин” атамаси илк бор 1958 йилда журналист Франсуа Жирунинг эссесида тилга олинган бўлиб, кейинчалик бу ибора Франция кино санъатидаги янгиланишга нисбатан ишлатила бошланди. 1950 йилларда кино дунёсида шаклланган бу оқим 1970 йилларга келиб, “муаллифлик киноси назарияси”га тамал тоши кўйди.

Жаҳон кинематографиясида кескин бурилиш ясаган “янги тўлқин” оқимида ўз ижодини бошлаган ёш режиссёрлар тижорат фильмларига хос бўлган хусусиятлардан қочиб, янгиликларга интилдилар. Улар ўз фильмларида ҳеч ҳадиксирамай экспериментларга қўл урадилар ва тасвирга олиш ва монтаж соҳасида янгича усулларни кашф қиладилар.

Ушбу оқимда илк бор Клод Шаброл томонидан “Мафтункор Серж” (1958) фильми суратга олинади. Ундан кейин Франсуа Трюффонинг “Тўрт юз зарба” (1959), Жан-Люк Годарнинг “Сўнгги нафасда” (1960) фильмлари дунё кинотанқидчилари томонидан илиқ кутиб олинади. Улар нафақат танқидчилар орасида муваффақият қозонади, балки иқтисодий томондан ҳам улкан ютуққа эришади. Томошабин кино оламида вужудга келган янгича фалсафий қарашларни қизиқиш билан қабул қилади.

“Янги тўлқин” оқимида Франсуа Трюффо, Жан-Люк Годар, Клод Шаброл, Ален Рене ва Аньес Варда каби режиссёрлар самарали ижод қилиб кино санъатини яна бир босқич юқорига кўтардилар.


Ушбу оқимнинг ёркин намояндаси режиссёр Франсуа Трюффонинг “Тўрт юз зарба” фильми автобиографик асар



<sup>1</sup> А.Исмаилов. Кинотелеоператорское мастерство. -Ташкент: 2013. – С. 237.

бўлиб, унда Антуан исмли мактаб ёшидаги бола ҳақида ҳикоя қилинади. Режиссёр ўз оиласидан меҳр кўрмаган, ўқитувчилар томонидан камситилган боланинг ички кечинмаларини ифодалашга уринади. Антуан ўқитувчилари назарида фалокат бошлаб юрувчи безори бола. Аммо ҳақиқий фалокат боланинг ўз онасига ортиқчалик қилишида акс этади. Бола кўрсатган ҳар бир итоатсизлик ва ахлоқсизлик катталарнинг унга бўлган муносабатига нисбатан исёндин. Ўз ҳаётини ўйлаб яшаётган онанинг эътиборсизлиги болани руҳан шикастлайди. Она эса унинг руҳий ҳолатини тушунишга ҳаракат ҳам қилиб кўрмаган, итоатсизлигининг сабабини ўрганишга уринмаган, ўқитувчиларнинг тинимсиз жазолашлари уни исёнкорга айлантириб кўяди. Режиссёр бундай вазиятлар жамиятда кўп учраши ва одамларнинг лоқайдлиги туфайли юз беришига урғу берган. Франсуа Трюффо “Тўрт юз зарба” фильмида фарзанд тақдирига бефарқликдек мудҳиш ҳолатни усталик билан тасвирлаган.

Трюффо ушбу фильм устида иш олиб борар экан, одатдаги павильон тас-



вирларидан воз кечиб, фильм лавҳаларини реал мактаб ва шаҳар кўчаларида суратга олади. Фильмда ҳужжатли фильм операторлиги услуги билан бадий фильмдаги ёндашув қоришиб кетади. Фильм сўнггида қаҳрамоннинг тўғридан-тўғри камерага қараши ва шу вақтда кадрнинг турғун

ҳолатга келиши кино санъатида янгилик бўлиб, бу усул кейинчалик кинематографияда кенг оммалашади. 1959 йили “Тўрт юз зарба” Франциядаги халқаро Канн фестивалида “Энг яхши режиссёрлик иши” номинациясида мукофотга сазовор бўлган.

“Янги тўлқин” оқими ҳақида гап кетар экан, унинг яна бир йирик вакили, режиссёр Жан-Люк Годар ижодига тўхталиб ўтиш жоиз. У 1960 йилги “Сўнгги нафасда” фильмининг оламшумул муваффақиятидан кейин 1962 йилда “Ўз ҳаёти билан яшаш” номли фильмни суратга олади. Бу фильмнинг ўзига хослиги шундаки, у ўн икки лавҳадан ташкил топган бўлиб, ҳар бир лавҳа қаҳрамон ҳаётидаги маълум бир ҳолатни акс эттиради. Режиссёр ушбу фильмда эркин ҳаёт тушунчасига нисбатан жамиятдаги баъзи бир янгилик фикрларга ўз қарагини ифода этган. Фильм қаҳрамони Нана исмли киз бўлиб, у жамиятда озод ҳаёт кечирishга интилади. Натижада молиявий қийинчиликларга учраб, қайсидир маънода қулга айланиб қолади. У эркин яшаш учун танлаган йўл уни тубсизликка қараб етаклайди ва ҳалок этади. Жан-Люк Годар ушбу фильм орқали инсон эркинликнинг асл моҳиятини англаб етиши зарурлигини томошабинга, айниқса, ёшларга уқтирмоқчи бўлади.

Жан-Люк Годар “Ўз ҳаёти билан яшаш” фильмида “*синема верите*” эстетикасига хос ҳужжатли ва бадий фильм уйғунлигини қўллаган. Фильм воқеалари худди ташқаридан кузатиб турилгандек таассурот қолдирувчи услубда тасвирга олинган. Ундаги диалоглар реалликка асосланганлиги билан ҳужжатли фильмни ёдга солса, воқеалар талқини бадийликдан да-

лолат бериб туради. Ушбу фильм учун режиссёр Жан-Люк Годар Венеция кинофестивалида махсус совринни қўлга киритган.

“Янги тўлқин” оқида яратилган фильмлардан яна бири “Ўтган йили Мариенбадда” фильмидир. Ҳозирги кунгача баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган ушбу фильм режиссёр Ален Рене томонидан 1961 йилда суратга олинган. Фильмга инсоннинг руҳий кечинмалари асос қилиб олинган бўлиб, драматургиянинг макон ва замон бирлиги қонуниятига бўйсунмайди. Шунга қарамай, Ален Рене томонидан яратилган ушбу фильм томошабин диққатини асар давомида тутиб туради.

Ален Рененинг мазкур фильми Франция кино санъатида инқилоб ясади, дейиш мумкин. 1963 йили ёзувчи ва режиссёр Адонис Киру ўзининг “Сюрреализм ва кино” китобида бу фильмга юксак баҳо беради. Ушбу асар 1961 йилда бўлиб ўтган Венеция кино фестивалида “Олтин шер” мукофоти билан тақдирлангани ҳам унинг моҳирона ишланганидан дарак беради.

Францияда вужудга келган “янги тўлқин” нафақат бу ўлка кино санъатида, балки бутун дунё кино оламида бурилиш ясади. Ушбу оқим таъсири остида Буюк Британия, Япония, АҚШ ва бошқа мамлакатлар кинематографиясида янги давр бошланди. Киноижодкорлар ёшлар ҳаётидаги муаммоларга катта аҳамият қарата бошладилар. Инсон руҳиятини очиб бериш биринчи ўринга чиқди. Суратга олиш ва монтаж услубларида янгиланишлар юз берди. Режиссёрлар павильон ва студиялар қўйган чекловларга чап бериб, кенг натурага чиқиб кетдилар. Улар янгидан-янги тасвирий ифода воситалари ва усулларни топишда доимий изланишда бўлдилар.

“Янги тўлқин” оқими кейинчалик кино оламига кириб келган Стенли Кубрик, Френсис Форд Коппола, Мартин Скорсезе, Роман Полански, Вуди Аллен каби машҳур режиссёрларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Таниқли режиссёр Квентин Тарантинонинг айтишича, у ўз дидини айнан “янги тўлқин” оқимида оид фильмларни кўриб ўстирган. Унинг ижодий камолотида ушбу оқимнинг таъсири кучли бўлган. У ҳатто ўзи ташкил қилган кинокомпанияни Жан-Люк Годарнинг “Аутсайдерлар гуруҳи” фильми номи билан атаган.

Бугунги кун кино санъатида “муаллифлик киноси” деб юритиладиган, томошабинлар ва кино танқидчилар томонидан қадрланадиган фильмлар ҳам “янги тўлқин” оқими давомчиларидир. Чунки, айнан шу оқимда юзага келган фильмларда уни яратган муаллифнинг шахсияти, ички дунёси ўз ифодасини топади.

*Нодира ҚОСИМОВА,  
Ўзбекистон давлат санъат ва  
маданият институти ўқитувчиси*





## КИРМАНГ, ТАРБИЯНГИЗ БУЗИЛАДИ

### Ўнгача санайман

Оқшом. Париж чеккасидаги сўлим хиёбон. Тунги ёритгичларнинг нури у қадар сезилмайди. Ўриндиклардан бирида ёш жувон хаёл суриб ўтирибди. Унинг ёнига бир йигит келиб, шилқимлик билан елкасига қўлини қўяди. Жувоннинг жаҳли чиқиб, дейди:

– Менга қара, йигит, бетайин қилиқларингга тоқатим йўқ. Сен мени ким деб ўйлаяпсан, ўнгача санайман, қўлингни тортиб, фикрингни аниқ-тиниқ айтмасанг, дабдала бўлдим деявер. Бир, биру чорак, бир ярим, салкам икки...

### Директор деган номинг бор

– Вова, Вовочка,– деди онаси бошини ёстикдан кўтармай ётган ўғлининг олдига келиб.– Турақол болам, мактабингга кеч қолма яна.

– Ойижон, мактабга боргим келмаяпти,– деди Вова кўзларини ишқалаб.

– Нега энди?

– Э, сиз билмайсиз-да, ойи, ҳозир ҳамма одобсиз бўлиб кетган. Қизлар устимдан масхара қилиб кулишади, коридорга чиқишим билан, оёқ қўйиб, чалмоқчи бўлишади. Ўғил болалар рогатқадан нақд пешонамни мўлжаллаб отишади. Умуман, кун беришмайди.

– Вой ўлмасам, бунақасини ҳеч эшитмаган эдим,– ажабланди онаси. – У ярамасларнинг адабини ўзим бераман. Ҳозирча ҳафтада бир-икки бўлса ҳам, кўриниб тур, ҳар ҳолда, директор деган номинг бор...

### Чалғитиш

Икки пенсионер дарё соҳили бўйлаб сайр қилишмоқда.

– Биродар, сенга кечки пайт ич кийимда сайр қилиш ёқадими?

– Сени билмадим-у, аммо менга тўғри келмайди.

– Нега энди?

– Шир яланғоч ёшлар фикримни чалғитади. Лабимдан сигара тушиб кетгани майли, қўлимдаги вискининг тўкилганига чидамайман.

### Пивоҳона қаерда?

Хорижлик сайёҳ Россиянинг чекка қишлоғидаги музейни кўрмоқчи бўлибди.

– Муҳтарам жаноб, марҳамат қилиб, музей жойлашган кўчани айтиб берсангиз,– дебди у чорраҳада тўхтаб турган кишига мулойимлик билан.

– Музей дейсизми?

– Ҳа, шундай. Бир кўрсам девдим-да. Жуда бой дейишади.

– Музей, музей... Бу яқин-атрофда яккаю ягона, хамиша мижозлар билан тирбанд, эртароқ кирмасангиз, бўш бокал топишингиз амри маҳол бўлган пивохонамизни билсангиз керак? Музей ана ўша ердан сал нарироқда. Дарвоқе, сиз бокалдан кўра газакка эътибор беринг. Таъмини кўриб олмасангиз, чув туширишади. Пул деса ўзини томдан ташлайдиганлар кўп. Биров мушукларини пишт демайди-я. Баъзи ярамастар кечгача етадиганини аввалдан ғамлаб олишади. Биз бечораларга етмайди...

– Ўша машхур пивохонага қандай борса бўлади?

– Шуни билолмай турибман-да, биродар. Дўстларим билан бир яхши ўтиргандик, ё тавба, кўчага қандай чиқиб қолдим-а?

### Хусусий муштлашиш

Шаҳар чеккасидаги овлоқ жойда йигитлар қий-чув кўтариб муштлашишмоқда. Хорижлик сайёҳ уларга яқинлашиб сўрайди:

– Сеньорлар, билсам бўладими, бу шунчаки хусусий муштлашишми ёки бирор муносабат билан орани очик қилишми?

– Шунчаки муштлашиш, – дейди калтак зарбидан чўккалаб қолган бир йигит ҳафсаласизлик билан.

– Ундай бўлса, ижозатингиз билан мен ҳам қўшилсам. Ёшликни эслаб туриш фойдадан холи бўлмайди...

### Чивин боланинг орзуси

Дарё қирғоғида ҳарбийлар машқ қилишмоқда. Ўрта радиусда учадиган ракеталарнинг орқасидан чиқаётган оловни кўрган ёш чивиннинг завки келиб, онасидан сўрайди:

– Онажон, катта бўлсам мен ҳам шунақа тез учаманми?

– Учасан, болам. Думингга ўт қўйишса, бундан-да тез учасан.

### Шогирд ва товук

Ҳарбий қисм жангчилари ошхона овқатининг сифатсизлигидан шикоят қилиб, кўмондонликка ариза ёзишибди. Комиссия келиб, текшириш бошланибди.

– Шикоятда овқатлар гўштсиз тайёрланади, деб ёзилган. Шу тўғрими? – сўрабди комиссия раиси бош ошпаздан.

– Тўғри эмас. Мана, ҳозир ўзингиз кўрасиз...

Комиссия аъзолари қарашса, ошпаз йигит ҳар бир солдатнинг косасига яримтадан товук гўшти солиб бераётган эмиш. Ишонқирамай, “Қани, бизга ҳам бир коса овқат сузсин-чи”, дейишибди. Ошпаз овқатни сузиб, уларнинг олдига олиб келибди. Коса ичида яримта товук гўшти эмиш. “Вой ярамастар-ей, ёлғон ёзишган экан-да”, деб қайтиб кетишибди.

Комиссия аъзоларини кузатгач, бош ошпаз шогирдини чақириб сўрабди:

– Менга қара, сен бола шунча товукни қаердан топдинг?

– Қаердан ҳам топардим. Овқат масалликларини тайёрлаётган эдим, қаёқдандир бир товук учиб кеп қолди. Сўйиб, қозонга босдим. Яримтасини чўмичга боғлаб қўйдим, қолганини комиссиянинг косасига солдим, – дебди шогирд бола.

## Хавfli чайла

Англиялик лорд денгизда саёхат қилаётиб, кема ҳалокатига учрабди. Тўлқинлар уни одам оёғи етмаган ёввойи оролга чиқариб ташлабди. Лорд тушқунликка тушмай, у ерда учта чайла курибди. Орадан кўп вақт ўтгач, шу яқиндан ўтиб бораётган юк кема денгизчилари чайлаларни кўриб қолиб, лордни қутқаришибди. Аммо у бир ўзига учта чайла курганидан ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўрашибди.

– Биринчисида ўзим яшадим, иккинчиси – кечқурунлари дам оладиган клубим эди, – дебди лорд хўрсиниб.

– Учинчиси-чи?

– У ҳам клуб. Аммо уни жиним суймайди. Кирсанг асабинг ўйнаб кетади. Кап-катта одамлар шир яланғоч юришади-я. Лондонда ҳам, оролда ҳам бунақанги бемаза жойларга қадам босган эмасман, иложи бўлса, сизлар ҳам яқинлашманглар, тарбиянгиз бузилади, – жавоб берибди лорд.

## Тарбияли одам

Икки жентельмен дарё устидаги кўприкда бахт, омад, одамгарчилик, меҳр-окибат тўғрисида сўзлашиб туришган экан. Бир пайт пастдан “Дод, қутқаринглар, сузишни билмайман, бола-чақам кўп”, деган сўзлар эшитилибди.

– Сиз сузишни биласизми? – сўрабди биринчи жентельмен шеригидан.

– Биламан, нима эди?

– Мен эса мутлақо билмайман. Шундай бўлса-да, бу тўғрида бутун шаҳарга эшитадиган қилиб дод солаётганим йўқ. Тарбия кўрган одамман-да, – дебди икинчиси.

## Хижолатли иш

Ёш журналист инглиз ёзувчисидан интервью олаётган экан. Сухбат айни қизиган пайтда журналист иккала оёғини стол устига чиқарворганини ўзи ҳам сезмай қолибди. Бу ишидан хижолат бўлиб, ёзувчидан дарҳол узор сўрабди:

– Маъзур тутгайсиз, сэр, билмай қолдим...

– Ҳечқиси йўқ, сухбатимиз мароқли бўляпти, хоҳласангиз иккала кўлингизни ҳам стол устига чиқаришингиз мумкин, – дебди ёзувчи вазминлик билан.

## Иложсиз илтимос


Эрталабдан бери туз тотмаган киши ресторанга кирибди.

– Муҳтарам мижоз нима буюрадилар?

– Ҳўв анови жаноб еяётган овқатдан бўлса яхши бўларди-да.

– Бунинг сира иложи йўқ, – дебди официант. – Бу жанобни яхши биланман, буюрган таомини охиригача бир ўзи ейди.

*М. АҲМЕДОВ тайёрлади.*



## МОЗИЙНИ КЕЗГАН МУСАВВИР

Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрган киши унинг мухташам фойесини безаб турган экспозицияни яхши эслайди. Темур ва темурийлар салтанатининг бутун маҳобати тарих ва бадииятнинг тенг уйғунлигида акс эттирилган. Миллатнинг шонли ўтмишини гоҳ маҳобатли деворий суратларда, гоҳ дастгоҳли тасвирларда, гоҳ иллюстрацияларга муҳрлаб келаётган таниқли ўзбек мусаввири Алишер Алиқуловнинг бу каби асарларини мамлакатимизнинг кўплаб маданий-маърифий масканларида учратиш мумкин.

Рассом аҳлининг асосий иши, рассомликнинг санъат сифатидаги сиру асрори борлиқни, ҳаётни бадиий идрок этиш ва уни тасвирда, муайян образларда талқин этиб беришдир. Ижод аҳли учун ҳаёт шунчалар кенг ва тилсимли мавзуки, барча замон ва макон ижодкорлари, жумладан, мусаввирлар уни ўзларига хос кўз ила кўриб, ўзларига хос шаклда кашф этиб келмоқда. Қай бир мусаввир ҳаёт тилсимини табиатдан ахтарса, бошқаси жамиятдан, яна бири инсонлар қиёфасидан топса, бошқа бирлари уларнинг ички олаmidан излайдилар.

Алишер Алиқулов учун ҳаётни ифодалашнинг бош мезони – бу ўтмишдир. Миллат шонли тарихининг муҳим лавҳалари, тарихий аждодларимиз ва улар кўрсатган жасоратларни картиналарга жо қилиш, тасаввур ва тафаккурида қайта жонлантириш рассом ижодида етакчи ўрин тутлади. Албатта, мозийнинг мухташам қиёфасини ҳам гўзал, ҳам ҳаққоний тасвирлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ижодкор қалб ва тафаккурга, тажриба ва билим устунларига таяниб, мўйқаламини ишга солади.

Тарихни лаҳзаларга бўлиб, ўша муайян лаҳзаларда бадиий ҳақиқат ва ўтмиш ҳақиқатини уйғунлаштиришнинг уддасидан чиққан ижодкоргина санъаткор мақомига етишган бўлади. Алишер Алиқулов чизган асарларнинг бадиий қиймати унинг ушбу мақомга муносиб эканлигидан дарак беради. Шубҳасиз, бу юксалиш жараёни рассомнинг туғма қобилияти, узлуксиз илмий-ижодий изланишлари орқали эришган маҳорати ва кўп йиллик машаққатли меҳнатининг маҳсулидир.

Ўзбекистон санъат арбоби, бугунги кун ўзбек рангтасвирининг фаол намояндаларидан бири Алишер Алиқулов 1966 йилнинг 20 ноябрида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1987 йилда Республика Бадиий билим юрти, 1995 йилда Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида маҳобатли рангтасвир йўналишини тамомлаган.

Рассомнинг “Буюк империянинг таназзули” мавзусида яратган диплом иши қай бир маънода унинг келгуси ижод йўлини белгилаб берган, дейиш мумкин. Чунки, унинг бугунги кунга қадар яратган ишларида мозий янгича шаклда акс этади. Тарихий ва баталь жанри Алиқуловнинг кейинги ижодий фаолиятида етакчи жанрга айланди.

Маълумки, тарихий жанр тасвирий санъатнинг мураккаб жанрларидан ҳисобланади. Тарихнинг муайян парчасини шунчаки акс эттириш билан уни



санъат даражасига етказиш мушкул. Бунинг учун нафақат табиатнинг етти хил ранги сирини англаш, тарих ҳақидаги улкан ва объектив билимга эга бўлиш, тафаккур теранлиги, тасаввур кенглиги зарур. Қолаверса, тарихий, баталь жанрлари рассомдан тасвирий санъатнинг барча шакллари: манзара, портрет, дизайн, миниатюра, графика ва бошқа йўналишларини бирдек ўзлаштиришни талаб этади. Бирон тарихий воқеликни тасвирлаш учун оммавий сахна, ҳолат, ҳаракат, қиёфа, характер, ғоя ва умумий рух бериш жуда мураккаб жараёндир. Алишер Алиқулов рангтасвирнинг классик анъаналарига ва реалистик услубга содиқ қолган ҳолда айна шу жанрда ўз ижодий қиёфасини топди, десак муболаға бўлмайди.

Унинг асарларида кишига рух берувчи шиддат, тарихий қахрамонларнинг куч-ғайрати, миллий қадриятларнинг рангин жилваси уфуриб туради. “Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси”, “Довон”, “Совға”, “Сахро ҳукмдори”, “Финиш”, “Улок”, “Элчилар қабули”, “Икки дунё”, “Сардоба”, “Муножотни тинглаш”, “Машшоқлар”, “Безакчи”, “Меҳмон” сингари қатор картиналарида миллат ўтмиши ва анъаналари жуда таъсирчан ва ҳаракатга бой лавҳаларда тақдим этилади.

Биргина “Империянинг емирилиши” картинасига диққат қилсак, бир қарашда умумий кўринган манзара қаърида ниҳоятда шиддаткор драматизм ётганини кўриш мумкин. Унда тасвирланишича, сон-саноксиз жангчилар тўдаси бир-бири билан қирғинбарот жанг олиб бормоқда. Камон, найза, қилич, ойболта ўқталган ҳар бир жангчининг қиёфасида чексиз шиддат ва дарғазаблик акс этган, ҳаракатлари ниҳоятда жонли ва асосийси, уларнинг ҳеч бирининг қиёфаси, ҳаракатлари, позицияси бир-бирини такрорламайди. Тасвирдаги манзарадан бир фикрни, яъни, ўз-ўзини қираётган оломон буюк бир салтанатнинг емирилиши эканини уқиб олиш қийин эмас. Бироқ, тасвирорти фикрни шундай табиий ва тушунарли, айна пайтда эмоционал ҳолда тасвирлаш осонлик билан эришиладиган натижа эмас. Алишер



Алиқуловнинг бу борадаги маҳорати эса кўп йиллик изчил меҳнатнинг самарасидир.

Ҳар бир рассомнинг ижодий услубидан дарак берувчи одатий деталлар, безаклар, шакллар бўлади. Алишер Алиқулов асарларида ёвқур отлар тасвири шундай ўзига хос детал саналади. Унинг отлар образидан кенг фойдаланишининг боиси, у танлаган жанр билан бевосита боғлиқ. Айниқса, баталистик асарларини отлар образи иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Олис ва яқин ўтмиш. Тарихий шахслар. Миллийликнинг амалдаги шакллари... Албатта бундай кенг ва кўламдор мавзуларни тасвирлаш ҳар доим ҳам дастгоҳга сивавермайди. Одатда улар полотноларга, маҳобатли деворий паннолардан жой олади. Алишер Алиқулов ижодининг катта қисмини шу каби маҳобатли рангтасвир намуналари бўлган деворий полотнолар ташкил этади. Хусусан, унинг Амир Темур ва темурийлар сулоласи фаолияти билан боғлиқ аксарият асарлари деворий сурат шаклида ишланган. Ўзбекистон давлат тарих музейининг “Темурийлар даври” экспозиция бўлими учун яратган деворий асари бу йўналишдаги эътиборга молик ишларидан бири бўлиб, унда Амир Темур образи суворий қиёфасида композициянинг марказида тасвирланган. Экспозициядаги ҳар бир детал ёрқин рангларда ифодалангани умумий композициянинг томошабин томонидан яққолроқ тушунилишига имкон беради. Мазкур асар, ўзбек маҳобатли рангтасвирида Амир Темур сиймосига бағишланган илк йирик деворий асар сифатида эътироф этилади.

Бундан ташқари, рассомнинг ўнлаб монументал ва деворий асарлари маҳобатли рангтасвир санъатининг баҳодири – Баҳодир Жалоловнинг муносиб издоши эканидан далолат беради. “Алпомиш” спорт саройидаги “Жаннат боғи”, “Шоҳона ов”, Олимпиа шон-шухрати музейидаги “Қадимги Бактрия спорт ўйинлари”, Тошкент шаҳар ҳокимияти фойесини безаб турган “Буюк аждодлар”, Ўзбекистон давлат тарихи музейидаги “Халқ кўзғолони”, Ўзбекистон Республикаси Қурулли кучлари вазирлиги биносидаги “Ватан учун”, Тошкент ҳайвонот боғидаги “Сув ости дунёси” асарлар туркуми, Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри фойесидаги “Дунё халқлари эртаклари” номли кўплаб монументал ва тасвирий суратлари шулар жумласидан.

Алишер Алиқулов 1997 йилдан буён Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси. У ана шундай жиддий изланишлар билан бирга кўп йиллардан бери Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида педагогик фаолияти билан шуғулланиб келади. Юртимиз ва хорижий мамлакатларда кўплаб шахсий кўргазмалар ўтказган, асарлари билан халқаро миқёсдаги нуфузли кўргазмаларда доимий иштирок этиб келмоқда.

Унинг асарларига муҳрланиб бораётган тарих шу миллат вакили бўлган ҳар бир кишини ўзлиги, миллий кадриятлари, аждодларининг шонли кечмиши билан танишишга ва юртпарварлик ҳиссини бир қур ҳис этишга ундайди. Халқчиллиги, долзарблиги ўтмишни бугунга ва бугунни келажакка нафосат иплари билан боғлайди.

*Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА*

## **ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ**

**БАЛЛАДА** – XIV–XV асрларда француз адабиётидан муҳим ўрин олган лирик жанр. Атаманинг келиб чиқиши французча балладе – “сўнгги”, лотинча – “рақс тушаман” сўзларига асосланади. Баллада жанр сифатида адабиёт ва мусиқа соҳасида қўлланилади. Инглиз халқ поэзиясида эса лиро-эпик ва романтизм айни шундай жанрга тўғри келади. Бёрнс, Бюргер, Гёте каби улуғ шоирлар ижодида баллада кўп учрайди. Романтик баллада фантастика, фольклор, афсонавий-тарихий, маиший мавзудаги сюжетга эга шеърый асардир. XX асрга келиб, баллада адабиётда қатъий жанр сифатида қимматини йўқотди. Ўзбек замонавий адабиётда Мақсуд Шайхзода “Сулҳ дарахти”, Шухрат “Мардлик афсонаси”, Ҳамид Олимжон “Жангчи Турсун” каби балладаларини яратган. Мусиқа санъатида XII–XIV асрларда трубадур ва труверлар ижодининг асосий жанри сифатида кенг ривож топган. Мусиқий романтизм услубида сюжетли, муайян мавзули камер вокал мусиқа жанрига нисбатан айтилади. Бу жанр Шуберт, Шуман, Лист, Брамс, Вольф, Григ каби австрия немис мумтоз композиторлари асарларида ўз ифодасини топган. Ўзбек мусиқасида Дони Зокиров, И.Ақбаров, Д.Сайдаминов, М.Бурхонов ижодида мусиқий балладалар алоҳида ўрин тутади.

**БАЛАЛАЙКА** – уч торли, ҳамма торлари бирдек чертиб чалинадиган рус мусиқа асбоби. XVIII аср бошида пайдо бўлиб, рус халқи орасида кенг тарқалган. XIX асрда рус балалайкачиси В.Андреев соз усталари Ф.Пасербский ва Н.Налимовлар билан балалайкани қайта ишлаб, унинг Балалайка-прима, балалайка-секунда, Балалайка-альт каби катта-кичик турларини ишлаб чиққан. Мазкур созлар гуруҳи асосида рус халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил этилган. Бу соз ўзига хос оҳанги билан ажралиб туради.

**БАРБИЗОН МАКТАБИ** – тасвирий санъатга хос тушунча бўлиб, француз реалистик манзара жанри ривожига муҳим ўрин тутган рассомлар гуруҳи тушунилади. XIX асрнинг 30-60 йилларида Париж яқинидаги Барбизон қишлоғида бир гуруҳ рассомлар ижод қилишган. Барбизон мактабида ижодга нисбатан демократик ҳаракатлар кучайган. Бу ижодий мактаб миллий реалистик санъатнинг шаклланиши ҳамда академизм ва романтизмнинг инқирози даврида пайдо бўлди. Барбизон мактаби вакиллари манзара жанрида тугалланган асар яратишга ҳаракат қилдилар. Асарларида Франция табиати ва инсон уйғунлигини кўтаринки руҳда талқин этишга ўтишди. Руссо, Дюпре, Диаз, Добинилар мазкур мактабнинг дастлабки йирик намояндалари сифатида шухрат қозонган. Бу мактаб кейинчалик Европа ва бошқа китъалар санъатига ҳам кучли таъсир

ўтказди. Ўзбек рассомларидан Рашид Темуров, Михаил Аринин ижодида шу мактаб анъаналарини кузатиш мумкин.

**БИБИСОРА БЕЙШЕНАЛИЕВА** – Биринчи қирғиз балеринаси. 1926 йилда Қирғизистоннинг Чуй вилоятида таваллуд топган, 1973 йилда вафот этган. 1936 йилдан қизғиз болалар труппаси таркибида Ленинград хореография билим юртига келиб, етук рус балеринаси А.Вагановой кўлида 1941 йилга қадар таҳсил олган. 1941 йилдан А.Молдибоев номидаги қирғиз опера ва балет катта театрида солист сифатида фаолиятини бошлаган. 1949 йилдан Бишкек хореография билим юртида мураббийлик қилган. Ижоди билан тезда шуҳрат қозониб, турли ҳукумат вазифаларида меҳнат қилган. У “Раймонда” (А.Глазунов) балетида Раймонда, “Эсмеральда” (Ц.Пуни) да Эсмеральда, “Ромео ва Жульетта” (С.Прокофьев) балетида Жульетта, “Корсар” (А.Адан)да Медора, “Олатоғда баҳор” (В.Власов)да Сайра, “Катта вальс” (И.Штраус)да Фанни, “Дон Кихот” (Л.Минкус)да Китри, “Уйқудаги малика” (П.Чайковский)да Аврора, “Боғчасарой фонтани” (Б.Асафев)да Мария ва Зарема, “Оққуш кўли” (П.Чайковский) да Одетта-Одиллия каби асосий партияларни ижро этиб, қизғиз халқининг балет юлдузига айланган. Хизматлари учун ўз даврида иттифок халқ артисти унвонига сазовор бўлган. Балерина Бейшеналиева ва атоқли адиб Чингиз Айтматов орасидаги гўзал муҳаббат тарихи ижод аҳлига яхши маълум. Бу муҳаббат тарихи қирғиз драматурги Жаниш Қулмамбетовнинг “Чингиз ва Бибисора” пьесасига асос бўлган. Машҳур балерина ҳақида бир қатор бадиий фильмлар суратга олинган.

**БЕСУЯК ЎЙИНИ** – Анъанавий ўзбек цирки томошалари туркумига кирувчи, одам танасининг ақл бовар қилмас даражада эгилувчанлигига асосланган ўйин тури. Бесуяк томошаларни кўрсатувчи ижрочилар номига ҳам шундай лақаб қўшиб айтилган. Андижон циркининг илк қалдирғочларидан машҳур Аҳмаджон бесуяк номи бунинг бир мисолидир. Бугунги замонавий циркда пластик этюдлар кўрсатувчи муаллақчи, зангбоз, бесуяклар умумий ном билан акробат деб аталади.

**БЕЛЬЭТАЖ** – (bel – чиройли, etage – қават) одатда театр томоша зали, концерт саройларида амфитеатр билан партер устига қуриладиган, ўриндиқлар қўйилган айлана пешайвон. Саройларнинг махсус иккинчи ҳашаматли ошёни. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри театри залида махсус бельэтаж бунинг ёрқин мисолидир.

**БИЕННАЛЕ** – (лотинча bis-иккита, annus-йил) ҳар икки йилда бир марта ўтказилаган фестивал, кўргазма, конкурс каби нуфузли ижодий тадбир шундай аталади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, йирик халқаро кўргазмалар биеналле шаклида ўтказилиб, асосий намоиш марказига айлана борган. Бора-бора бундай маданий маросимлар аниқ муддат оралиғида ўтказилиб, анъана тусини олади. Ўтказилиш муддатига кўра ҳар уч йилда ташкил этиладиган нуфузли санъат тадбирлари эса триеннале деб аталади.

**“БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ”** – улуғ маърифатпарвар шоир, публицист, муаллим, ўзбек профессионал театри ва драматургиясининг йирик намояндаси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг энг машҳур пьесаси. Асар 1918 йилда ёзилган бўлиб, тўрт пардадан иборат. Драма ўтган аср бошида ўзбек халқи турмушидаги синфий зиддиятларнинг фожеий оқибати, инсон кадр-қиммати масаласи юксак бадиият билан очиб берилган. Бош қаҳрамон Ғофур ва Бой ўртасидаги қарама-қаршилик шунчаки шахсий адоват эмас, ижтимоий тенгсизликни ифодалайдиган инқилобий руҳдаги асар сифатида ўз даврида долзарблик касб этган бўлса, бадиий қиймати, умумбашарийлик хусусияти билан ҳозирда ҳам баҳосини йўқотган эмас. Ҳамзанинг ушбу драмаси илк бор “Турон” театр студиясида 1919 йилда Маннон Уйғур томонидан саҳналаштирилган. Асарнинг асл нусхаси сақланмаган бўлиб, сақланиб қолган суфлёр варианты асосида Комил Яшин томонидан тикланган. Мазкур нусха ва Ҳамзанинг асл варианты ўртасида ғоявий, бадиий, услубий тафовутлар мавжудлиги устида баҳслар давом этиб келади. Бу асар Ҳамзанинг ўзбек театри тарихида энг кўп саҳналаштирилган пьесалари сирасига киради. “Бой ила хизматчи” 1953 йилда Латиф Файзиев ва Александр Гинзбурглар томонидан экранлаштирилган. Фильмда бош қаҳрамон Ғофур образини Шукур Бурхонов, Жамилани Сора Эшонтўраева, Солиҳбойни Обид Жалиловлар ижро этишган.

**БУЛАТ ОКУДЖАВА УЙ-МУЗЕЙИ** – атоқли грузин шоири ва адиби Булат Шалвович Окуджава хотирасига атаб, 1998 йилда дўстлари томонидан халқ музейи шаклида ташкил этилган. Орадан бир йил ўтиб, музейга давлат мақоми берилган. Уй-музей Москва шаҳри яқинидаги Переделкино шаҳарчаси Довженко кўчасида жойлашган бўлиб, Окуджава 1987 йилдан то умрининг сўнгигига қадар – ўн йил давомида шу уйда истиқомат қилган ва “Тугатилган театр” автобиографик романи, қатор шеър ва ҳикояларини ёзган. Маълумотларга кўра, уй шоир яшаган даврдаги ҳолатича сақланиб қолган. Ҳозирда уй-музей ижодхона ва меҳмонхона қисмларидан иборат ва уларда шоир ҳаёти ва ижод билан боғлиқ фотолар, бадиий картиналар, ҳовли кутубхонаси ва бошқа буюмлар сақланади.

*Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА  
тайёрлади*



## РЕЗЮМЕ

---

●● Роман известного русского писателя Михаила Достоевского “Братья Карамазовы” по праву считается одним из самых глубоких опытов в мировой литературе. В нём затронуты важные философские, этические и моральные вопросы, что до сих пор порождает различные споры и обсуждения. Отныне данное произведение доступно и узбекскому читателю на родном языке.

●● Немецкий писатель еврейского происхождения Лион Фейхтвангер свидетель и очевидец Первой и Второй мировых войн, навлекших множество бед и страданий на человечество, нанесших невосполнимый урон духовным ценностям. Тема идеологии агрессора отображена в ряде произведениях автора. «Сюжет рассказа о физиологе докторе Б.» строится на отношениях Ученого и Диктатора, конфликте-компромиссе науки и политики.

●● Публикация романа Чингиза Айтматова «И дольше века длится день...» (впервые он вышел под названием «Буранный полустанок») произвела фурор среди читающей публики. А как отнеслась правящая власть к данному произведению? Смог ли автор противостоять “недремлющим” литературным цензорам в период строжайшего идеологического надзора? Ответы на эти и многие другие вопросы, связанные с изданием романа выдающегося киргизского писателя, читайте в статье литературоведа Георгия Гачева “Размышления о повести белого облака”.

●● На основу рассказов популярного писателя Хуршида Дустмухаммада “Wo Ai Ni” и “Наслаждение на побережье” легли отношения восточного человека со стремительно преобразующимся миром. Герои – наши соотечественники, проживающие за рубежом. Они пытаются найти свое место среди представителей различных рас, наций и религий. Описывая их жизнь на чужбине, думы и переживания, автор показывает национальную самобытность узбекского человека.

●● Творчеству знаменитого немецкого поэта Генриха Гейне свойственны блеск словесной игры и пафос высокого лиризма. Его по праву называют певцом любви и красоты. Представляем цикл стихотворений поэта в переводе народного писателя Узбекистана Мухаммада Али.





# RESUME



●● Great Russian writer Mikhail Dostoevsky is an author whose works are most popular all around the world. His novel “Brothers Karamazovs” which considered the best work by Dostoevsky has being a subject of discussions and interpretations for many years. This novel was translated into Uzbek by well-known translator Ibrohim Gafurov. The novel will be published in full starting from this issue.

●● European writer Lion Feuchtwanger who himself suffered from tragedies of World War II creatively analyzes an inhuman aggressive essence of nazism ideology by fate of his personages in his most popular works. He continues this subject in his story named “Discovery by Doctor B.”.

●● What kind of social-political processes took place when Chingiz Aytmatov wrote his novel “The Day Made Old a Century”? What was an attitude of political regime to this work? Could the writer stand against literary censors in the period of ideological persecutions? What did readers think about the novel when it was published? Russian literary critic Georgiy Gachev wrote about it in his article “Reflections about White Cloud Story”.

●● Writer Khurshid Dustmuhammad describes an opinions, thoughts and views of men of East to events of modern world in his stories “Wo Ai Ni” and “Delight in a Coast”. Personages of these two stories are our compatriots who live in foreign countries with different nations, races and religions. Author describes the national character of Uzbeks by a description of life, thoughts and feelings of these personages.

●● Some poems by well-known German poet Heinrich Heine in which author glorifies romantic love with high emotions translated by People’s Writer of Uzbekistan Muhammad Ali are published in this issue.

---

# Жаҳон АДАБИЙОТИ

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: А.ФАЙЗУЛЛАЕВ  
Техник муҳаррир: О.СОБИР ўғли  
Мусахҳих: Ш.НИЁЗМЕТОВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда  
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

**Таҳририят манзили:**

100011, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий  
боғ ҳудудида жойлашган Адиллар хиёбони.  
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 28.09.2018 й. Бичими 70x108<sup>1/16</sup>. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 2050 нусха. 285 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

**Босмаҳона манзили:**

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2018 й.